ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ
АКАДЕМИЯСИ

ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ

2023/1 (99)



9
Жамики вазифалар бошқарув органи раҳбарларини ўқитишда билимли ва тажрибали бўлишга ундайди.

113
Рейтинг маълум бир объект ёки ҳодисанинг долзарблиги ёки аҳамиятини акс эттирувчи рақамли ёки тартибли кўрсаткичдир.

184
“Электрон ҳукумат” аниқ мақсад ва АКТ стратегиясига асосланиб, қонунчилик ёки тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий мезонда фаолият юритишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси

ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ

Общество и управление / Society and Administration

2023
1 (99)

1997 йилдан нашр этилади

Тошкент – 2023

ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ

Бош муҳаррир:
Бекмуродов А.Ш.

Таҳрир ҳайъати:
Азизов Х.Т.
Умаров А.Ю.
Сатторов С.А.
Хамроходжаев Н.Я.
Хусанов О.Т.
Бекмуродов М.Б.
Раҳимова Д.Н.
Жалилов А.Т.
Юлдашев А.Э.
Хамидулин М.Б.
Хайитов Х.С.
Асадов Ш.Ғ.
Холов А.Ҳ.

Таҳририят:
Масъул муҳаррир:
Боймуродова Ш.Ш.

Муҳаррирлар:
Кабулова Д.Б.
Абдуллаева Г.Л.
Раҳимов Д.Ғ. (инг.)

Мусаҳҳиҳ:
Шорихсиева А.Ғ.

Бадиий муҳаррир:
Бобожонов Б.С.

Таҳририят манзили:
100066, Тошкент,
Ислом Каримов кўчаси, 45.
e-mail: jurnal95@dba.uz
ISSN 2181-7340

Журнал Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2013 йил 10 апрелда 0201-сон билан рўйхатга олинган.

Мақолалардаги маълумотлар тўғрилиги учун муаллиф жавобгар.

Бичими 60x84 $^1/_8$.
Нашр босма табоғи 13,25.
Адади 70 нусха.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси босмахонаси.
Гувоҳнома № 10-3723. 21.06.2016 й.

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

Журнал Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан ижтимоий-иқтисодий фанлар йўналиши бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижалари асосида ёзиладиган илмий мақолаларни нашр этишга тавсия этилган оммавий ахборот воситалари жумласига киритилган.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонни имзолади. Бунда, энг аввало, вазирлик ва идоралар сони камайтирилди.



МУНДАРИЖА

Ректор минбари

4 Адҳам Бекмуродов. **Давлат бошқаруви: тараққиёт формуласидаги маъмурий ислоҳотлар занжири**

Сиёсий-маданий қарашлар назарияси

10 Қаҳрамон Қуранбоев, Музаффар Акрамов. **Кинематографиянинг жамият сиёсий тизимидаги ўрни: назарий ёндашувлар таҳлили**

17 Ёркиной ЭРНАЗАРОВА. **Давлат хизмати самарадорлиги ва ходимлар касбий маданияти ўсишининг ўзига хос жиҳатлари**

Қонунчилик таҳлили

26 Алишер Умаров. **Нуқтаи назар: инсон қадри устувор бўлган эрк шаҳодатномаси**

32 Отабек Хасанов. **Янги Ўзбекистонда ўзгаришлар фалсафаси**

39 Қудрат Садуллаев. **Янги таҳрирдаги меҳнат кодекси: ходимни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқлар тенглиги масаласи**

46 Дилмуроджон Раҳимов. **The analysis of state bodies (institutes) participating in the staffing personnel for the state civil service**

53 Хайрулла Кучкаров. **Суд-ҳуқуқ бошқарувидаги жиноят процессида томонлар тенглигини таъминлаш муаммолари**

Маҳорат ва менежмент стратегияси

59 Азиза Умарова. **Актуальность и механизмы моделей сотрудничества в достижении целей на государственном уровне: Delivery Unit и CitiStat**

65 Актам Холов, Эльёр Ғаниев. **Давлат бошқаруви кадрлари захирасини шакллантиришдаги тизим: замонавий ёндашув**

72 Алишер Маматов. **Кадрлар салоҳиятини узлуксиз оширишда сунъий интеллект технологияларининг ўрни**

80 Аброр Қиличев. **Амир Темур давлатида бошқарув институтларининг роли**

Давлат бошқарувида маҳаллий методология

87 Бердах Дауменов. **Проблемы межуровневого взаимодействия местных органов государственной власти в Республике Узбекистан**

95 Ҳикматилла Тўхташев. **Бошқарув органларининг қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятининг назарий-ҳуқуқий таҳлили**

Социологик таҳлил ва муаммолар шарҳи

103 Машъал Саидов. **Бошқарув самарадорлигини ошириш масалалари: электр энергетикаси соҳаси**

111 Руслан Бозоров. **Глобал рақобатбардошлик индекси: мамлакатнинг самарали иштирокини таъминлаш зарурати**

119 Меҳринисо Пардаева, Махлиё Юсупова. **Инсон ресурсларини бошқариш – давлат сиёсати даражасида**

Бошқарувда замонавий тенденция сари

123 Жавоҳира Хайдарова. **Раҳбар кадрлар компетенцияларини "ҳаёт давомида таълим олиш" тамойили асосида ривожлантириш**

128 Сарвар Саламов. **Самарали давлат бошқаруви учун божхона сервис хизматларини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари**

135 Умиджон Пардаев. **Бошқарув тамойиллари: иқтисодиётда ҳудудлар ўртасидаги тенгсизлик масалалари**

"Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"

142 Анвар Юлдашев, Аброр Ибрагимов. **Педагогические аспекты управленческой деятельности руководителя**

149 Мансур Юнусов, Маъруфжон Жумаев. **Давлат бошқаруви ислоҳоти таълимоти: жадидчиларнинг муштарак мақсадлари таҳлилида**

154 Хуршид Эшов, Ҳуррият Эшова. **Ёшларни турли таҳдидлардан ҳимоя қилишда давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини кучайтириш**

Давлат сиёсати ва инновацион бошқарув

162 Бахромжон Илҳомжонов. **Хорижий мамлакатларда ёшларга оид давлат сиёсатининг конституциявий-ҳуқуқий асослари**

167 Музаффар Джалалов, Дария Абдалимова. **Ўзбекистонда рақамлаштириш тизимининг ҳуқуқий тартиби ва бошқарув самарадорлиги**

173 Акмал Абдуллаев. **Қадимги шарқ давлат бошқарувида социал стратификация ва этатик тузилмаларга доир концепциялар**

181 Азимжон Махмудов. **Давлат бошқарувига "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш самарадорлиги**

187 Азамат Адизов. **Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарлик учун шахсни жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш – давлат ва жамият бошқарувининг долзарб вазифаси**

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ: ТАРАҚҚИЁТ ФОРМУЛАСИДАГИ МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЗАНЖИРИ





Адҳам БЕКМУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Аннотация: *мақолада давлат бошқарувидаги ривожланиш босқичлари ҳамда ислоҳотлар кетма-кетлиги ёритилган. Давлат органларининг соҳага оид бўлмаган вазифаларини қисқартириш ва фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича уларнинг тузилмасида амалга оширилган ўзгаришлар баён этилди. Шунингдек, маъмурий сиёсатнинг моҳияти ўрганилиб, таҳлил қилинди.*

Калит сўзлар: *маъмурий, сиёсат, бошқарув, устувор йўналиш, давлат хизматлари, ҳаракатлар дастури, ҳудудий ривожланиш, ижро этувчи ҳокимият.*

Государственное управление: цепь административных реформ в формуле развития

Адхам Бекмуродов,
Ректор Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан, доктор экономических наук, профессор

Аннотация: *в статье описаны этапы развития государственного управления и последовательность реформ. Изложены изменения, внесенные в структуру государственных органов с целью сокращения неотраслевых задач и широкого внедрения цифровых технологий в их деятельность. Также была изучена и проанализирована сущность административной политики.*

Ключевые слова: *административный, политика, управление, приоритетное направление, государственные услуги, программа действий, территориальное развитие, исполнительная власть.*

Public administration: the goal of administrative reforms in the development formula

Adham Bekmurodov,
Rector of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan, DSc (in Economics), Professor

Abstract: *the article describes the stages of development of public administration and the sequence of reforms. The changes made in the structure of state bodies in order to reduce non-sectoral tasks and wide introduction of digital technologies in their activities were analyzed. Also, the essence of administrative policy was studied and analyzed.*

Keywords: *administrative, policy, management, priority, public services, action program, regional development, executive power.*

Ўзбекистон бир неча минг йиллик миллий ва тарихий анъаналарга бой бўлган буюк мамлакатдир. Асрларки, юртимиз жаҳон илму фани, маданияту санъати ва дину сиёсати ривожига беқиёс ҳисса қўшган юксак давлатлар қаторида бўлиб келган. Бу улкан давлат тарихида азалдан азму шижоатли, жасоратли, ватанпарвар, озодлик йўлида фидойилик кўрсатган бетакрор сиймолар етишиб чиққан. Зеро, ушбу замин машҳур алломалару не-не фозилларга, марду жасурларга бешик бўлган, маданият ва маърифат карвонлари ўчоғи бўлган.

1991 йилда Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида тарих силсиласида қайта гавдаланди, жаҳон ичра қад ростлади ва мустақил тараққиёт томон олға интилмоқда. Шу вақтдан бошлаб давлатимиз байроғи жаҳон ареналарида ҳилпираб, юрт фарзандлари қадам-бақадам сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда юқори марраларни эгаллаб келмоқда.

2017 йилда Ўзбекистонда жамиятни ислоҳ қилишнинг тамомила янги босқичи бошланди. Бугун Ўзбекистон Марказий Осиёнинг энг динамик ривожланиш босқичига ўтган, инсон ресурслари ва турли табиий бойликларига эга бўлган, иқтисодиёт тармоқлари – жумладан, саноат ва қишлоқ хўжалиги ҳар жиҳатдан тараққий этаётган давлатдир.

Тарихан қисқа даврда жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида жадал ислоҳотлар олиб борилди ва давом этмоқда. Мамлакатни модернизация қилиш, фаол демократик янгиланишларни амалга ошириш билан боғлиқ қатор янгиланишлар юз берди. Хусусан, ***Ҳаракатлар стратегияси*** ҳамда ***Тараққиёт стратегияси*** бўйича йўл харитаси, "ҳукумат соати" институти, "Электрон ҳукумат" тизими ва "Рақамли идора" лойиҳаси идоралараро интеграциялашув платформаси, "ijro.gov.uz" ижро интизоми портали ҳамда виртуал қабулхонанинг янги дастурий тизимлари илм-фан ва инновацияларда кўплаб камчиликларни бартараф этди. Бу жаҳон ҳамжамиятининг ҳам эътирофига сазовор бўлди. Глобал инновация индекси (Global Innovation Index) ҳисоботи натижасига кўра, республика рейтинги 29 позицияга яхшиланди ва 131 та давлат орасида 93-ўринни эгаллади. Тараққиёт формуласидаги ислоҳотлар "*Давлат – инсон учун*" тамойили асосида ҳудудий масалаларни ҳал қилишда раҳбар кадрларнинг масъулияти ва жавобгарлигини кучайтиришга қаратилди. Унда инсон ресурсларини бошқаришда замонавий стандартларни қўллаш каби **еттита устувор йўналиш** ҳамда **100 та мақсад** орқали навбатдаги беш йиллик бўйича ривожланиш босқичидаги асосий вазифалар белгилаб берилди. Шу зайлда сўнгги йиллардаги янги ислоҳотлардан бири – *кадрлар тизими* ўзгарди.

> Давлатимиз раҳбари ўтган йил якунида Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида республикани ривожлантиришнинг асосий йўналишларига алоҳида эътибор қаратиб, келгуси йил учун "*ихчам ва самарали давлат бошқаруви тизимига ўтиш*"*ни* таклиф қилди ва мақсад-вазифаларни белгилаб берди. "**Очиқ айтиш керак – ҳозирги кунда давлат аппаратида такрорланиш кўп, кераксиз штатлар бор. Марказлашув юқори. Оқибатда бугунги мураккаб масалаларга тўғри ечим топиш учун ортиқча вақт, куч ва ресурс сарфланмоқда**", – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.
>
> Хусусан, янги босқичдаги давлат бошқаруви тизимига ўтиш, маъмурий аппаратни янгилаш *энг муҳим ислоҳот* бўлди.

Муҳим лавозимларга бир қатор ёш кадрлар кириб келаётгани, https://vacancy.argos.uz/ сайтида эълон қилинган вакансиялар бўйича ишга қабул қилиш тартиби жорий қилингани қувонарли, албатта. Бу билан давлатнинг муҳим лавозимлари учун ушбу электрон тарзда ўтказилаётан танловлар ҳамда келажак учун шаклланаётган кадрлар захираси йўлга қўйилди. Бугун хорижда ва Ўзбекистонда тажриба орттирган кадрлар ана шу захираларни тўлдирмоқда. Айтиш керакки, яқин ўтмиш глобал муаммолар билан бирга муваффақиятли ислоҳотларнинг ҳам гувоҳи бўлди. Бундай ислоҳотлар жамики соҳаларда амалга оширилди, қисқа саҳифаларда буларнинг барчасини жамлашнинг имкони бўлмайди. Шу боис жамият ҳаёти ва давлат бошқаруви соҳасининг ислоҳ қилинишига оид фикрларни ёритишга ҳаракат қилинади.

Асосий энг катта ислоҳот давлат бошқаруви тизимида МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАРнинг бошланиши, яъни маъмурий аппаратни ихчамлаштириш ва иш жараёнларини мақбуллаштиришдир. Давлатимиз раҳбари ўтган йил якунида Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида республикани ривожлантиришнинг асосий йўналишларига алоҳида эътибор қаратиб, келгуси йил учун "*ихчам ва самарали давлат бошқаруви тизимига ўтиш*"*ни* таклиф қилди ва мақсад-вазифаларни белгилаб берди. "**Очиқ айтиш керак – ҳозирги кунда давлат аппаратида такрорланиш кўп, кераксиз штатлар бор. Марказлашув юқори. Оқибатда бугунги мураккаб масалаларга тўғри ечим топиш учун ортиқча вақт, куч ва ресурс сарфланмоқда**", – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев. Хусусан, янги босқичдаги давлат бошқаруви тизимига ўтиш, маъмурий аппаратни янгилаш *энг муҳим ислоҳот* бўлди. Бу жараён Президентнинг 2022 йил 21 декабрдаги "Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–269-сонли Фармони қабул қилингани билан тезлашиб кетди. Фармонга мувофиқ, 2023 йил 1 январдан бошлаб, Вазирлар Маҳкамаси аъзоси бўлган ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг Вазирлар Маҳкамасининг таркибий тузилмаларидан мустақил равишда Бош вазир билан тўғридан-тўғри ишлаш тизими жорий этилди.

2023 йилдаги энг катта қадамлардан бири – бу вазирликлар ислоҳ қилинди. Боиси, тизимда камчилик ва муаммолар бор эди. Масалан, бошқарув идоралари ҳамкорлиги етарли даражада эмаслиги оқибатида ортиқча фурсат, меҳнат ва ресурс сарфланаётганди. Жойларда муҳим аҳамиятга молик бўлмаган кўплаб йиғилишлар ўтказиш ҳамда қоғозбозлик амалиёти сақланиб қолаётгани, давлат бошқарувининг мақсадли индикаторларга эришишга қаратилмай қолгани ҳам **"қўл бошқаруви"дан натижадорликка ўтиш** ягона ечим сифатида асосланишига сабаб бўлди. Қайд этилганидек, маъмурий ислоҳотларнинг дастлабки босқичида вазирлик идоралари сони 28 тага қисқартирилди. Асосийси, *очиқлик ва натижадорлик* муҳим мезон сифатида белгилаб қўйилди. Очиқлик коррупцияга қарши курашишда энг катта кучга айланмоқда. Очиқликнинг кейинги босқичи бўйича янги ҳужжат ҳам тайёрланиш жараёнида. Мамлакатда янги ҳукуматни шакллантириш тартибини янги таҳрирдаги Конституцияда белгилаш кўзда тутилган. Унга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси янгидан сайланган Олий Мажлис олдида ваколатларини зиммасидан соқит қилади. Яъни ҳукумат таркиби янги Олий Мажлис шаклланганида янгиланади. Шу сабабли мазкур тайинловларда ҳукумат таркибини янгилаш мақсади қўйилмаган, аксинча, мақбуллаштириш натижасида янги ташкил этилган давлат бошқаруви органлари раҳбарлигига янгидан тайинловлар амалга оширилди. Айни пайтда маъмурий ислоҳот ҳукумат таркибини янгилашни англатмаса-да, амалда вазирларнинг қарийб учдан бир қисми янги ёки тайинланганига бир йил ҳам тўлмаганлигига эътибор қаратишимиз лозим. Шундай экан, ҳукумат таркиби эскича қолди, дейиш масалага камида нопрофессионал ёндашув бўлганини кўрсатади. Мазкур ислоҳот доирасида ҳукумат иш услуби ҳам тубдан ўзгаради. Ҳар бир вазирлик тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга оширишга масъул бўлиб, тармоқ таркибидаги қўмита, агентлик ва инспекцияларга раҳбарлик қилади.

Президентимизнинг 2022 йил 21 декабрдаги **"Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги** қарори ҳам маъмурий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси сифатида қабул қилинган муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлди. Мазкур қарор билан Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида амалга ошириладиган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланиб, унда бир қатор муҳим аҳамиятга эга бўлган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар белгиланди.

Муҳими, ўз соҳасининг чуқур билимдони, фидойи ва ишидан халқ рози бўлаётган вазирлар лавозимида қолдирилди. Давлат хизматчилари сони босқичма-босқич 30-35 фоизга қисқаради. Иқтисод қилинадиган маблағлар ижтимоий масалаларга йўналтирилиши кўзда тутилди.

Мазкур ислоҳотлар **жаҳон хориж тажрибаси**да яққол кўринади. Хусусан, энг ривожланган мамлакатлардан бири **Япония**да 1998 йилги вазирлик ва бошқармаларни ислоҳ қилиш бўйича парламент томонидан қабул қилинган қонун Бош вазирнинг мақомини

кучайтириш билан бирга вазирликлар сонини 22 тадан 12 тага қисқартириб берган. Японияда давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. **Корея**да "электрон ҳукумат" тизими ва давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштирилди. **Венгрия**да 2022 йилги ҳукуматида 9 та вазирлик фаолият олиб бормоқда. **Франция**нинг 2021 йилги ҳукумати таркиби 15 та вазирликдан иборат бўлди. Қолаверса, вазирликлар сони **АҚШ**да 15 та, **Сингапур**да 16 та, **Германия**да 14 та, **Туркия**да 17 та ва бошқа давлатларда ҳам саноқли рақамларни ташкил қилиб, улар глобал рақобатбардошлик ҳамда ҳуқуқ устувор бўлган барқарор ривожланиш мақсадлари индекси асосида қурилган. Бу давлатларда бошқарув сифати индикаторлари ҳукумат самарадорлиги ва тартибга солиш сифати билан белгиланади.

Давлат органларининг соҳага оид бўлмаган вазифаларини қисқартириш ва фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали уларнинг тузилмаси ўртача **15 фоиз**га мақбуллаштирилди, шунингдек, **26 та давлат органлари ва ташкилотлари**да **40 та раҳбар** ўринбосарлари лавозимлари қисқартирилди. Давлат органлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш ҳисобидан бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тизимини яхшилаш мақсадида **30 га яқин турдаги лицензия ва рухсатномалар** бекор қилинди, **70 дан зиёд давлат хизматлари** соддалаштирилди, давлат ташкилотлари томонидан **60 дан ортиқ ҳужжатлар**ни талаб қилиш бекор қилинди. Айтиш мумкинки**,** давлат бошқаруви ихчамлик, қарорлар қабул қилиниш жараёнини соддалаштириш, раҳбарларнинг масъулиятини ошириш ҳамда давлат органлари бошлиқларини натижадорликка йўналтиришга хизмат қилиши борасида муҳим қадамлар ташланди. Демакки, давлат бошқаруви тизимидаги раҳбар ходимлар катта масъулият билан халққа хизмат қилади. Зотан, Президентимизнинг **"Улуғ аждодларимиз айтганидек, раҳбар халққа юк бўлмаслиги, аксинча, халқнинг юкини елкасига олиши керак. Агар қайсики раҳбар, даврнинг бу ўткир талабини тушунмаса, уларни энди халқимиз ҳам, ҳаётнинг ўзи ҳам қабул қилмайди"** деган алоҳида таъкиди жуда ҳам ўринлидир.

Маъмурий ислоҳотларнинг биринчи босқичида вазирликлар ислоҳ қилинишидан ташқари, ҳукумат иш услуби тубдан ўзгартирилиши ва ҳар бир вазирнинг сиёсий мақоми оширилиши кўзда тутилди. Меъёрий ҳужжат доирасида масъулияти ва жавобгарлиги ошган раҳбар кадрларга аҳоли муаммоларини ҳал қилиш учун етарли ваколат ва маблағлар ажратилиши белгиланди. Ушбу босқичда ижро ҳокимияти органлари таркибий-иерархик жиҳатдан қуйидагича тузилди: вазирликка бўйсунувчи **қўмиталар, агентликлар, инспекциялар ва ҳудудий бошқармалар.** Бу идораларда бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони **56 573 нафар** этиб белгиланди. Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасида амалдаги **269 та штат**дан **120 та**си қолди. Бунда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар бўйича котибиятлар, департаментлар ва улар ҳузуридаги бўлимлар, шунингдек, Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси, Ҳарбийлаштирилган тузилмалар фаолиятини молиявий ва моддий-техник таъминлаш бўлими, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш масалалари бўлимидан иборат Вазирлар Маҳкамаси аппарати тугатилди. Унинг ўрнига Ҳукумат раҳбари фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-техник, ахборот-таҳлилий ва протокол жиҳатдан таъминлайдиган Бош вазир котибияти ташкил қилинди. Ушбу ижро ҳокимияти органларида ҳукумат қарорлари ва бошқа долзарб масалалар коллегиал тарзда қабул қилиниши белгиланди. Вазирлар конституциявий мақомидан фойдаланган ҳолда Бош вазир билан тўғридан-тўғри ишлайдиган тизим жорий этилмоқда. Яъни Ҳукумат қарорлари лойиҳалари, мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар вазирлар иштирокида муҳокама қилиниб, коллегиал ҳал этилади. Вазирларнинг сиёсий мақоми, ваколатлари, Президент, парламент ва жамоатчилик олдидаги сиёсий масъулияти ҳамда жавобгарлиги кескин оширилди. Уларнинг соҳага ажратиладиган маблағларни ишлатишдаги мустақиллиги ҳам белгиланмоқда.

Белгиландики,

- жорий йил бошидан ҳар бир давлат органи йил давомида эришиши зарур бўлган мақсадли кўрсаткичлар;

- давлат органи раҳбари ҳар йил бошида ўзининг ўринбосарлари кесимида кўрсаткичларга эришиш бўйича **ҳаракатлар дастури**ни ишлаб чиқади ва уни жамоатчиликка эълон қилади;

- ҳаракатлар дастурига асосан давлат органининг ҳудудий бўлинмалари кўрсаткичларга эришиш бўйича **ҳудудий ривожланиш дастури**ни ишлаб чиқади ва худди шундай таркибда жамоатчиликка эълон қилади;

- давлат органи ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари йил якунида ҳаракатлар ва ҳудудий ривожланиш дастурлари асосида кўрсаткичларга эришиш бўйича **ҳисобот беради ва очиқ эълон қилади**.

Шунингдек, маъмурий ислоҳотларнинг бош мақсадларидан ҳар бир бошқарув аппаратига вазифа ва функциялар чегараси ҳамда жавобгарлик соҳаси кўрсатиб берилди. Мисол учун, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги озиқ-овқат хавфсизлиги фаолиятини мувофиқлаштиради, вазир соғлом озиқланишни таъминлаш, вазир ўринбосари, вилоят бошқармаси, туман (шаҳар) бўлими аҳоли ўртасида касалликларни олдини олишда аҳолини витамин ва фойдали озуқа билан таъминлаш, уларнинг соғлом овқатланиш қоидаларига риоя этишини назорат қилиши лозим.

Эндиликда фармон ва қарор билан республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти ва иш тизимини такомиллаштириш бўйича яна бир қатор янгиликлар жорий этилмоқда. Асосан, давлат бошқаруви аппаратини сақлаш харажатларини қисқартириш мақсадида вазирликларда масофавий “онлайн қабул”, “виртуал ташриф” каби замонавий технологияларга асосланган иш услублари кенгайтирилиши бошланди. Бошқарув идораларнинг функциялари қайта кўриб чиқилиб, бир-бирини такрорлайдиганлари қисқартирилди. Бунда хусусий секторга ўтказилаётган давлат функциялари камида 3 баробарга кўпайтириляпти. Ва давлат бошқарувида очиқликни таъминлаш, рақамли бошқарув моделига ўтиш мақсадида вазирликларнинг буйруқ ва қарорларини “E-qaror” электрон тизими орқали қабул қилиш ва эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг маъмурий ислоҳотлари негизида давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлик мезонлари ва иш кўрсаткичлари “Энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари” (KPI – “Key performance indicators”) тизимида ҳудудлар кесимида назорат қилинади. Ҳудудлардаги бошқарув тизими, яъни туман ва шаҳар ҳокимлиги лавозимига республика идораларида юқори лавозимларда ишлаган, билимли ва тажрибали кадрлар қўйилади. Давлат лавозимларига кадрлар эса фақат танлов асосида ишга қабул қилинади, ҳар бир бошқарувчи, хусусан, ҳоким маълум миқдорда хусусий инвестицияларни олиб кириши керак бўлади. Бу борада **500 нафар** мутахассисни энг нуфузли хорижий олийгоҳ ва марказларда ўқитиш жорий этилади. Юртбошимизнинг йилнинг илк ташрифи сифатида Сингапур давлати тажрибасини ўрганиш ҳамда алоқа ўрнатиш ташаббуси ҳам бежиз эмас, албатта. Бу мамлакат 2021 йилда Жаҳон банкининг давлат бошқаруви самарадорлиги индекси (Government Effectiveness Index)да ҳам 1-ўринни эгаллади. Сингапур ҳар жиҳатдан намуна бўла оладиган давлат, унинг бой тажрибасини ўрганиш ва Янги Ўзбекистонда қўллаш олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларга мос келади. “**Ақлли миллат**” ташаббуси доирасида давлат даражасида рақамли трансформациянинг драйвери бўлишга қодир кадрларни тайёрлаш масаласи марказий аҳамиятга эга. Шу мақсадда Сингапурда давлат хизматчилари ва рақамлаштириш соҳасида кадрларни тайёрлаш жараёни тизимли равишда ташкил қилинган. Давлат ташрифи давомида Сингапур билан яқин истиқболда ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди. Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Сингапур Миллий университети тизимидаги Ли Куан Ю Давлат сиёсати (Осиё прагматизми ва Ғарб таълимининг энг илғор йўналишларини ўзида уйғунлаштирган энг юқори нуфузга эга бўлган) мактаби, шунингдек, Сингапур Давлат хизмати коллежи билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмоқда. Дастлабки келишувга кўра, **2023 йил** мобайнида **200 нафар**га яқин **давлат хизматчилари** Сингапурда давлат бошқаруви, давлат сиёсати, давлат хизмати, инсон ресурсларини бошқариш ҳамда халқаро алоқалар ва глобал муаммолар йўналишларида **малака ошириши ва стажировкадан ўтиши** кўзда тутилмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси негизида Сингапурнинг етакчи экспертларини жалб қилган ҳолда давлат хизматчиларини

интенсив қайта тайёрлаш дастури ҳамда қўшма таълим маркази ишга туширилади.

Зотан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” деб номланган асарида таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган инқилобий ислоҳотлар “...бутун давлат бошқарув тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга – “Янги шахс”, “Янги фуқаролик жамияти”, “Янги демократик бошқарув тизими”га олиб чиқишни талаб қилади. Бу қатъий талаб, ўз навбатида, тизимли конституциявий ислоҳотлар ўтказишни кун тартибига долзарб вазифа сифатида қўймоқда. Аввало, юқорида келтирилган босқичма-босқичли саъй-ҳаракатлар муваффақиятли ислоҳотларда тўғри тадриж қилиниши керак бўлган ишларнинг тўғри занжири бўлади. Ҳатто оддий ишларда тўғри кетма-кетлик бўлмаса, бу амалиёт охирига етмаслиги мумкин. Биз бу ерда мамлакат ислоҳидек улкан жараён ҳақида бироз тўхталдик. Муҳими, яхши натижа берган ислоҳотлар иқтисодий самарага омил бўлувчи илмий асосланган иқтисодий қонуниятларни, тамойилларни ишлаб чиқишга ёрдам берди. Жамики вазифалар, таъкидлар ҳамда даъватлар ҳар биримизнинг масъулиятимизни оширишга, айниқса, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизга хизмат қилаётган бошқарув органи раҳбарларини ўқитишда билимли ва тажрибали бўлишга ундайди. Шу боис меҳнаткаш ва доно ўзбек элининг турмуш тарзини тубдан яхшилаш, яшаш шароитларини қулайлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонун устуворлиги ҳамда ижтимоий адолатни кўрсатиб бориш, инновацион тараққиёт сари муҳим қадамларни қўйиш барчамиз учун ҳар куннинг талаби бўлиб қолмоқда.

> “**Ақлли миллат**” ташаббуси доирасида давлат даражасида рақамли трансформациянинг драйвери бўлишга қодир кадрларни тайёрлаш масаласи марказий аҳамиятга эга. Шу мақсадда Сингапурда давлат хизматчилари ва рақамлаштириш соҳасида кадрларни тайёрлаш жараёни тизимли равишда ташкил қилинган. Ташриф давомида Сингапур билан яқин истиқболда ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. president.uz
2. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги 788-сонли Қонуни. Lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 декабрдаги “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф–4760-сонли Фармойиши.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь.

КИНЕМАТОГРАФИЯНИНГ ЖАМИЯТ СИЁСИЙ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ: НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ТАҲЛИЛИ



Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор



Музаффар АКРАМОВ,
Ёшлар муаммоларини ўрганиш
ва истиқболли кадрлар тайёрлаш
институти мустақил изланувчиси

Аннотация: *ушбу мақолада кинематографиянинг сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаси назарий жиҳатдан ўрганилган. Унда хорижий ҳамда маҳаллий олимларнинг сиёсий қарашлари, тадқиқот натижалари, оммавий коммуникация воситаларининг жамият ҳаётида тутган ўрни, ғоявий таъсири, жамоатчилик фикрини ривожлантиришдаги аҳамияти таҳлил қилинган. Шунингдек, коммуникацион жараёнларни жадаллаштиришга хизмат қилиши бўйича фикр ва хулосалар келтирилган.*

Калит сўзлар: *кинематография, ижтимоий ва сиёсий ҳаёт, ёшлар сиёсати, мафкура, миллий ва хорижий фильмлар, кинолокация, маданият, тарбия.*

Место кинематографии в политической системе общества: анализ теоретических подходов

Кахрамон Куранбаев,
доктор политических наук, профессор,
Музаффар Акрамов,
самостоятельный соискатель Института изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров

Аннотация: *в данной статье теоретически исследуется политическая, экономическая и культурная взаимосвязь кинематографии. Анализируются политические взгляды зарубежных и отечественных ученых, результаты исследований, роль средств массовой коммуникации в жизни общества, их идеологическое влияние, значение в формировании общественного мнения. Также представлены мнение и выводы авторов о том, что кинематография – это сфера, воздействующая на общество изнутри, что она служит изменению отношения людей к политической системе, ускорению коммуникативных процессов.*

Ключевые слова: *кинематография, общественно-политическая жизнь, молодежная политика, идеология, отечественные и зарубежные фильмы, кинолокация, культура, образование.*

The place of cinematography in society's political system: analysis of theoretical approaches

Kahramon Kuranboev,
DSc (in Political Sciences), Professor,
Muzaffar Akramov,
Independent researcher of the the Institute for Research of the Youth Problems and Training Perspective Personnel

Abstract: *this article theoretically studies the political, economic and cultural relationship of cinematography. It analyzes the political views of foreign and local scientists, research results, the role of mass communication tools in the life of society, their ideological influence, and their importance in the development of public opinion. Also, opinions and conclusions are presented on the acceleration of communication processes.*

Keywords: *cinematography, social and political life, youth policy, ideology, national and foreign films, film location, culture, education.*

Бугунги кунда жаҳондаги барча воқеа-ҳодисалар молиявий ва иқтисодий оқибатига кўра баҳоланиб келмоқда. Жумладан, ижтимоий соҳалар, маданият, сиёсат ва иқтисодиётнинг ўзаро алоқасини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади. Сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг омма ҳаётига таъсирини ўрганиш, айниқса, зарурат ҳисобланади.

Бу борада, аввало, сиёсий тизим тушунчасига тўхталиб ўтиш жоиз. АҚШ олими Т.Парсонснинг қайд этишича [13], жамиятда ниҳоятда мураккаб бошқарувдан иборат нисбатан автоном (иқтисодий, сиёсий ва маънавий) тизимлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг алоҳида вазифасига эгадир. Т.Парсонснинг назарияси ҳақида ёзар экан, ўзбек олими М.Қирғизбоев [7] сиёсий тизимни бихевиорал ёндашув асосида тизимли ва тизимли-мақсадли таҳлил этиш усулларининг ривожланиши натижасида сиёсатшунослик фанида сиёсий тизимлар назариясини ўрганиш одатга айланганини таъкидлайди. Т.Парсонс олиб борган қатор тадқиқотлар натижасида ҳар қандай тизимнинг яшаши ва сақланишини таъминловчи тўртта асосий қоида сифатида адаптация, мақсадга эришиш, интеграция ҳамда моделни қўллаб-қувватлаш қайд этилади.

Бундан ташқари, Д.Истон сиёсий тизимнинг иккита асосий функциясини ажратиб кўрсатган бўлиб, биринчидан, сиёсий тизим жамиятдаги қадриятларни тақсимлай олиш ҳолатида бўлиши лозим; иккинчидан эса у ўз фуқароларини бу тақсимлашни муқаррар равишда қабул қилиши учун ишонтира олиш қобилиятига эга бўлиши лозим [10]. Бундан келиб чиқадики, жамиятда қарор топган сиёсий маданият тарихий ривожланиш жараёнида сиёсий тизимда етакчи мавқени эгаллаган ижтимоий, шу жумладан синфий манфаатларга мослашиб боради.



Сиёсий маданиятда сиёсий фаолият жараёнида юзага келувчи, сиёсий ҳукмронлик ва сиёсий иштирок этиш жараёнини ўзаро боғловчи ҳамда маълум манфаатларга хизмат қилувчи сиёсий онг намуналари, шакллари ва қадриятлари ўз аксини топади. Улар сиёсий тизим, ижтимоий гуруҳ ёки индивид учун сиёсий эркинликни ифодалаш ва руёбга чиқаришнинг типик усуллари ҳисобланади [4]. Бугунги кунда сиёсий онг намуналари ҳамда қадриятлари оммавий коммуникация орқали шакллантирилмоқда экан, айни замонда мамлакатимизда миллий коммуникацион тизимни янада мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси масалаларига эътиборни кучайтириб бориш талаб қилинади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги сўзлари давлатимизнинг бу борадаги қатъий позициясини кўрсатиб беради: “Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди” [1].

Маълумки, инсоннинг кўнгил очиши, бирор-бир ғоянинг ортидан эргашишида оммавий ахборот воситалари ҳамда телевидениядек кучли қурол йўқ.

Оммавий коммуникация воситаларининг юксак таъсир доираси ҳақида сўз юритганда россиялик олим Ю.Н. Солодухиннинг қуйидаги фикрини келтириш жоиздир: “матбуот қарашларни вужудга келтиришда ҳам, уларни тарқатишда ҳам бевосита иштирок этади, яъни у жамоатчилик фикрини ифодаламайди, балки уни вужудга келтиради” [5]. Демак, матбуот одамларнинг олам ҳақидаги инсон тасаввурларини акс эттирмайди, балки бу тасаввурларни, яъни инсон одамларнинг дунёқарашини ҳам шакллантиради.

Немис файласуфи ҳамда социологи Хоркхаймернинг таъкидлашича [6], маданий саноат бу шахсни атомлаштириш ва оммавийлаштириш усулидир.

Немис олими томонидан эътироф этилган мазкур жараённи амалга ошириш воситаси

айни кунларда ахборий-коммуникацион технологиялар бўлиб, улар замонавий жамиятда ҳар бир воқеанинг режалаштирувчи ҳамда амалга оширувчиси ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам оммавий коммуникациянинг инсонларга таъсири масаласи жиддий ёндашувни талаб этади.

Тадқиқотчи Меркузнинг қайд этишича, медиа оламидаги маҳсулотлар, уларнинг манипулятив мазмуни, аввало, инсонга, у орқали жамиятга, ҳаттоки давлатнинг суверенлигига таъсир кўрсатиши мумкин.

Танқидий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, оммавий ахборот воситаларининг тўртинчи ҳокимият сифатида эътироф этилиши унинг омма онгига таъсири туфайлидир. Жумладан, коммуникация воситаларининг ижтимоий соҳани мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлашда кучли қурол вазифасини ўташи, айниқса, сайловолди кампанияларида намоён бўлиб, ҳукуматнинг олиб бораётган сиёсатига нисбатан жамиятда хайрихоҳлик уйғотади.

Фикримизча, кинематография жамиятга ичдан таъсир қилувчи соҳа бўлиб, у зиддиятли вазиятларни ҳал этишга, инсонларнинг бирор ҳолатга муносабатини ўзгартиришда, уларни “қолип”дан чиқишига ёрдам беришда, коммуникацион жараёнларни жадаллаштиришда, салбий ҳиссиётларни ижобийга ўзгартиришда муҳим омил ҳисобланади.

Шунингдек, кино фақатгина оддий томоша санъати бўлиб қолмай, бир вақтнинг ўзида кўплаб мамлакатлар (кинолокация) ҳамда компаниялар учун реклама пештахтаси, сиёсатдонлар учун медиа макон ҳамдир. Кимда ахборот кўп бўлса, техник имкониятлар кучлироқ бўлса, унинг медиа майдони ҳам кенг ва кучли ҳисобланади.

Маълумки, бугунги кунда инглиз тилидаги ахборотлар жами ахборот майдонининг қарийб 98 фоизини қамраб олган. Демак, жамоатчилик фикрини шакллантиришда йирик монополия шаклланиб улгурди ва Ғарбга хос бўлган “қадриятлар” айни дамда бутун дунё аҳолиси учун нормал қабул қилинадиган турмуш тарзининг бир кўриниши сифатида юзага чиқмоқда. Юқорида келтирилган вазият нафақат оммавий ахборот воситалари, видеомаҳсулотлар, балки кино соҳаси учун ҳам хосдир.

Маълумки, бугунги кунда инглиз тилидаги ахборотлар жами ахборот майдонининг қарийб 98 фоизини қамраб олган. Демак, жамоатчилик фикрини шакллантиришда йирик монополия шаклланиб улгурди ва Ғарбга хос бўлган “қадриятлар” айни дамда бутун жамият аҳолиси учун нормал қабул қилинадиган турмуш тарзининг бир кўриниши сифатида юзага чиқмоқда. Юқорида келтирилган вазият нафақат оммавий ахборот воситалари, видеомаҳсулотлар, балки кино соҳаси учун ҳам хосдир.

Бугунги кунда жаҳонда китоб, кино ва видеомаҳсулотларни ишлаб чиқаришда АҚШ ва унинг Европадаги иттифоқчиларининг улуши 80-90 фоизни ташкил этади. Ғарб мамлакатлари ер куррасидаги барча кичик мамлакатлар фуқароларининг ички ҳаёти, хулқ-атвор нормалари, турмуш тарзи ва дунёқарашини айни шу воситалар ёрдамида шакллантиради ҳамда йўналтиради, тегишли равишда, жаҳон системаси ва жаҳон геосиёсий тузилмасини бошқаришни ўз қўлларида ушлаб турибди [8].

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, аҳолидан сиёсий танлов ва оммавий сиёсий иштирок талаб этилмайдиган нисбатан “тинч” даврда ижтимоий-сиёсий ахборотга омманинг қизиқиши анча камаяди. Бизнинг фикримизча, шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда ОАВга фуқароларнинг ишончсизлиги ортиб бормоқда ҳамда вақтли матбуотда, шунингдек, телеканалларда ҳам воқеа-ҳодисаларни ёритишда таҳлилий йўналишидаги дастурлар кун сайин камаймоқда. Бунинг натижасида айрим фуқароларда ижтимоий-сиёсий ҳаётга нисбатан қизиқиш йўқолиб, кундалик ҳаёт майда масалалар билан кифояланмоқда.

Демак, сиёсий ахборотга бўлган қизиқиш камайиб, ижтимоий масалалар кун тартибидан жой олган. Кундалик майда муаммолар эса айнан кинематография орқали яққол кўрсатилади ва аксарият аҳоли вакиллари томонидан қаршиликсиз қабул қилинади.

Аввалига зарарсиз кўринган мазкур ҳолат кун келиб мамлакат аҳолисининг нафақат ижтимоий, балки сиёсий онгини ҳам бошқариш қуролига айланиш эҳтимоли юқори. Ва бундай вазиятларда давлатлар ўзининг геосиёсий, геоиқтисодий ҳамда геостратегик манфаатини амалга ошириш ва хавфсизлигини таъминлаш учун нафақат мудофаа

тизимини мустаҳкамлаши, балки фуқароларининг дунёқараши, онгини ёт таъсирлардан ҳимоя қилиши зарур бўлади. Виртуаллашган XXI асрда дунё ягона ахборот майдонига айланган экан (муаллиф таърифи: бу айниқса 2020 йил COVID–19 пандемияси шароитида ҳамда 2022 йилда бошланиб ҳануз давом этаётган Россия-Украина воқеалари жараёнларида аниқ намоён бўлди), мазкур майдонда "жон сақлаб қолиш учун" ҳам жамоатчилик фикрини ўзгалар шакллантирмаслигига ҳаракат қилиш жоиз бўлади.

Мазкур масалада ижобий натижага эришиш йўлида кинематография алоҳида аҳамиятга эгадир. Кино борлиқнинг кўзгуси ҳисобланиб, жаҳонда бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисаларни акс эттириш орқали томошабинни маълум бир халқнинг ижтимоий ҳаёти, урф-одати ҳамда анъаналари билан, ўша халқ яшаётган сиёсий тузум билан яқиндан таништиради [2].

Шу сабабдан ҳам ҳар бир мамлакат сиёсий қарашлари ва позициясининг яққол кўзгуси сифатида кинематографияни эътироф этиши мумкин. Зеро, йигирманчи асрнинг ўрталарига келиб, сиёсий-ижтимоий жараён ҳамда ўзгаришлар инъикоси ўлароқ айниқса кинематография соҳасида сиёсий зиддиятлар юзага кела бошлади.

Россиялик тадқиқотчи олим О.Давидованинг қайд этишича [3], кино сиёсий тарғибот қуроли сифатида АҚШда ҳам, СССРда ҳам кенг қўлланилган. Совуқ урушнинг илк давридаёқ ҳар икки мамлакат гўёки душманининг образини ўзича ишлаб чиқиш орқали, рақибларнинг ғоявий қирраларини ажратиб кўрсатган ҳолда, фильм суратга олаётган тарафнинг ижобий хислатларига алоҳида урғу берган.

Мазкур жараёнда иштирок этган бадиий фильмлар яхши таниш бўлиб, Ғарбда суратга олинган Стэнли Кубрикнинг "Доктор Стрейнджлав, ёхуд қандай қилиб мен ташвишланишдан тўхташни ва Атом бомбасини севишни ўргандим" ("Dr. Strangelove or: How I Learned to Stop Worrying and Love the Bomb", Буюк Британия, АҚШ, 1963 йил), Дон Сигелнинг "Тана ўғриларининг босқини" ("Invasion of the Body Snatchers", АҚШ, 1955 йил) ҳамда совет фильмларидан Григорий Александровнинг "Эльбадаги учрашув" ("Встреча на Эльбе", СССР, 1949 йил), Михаил Калатозовнинг "Маҳкумлар фитнаси" ("Заговор обреченных", СССР, 1950 йил) фильмларини эслашнинг ўзи кифоя.

Мазкур фильмларни ўз даврида миллионлаб инсонлар томоша қилган бўлиб, улар онгига самарали таъсир қилиш натижасида, нафақат оддий аҳолининг мазкур мамлакатларга нисбатан муайян муносабати шаклланишида, балки икки қутбга ажралган давлатларнинг ташқи сиёсатини ишлаб чиқишда ва уни амалга оширишда ҳам муҳим ўрин эгаллаган.

Бир сўз билан айтганда, инқилоб пайтидаги Россия тоталитаризми даври кино саноати ёки дектократиянинг тарғиботи ҳисобланган АҚШдаги Капра фильмларини оладиган бўлсак, ҳар икки ҳолатда ҳам кино аниқ мақсадларга хизмат қилган.

Шу сабабдан ҳам бугунги замон дунё сиёсий майдонида кино асарларининг, жумладан, бадиий фильмлар, сериаллар ҳамда мультфильмларнинг ғоявий аҳамияти ҳақида бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, назарий қарашлар ва ёндашувлар илгари сурилмоқда.

Жумладан, Rubén Dittusнинг [9] қайд этишича, "...фильмлар орқали ҳар бир ижодкор замонавий дунёни ёки халқнинг тарихини акс эттириб, хотира ва унутиш, борлик ва йўқлик, реаллик ва саргузашт орасида боғлиқлик пайдо қилади". Айнан шу сабабдан ҳам томошабин фантазия, тўқималар, хаёлот ва борлиқни тасаввур қилиш каби туйғуларни ҳис қилади. Яъни кинематография замонлараро чегарани билмайди, у ижодкорнинг қарашлари, инсонларнинг кечинмаларини уйғотувчи талқини асосига қурилади. Одамлар кинода ўзининг бошидан ўтган воқеаларини кўрганда ўша фильм унга кучлироқ таъсир кўрсатади. Ҳақли равишда Морин [12, 108] "...яхши кино инсонларнинг танқидий фикрлашини акс эттиради ва кўринмас бўлган туйғуларни ифодалайди", деб таъкидлаган эди.

Кишиларга аввалдан таниш бўлган масалаларни муҳокама қилишга чақирувчи фильмлар улар яшаётган ва иштирок этаётган жамиятдаги яширин анъаналарни, маданий шароитни, ижтимоий танлов даражасини юзага чиқариш хусусиятига эгадир.

Дарҳақиқат, кино маълум бир жамиятнинг муаммолар-у, ғам-ташвишларидан тортиб, ўз юртининг келажагига оид орзу-умидларигача кўрсатиш орқали халқнинг тарихида

кўрган-кечирганлари, қандай сиёсий тузумда яшагани билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожланган ижтимоий онгини акс эттириш кучига ва хусусиятига эга. Шу билан бирга, кинематография "оммавий маданият" маҳсули сифатида бутун дунё аҳлини айнан бир мақсадга ўхшаш турмуш тарзи ва қизиқишларга бошлай олади. Шу сабабдан ҳам, фильмларга шунчаки оддий санъат асари ёки кинематографияга санъат тури сифатида эмас, балки дунёни англашнинг ўзига хос шакли ва мафкура тарғиботи машинаси сифатида қараш тўғри бўлади.

Кино мусиқа, тасвир, диалоглар каби унсурлар асносида яратилиши билан кўп ҳолларда ижодкорлар томонидан реалликдан чекинилади ва кино санъатга айланади. Бироқ, жаҳон кинематографиясида мазкур санъатнинг жамиятдаги адолатсизлик, номутаносиблик, тенгсизлик, сиёсатдаги ҳукуматнинг ноҳақ қарорларига қарши чиқувчи хусусиятларини йўқотмаслик энг муҳим омил ҳисобланади.

Кинонинг ана шундай вазифаси мексикалик олима Мириам Адредш Лопез Кортеснинг [11] "Кинематография сиёсий ва ижтимоий муносабатни ифода қилиш воситаси" номли мақоласида тадқиқ қилинган. Мақолада кинематографиянинг жамиятда содир бўлаётган сиёсий ҳамда ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг инъикоси сифатидаги аҳамияти ўрганилган бўлиб, тадқиқот объекти сифатида эронлик таниқли кинорежиссёрлар Бахман Гобадининг "Форс мушуклари ҳақида ҳеч ким ҳеч нарсани билмайди" ("Kasi az gorbehaye irani khabar nadareh", 2009 йил, Канн кинофестивали ғолиби) номли бадиий фильми ҳамда Жафар Панахининг "Бу фильм эмас" ("In film nist", 2011 йил) номли ҳужжатли фильмлари танланган.

Қайд этилишича, мазкур фильмларнинг ўзига хослиги ҳар икки ижодкорнинг ҳам авторитар тузумда яшаб туриб, қатъият ва журъат билан бу фильмларни суратга олганлигидадир.

Кортес ўз-ўзидан Эрон кинематографиясига эътибор қаратмаган. Сабаби, бу давлатда санъат турлари, жумладан, кинематографияга улкан цензура ўрнатилганлиги сабабли, ҳар бир ижодкор хоҳ у тасвирий санъат вакили бўлсин, хоҳ у журналист ёки кинорежиссёр, ана шу цензура доирасида ижод қилишга мажбур.

Шундай бўлсада, Эронда 1979 йилда юз берган Ислом революциясидан сўнг ўрнатилган мазкур ижодий чекловлар эронлик киноижодкорларни мутлақо янги ижодий босқичга чиқишига туртки бўлди. Сўнгги 20 йилда мазкур мамлакат киноижодкорлари томонидан мамлакат ичи ёки ташқарисида тасвирга олинган фильмлар юксак бадиий ва ғоявий мазмунга эга бўлиб, кўплаб йирик кинофестивалларда энг юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Бу фильмларда жамиятдаги адолатсизликлар, камчилик ва муаммолар цензура талабларига дахл қилмаган ҳолда, мутлақо бошқа призма орқали очиб берилгани сабабли эронликлар, айниқса, ёшлар томонидан севиб томоша қилинади ҳамда амалдаги ҳукуматга нисбатан халқнинг ўзига хос эътироз ва қаршилигини намоён этади. Бу вазиятга сиёсий таҳдид деб қаралиши лозим.

> Оммавий тартибсизликларга 2022 йил 16 сентябрь куни Махси Амини исмли оддий қиз Эрон Аҳлоқ полицияси томонидан ҳижоб ўрамагани учун ҳибсга олиниб, тошбўрон қилиниши натижасида вафот этгани ҳақидаги хабарларнинг тарқалиши (расмий маълумотга кўра воқеа бундай бўлмаган, лекин унга халқ ишонмади) кифоя бўлди.
> Эронлик Аббос Киаростами, Асгар Фархади, Бахман Гобади, Ана Лили Амирпур каби таниқли ўнлаб кинорежиссёрларнинг кўплаб асарлари амалдаги конституциявий тузимга очиқчасига қарши чиқмасада, фильмнинг кўплаб нуқталарида жамият ҳаётига қаршилик, норозилик ифода этилиб, томошабин руҳияти орқали онгостига самарали таъсир қила олади.

Сабаби, Эронда кинематография орқали аҳоли, айниқса, ёшлар онгига "цензурани айланиб ўтиб" билинар-билинмас таъсир қилиниши ўз натижасини берганини 2022 йил якунида бу мамлакатда миллионлаб фуқаролар (муаллиф – уларнинг аксарияти ёшлар) амалдаги сиёсий тузумга қаршилик кўрсатиб, кўчаларга намойиш учун чиқишганида ҳам кўриш мумкин.

Оммавий тартибсизликларга 2022 йил 16 сентябрь куни Махси Амини исмли оддий қиз Эрон Ахлоқ полицияси томонидан ҳижоб ўрамагани учун ҳибсга олиниб, тошбўрон қилиниши натижасида вафот этгани ҳақидаги

хабарларнинг тарқалиши (расмий маълумотга кўра, воқеа бундай бўлмаган, лекин унга халқ ишонмади) кифоя бўлди.

Эронлик Аббос Киаростами, Асгар Фарҳади, Бахман Гобади, Ана Лили Амирпур каби таниқли ўнлаб кинорежиссёрларнинг кўплаб асарлари амалдаги конституциявий тузимга очиқчасига қарши чиқмасада, фильмнинг кўплаб нуқталарида жамият ҳаётига қаршилик, норозилик келтириб чиқариб, томошабин руҳияти орқали онгостига самарали таъсир қила олади.

Мисол учун, эронлик Бабак Анвари томонидан тасвирга олинган "Икки кара икки" ("Two & Two", Буюк Британия, 2011 йил) номли саккиз дақиқали қисқа метражли фильм бутун дунёга машҳур бўлиб, кўплаб халқаро мукофотларни қўлга киритган.

Фильм мактабни, ўқувчиларни кўрсатади, энг кенг тарқалган аксиома олинади – 2+2=4. Лекин фильмда ўқитувчи ўқувчиларни 2+2=5 га тенг деб уқтиришга ҳаракат қилади. Дарли ҳамма ўқувчилар ўқитувчи айтганини қабул қилишади. Бироқ синфдаги бир йигит эътироз билдиради, очиқ ёлғонга қулоқ солишни хоҳламайди ва якуни ўлимга ҳукм қилинади.

Бу ҳикоянинг бош қаҳрамони аниқ шахслар эмас, балки шафқатсиз, бемаъни диктатура ва адолат учун курашувчидир. Биринчиси, ёшларга ҳар қандай "ҳақиқат"ни етказишга тайёр бўлган ўқитувчи, иккинчиси эса ҳақиқатни айтишдан ва ёлғонни фош қилишдан қўрқмайдиган болакайдир. Фильм сюжетини даҳшатли фарсга ўхшатиш орқали режиссёр Эрон ижтимоий ҳаёти бу фарсдан узоқда эмаслигини кўрсатиб беради.

Мана шу саккиз дақиқалик қисқа метражли фильм ҳам революцион ғоя устига қурилган эди. Кимдир бир қарашда бола бундай арзимас ҳақиқатни ҳимоя қилиб, аҳмоқона иш қилди деб айтади. Лекин фильм режиссёри ҳаммаси ану шу ёлғондан бошланиши, кичик ёлғонга қанчалик тез-тез кўз юмсангиз, у шунчалик тез катта ёлғонга, одамлар эса ўз фикрига эга бўлган шахсларга эмас, балки қўғирчоққа айланиши ҳақида бонг уради. Фильмни томоша қилган киши одамларни манипуляция қилиш, диктатура ва зулмнинг бемаънилиги, шунингдек, инсон руҳининг мустаҳкамлиги ҳақида мулоҳаза қилиши табиий. Эрон жамоатчилиги ана шундай мафкуравий "ҳужум"лар асносида шаклланган бугун бу мамлакатда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг асосий илдизи деб айтиш мумкин.

Кинематографиянинг ижтимоий-сиёсий соҳага таъсири унинг маълум бир воқеа-ҳодиса ҳақида қайта-қайта фикр юритишга чақиришида акс этади ҳамда халқнинг мансабдорларга, давлатнинг олиб бораётган сиёсатига ёки бирор ижтимоий масалага муносабатини акс эттиради.

Жаҳонда кино "оммавий маданият"нинг маҳсули сифатида борлиқни қабул қилиш воситаси ҳисобланиб, у орқали миллатнинг ўзига хослиги, бошидан кечирган тарихий ўтмиши намоён бўлади ҳамда жамият хотирасида сақланади. Шу сабабдан ҳам айнан кинода тарих, сиёсат, миллий ғурур қандай намойиш этилса, ўша ҳолда жамиятнинг маданий хотираси шакллана бошлайди.

Кино орқали узатилаётган ахборотнинг катталарга нисбатан ёшларнинг онгига тезроқ сингишини инобатга олсак, кинематография маълум бир миллатнинг келажагини белгилаб берувчи кучга айланишини тан оламиз. Кино бугунги кун ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиши билан бирга тарихнинг такрорланишини ҳам эслатиб туради. Кино орқали тарихий фактлар ҳамда тўқималарни омма онгига сингдириш бугунги кун кинематографиясининг энг самарали ва таъсирли қуролларидан бири бўлиб қолмоқда.

Кинонинг кучи турли мазмундаги воқеаларни бирлаштириш ва тарих, оддий одамларнинг оғир турмуши, тортган азоби, тарихий қаҳрамонларнинг жасоратини бир манбанинг ўзида намоён этиш имкониятидир. Юқоридаги хусусиятларига кўра, кино саноати ижтимоий билимларни жамлаб, ижтимоий-сиёсий ҳамда тарихий аҳамият касб этади. Тарихий асарларни яратишда унинг қаҳрамони реал ёки тўқима образ бўлиши мумкин. Аммо унинг ишончлилиги, бадиий тўқималарнинг ўз ўрнида қўлланилиши томошабинни ишонтиради.

Тарихнинг ким томонидан, қандай ёзилиши чек-чегара билмайди. Кино орқали ёзилган тарих катта шов-шувлар ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Уолтер Беньяминнинг таъбири билан айтганда, "Кулол ясаган кўзасида қўл изини қандай қолдирса, ҳикоянавис ҳам асарида ўз изини шундай қолдиради". Аммо шуни таъкидлаш жоизки, ҳикоянависнинг қолдирган изи асло бошқаларникига

ўхшамайди. Бу унинг шахсий имзосидир. Масала тарихни ёзиш, уни ҳикоя қилиш экан, шубҳасиз, унинг атрофида турли тортишувлар юзага келади.

Зеро, мавжуд воқеа-ҳодисаларга инсонларнинг ҳиссий муносабатини ўзгартириш учун "аччиқ ўтмишини эслатиб қўйиш" кифоя. Агар инсон ўтмишидаги кўнгилсизликларни бот-бот эсласа, кечаги кунини қора доғлар билан хотирласа, беихтиёр бугунги турмушидан розилик кайфияти уйғонади ҳамда келажакка бўлган умиди ортиб боради.

Демак, кино орқали таъсир этиш киноматериаллардаги умумий ва махсус, кишилар онгига етиб борувчи хусусиятларини ўрганиш ҳамда ривожлантириш орқали амалга оширилади. Мақсадли аудиторияга қаратилган кино асарлар аниқ белгиланган сиёсий, маданий, ғоявий ахборотни қамраб олади ва у тегишли қатламга мўлжалланади. Кино саноатининг манфаатли қатлами эса ёшларни ташкил этади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. "Жисмоний ва баркамол ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир". "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг қурултойида сўзлаган нутқ. 2017 йил 30 июнь. Тўла асарлар тўплами, 1-жилд. – Т.: "Ўзбекистон", 2017. – 504-505 б.

2. Алимова Д. "Шерюрак" "Широқ"га айланса…

3. Давидова О.С. Иллюзорная идеология: как неигровое кино США превратилось в орудие холодной войны / Terra Aestheticae 1 (3). – Санкт-Петербург, 2019. – С. 207.

4. Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – 304 б.

5. Солодухин Ю.Н. Российские средства массовой информации: являются ли они четвертой властью? // СМИ в политических технологиях. – М. 1995. – С. 11-19.

6. Хоркхаймер Макс. Затмение разума. К критике инструментального разума / Макс Хоркхаймер. – М.: Канон+. РООИ "Реабилитация", 2011. – С. 224.

7. Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – 453 б.

8. Ҳасанов А. Геосиёсат. – Т.: Тамаддун, 2016. – 538 б.

9. Dittus Benavente, Rubén "El cine documental y la noción de dispositivo: una aproximación semiótica. – Barcelona, 2012. – 312 p.

10. Easton D. An Approach to the Analysis of Political System / Comparative Politics Today World Politics 9, № 3. – N.Y., 1996. – 400 p.

11. Miriam Alhelí López Cortés "El cine como medio de expresión política y su impacto social". – Madrid, 2014.

12. Morin Edgar "El cine o el hombre imaginario". – México, 2001. – 108 p.

13. Parsons T. The Social System. – California: Free Press, 1951. – 575 p.

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ САМАРАДОРЛИГИ
ВА ХОДИМЛАР КАСБИЙ МАДАНИЯТИ ЎСИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ



Ёркиной ЭРНАЗАРОВА,
ЎзМУ тадқиқотчиси, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Аннотация: *ушбу мақолада давлат хизмати самарадорлигини ошириш ва ходимлар касб маданияти ривожининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз кетади. Унда давлат хизматини амалга ошириш принциплари, давлат хизматчиси ваколатлари ва унинг қонунийлик, масъуллик (жавобгарлик) асосида мавжуд муаммонинг ечимини топа олиш масалалари таҳлил қилинган бўлиб, тадқиқот натижалари асосида мавзуга доир хулосалар илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *демократик ҳуқуқий давлат, давлат аппарати, давлат хизмати, касбий компетенцияси, малака талаблари, адолат мезони, масъуллик (жавобгарлик), одоб-ахлоқ, ҳалоллик.*

Особенности эффективности государственной службы и развития профессиональной культуры персонала

Ёркиной Эрназарова,
доктор философии (PhD), доцент, исследователь Национального университета Узбекистана

Аннотация: *в данной статье в целях повышения эффективности государственной службы и особенности аспектов развития профессиональной культуры работников раскрываются характер реформ, реализуемых в сфере развития государственной службы, принципы реализации государственной службы, полномочия государственного служащего и способность проявлять инициативу, потребность государственного служащего, возможность найти решение существующей проблемы на основе принципов законности, ответственности, проведен анализ квалификации государственных служащих, профессиональной компетентности, высокой профессиональной культуры, умения работать с людьми и по результатам исследования сформулированы выводы по теме.*

Ключевые *слова: демократическое правовое государство, государственный аппарат, государственная служба, профессиональная компетентность, квалификационные требования, критерий справедливости, ответственность, этика, честность.*

Specific aspects in the development of civil service efficiency and professional culture of employees

Yorkinoy Ernazarova,
PhD (in Philosophy), Associate Professor, Researcher of National University of Uzbekistan

Abstract: *this article analyzes the specific aspects of improving the efficiency of the public service and the development of the professional culture of employees. It analyzed the principles of the implementation of the public service, the powers of the civil servant and his ability to find a solution to the existing problem based on legality and responsibility, and based on the results of the research, conclusions on the topic were put forward.*

Keywords: *democratic legal state, state apparatus, public service, professional competence, qualification requirements, criterion of justice, responsibility, ethics, honesty.*

Жамият тараққиётининг янги босқичида мамлакат ривожини, хавфсизлигини, фуқаролар манфаатини ҳимоя қилишни давлат ташкилотларининг фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг ривожланиши учун имконият яратиш, турли тузилмалар ўртасида самарали алоқа ташкил этиш демократик ислоҳотлар тизимида аҳамият касб этади.

Маълумки, давлат бошқаруви энг муҳим институтлардан бири бўлиб, давлат бошқаруви даражаси эса унинг самарадорлигини ошириш заруриятига эга. Ҳукумат томонидан давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга қаратилган вазифалар жамиятнинг сифатли давлат хизматларига бўлган замонавий талабларига бевосита боғлиқ. Мамлакатимизда давлат бошқарувини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида давлат хизматчисида “касбий маҳорат ва маданиятни ошириш, ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун, адолат, инсонпарварлик тамойилларига асосланиб иш кўриш” [1, 63] концептуал асос сифатида белгиланди” [2, 290-291].

Ўзбекистонда ўзига хос миллий демократик ҳуқуқий давлат қуриш, шунга мос равишда талабга жавоб берадиган давлат хизматини ҳам ташкил қилиш вазифасини келтириб чиқарди. Бу вазифа моҳияти, ривожланиш тенденцияларига мувофиқ мураккаб бўлиб, ижтимоий, иқтисодий мазмундаги муаммоларни ҳал қилиш асосида амалга оширилмоқда ва давлат сиёсатининг муҳим бўлаги сифатида қаралмоқда. Талабга жавоб берадиган давлат хизмати кадрлар корпусининг янги корпусини яратиш, шакллантириш жараёни билан боғлиқлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шундай асосланди: “Янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилмас экан, давлат бошқарувида сифат ўзгариши юз бермайди” [2, 55].

Демократик жамиятда давлат умуминсоний, миллий, ижтимоий ва касбий қийматларни фуқаролар манфаати учун бирлаштирадиган, рўёбга чиқарадиган асосий восита ҳисобланади. Давлат хизмати ҳуқуқий ва ижтимоий институт бўлгани учун ҳам мазкур мураккаб вазифани давлат ва давлат хизмати орқали ҳал этади. Бундай ҳолатда, “Бизнинг вазифамиз – тўпланган тажриба ва илғор халқаро амалиётга суянган ҳолда, ўзимизнинг тараққиёт ва янгиланиш моделимизни қатъий амалга оширишдан иборат. Шу борада яқин ва ўрта муддатга белгиланган марраларга эришиш учун қатъият билан ҳаракат қилишимиз зарур” [2, 154].

Кўпгина ривожланган мамлакатларда давлат хизматларидан фойдаланиш соғлиқни сақлаш, фавқулодда хизматлар, таълим, почта алоқаси, транспорт, сув таъминоти, хавфсизлик ёки энергия каби кўплаб соҳаларни ўз ичига олади.

Давлат томонидан тақдим этиладиган хизматлар сони жиҳатдан ҳар бир соҳада фарқ қилади, лекин улар ижтимоий ёки молиявий таъминланмаган бўлса, одатда ўзининг аҳамиятини йўқотади. Ушбу умумий хизматлардан ташқари давлат фуқаронинг кундалик ҳаётида зарур бўлган ва қўшимча даромадларни тавсия этадиган, жисмоний ёки ақлий қобилиятидан қатъи назар ҳамма учун мавжуд бўлган қўшимча хизматларни ҳам тақдим этади.

Агар бизнинг ҳайдовчилик гувоҳномамиз ёки шахсий гувоҳноманинг муддати тугаса ва чет элга ташриф буюриш учун паспортни янгиламоқчи бўлсак, биз ҳам давлат хизматларидан фойдаланамиз. Ушбу хизматлар давлат хизматчилари ёки танланган мансабдор шахслар томонидан ва ёлланган давлат хизматчилари томонидан амалга оширилади.

Давлат хизмати бозор муносабатларининг шаклланиш жараёнида ҳам, тараққиёт босқичида ҳам муҳим институт вазифасини бажармоқда. Чунки ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий шароитда ва тармоқларда давлат сектори ҳажмидан қатъи назар давлат маълум мавқега эга бўлади ва иқтисодда, инсон ресурсларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Бозор иқтисодиёти муносабатлари чуқурлашаётган бир пайтда давлат хизматининг инсонпарварлик (гуманитар) вазифаси кенг қамровли бўлиб, у соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя, фан ва таълим тизими орқали намоён бўлади.

Давлат хизматларининг аксарияти меҳнат бозори томонидан етарлича таъминланмай-

ди ёки фақат давлат томонидан тақдим этилади ва хизмат муддатининг ўзига хос хусусияти уларнинг мавқеини белгилаб беради. Улар маҳаллий ёки миллий монополиялар томонидан, айниқса, табиий монополиялар бўлган секторлар томонидан таъминланиши мумкин.

Давлат хизматининг инсонпарварлик (гуманитар) вазифасининг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, унинг таъсири фақат давлат секторидаги ходимлар учун тааллуқли бўлмай, хусусий сектордаги ходимларга ҳам тегишли бўлади. Яъни хусусий сектордаги ходимлар ҳам давлат хизматининг гуманитар вазифасидан (соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, таълим ва фан) фойдаланади. Шунинг учун ҳозирги шароитда мамлакатимизда давлат хизматини самарали ташкил этиш механизми сиёсий, ижтимоий-иқтисодий миллий муаммоларини ҳал қилишда, демократик ривожланишни таъминлашга ва жамиятда сиёсий-ижтимоий барқарорлик ўрнатилишига олиб келиб, сиёсий экстремизм ва бошқа нохуш ҳолатларнинг ҳар қандай кўринишда намоён бўлишига тўсиқ бўлади. Бундай жараёнда мамлакатда давлат бошқарув органларига муҳим вазифа юкланган бўлиб, шу вазифанинг самарали бажарилиши, давлатни келажакда инсон манфаатларига мос суръатда фаолият кўрсатишини таъминлайди. Шунинг учун давлат хизматчилари давлат аппаратида тегишли вазифаларни бажариш орқали, давлат аппаратининг фаолияти самарали ишлашини ва мамлакат фуқароларининг манфаатлари конституциявий кафолатланишини таъминлайди. Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарурлиги фуқароларнинг манфаати давлат учун бош мезонлигини тасдиқлайди [2, 116].

Давлат хизматчилари давлат аппаратида тегишли вазифаларни бажариш орқали, давлат аппарати фаолияти самарали ишлашини ва мамлакат фуқароларининг манфаатлари конституциявий кафолатланишини таъминлайди. Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарурлиги фуқароларнинг манфаати давлат учун бош мезонлигини тасдиқлайди.

Ривожланган демократик давлатларнинг тараққиёт босқичларини кузатадиган бўлсак, ҳар қандай демократик жамиятда ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар фаолиятида манфаатлар тўқнашувини кўришимиз мумкин. Бу жараён объектив характерга эга бўлган воқеликдир. Шунинг учун ҳам жамиятда мустақил давлат ҳизмати бўлишига эҳтиёж юзага келади. Чунки ҳар қандай ижтимоий гуруҳ, демократик мазмундаги ҳаракат ва сиёсий партиялардан холи давлат хизматигина жамият, давлат манфаатини умумманфаат йўлида рўёбга чиқара олади, фақат юқори малакали давлат аппаратигина турли ижтимоий гуруҳ, демократик ҳаракат ва сиёсий партиялар манфаатини адолат мезонида эътиборга олиши мумкин бўлади.

Жамиятда мавжуд сиёсий қарашлар ва турли ижтимоий гуруҳ ҳамда ҳаракатлардан холи давлат ҳизмати мавжуд бўлсагина фуқаролар, давлат аппарати ҳеч қандай ижтимоий гуруҳ ёки сиёсий партияларнинг манфаатига хизмат қилмаслигига, бирор-бир манфаатни юқори қўймаслигига ишониши мумкин. Бундай шароитда давлат хизматчиларидан ўз хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашиши, фидокорона меҳнат қилиши ва ўз ватани манфаатларига содиқ бўлиши талаб этилади. Бундай ижтимоий аҳамият касб этадиган истиқболли вазифаларнинг амалга ошиши учун икки ҳолатга эътибор бериш зарур. Биринчидан, давлат давлат хизматини самарали фаолият кўрсатишини тўла таъминлаши керак; иккинчидан, давлат бошқарувини амалга оширишини малакали давлат хизматчиларига ишониш лозим.

Шунинг учун демократик ислоҳотлар давомида давлат хизматчилари малакасига, касбий салоҳиятига,



касбий маданиятни эгаллаганига ижтимоий эътибор доимо ортиб боради. Уларнинг малакаси қанчалик юқори бўлса, давлат аппарати ўз вазифасини инновацияларга таяниб, самарали бажаради. Ривожланган мамлакатларда инсон ресурслари ҳолатини кузатсак, аксарият ҳолларда давлат хизматчилари малакаси хусусий секторда хизмат қилувчи ходимлар малакасидан анча юқорилигини кўрамиз. Бундай ҳолда давлат институтлари давлат хизматчилари малакасини оширишга алоҳида эътибор бериш, уларни ижтимоий ҳимоясини таъминловчи ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш орқали эришган. Бизнинг мамлакатимизда ҳам давлат хизматчиларини тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича инновацион йўналишдаги тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги тараққиёт босқичида, давлат кадрлар сиёсатининг асосий йўналишини белгиловчи, давлат хизматчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятини ўрнатувчи махсус қонун қабул қилинганлиги ҳам ушбу фикримизни тасдиқлайди. Зеро, “Асосий вазифа, бу – юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат” [2, 162].

Дарҳақиқат, давлат хизмати ҳақидаги махсус қонуннинг йўқлиги кўплаб муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади ва давлат хизматининг махсус институт сифатида намоён бўлишига салбий таъсир кўрсатади. Давлат хизмати вакиллик, ижроия, суд ҳокимияти органлари аппаратидаги ва бошқа давлат органларидаги, давлат номидан унинг функцияларини бажарувчи хизматлардан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августда қабул қилинган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида: давлат фуқаролик хизмати – давлат хизматининг бир тури бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат фуқаролик хизмати лавозимларидаги давлат органлари ваколатлари амалга оширилишини таъминлашга доир ҳақ тўланадиган касбий фаолиятини ифодалаши; давлат фуқаролик хизмати лавозими – давлат органининг ваколатларини амалга ошириш учун Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозим эканлиги, шунингдек, унда давлат хизматчиларининг давлат вазифа ва функцияларини бажариш учун белгиланган доирадаги хизмат вазифа ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган [3]. Ушбу қонуннинг яна бир муҳим жиҳати шуки, давлат органи ва ташкилотлари рўйхатига киритилган давлат ҳокимият ваколатларига эга давлат фуқаролик хизматчиси малакавий талаблар ва хизматининг муайян малака даражаси берилиши ёки давлат фуқаролик хизматининг муайян лавозимини эгаллаш учун талабгор бўлаётган номзодларга нисбатан давлат органи томонидан белгиланадиган иш тажрибасига ва касбий компетенциясига доир билимлар, малакалар ва кўникмалар мажмуидан ташкил топиши керак.

Давлат хизматининг асосий мақсади мамлакат қонунлари талабига мувофиқ ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва сиёсий барқарорликни амалга ошириш, инсон манфаатларига мувофиқ тарзда таъминлаш ҳисобланади. Шу мақсадда улар қуйидаги вазифаларни бажаради:

- давлатнинг аҳоли билан алоқасини, давлат хизматининг обрў-эътиборини таъминловчи ижтимоий-сиёсий ва давлат-ҳуқуқий асосларини шакллантириш;

- марказий ва маҳаллий давлат органлари аппаратининг самарали фаолияти ва ривожланишини таъминлаш;

- меҳнатни илмий ташкил этиш, фан янгиликларидан, техника ютуқларидан самарали фойдаланиш, жаҳондаги етакчи, инновацион тажрибани қўллаш орқали давлат аппарати фаолиятини доимий такомиллаштириб бориш;

- давлат аппарати ишини демократлаштириш, унинг фаолиятида ошкоралик ва очиқлик учун шароит яратиш, қонунийликни таъминлаш, бюрократизм ва коррупция кўринишларига барҳам бериш;

- давлат органлари жамоасида соғлом муҳит, талабчанлик, ташаббускорлик, ижодкорликни вужудга келтирувчи шароитларни таъминлаш;

- давлат аппарати ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини вужудга келтириш ва фаолият кўрсатишини таъминлаш, ходимларни хизмат пиллапоясидан адолатли силжишига имконият яратиш;

- давлат аппаратига хизматга қабул қилиш, хизматни ўзгартириш, мансаб тизимида юқорилаш, ходимлар фаолиятини объектив

баҳолаш, рағбатлантириш, жавобгарлик тартибларини аниқлаш.

Юқоридаги давлат хизматининг умумий вазифаларидан ташқари, давлат хизматининг, шакл ва йўналишга доир ўзига хос вазифалари ҳам мавжуд. Булар қуйидагилар:

- давлат аппарати тузилмасини самарали ташкил қилиш ва ривожлантириш, лавозимлар ўртасида компетенцияларни тақсимлаш;
- давлат органларини бошқариш, уларнинг малакавий даражасини аниқлаш, мансаб даражасида мавқеи, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш;
- давлат аппарати ходимларининг лавозим даражаси ва тоифаси бўйича статистик ҳисобини юритиш;
- мансабларга малакавий талабларни, уларни хизмати эътирофи талабларини ишлаб чиқиш;
- давлат аппарати ходимларини аттестациядан ўтказиш, танлов асосида ўтказиш, хизматчиларнинг малакавий ўсиши ва карьерасини режалаштириш;
- давлат аппарати фаолиятини ташкил этиш ва самарадорлиги учун амалга оширилаётган молиявий ва бошқа моддий харажатларни асослаш, штат миқдорини, давлат хизмати органлари, ташкилотларига қилинадиган моддий ва меҳнат сарф-харажатларини аниқлаш;
- лавозим функцияларини бажариш учун манфаатдорлик ва жавобгарлик шаклларини ҳамда уларни қўллашнинг демократик усулларини аниқлаш ва асослаш;
- давлат бошқаруви ва давлат хизмати соҳасидаги илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш. Бунинг учун, замонавий ахборот-таҳлил тармоғини шакллантириш, эксперт-маслаҳатчи гуруҳлари хизматини ташкил этиш;
- давлат аппарати ходимларини тайёрлаш, малакасини оширишнинг инновацион тизимини ташкил этиш, таълим муассасалари ўқув дастурларини таҳлил қилиш, битирувчиларнинг сифатига баҳо бериш, улардан фойдаланишни назорат қилиш, давлат органлари ва таълим муассасалари алоқаларини таъминлаш;
- давлат бошқаруви ва давлат хизмати соҳасида қонун ва ислоҳот дастурлари лойиҳаларини тайёрлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси демократик ислоҳотлар давомида жамиятни янги тараққиёт босқичига олиб чиқиш вазифаларини қўйди, давлат хизматининг масъулиятини кенгайтирди ва кучайтирди. Бундай жараён натижасида давлат хизмати иқтисодий ва социал инфраструктурани ажралмас ва ўз мавқеига эга қисми бўлиб бормоқда. Ҳозирги кунда давлат қуйидаги энг муҳим вазифаларни бажаришда кадрлар хизматига таянмоқда:

- давлатнинг ички ва ташқи хавфсизлигини таъминланишда;

- ижтимоий соҳадаги – иш билан таъминлаш; иқтисод, молия, бюджетни барқарорлаштириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашда;

- ижтимоий ҳимоя соҳасида – ахборотни ҳимоялаш, табиат, атроф-муҳитни сақлаш, инсон ҳаётига хавф солувчи техникавий, кимёвий, бактериологик хавфлардан сақлашда давлат, давлат хизмати ва давлат аппаратига таянмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бундай стратегик аҳамиятга молик вазифаларни бажариш учун давлат хизматчиларининг шахсий масъулияти ортиб боради. Ушбу жараён асоссиз бўлмаслиги учун ҳам давлат хизматини ҳуқуқий, илмий, юқори савиядаги ташкилий асосда юритиш зарур. Бунда давлат хизматчиларининг малакаси, юқори касбий маданияти, одамлар билан ишлаш маҳорати асосий ўринда туради. Бошқарув малакасини ривожлантиришда, унинг даражасини аниқлашда миллий ва умуминсоний қадриятлар, толерантлик, бағрикенглик хислатлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Демократлаштириш жараёнида давлат органларининг фаолиятини либераллаштириш, шахс ҳуқуқларини улуғлаш

давлат хизматини малакали даражада бўлишини таъминловчи омиллардир.

Давлат хизматини самарали ташкил этиш ва ундан тегишли натижа кутиш учун, давлат бошқарувини, давлат хизмати таркиби ва механизмини оптималлаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар бўлиши лозим. Бу давлат хизматини ташкил этиш ва ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради. Шунингдек, муаммонинг моҳияти илмий асосланиши, давлат хизматининг предмети ва доираси аниқланиши, давлат хизматининг асосий принциплари, мақсади, умумий функциялари, давлат хизмати тушунчасининг моҳияти очиб берилиши мақсадга мувофиқ.

Илмий ғоялар, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида, ҳуқуқий нормаларга асосланиб ташкил этилган давлат хизматининг моҳияти ва мазмуни халққа ва давлатга хизмат қилиш, давлатчиликни мустаҳкамлаш, жамиятни ривожлантиришни ўз ичига олади. Давлат ташкилотларининг ўз олдига қўйган вазифаларини самарали бажаришида давлат хизмати муҳим ва ҳал қилувчи роль ўйнашини илмий изланишлар орқали янада такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Шу билан бирга, мураккаб элементлардан ташкил топган ва давлат-ҳуқуқий институт сифатида мавжуд бўлган давлат хизмати бўлиши ва фаолият кўрсатиши учун уни ташкил этиш ва ушбу жараёнда муайян ижтимоий принципларга амал қилиш зарур.

Жумладан, Абу Наср Форобий раҳбарларни “Қонун чиқарувчи” ва “Ижро этувчи” тоифаларга ажратади, фаолиятини таснифлайди. Унинг фикрича, бошқарувнинг бу икки таснифига хос хусусиятлар барча турдаги бошқарув тизимига, раҳбар ахлоқий маданиятига тегишли. Алломанинг фикрига кўра, “инсон ожиз банда, ҳеч нарсага қодир бўлмаган мавжудот” эмас, балки у олий мавжудот, “ақл-идрок зиёсига эга, ўзи учун зарур бўлган нарсани яратишга қодир борлиқ”. Форобий меҳнат ва касб-ҳунар кўникмаларини ҳамда ахлоқий фазилатларни ҳосил қилиш зарурлигини таъкидлаб, яна шундай дейди: “Агар касб-ҳунар фазилати туғма бўлганда, подшоҳлар ҳам ўзлари истаб ва ҳаракат қилиб эмас, балки подшоҳлик уларга фақат табиий равишда муяссар бўлган, табиат талаб қилган табиий бир мажбурият бўлиб қолар эди. Касб-ҳунар фазилати туғма бўлмас экан, халқлар ва шаҳар аҳолларида, ахлоқ-одоб, расм-русм, касб-ҳунар, одат ва иродани ҳосил қилиши учун инсондаги куч-қудрат талаб қилинади. Бу икки йўл билан: яъни, таълим ва тарбия йўли билан ҳосил килинади”.

Мутафаккирнинг ижрочи раҳбарлар фаолиятида ўз лавозимига лойиқлиги борасидаги мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор: “Истак билдирган ёки шахсий манфаат учун интилганлар эмас, балки шу ишга ўзини бағишлаган кишиларгина бошқарув идораларида фаолият кўрсатиши лозим. Ўз фаолияти даврида ҳам, сардор ўз номи билан сардор деб аталиши зарур, агар у бошқаларни бу санъат (касб)га ўргатганидан сўнг ўз фаолиятидан воз кечса ҳам, у раҳбар деб аталишига сазовор бўлиб қолиши керак” [4,20]. Агар бугунги кун раҳбари олдига қўйиладиган талаблардан келиб чиқадиган бўлсак, Форобийнинг ушбу фикри замонавийлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Мутафаккир Алишер Навоий Фарҳоднинг шижоатида Ширингагина эмас, балки бутун эл-юртга, халққа бўлган муҳаббатини ифодалаганини бадиий образлар орқали очиб беради. Сартарошлик, тош йўниш, наққошлик, меъморчилик каби касбларни ҳурмат билан тилга олади ва бу касбларни нафис санъат туркумига киритади: бу касб эгаларининг қалби нафис ва бундай қалбда ғайрлик бўлмайди [5,91-97].

Давлат хизмати фаолияти, амалга оширилиш принциплари ҳуқуқий жиҳатлари асосланган институт бўлгани сабабли, унинг сифати, самарадорлиги, инсон манфаатларига мос равишда фаолият кўрсатиши учун маълум нормаларга таянади. Яъни, давлат хизматини ташкил этиш, унинг фаолият юритиши қоидалари конституция, қонун ва бошқа ҳужжатларда белгиланиб, бошқарув тизими қоидалари сифатида мустаҳкамланади. Таъкидлаш лозимки, давлат хизмати принциплари асослари, уни амалга оширишнинг замонавий механизмлари демократик ислоҳотлар даврида қабул қилинган ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Давлат хизматчиси давлат номидан иш кўрар экан, демократик жамиятда халққа хизмат қилиши давлат хизматининг асосий вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддаси давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб,

ваколатли идоралар томонидан амалга оширилишини белгилар экан, бу давлат хизматини фаолият кўрсатишини таъминловчи устувор аҳамият касб этувчи принципдир [6].

Давлат хизмати амалга оширилганда халқ манфаати устувор бўлиши зарурий шартдир. Шундан келиб чиқиб, халққа хизмат қилишни давлат хизматининг принципларидан бири деб қайд қилиш мумкин. Мазкур принцип яна бир муҳим вазифани келтириб чиқаради. Бу фуқаролик жамияти ривожланиш шартларидан бўлиб, давлат фаолияти устидан жамоат назорати таъсири воситасидир. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлар, давлат органларида хизмат қилувчилар ва мансабдор шахслар давлат хизматчиси бўлганлиги учун масъуллик уларга тааллуқлидир. Масъуллик (жавобгарлик) принципи яна давлат хизматчиларини ўз хизмат бурчига масъулият билан ёндашиши зарурлигини, давлатга, халққа содиқлик билан хизмат қилиши зарурлигини юзага келтиради. "Бугунги кунда жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни самарали ечиш, кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш зарурати давлат бошқаруви соҳасида мутлақо янги тизим яратишни тақозо этмоқда [7, 88]".

Давлат хизмати принципларидан яна бири қонунийлик принципидир.

Ўзбекистон ўз олдига нафақат демократик жамият, балки адолатли жамият қуришни ҳам мақсад қилиб қўйган. Шундай экан, қонунийлик билан адолат ижтимоий ҳаётда ҳам, давлат фаолиятида ҳам асосий принциплардан бири бўлиб қолади. У давлат хизматида ўз ўрнини топгандагина ҳар бир фуқаронинг манфаати рўёбга чиқади. Адолат принципига амал қилиниши ҳокимият ва эркинлик ўртасидаги мувозанатни сақлайди. Демократик жамият инсон манфаати йўлида бошқа манфаатларнинг бузилишига йўл қўймайди.

Давлат хизмати принципларининг навбатдагиси – давлат хизматини жамиятнинг барча аъзолари учун очиқлиги. Давлат хизматида фаолият кўрсатиш, давлат хизматчиси бўлишга чекловлар ўрнатилмаган. Ҳар бир фуқаро миллати, жинси, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволидан қатъи назар давлат хизматида иштирок этиши мумкин. Маълум ёшга етган, тегишли билим ва маълумотга, шу вазифани бажариш қобилиятига эга ҳар бир фуқаро, ҳар қандай лавозимни эгаллаши мумкин. Айрим лавозимда хизмат қилиш учун қонунчиликда маълум даража (олий, ўрта махсус) маълумот турининг белгилаб қўйилиши лозимлиги, масалан юрист, шифокор, тарбиячилар учун. Қонунчиликка асосан бир ташкилот корхона, муассасаларда яқин қариндошларни, улар бир-бирига бевосита бўйсунса, хизмат қилишига йўл қўймайди. Бундай чеклаш қонуний бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 79-моддасида шундай қайд этилган: "Ўзаро қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларнинг башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади" [8].

Навбатдаги принцип – давлат хизматчиларининг муайян лавозимларда алмашиб туриши. Ҳар қандай давлат хизматчиси лавозимидан озод қилиниши, янги лавозимга тайинланиши мумкин. Хеч қандай лавозимда уни доимий эгаллаш, лавозимнинг авлоддан-авлодга ўтиши мумкин эмас. Давлат хизматчисининг қанча муддатга тайинланиши, сайланиши қонунчиликда кўрсатилган бўлса ҳам, у вазифасини бажармаса, бунинг учун билими, қобилияти етмаса, хатоларга йўл қўйса, синовлардан ўтмаса, ҳар қандай шароитда лавозимидан озод этилиши мумкин. Баъзи давлат органларида хизмат қилишнинг ёш чегаралари ҳам ўрнатилган. Масалан, ҳарбий хизмат, ички ишлар органлари ва бошқалар. Давлат хизматчилари лавозимини ўзгартириш принципи, давлат хизмати таркибини сифат жиҳатдан яхшилаш, қобилиятли, замон талабларига жавоб берувчи кадрларни хизматга жалб этиш, аксинча, қобилиятсиз, талабга жавоб бермайдиган хизматчилардан соқит бўлиш имкониятини яратади ҳамда давлат хизматчиларининг ўз малакасини ошириш устида ишлашга, виждонан меҳнат қилишга сабаб бўлади. Бундай жараён, оқибатда, давлат хизматини такомиллаштиришга ва ўз вазифасини самарали бажаришга олиб келади. Давлат хизматида намоён бўладиган принциплардан бири тайинланиш ва сайланишни мужассамлашишидир. Давлат хизматчиларини лавозимга қўйишда тайинлаш ва сайлаш тартибидан фойдаланилади. Кўпгина давлат хизматчилари лавозимга тайинлаш йўли билан қўйилади. Тайинлаш шу ташкилот, корхона, муассаса раҳбари томонидан

ёки улар ўртасидаги келишув асосида амалга оширилади. Жумладан, олий ўқув юрти Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига бўйсунади, ректорлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади. Проректорлар ректор тавсияси билан тегишли вазир томонидан, факультет декани эса ректор томонидан лавозимга тайинланади. Баъзи лавозимлар эса сайлов йўли билан ўзгартирилади.

Шунингдек, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари белгиланган тартиб асосида лавозимга тайинланади, давлат лавозимидан озод қилинади. Давлат хизматидаги юқори мансабдор шахснинг қарори қуйи даражадаги мансабдор шахс уни бажаришининг мажбурийлиги принципига амал қилади. Бу давлат органлари фаолияти самарадорлигини, давлат ташкилоти интизомини таъминлайди.

Давлат хизматида ана шундай омилнинг мантиқий давоми сифатида яна бир вазифа мавжудки, у ҳам бўлса, давлат хизматчиларининг ўз хизмат вазифаларини бажармаслик ёки етарли даражада бажармаслик учун жавобгарлик принципидир. Давлат хизматчиларига қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида бажарилиши керак бўлган вазифалар аниқ белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, қонун доирасида юқори мансабдор шахслар вазифалар юклаши, топшириқлар бериши мумкин. Давлат хизматчиси уларни ўз вақтида, сифатли бажариши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун ва унда белгиланган нормаларни қўллаш давлат хизматчиларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиради ва ушбу масала жаҳон андозалари доирасида ҳал қилинадиган бўлади.

Давлат хизматчиси ўзига топширилган хизмат вазифасини бажариши учун тегишли ваколатга эга бўлиши керак. У ваколатини амалга ошира олиши учун тегишли профессионал билимга, савияга, ташаббус кўрсатиш қобилиятига эга бўлиши керак. Давлат хизматчиси масъулиятни зиммасига ола билиши, муаммонинг инновацион асосда ечимини топа олиш имкониятга эга бўлиши зарур.

Давлат хизматини самарали ташкил қилишда уйғунлик принципи муҳим роль ўйнайди. Бу давлат хизматчиси олдида турган вазифасини бажариши учун давлат ва унинг органлари томонидан етарли имконият ва шароитларни яратиши ходимларнинг ахлоқий, интеллектуал камолоти, малакасини ошириши, моддий манфаатдорлигини таъминлаши, ўз навбатида, ҳар бир хизматчи ўз малака ва билимини оширишга, виждонан ишлашга, фан-техника ютуқларини эгаллашга интилиши зарур. Бундай жараён натижасида давлат ва ходим манфаати уйғунлашади.

Давлат хизматини ташкил этишда, хизматчилар манфаатини ҳимоя қилишда давлат хизматчиларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш принципи алоҳида роль ўйнайди. Тараққиётнинг янги босқичида давлат хизматчиларини ижтимоий ҳимояси ва нормал меҳнат қилиши учун шароит яратиш, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганда, нафақага чиққанда моддий томондан қўллаб-қувватлаш масалалари ҳал қилинган. Таъкидлаш лозимки, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун ва унда белгиланган нормаларни қўллаш давлат хизматчиларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиради ва ушбу масала жаҳон андозалари доирасида ҳал қилинади.

Юқорида қайд қилинган принципларни давлат хизматига қатъий жорий қилиш ва уларни қўллаш, давлат хизматини самарали ташкил этиши, давлат органлари фаолиятининг такомиллашувига олиб келиши шубҳасиздир. Бу принциплар асосида давлат хизмати ташкил этилса, давлат ўз вазифасини тўла бажара олади ва фуқаролар ҳам бундан катта наф кўради. Мамлакатда давлат хизматини самарали ташкил этишда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш кутилган натижани беради.

Тараққиётнинг янги даврига кирган жамиятда инсон манфаатлари ечимини янги босқичга кўтариш учун қабул қилинган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида давлат хизмати принциплари қуйидагича изоҳланган: “Давлат фуқаролик хизматининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: давлат фуқаролик хизмати тизимининг ягоналиги ва барқарорлиги; қонунийлик; адолатлилик; халққа хизмат қилиш; давлат органларининг ва мансабдор шахсларнинг жамият ҳамда фуқаролар олдида масъуллиги; инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг усту-

ворлиги; очиқлик ва шаффофлик; холислик, профессионаллик ва компетентлик; давлат фуқаролик хизматига киришда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги; давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши [3]".

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, демократик тараққиёт йўлидаги мамлакатларда давлат хизматини ташкил этувчи ягона давлат органининг мавжуд бўлиши мақсадга мувофиқдир. Унга қуйидаги масъул вазифалар юкланади:

- давлат аппаратида ташкилий структураларни ташкил қилиш бўйича стратегияларни ишлаб чиқиш билан шуғулланиш;
- кадрлар сиёсати ва персонални бошқариш асосларини шакллантириш;
- ҳуқуқий ва норматив ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда давлат хизматчиларининг фаолият кўрсатиш тизимини вужудга келтириш;
- штатлар тизимининг ислоҳини амалга ошириш;
- давлат хизматининг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий муаммоларни тадқиқ қилувчи илмий-тадқиқотларни мувофиқлаштириш.

Таъкидлаш лозимки, давлат хизмати жамият тизимидаги шундай фаолият турики, унинг натижаларини хизматчилар тайёрлаган ва қабул қилган ҳужжатларнинг ҳажми уларнинг ишга сарфлаган вақтлари билан ўлчаб бўлмайди. Давлат ҳизмати ўзига хос ижтимоий муносабат бўлиб, унда давлат ҳокимияти ўзининг ижтимоий жараёнларни, шахс ижтимоий фаолияти ва хулқ-атворини ташкил қилиш ва бошқариш функциясини амалга оширади.

Хулоса сифатида қайд этиш лозимки, жамиятда ўзининг мавқеи, касби, маълумоти, даромади ва бошқа белгиларга қараб ўзаро фарқланувчи қатлам ва ижтимоий гуруҳлар фаолият юритади. Уларнинг манфаатлари ҳам, кўпинча, бир-биридан фарқ қилади. Баъзи ҳолларда эса ўзаро зид келиб қолиши ҳам мумкин. Шу сабабли турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар фаолиятини мувофиқлаштириш, бошқариш учун давлат хизматчилари фаолиятида **адолат ва ҳалолликнинг** бош тамойиллар қаторидан ўрин олиши мақсадга мувофиқ.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 63 б.
2. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017, 1-жилд, –55, 154, 116, 162, 290-291 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги ЎРҚ – 788-сонли Қонуни. www.lex.uz
4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2016. – 20 б.
5. Алишер Навоий. Хамса. – Т.: Янги аср авлоди. 2012. 91-97- бетлар.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2019 йил. 7-модда.
7. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: Ўзбекистон. 2018. 2-жилд, – 88 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, 1995 йил 21 декабрь, 79-модда. www.lex.uz

НУҚТАИ НАЗАР:
ИНСОН ҚАДРИ УСТУВОР БЎЛГАН ЭРК ШАҲОДАТНОМАСИ



Алишер УМАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Илмий ишлар ва халқаро алоқалар бўйича проректори, физика-математика фанлари номзоди, доцент

Аннотация: *инсонларга шаффоф хизмат қилиш ва эҳтимоли бўлган нохуш вазиятларнинг олдини олишда ҳам янги таҳрирдаги Конституцияга киритилаётган 37-моддада фуқароларга ишга киришда тенг ҳуқуқ берилаётгани аҳамиятли саналади. Давлат хизматига киришда тенг ҳуқуқлилик – барча фуқаролар учун тенг имкониятлар яратишдир. Бу давлат хизматига киришда номзодларга жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳуқуқларининг тенглиги кафолатланиши орқали амалга оширилади.*

Калит сўзлар: *давлат бошқаруви, сиёсат, қомус, меритократия, вакансия, инсон қадри, шаффофлик, эрк ва масъулият.*

Взгляд: свидетельство свободы приоритет человеческих ценностей

Алишер Умаров,
проректор по научной работе и международным связям Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан, кандидат физико-математических наук, доцент

Аннотация: *в целях прозрачного обслуживания людей и предотвращения возможных неприятных ситуаций статья 37, включенная в новую редакцию Конституции, предоставляет гражданам равные права при приеме на работу. Равенство на государственной службе означает создание равных возможностей для всех граждан. Это осуществляется путем обеспечения равноправия кандидатов независимо от их пола, расы, национальности, языка, религии, социального происхождения, вероисповедания, личного и общественного положения.*

Ключевые слова: *государственное управление, политика, словарь, меритократия, вакансия, человеческая ценность, прозрачность, воля и ответственность.*

Point of view: certificate of individuality priority of human values

Alisher Umarov,
Vice-Rector for Research and International Relations of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan, PhD (in Physical and Mathematical Sciences), Associate Professor

Abstract: *in order to serve people transparently and to prevent possible unpleasant situations, Article 37, which is included in the newly revised Constitution, gives equal rights to citizens in employment. Equality in public service means creating equal opportunities for all citizens. This is done by guaranteeing equality of rights to the candidates regardless of their gender, race, nationality, language, religion, social origin, faith, personal and social status.*

Keywords: *public administration, politics, Dictionary, meritocracy, vacancy, human value, transparency, will and responsibility.*

Ҳар қандай шароитда ҳам инсон қадри улуғланган юрт тараққий этади, халқи осойишта яшайди. Жаҳон миқёсида геосиёсий воқеалар кузатилаётган бир замонда эл дардини тинглаш, муаммоларни вақтида бартараф этиш, ишсизликни камайтириш мураккаб, албатта. Бундай вазиятда жамият томонидан кўрсатиладиган қўллаб-қувватловгина ўз қудратини намоён этади. Мана шундай эътибор самарасини кейинги пайтда давлатнинг турли лавозимларига кириб келаётган ва ҳаётда ҳам ўз ўрнини топаётган ёш кадрлар мисолида кўриш мумкин [1]. Эътиборлиси, иқтидорли, салоҳиятли, ўз соҳасининг билимдони бўлган шахс электрон тарзда ўтказилаётан танлов асосида касби бўйича эркин фаолият юритиб, муваффақиятларга эришмоқда. Давлатнинг муҳим лавозимлари учун vacancy.argos.uz сайтида эълон қилинган вакансиялар бўйича ишга қабул қилиш тартиби жорий қилингани келажак учун шаклланаётган кадрлар захирасини йўлга қўйди. Бугун мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларини тамомлаган ёшлар ҳам, хорижда таҳсил олиб, ишлаб келаётган кадрлар ҳам ана шу захираларни тўлдирмоқда. Илгари давлат бошқарув тизимига бу қадар эътибор берилмагани сир эмас.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 37-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эгадир” (1-қисм) ҳамда “Давлат хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар қонун билан белгиланади” (2-қисм) дея қатъий белгиланмоқда. Яъни Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасида ҳам ҳар ким ўз мамлакатида давлат хизматидан тенг фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Иккинчи қисм суд томонидан коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг давлат хизматига қабул қилинишига йўл қўймаслик мақсадида тўлдирилди. Бундан ташқари, миллий қонунчиликда (“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси) суд томонидан коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг давлат хизматига қабул қилинишига йўл қўймаслик бўйича қоидалар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида янгиланаётган Конституцияда давлат хизматлари соҳасида ҳам янги норма белгиланмоқда. Хусусан, 37-моддасида: “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эгадирлар. Давлат хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар қонун билан белгиланади”, дея қайд этилмоқда. Аслида, давлат хизматларига қабул қилишда шаффофлик ва тенг ҳуқуқлиликка 2017 йилдаги Ҳаракатлар стратегиясидан бошланиб, Тараққиёт стратегиясида янада катта эътибор қаратилмоқда. Мана шу ўтган давр мобайнида ўтказилган ислоҳлар натижаси ўлароқ ишга киришда “прописка масаласи” ҳал қилинди ва кўпгина ёш кадрларнинг лаёқатини сўндириш ёки тўсқинлик қилишга сабаб бўлаётган муаммо бартараф этилди. Бундан ташқари, давлат хизматига очиқ танлов билан қабул қилинишга катта эътибор қаратилди. Электрон конкурслар орқали ишга кириш олис ҳудудлардаги инсонлар учун ҳам анча қулайлик туғдиради. Шаффоф танловлар асосида ишга қабул қилинаётганда “Фуқаронинг ёш нисбатига эътибор бериладими? Унинг саломатлиги текширувдан ўтказиладими? Ходимнинг салоҳият даражаси меритократия принципларида кўриладими?” каби талаблар ҳақида батафсил маълумот олиш имкониятлари ҳам яратилиши мақсадга мувофиқдир [3].

Шу мақсадда ривожланган мамлакатлар мисолида давлат хизматларига кириш, ўташ ва тугатиш жараёнларидаги талабларни кўриб чиқсак. Жумладан, Россия Федерацияси, АҚШ, Малайзия, Хитой, Монголия, Япония каби давлатларда давлат хизматларининг бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги шаклларда олинади:

- давлат хизматларини бошқариш органининг махсус расмий нашрида;
- даврий босма нашрларда;
- вакансия очилган органда оммавий;
- бандлик марказларида;
- интернетдаги иш берувчи агентликнинг расмий веб-сайтида эълон берилади.

Қолаверса, номзодларга вакансия ҳақидаги маълумотларга кириш имконини берувчи ҳар қандай усулда хабар берилади. Давлат хизматига кириш тартиби бўйича давлат хизматларидаги бўш ўринни тўлдиришнинг самарали усулини танлашда бажарилиши керак бўлган талаблар:

а) ***холислик*** – кимнингдир шахсий фикри ёки индивидуал мулоҳазаларидан қатъи назар;

б) ***ишончлилик*** – вазият омиллари (кайфият, об-ҳаво, ўтмишдаги муваффақиятлар ва муваффақиятсизликлар, эҳтимол тасодифий) таъсиридан холи;

в) ***фаолиятга нисбатан ишончлилик*** – кўникмаларнинг ҳақиқий даражасини баҳолаш керак – номзод ўз ишини қанчалик яхши бажара олиши муҳим;

г) ***башорат қилиш имконияти*** – баҳолаш қайси фаолият турлари ва қайси даражада номзоднинг потенциал қобилиятига эга эканлиги тўғрисида маълумот;

д) ***мураккаблик*** – нафақат танадаги номзодларнинг ҳар бири, балки танадаги алоқалар ва муносабатлар, шунингдек, умуман тананинг имкониятлари ҳам баҳоланади;

е) процедуралар, баҳолаш жараёни ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги ***маълумотларнинг равшанлиги ва очиқлиги*** мутахассисларнинг тор доираси учун очиқ бўлмаслиги керак, балки баҳоловчилар, кузатувчилар ва баҳоланувчиларнинг ўзлари учун тушунарли бўлиши (яъни ички маълумотларга эга далиллар);

ё) узоқ муддатли истиқболларни ҳисобга олган ҳолда, бўш иш ўринларини тўлдириш жараёнида ***баҳолаш фаолиятини амалга ошириш*** нафақат жамоа ишини ташкил этиши, балки органнинг умумий кадрлар иш тизимига бирлаштирилган бўлиши, унинг ривожланиши ва такомиллашишига чинакам ҳисса қўшиш [2].

Хорижий давлатларда эълон қилинадиган вакансиялар шунчаки нашр этилмайди, хабарларда давлат хизматига кириш жараёнига таъсир этувчи омиллар ҳам эътироф этилади. Масалан, *касбий малака даражаси, номзоднинг малака талабларига мувофиқлиги, таълим, иш стажи ва иш тажрибаси (шу жумладан, мутахассислик бўйича ва давлат хизматида бўлиш), малака ошириш курсларида қатнашиши, тайёргарлик курсларида ёки тайёргарлик амалиётида қатнашиши, ёш, саломатлик ҳолати, хизмат давридаги хатти-ҳаракати, хизматдан ташқаридаги хатти-ҳаракатлар, касбий хизмат, шахсий (жамоат) хизматлари, имтиҳон натижалари (лавозимни тўлдириш учун зарур бўлган аниқ билим), вакансияни тўлдириш учун зарур бўлган махсус кўникма ва кўникмаларнинг мавжудлиги, бошқарув тажрибаси, фуқаролиги, молиявий ҳолат, давлат хизмати учун мотивация ва салоҳият* ҳисобга олинади.

Европа даражасидаги ёндашувга қарамай, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг 1995 йил 26 майдаги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Конвенцияси (29-модда) Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир шахс миллий қонунчиликка мувофиқ фуқароси эканлигини давлат хизматига умумий тенглик асосида ўз мамлакатига қабул қилиш ҳуқуқи ва имкониятига эга. Шуни таъкидлаш керакки, фуқароларнинг давлат хизматига бўлган ҳуқуқи бир қатор давлатлар – собиқ иттифоқ республикалари Конституцияларида мустаҳкамланган, хусусан: Озарбайжон Республикаси (55-модда), Беларус Республикаси (39-модда); Грузия (29-модда), Қозоғистон Республикаси (33-модда), Қирғизистон Республикаси (23-модда), Молдова Республикаси (39-модда), Украина Республикаси (38-модда), Туркманистон (30-модда).

Россия Федерацияси қонунчилиги, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддаси қоидаларининг изчил бирлашувини топади. Дастлаб, Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари Декларациясининг 2-моддаси 18-моддасида РСФСР фуқаролари касбий тайёргарлигига мувофиқ ва ҳеч қандай камситишларсиз давлат органларида ҳар қандай лавозимларга киришда тенг ҳуқуққа эга эканлиги ва талаблар давлат хизматчиси лавозимига номзод учун, фақат вазифаларнинг хусусияти билан белгиланади.

Барча фуқароларнинг давлат хизматига тенг кириши ва давлат лавозимларини эгаллаш ҳуқуқи кўплаб Европа мамлакатлари конституцияларида эълон қилинган (Андорра Князлиги Конституциясининг 25-моддаси; Венгрия Республикаси Конституциясининг 70-моддаси; Венгрия Республикаси Конституциясининг 101-моддаси, Македония, Нидерландия Қироллиги Конституциясининг 3-моддаси, Польша Республикаси Конституциясининг 60-моддаси, Португалия Республикаси Конституциясининг 50-моддаси, Сан-Марино Республикаси Конституциясининг 101-моддаси, 30-моддаси, Словакия Республикаси Конституцияси, Туркия Республикаси Конституциясининг 70-моддаси, Германия Федератив Республикаси Асосий

Қонунининг 33-моддаси, Хорватия Республикаси Конституциясининг 44-моддаси ва бошқалар) айрим миллий хусусиятларга эга.

Давлат хизматига танлаш тамойиллари хорижий тажрибадан келиб чиқиб таҳлил қилинганда, баъзи мамлакатларда давлат бошқарувини ислоҳ қилиш тўғридан-тўғри "мансаб тизимлари" деб аталадиган тизимнинг жорий этилиши билан боғлиқ бўлиб, унда давлат хизматига дастлабки қабул мустақил тест асосида ёки тегишли тест мавжудлиги асосида амалга оширилади. Нуфузли таълим мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат, бироқ, бироз бошқача ёндашув ҳам мавжуд, унга кўра, асосий эътибор ҳар бир бўш лавозим учун энг яхши номзодни танлашга қаратилган бўлиб, бу давлат хизматига эркин киришни таъминлайди ва "кадрларнинг ташқаридан кириб келишини" соддалаштиради. Хорижий мамлакатларда давлат хизматига қабул қилиш учун танлов асосида танлашни тубдан такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ушбу тадқиқот муаллифлари 2002–2014 йиллардаги ўқув сафарларида бир қатор хорижий давлатлар амалиёти билан танишиш имконига эга бўлдилар ва шахсий таассуротларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу соҳадаги хорижий тажрибага оид баъзи мулоҳазаларни тақдим этиш имкониятига эга бўлдилар. Маълум даражада ретроспектив бўлган жамоатчилик билан алоқалар, аммо бизнинг нуқтаи назаримиз ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мисол учун, бу масала сўнгги бир неча ўн йилликларда **Канада**да диққат марказида бўлди. Канада давлат сиёсати форуми томонидан "Такомиллаштириш курси. 21-асрда Канада давлат хизмати", таъкидланганидек, ҳатто Гласс (1960), Ламберт (1976), Д. Авигнон (1979), Комиссия Ла комиссиялари ҳисоботларида ҳам Релеве (1997) доимий равишда марказлаштирилмаган, мослашувчан ва сезгир ишга қабул қилиш режимини тавсия қилди.

2005 йил декабрь ойида Давлат хизматини модернизация қилиш тўғрисидаги қонуннинг асосий қоидалари кучга киргандан сўнг (Давлат Хизмат Модернизация Қонун – SSLM), Канада Инсон ресурсларини бошқариш агентлигининг (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) эътибори асосан давлат хизматини модернизация қилиш ва янгилашни қўллаб-қувватловчи механизмларни жорий этишга, шу жумладан, янада мослашувчан ёндашувлардан фойдаланишга қаратилди. Асосий тамойил давлат хизматида "керакли вақтда, тўғри воситалар ва тўғри муҳитда керакли одамларга эга бўлиши" эътироф этилди.

Аввало, давлат хизмати ва бошқа хизмат турлари кесишмасида, шунингдек, бир давлат органидан бошқасига ўтишда муаммо мавжудлигини таъкидлаш лозим. Шундай қилиб, **Россия Федерацияси** Президенти томонидан бошқариладиган баъзи федерал давлат органларида ҳарбий ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати (биз, шартли равишда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан боғлиқ давлат хизматининг турларини белгилаймиз) ва давлат хизмати ушбу жамоа томонидан таъминланади. Шу билан бирга, ушбу органлардаги давлат хизматчиларининг аксарияти ҳарбий ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида хизмат қилади.

АҚШ давлат хизматининг бошқарув тузилмаси қизиқ. АҚШда давлат ҳокимиятининг олий органи Конгресс бўлиб, у икки палатадан иборат. АҚШ Конгресси Америка давлат хизматининг олий тартибга солувчи органи бўлиб, ушбу соҳада назорат ва молиявий бошқарувни амалга оширади. Давлат раҳбари ва ижроия ҳокимиятининг асосий вазифалари АҚШ президенти томонидан ифодаланади. Давлат хизматида кадрлар сиёсати масалалари Президент, шунингдек, махсус тузилмавий бўлинмалар, вазирликлар ва вазирликларнинг кадрлар хизматлари ваколатига киради. АҚШ давлат хизматини бошқариш бўйича махсус органлар Давлат хизмати идораси ва *"Мерит тизимини ҳимоя қилиш бўйича кенгаш"* ҳисобланади. Давлат хизмати масалалари бўйича департаментга президент томонидан Сенат розилиги билан тўрт йил муддатга тайинланадиган директор раҳбарлик қилади. Хизматлар тизимини ҳимоя қилиш кенгаши Президент томонидан Сенат розилиги билан етти йилга тайинланадиган учта аъзодан иборат. Кенгаш шикоятларни кўриб чиқади ва АҚШ давлат хизматлари ташкилотларидаги меҳнат низолари ва мерит тизими масалалари бўйича қарор қабул қилади, махсус текширувлар ўтказади ва зарур чоралар тўғрисида Президент ва Конгрессга ҳисобот беради. Шу билан бирга,

Кенгаш қарорлари барча ижро этувчи ҳокимият органлари ва давлат хизматчилари учун мажбурийдир.

АҚШ давлат хизматига ишга қабул қилиш жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади: шахсий аризани қабул қилиш ва номзоднинг маълумотларини текшириш, суҳбат ва танлов имтиҳонини ўтказиш, ишбилармонлик ва касбий фазилатларни текшириш ва тегишли текширув. Мажбурий синов муддати мавжуд. Танлов имтиҳонлари ёзма ёки оғзаки шаклда ўтказилади, имтиҳонга қўйиладиган талабларнинг ўзи Давлат хизмати ишлари бошқармаси билан келишилади. Имтиҳонларни ўтказишнинг асосий усуллари ёзма ёки оғзаки тестлардир. Муҳим шарт эса оммавий ахборот воситаларида имтиҳонлар ўтказиладиган давлат хизматининг бўш иш ўринлари рўйхатини эълон қилиш, бу ҳар бир шахсга танловда қатнашиш ҳуқуқини расмий равишда беради. Шу мақсадда танлов имтиҳонини топшириш учун бошқа вилоятлардан келган абитуриентларга компенсация тўлашга рухсат этилади.

Танлов синовидан муваффақиятли ўтган шахслар давлат хизмати лавозимига ўз лавозимида туриб шартли равишда тайинланадилар, улар мажбурий синов муддати давомида, гўёки фаол резервда қоладилар. Синов муддати бир йилдан ошмаслиги керак, шундан сўнг захирадаги номзод давлат органининг кадрлар таркибига якуний қабул қилинади.

Кўпгина мамлакатларда, хорижий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, давлат хизматига номзодларнинг касбий, ишбилармонлик фазилатларини баҳолаш асосида қабул қилинади. Бундай фазилатларга одатда иш тажрибаси, таълим ва малака, характер хусусиятлари ва келгуси фаолиятга тегишли бўлган шахсий хусусиятлар киради. Аксарият мамлакатларда кадрлар малакасини ошириш танлов асосида амалга оширилади. АҚШда Жон Кеннеди мактаби, Флетчер ҳуқуқ мактаби ва бошқалар каби йирик университетларда маъмурий элита ўқув марказлари ташкил этилган. Қўшма Штатларда лавозимларни эгаллаш, “ҳомийлик” усулига қўшимча равишда, “очиқ” ва “ёпиқ” шаклларда амалга оширилади ва “хизмат тизими”га асосланади.

“Ёпиқ шакл” вазирлар, уларнинг ўринбосарлари ва ёрдамчилари, Давлат департаментининг бир қатор вазирликлари ва идоралари, Федерал қидирув бюроси, Марказий разведка бошқармаси, соғлиқни сақлаш ва ўрмон хўжалиги каби давлат аппаратининг энг юқори лавозимларини ишга олиш учун тақдим этилади. АҚШ давлат аппаратида кадрлар билан ишлаш тизими узоқ вақтдан бери ривожланиб, такомиллашиб бормоқда, шунинг учун ҳам АҚШ давлат аппаратида кадрлар билан ишлаш тажрибаси Қирғизистонда катта қизиқиш уйғотмоқда. Давлат бошқаруви аппаратининг кадрлар салоҳиятини ривожлантириш.

Япониянинг кадрлар бошқаруви тизими “хизмат кўрсатиш тамойили”га асосланади. Давлат хизматига тайинлаш 19 аср охирида Японияда жорий қилинган ва ҳозиргача амалда бўлган “очиқ эшиклар” тамойили бўйича ўтказиладиган танлов имтиҳонлари асосида амалга оширилади. Японiядаги давлат хизматчилари тоифасига нафақат давлат органларида касбий фаолиятни амалга оширувчи мансабдор шахслар, балки қуйидаги соҳаларда ишлайдиган шахслар ҳам киради:

- давлат корхоналарида;
- давлат темир йўлларида;
- телевизорда;
- таълим муассасаларида.

Японияда менторлик институти яхши ривожланган. Ҳар бир ёш мутахассиснинг ўзига устоз тайинланган бўлиб, унга касбни пухта эгаллаш, юзага келаётган муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш вазифаси юкланади. Шунингдек, мансаб даражасини пасайтириш тўғрисида огоҳлантириш берилган шахсларга ва тажрибали ёки муваффақиятли ҳамкасбидан ўрганишни истаган давлат хизматчиларининг ўзлари ташаббуси билан мураббий тайинланади. Ходимнинг мартабасини кўтариш тўғрисида қарор қабул қилганда, мураббий ҳал қилувчи фикрга эга.

Канада давлат хизматининг кадрлар захирасини шакллантиришда кадрларни танлаш ва баҳолаш тизимини ҳисобга олган ҳолда, ушбу жараённи белгиловчи асосий омилларга эътибор қаратиш лозим:

- кадрлар захирасига киритиш учун танловда қатнашишнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ихтиёрийлиги;
- кадрлар захирасига киритилган номзодларнинг касбий ва шахсий фазилатларини баҳолашнинг холислиги ва ҳар томонламалиги;
- давлат хизматчисининг касбий мартабасини режалаштириш;

- ошкоралик, давлат давлат хизматида кадрлар захирасини шакллантириш тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги кўп йиллар давомида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Ҳозирги вақтда **Германия** олий ўқув юртларида фанлараро кенг ёндашув асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш анъанаси тикланмоқда. Англо-саксон ёндашувининг ўзига хос хусусияти ҳисобланган юридик фанларнинг кенг тарқалишига барҳам берилди, ўқув фанларини барқарорлаштиришга устунлик берилди. Ҳуқуқий ва иқтисодий фанлар тахминан тенг нисбатда ўқитилади, уларнинг асосий тоифаларини ўқитиш зарур гуманитар ва математик назариялар билан кучайтирилади. Германияда давлат хизматчиларига қўйиладиган асосий талаблар касбий таълим ва дастлабки махсус тайёргарлик (турлар ва атамалар асосида табақалаштирилган) ҳисобланади (расмий лавозим даражаси бўйича). Узлуксиз таълим олиш давлат хизматлари тизимида кўтарилиш ва ротациядан фойдаланиш учун зарур шартдир. Ўқув дастурларининг кенг доираси мансабдор шахс томонидан расмий даврда узлуксиз малака ошириш учун доимий ва барқарор кафолатлар яратиш имкониятини яратади. Таълим дастурлари модуллилик тамойили асосида яратилган ва бу уларни жамият эҳтиёжларини қондиришга тез мослашишга имкон беради.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги 788-сонли Қонуни. https://president.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Шавкат Мирзиёевнинг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сонли Фармони. Lex.uz / docs/5841063

3. Мирзиёев Ш.М. Конституциявий ислоҳотларимизнинг бош мақсади – инсон қадри, халқ манфаатини амалда таъминлашдир. ЎзА, https://uza.uz/posts/383081

4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: 1993.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА
ЎЗГАРИШЛАР ФАЛСАФАСИ



Отабек ХАСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги
директорининг биринчи ўринбосари,
сиёсий фанлар доктори

Аннотация: *мақолада “Конституцияни ким ёзди?”, “Миқдор ўзгаришларидан – сифат ўзгаришларига”, “Тарғибот нимага керак?” номли кичик сарлавҳалар остида мамлакатимиздаги муҳим ижтимоий-сиёсий жараён моҳияти очиб берилган. Янги таҳрирдаги Конституция тарғиботи фуқароларнинг сиёсий онги юксалишига, ҳуқуқий маданияти ортишига туртки бериши ва пировард натижада фуқаролик жамияти ривожига ҳисса қўшиши таъкидланган.*

Калит сўзлар: *туб ўзгариш, жадал ўзгариш, тизимли ўзгариш, конституциявий ислоҳот, референдум, ижтимоий давлат, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат хизмати.*

Философия изменений
в Новом Узбекистане

Отабек Хасанов,
DSc (по политическим наукам),
первый заместитель директора Агентства
по развитию государственной службы
при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *в статье подчеркивается, что изменения – неотъемлемая часть жизни. Такие рубрики статьи, как “Кто написал конституцию?”, “От количественных изменений к качественным”, “Зачем нужна агитация?”, раскрывают суть важного общественно-политического процесса в нашей стране. Подчеркивается, что продвижение новой редакции Конституции будет стимулировать подъем политического сознания граждан, правовой культуры и, в конечном итоге, способствовать развитию гражданского общества.*

Ключевые слова: *фундаментальные изменения, быстрые изменения, системные изменения, конституционная реформа, референдум, социальное государство, права и свободы человека, государственная служба.*

Философия изменений
в Новом Узбекистане

Otabek Khasanov,
DSc (in Political Sciences),
First Deputy Director of the Agency for the Development
of Public Service under the President
of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *the article emphasizes that changes are an integral part of life. Such headings as “Who Wrote the Constitution?”, “From Quantitative to Qualitative Changes”, “Why Campaigning?” reveal the essence of an important socio-political process in our country. It is emphasized that the promotion of a new version of the Constitution will stimulate the rise of the political consciousness of citizens, legal culture and, ultimately, contribute to the development of civil society.*

Keywords: *fundamental changes, rapid changes, systemic changes, constitutional reform, referendum, welfare state, human rights and freedoms, civil service, competence, meritocracy.*

Биз яшаётган замин – ўзгарувчан. Ўзгаришлар ҳаётимизнинг ажралмас хусусияти ҳисобланади. Ўзгаришлар нарса ва ҳодисаларнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишини назарда тутади, барча тизимларда кузатилади. Улар турли омиллар таъсирида юзага келади ва турлича оқибатлар келтириб чиқаради. Гераклит фикрича, барча нарсалар доимий ўзгариш ҳолатида бўлади. Форобий таъбирича эса мавжудотнинг даражалари номукаммалликдан бошланади ва мукаммалликка, яъни такомилга қараб боради. И.Кант ўзгаришлар узлуксиз табиатга эга эканини қайд этади. Т.Гоббс ўзгаришларни ҳаракат билан айнан бир нарса деб билади. Кўриниб турибдики, "ўзгариш" тушунчаси ривожланиш, тараққиёт, ўсиш, эволюция, трансформация, модификация, юксалиш, такомил каби тушунчалари билан ёнма-ён юради.

Мақоламизни ўзгаришлар ҳақидаги фикрлардан бошлаганимиз бежиз эмас. Ўзбекистон ҳам чуқур ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Моҳиятан бу ўзгаришлар **туб ўзгариш** саналади, суръатларига кўра **жадал ўзгаришлар** ҳисобланади, миқёсига кўра **тизимли** ўзгаришлар деб аталишга ҳақли, чунки улар бутун **давлат ва жамиятни қамраб олмоқда**. Ўзгаришларнинг муҳим хоссаси – уларнинг ўзаро боғлиқлигидир. Яъни **бир соҳадаги ўзгаришлар бошқа соҳаларда ҳам ўзгаришлар келтириб чиқаради**. Айни дамларда қизғин паллага кирган **Конституциявий ислоҳот**лар ҳам жамиятимиздаги чуқур ўзгаришлар таъсирида юзага келди.

Бир тасаввур қилиб кўрайлик, бундан олти йил аввал нақд пул олиш ва валюта айрибошлаш операциялари бугунгидек енгил битармиди? Мажбурий меҳнатга барҳам берилишини ёки меҳнат муҳожирларига бўлган муносабатнинг мутлақ ўзгаришини тасаввуримизга сиғдира олармидик? Мавжуд муаммолар ҳақида ҳозирги блогерлардек баралла овозда танқидий гапира олармидик? Жамоатчилик назоратининг кучи билан катта режа ва лойиҳаларни тўхтата олармидик? "Ватансиз" деган мақомини Ўзбекистон паспортига алмаштирганлар қанчани ташкил этарди? Қўшни давлатларга чиқиб келиш шу қадар осонмиди? Минглаб инсонларнинг тақдиридаги бу **ўзгаришлар мамлакатимизни Янги Ўзбекистон деб аталишига мустаҳкам асос бўлди**.

Дарҳақиқат, кейинги даврда Ўзбекистондаги ҳаёт мазмуни ўзгарди, жараёнлар янгича сифат касб этди, янги вазифалар кун тартибидан ўрин олди, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар мутлақо ўзгарди. Натижада бу ўзгаришларнинг барчасини Бош Қомусимизда акс эттириш зарурати вужудга келди.

Аслида, Конституция – давлатнинг асосий қонуни, олий юридик кучга эга ҳужжат ҳисобланади. Жайдари тилда уни "**қонунлар қонуни**" деб ҳам атайдилар. 1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси **мустақиллик маҳсули** бўлди, унда суверен мамлакат сифатида мавжудлигимиз эълон қилинди [1]. Конституцияни яратишда бевосита иштирок этган инсонлар қаторида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев номлари ҳам тилга олинади. 1990 йилда тузилган Конституциявий комиссиянинг аъзоси сифатида Президентимиз ана шу тарихий жараёнда бевосита иштирок этганларини доимо фахр билан эслайдилар.

Ўтган вақт давомида Ўзбекистон Конституцияси ҳаётимизда юз берган қанчадан-қанча ўзгаришларга ҳуқуқий замин бўлди. Шу вақтгача эришган барча ютуқ, натижа ва марраларимизни Қомусимиз билан боғламай илож имиз йўқ. Узоқни кўзлаб яратилганлиги ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилганлиги боис Конституциямиз узоқ вақт давомида жиддий ўзгартиришларсиз амал қилди. Лекин ҳар қандай қонун сингари Конституция ҳам келгусидаги барча ўзгаришларни назарда тута олмайди. **Дунёда мутлақо ўзгармаган конституциялар йўқ**лиги ҳам шундан.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, Конституция қабул қилинганидан сўнг дастлабки йилларда унга муайян қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин [2]. 1789 йилдан буён **Францияда 16 та Конституция қабул қилинган**. 1958 йилда қабул қилинган ва ҳозирда амал қилувчи Конституция – Франциянинг 17-Конституциясидир. Ҳисоб-китоб қилинса, Франция тарихида ўртача ҳар 13-14 йилда Конституция янгиланганини кўриш мумкин. Янги Конституциялар қабул қилиш ва уларга ўзгартиришлар киритиш бўйича Франция жаҳон рекордини ўрнатган, деган фикр ҳам йўқ эмас.

Табиийки, **Ўзбекистон Конституцияси ҳам абадий ўзгармас ҳужжат эмас**. Ҳаётимиздаги чуқур янгиланишлар ва туб ўзгаришлар

Конституциядан, албатта, ўрин топмоғи лозим. Бошқача айтганда, амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасини Конституциявий даражада мустаҳкамлаш зарурати юзага келди. Айни пайтда ҳаёт олдимизга қўяётган долзарб вазифалар ва ўткир муаммолар ҳам Конституцияда ўзгаришлар ясашни тақозо этади.

Конституцияни ким ёзди?

30 апрелда – "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича референдуми ўтказиладиган санага ҳам оз фурсат қолди. Шу боисдан, бугунги кунда янгиланаётган Конституциямизнинг ҳаётимизда тутажак ўрни ва аҳамияти ҳақида сўзлаш айни муддаодир.

Кўплаб муҳокамаларда Янги Ўзбекистон Конституцияси "**Халқ Конституцияси**" дея аталаётганини кўриш мумкин. Ҳужжатнинг бундай сифатланишини турлича талқин қилиш мумкин. Бир томондан, Янги Конституция халқ томонидан яратилган, деган ишорани сезиш мумкин. Иккинчи томондан, бу ҳужжат **халқ фойдаси учун хизмат қилади**, унда халқ манфаатлари устувор қўйилган, мансабдорларнинг халққа нисбатан суиистеъмолларига чекловлар қўйилган, деган маънони уқиб оласиз.

"Халқ Конституцияси" деган ўхшатманинг ҳақиқатга мослигини текшириб кўрамиз. Тан олиш керак, илгари Конституциянинг тайёр лойиҳаси халққа тақдим қилинар эди. Бу лойиҳа ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар ва бошқа экспертлар томонидан тайёрланар эди. Бу сафар эса Конституция лойиҳасини шакллантириш жараёни ҳам халқимиз ихтиёрига берилди. Бошқача айтганда, Конституция лойиҳаси кабинетларда эмас, хонадонларда, меҳнат жамоаларида, гузарларда ишлаб чиқилди.

Фуқароларимиздан **60.000 дан зиёд** таклиф келиб тушди. Муҳими – бу таклифларнинг тахминан **ҳар тўрттасидан биттаси** лойиҳадан жой олди. Кейинги босқичда Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Муҳокама давомида лойиҳа билан **5 миллион** аҳоли танишди, **150.000 дан зиёд** таклифлар билдирилди. Бундан ташқари, меҳнат жамоалари, олийгоҳлар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан бўлиб ўтган муҳокамаларда яна **10.000 га яқин** таклифлар берилди. Юқоридаги рақамлар Конституция лойиҳасининг том маънодаги **муаллифи халқ** эканини далиллайди [3].

Бироқ тан олиш керак, Конституцияга ўзгартиришлар киритиш – шунчаки оддий ва осон иш эмас. Халқ фикрини ўрганишдан ташқари бу жараён ҳар бир масалани ақл чиғириғидан ўтказишни, янги моддаларнинг Ўзбекистон амалиётида қандай "ишлашини" чамалаб кўришни, ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибасини синчиклаб ўрганишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан лойиҳани тайёрлаш давомида 190 дан ортиқ давлатлар тажрибаси ўрганилди, ҳужжат 6 турдаги экспертизадан ўтказилиб, пухталанди. Кўриниб турибдики, Конституция лойиҳаси кўплаб муҳокамалар, баҳслар ва пешона тери маҳсули сифатида дунёга келди. Бу ҳужжат устида машаққатли меҳнат қилинди, у умумхалқ муҳокамасида тобланди, халқдан тушган таклифлар билан бойитилди, бир неча карра экспертизадан ўтказилиб, пишитилди.

Ана энди, Конституция лойиҳасини **халқчиллик тарозуси**да ўлчаб кўрайлик. Аслида халқнинг фаол иштирокида тайёрлангани Конституция лойиҳасининг халқчил бўлишини таъминлайди. Чунки халқ ўз манфаатларига зарар келтирадиган таклифлар билан чиқмайди. Бундан ташқари, Конституция лойиҳаси "муаллифлари"нинг бу қадар кўплиги ҳужжатда жамиятнинг барча қатламлари манфаатлари инобатга олинишини кафолатлайди. Шундай бўлса-да, лойиҳада халққа қайишишни назарда тутадиган айрим моддаларга тўхталиш ўринли.

Тегишли моддаларни қидириб, ҳужжатни узоқ варақлашнинг ҳожати йўқ: Янги Конституциянинг 1-моддасидаёқ Ўзбекистоннинг **халқпарвар давлат** эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Аниқроғи, илк бор Ўзбекистон Республикаси **ижтимоий давлат** сифатида фаолият юритиши белгиланган. Назарияларга мурожаат қилсак, ижтимоий давлатда сиёсат ижтимоий адолат тамойилларига мувофиқ олиб борилиши, ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш сифати таъминланиши, энг муҳими, эҳтиёжмандлар учун давлат ижтимоий ёрдам кўрсатиши эътироф этилади. Олимлар айнан ижтимоий давлат ғоялари Европа мамлакатларининг фаровонликка эришишига пойдевор бўлганини уқтирадилар [4].

Давлатнинг фуқаролар олдидаги ижтимоий масъулияти, ижтимоий соҳани ривожлантиришга бюджетдан ажратиладиган маб-

лағларнинг кўп бўлиши, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг ривожланганлиги, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг қўллаб-қувватланиши кабилар ижтимоий давлатнинг муҳим белгиларидир. Бошқача айтганда, ижтимоий давлатда давлат идоралари билан жамият аъзоларининг мақсадлари ва манфаатлари бир-бирига ниҳоятда яқин бўлади, муштарак бўлади. Жайдари тилда айтганда, **ижтимоий давлат фуқаролар ҳақида ғамхўрлик қилишни ўзининг бош вазифаси деб билади**.

Янги Конституцияда ижтимоий давлат ғояси шунчаки декларатив тарзда баён этилмаган, балки бу ғоянинг "ишлаш" механизмлари ва кафолатлари акс эттирилган. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун улардан айримларини келтирамиз. 43-модда: "Давлат фуқароларни **ишсизликдан ҳимоя қилиш ва камбағалликни қисқартириш** чораларини кўради". 42-модда: "Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори **инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаши** зарур". 50-модда: "Алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун **инклюзив таълим ва тарбия таъминланади**". Ҳужжатнинг 57-моддасида эса ижтимоий давлатнинг деярли барча функциялари жамланган: "Давлат аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларининг **турмуш сифатини ошириш** чораларини кўради. Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратади, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашади" [5].

Эътибор берадиган бўлсак, давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ Конституциядаги нормалар деярли **3 мартага** кўпайтириляпти. Шу боисдан, битта мақола ҳажми доирасида ижтимоий давлат ғояларини акс эттирувчи янги моддаларни шарҳлаш эмас, акс эттиришнинг ўзи амри маҳол. Энг муҳими, бу моддалар орқали ўз муаммоларига ечим топган қанчадан-қанча ҳожатманд кишилар, уларнинг оила аъзолари, яқинларининг қалбига меҳр уруғлари қадалади. Бу эса янги таҳрирдаги Конституция том маънода **халқ Конституцияси** бўлаётганидан далолат беради. Демак, Янги Конституцияни "халқники" дея баралла айтиш мумкин.

> Янги Конституция лойиҳасидаги **миқдор ўзгаришларини ифодалайлиган айрим рақамлар**ни келтирамиз. Моддалар сони амалдаги 128 тадан 155 тага кўпайди, нормалар сони эса, 275 тадан 434 тага етди. Натижада, **Конституция матни 65 фоизга янгиланди** ва табиийки, миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларини келтириб чиқарди. Шунинг учун ҳужжат номи "Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар"дан "Янги таҳрирдаги Конституция"га ўзгартирилди.

Миқдор ўзгаришларидан – сифат ўзгаришларига

Фалсафада миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига айланиши қонуни мавжуд. Диалектиканинг бу қонуни ҳаракат ва ривожланишнинг қай тарзда юз беришини тушунтиришга хизмат қилади. Бу қонунга кўра, кўзга ташланмайдиган, аста-секин юз берадиган миқдор ўзгаришлари (миқдорларнинг ортиши ёки камайиши) муайян вақт ўтгач, жиддий ва катта сифат ўзгаришларига, **эски сифатдан янги сифатга ўтилиши**га олиб келади. Бу қонун табиат, жамият ва тафаккур ривожи билан боғлиқ барча жараёнларда амал қилади. Бу қонунни мақолада келтиришдан мақсад-муддао нима?

Бу саволга жавоб бериш учун Янги Конституция лойиҳасидаги **миқдор ўзгаришларини ифодалайдиган айрим рақамлар**ни келтирамиз. Моддалар сони амалдаги 128 тадан 155 тага кўпайди, нормалар сони эса 275 тадан 434 тага етди. Натижада, **Конституция матни 65 фоизга янгиланди** ва табиийки, миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларини келтириб чиқарди. Шунинг учун ҳужжат номи "Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар"дан "Янги таҳрирдаги Конституция"га ўзгартирилди [6].

Навбатдаги ҳисоб-китобларга юзланамиз. Сенатни ихчам, халқчил ва ҳудудлар манфаатини ифода этадиган идорага айлантириш мақсадида **сенаторлар сонини** ҳозирги **100 нафардан 65 нафарга** тушириш, Президент томонидан тайинланадиган сенаторлар сони эса 16 тадан 9 тага камайтирилиши белгиланмоқда. Ҳужжатда **инсон ҳуқуқ ва эркинликлари**га оид нормалар **3 баробар**дан зиёдга ошмоқда. Бошқача айтганда, Конституция инсон ҳуқуқларининг кафилига айланмоқда. Лойиҳада **аҳоли саломатлигини асраш** билан боғлиқ нормалар **4 баробар** кўпайтирилмоқда.

Амалдаги Конституция бўйича Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари 5 та бўлган бўлса, лойиҳага асосан уларнинг сони 12 та бўлмоқда. Сенатнинг мутлақ ваколатлари амалдаги 14 тадан 18 тага ортмоқда. Рақамлардаги бу ўзгаришлар шунчаки декларатив ўзгаришлар эмас, улар тегишли соҳаларда ривожланиш келтириб чиқариши, туб бурилишларга сабаб бўлиши, сифат ўзгаришларига айланиши муқаррар.

Янги Конституцияда миқдор, сон, рақам билан боғлиқ бўлмаса-да, инсонлар ҳаётига белгиловчи таъсир кўрсатадиган моддалар ҳам талайгина. Жумладан, 52-моддада шундай битилган: "Ўзбекистон Республикасида **ўқитувчининг меҳнати** жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади. Давлат **ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш**, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади". Эътибор беринг, янгиланаётган Конституция ўқитувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқи, қадр-қиммати, шаъну-шарафининг ҳимоячисига айланмоқда. Юқоридаги модданинг олий юридик кучга эга Конституцияда мустаҳкамланиши **658 минг нафар**дан зиёд муаллиму-устозларимизнинг ҳаётида сифат ўзгаришлари ясамайдими?

Конституция лойиҳасидаги 44-моддага назар ташлайлик: "Суд қарори билан тайинланган жазони ижро этиш тартибидан ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари **мажбурий меҳнат тақиқланади**. Болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланади". Биргина шу модданинг ўзи **миллионлаб** ёшлардан бепул меҳнат қуроли сифатида фойдаланишга, уларнинг эксплуатациясига чек қўймайдими, уларнинг ҳар томонлама ривожини кафолатламайдими? Ва демакки, жамиятимизнинг ярмидан ортиғини ташкил этган ёшларнинг ҳаёти сифати ўзгаришига олиб келмайдими? Бу саволларга жавоб топиш ўзингизга ҳавола.

Конституциядаги чекловлар ҳақида тўхталсак

Конституция ҳуқуқий нормаларнинг шунчаки мажмуи эмас. Конституция **жамият ҳаётининг кўзгуси** ҳамдир. Унда турли ҳокимият идораларининг вазифалари ва ваколатлари, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамланади. Энг муҳими, асосий Қонунда жамиятда устувор бўлган руҳият, қарашлар, тасаввурлар, интилишлар, мақсадлар ҳам ўз ифодасини топади. Шундай экан, янгиланаётган Конституциямизда қандай руҳият устувор? Унинг моддаларига "давлат халққа хизмат қилиши керак" деган инсонпарвар ғоя сингдирилганми? Бундан буён ҳам **халққа қайишиш, одамларни рози қилиш сиёсати давом этадими**, каби саволлар ҳар бир ўзбекистонликни ўйлантириши табиий.

Аслида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, умуминсоний қадриятларга содиқликка интилиш барча Конституцияларга хос хусусият ҳисобланади. Конституция фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун мавжуд ҳокимиятни муайян даражада чеклайди. Чунки инсон ҳуқуқларини кафолатлаш учун уларга нисбатан қилинадиган турли суиистеъмолчиликларни чеклаш зарур. Янгиланаётган Конституция лойиҳасида "**тақиқланади**", "**ҳақли эмас**", "**мумкин эмас**" жумлалари кўплаб учрашининг боиси ҳам шунда. Мисол сифатида айрим моддаларни келтириш ўринли. 42-модда: "Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади." 44-модда: "...мажбурий меҳнат тақиқланади". 25-модда: "Ўлим жазоси тақиқланади". 28-модда: "Шахснинг судланганлиги унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас". Ёки узоқ кутилган 67-моддага назар ташланг: "Монопол фаолият қонун билан тартибга солинади ва чекланади". 120-моддадаги "Вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмас" деган қоида ҳам шулар жумласидандир.

"Бир кишининг эркинлиги бошқа бировнинг эркинлиги бошланган жойда тугайди", деган иборанинг кенг тарқалгани бежиз эмас. Конституциянинг айнан шу хусусияти, яъни давлат идораларининг ваколатларини чеклаши, мансабдорларни суиистеъмолликлардан тийиши бу ҳужжатни инсон ҳуқуқларининг

кафилига, ижтимоий барқарорликнинг пойдеворига айлантиради.

Шу ўринда Конституция лойиҳасидан ўрин олган 37-моддага эътибор қаратмоқчиман: "**Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эгадирлар. Давлат хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар қонун билан белгиланади**". Тан олиш керак, давлат хизмати институти мамлакатни бошқаришда муҳим ўрин эгаллайди. Давлат хизматчилари давлат идораларининг ваколатларини амалга ошириш бўйича профессионал фаолият олиб борадилар. Мамлакатнинг ривожланиш суръатлари ҳам, ислоҳотлар самараси ҳам, одамларнинг ҳаёт сифати ҳам, аҳолининг кайфияти ҳам давлат хизматчилари фаолиятига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Таъкидлаш жоиз, сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат хизматчиларини танлаш, уларни ривожлантириш ва лавозимда ўстиришнинг янги тизими шаклланди [7].

Илгари ишга ҳал қилиш "объективка" деб аталмиш ҳужжатнинг орқа томонидан ўрин олган маълумотларга боғлиқ бўлган. Кадрларнинг шахсий фазилатлари, билими, иш малакасидан кўра, номзоднинг қариндош-уруғлари ҳақидаги маълумот ёки жайдари тилда айтганда, унинг "танкаси" ким экани муҳим бўлган. Кадрларнинг қандай вазифаларини уддалагани, эришган ютуқлари, қайси кўникма ва компетенциялар соҳиби экани тўғрисидаги маълумотлар бу ҳужжатда акс эттирилмаган.

Бугунги кунда "меритократия" атамаси китоблардан ҳаётга, назариядан амалиётга кўчди. Энг муносибларнинг ҳокимиятга келишини ўзида ифодалайдиган меритократия тамойили туфайли қобилиятли, тиришқоқ ва лаёқатли номзодлар учун раҳбарлик эшиклари очилди. Ёшларга кенг имкониятлар яратилди. Билимли ва юртига садоқатли кадрлар 22 ёшидаёқ вазир ўринбосари бўлиши мумкинлиги Ўзбекистон амалиётида исботланди.

Жумладан, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан сўнгги 2 йил давомида ўтказилган танловларда 1,3 млн.дан зиёд номзод (шу жумладан, 2022 йилда 919 030 нафар) иштирок этиб, уларнинг жами 45 349 нафари (шундан, 39 333 нафари 2022 йилда) танлов ғолиби сифатида вакант лавозимларни эгаллади. Конституция лойиҳасининг 37-моддасида ҳуқуқий мустаҳкамланган янги қоида ҳам давлат хизмати тизимида **қаторларимиз ва кадрларимизнинг софлигини таъминлаши** муқаррар. Ишонаманки, шу модда асосида ишга кирган давлат хизматчилари Янги Ўзбекистон раҳбарлар корпусининг олтин захирасини тўлдирадилар.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ва давлат сиёсатининг ўзак тамойилига айланган "халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган ғоя янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳиятига сингдирилган.

Моддий жиҳатдан Конституция мўъжазгина ёзма ҳужжатдир. Давлат тузумининг асосларини ифодалагани учун бу ҳужжат бироз декларатив табиатга эгадек туюлади. Шу боисдан бўлса керак, айримлар Конституцияга ўзидан бегона нарса, шунчаки бир рамз сифатида қарайдилар. Аслида, Конституция нафақат давлат ва жамият ҳаётида, балки ҳар бир инсон ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Чунки унинг ҳар бир моддаси ортида одамлар тақдири турибди. Шунинг учун Конституциянинг ўзгартирилиши осон иш эмас. Янги Ўзбекистон Конституциясини умумхалқ овоз бериши, яъни референдум йўли билан қабул қилинаётганимизнинг сабаби ҳам шунда.

Тан олиш керак, **Конституция ўз-ўзидан "ишламайди".** Конституция нормаларининг ҳаётбахш самарасини кўриш учун унинг моддаларини англаш ва қўллай билиш керак. "Ўзи Конституция нима вазифани бажаради?", деган саволни ўзимизга берсак, жавобимиз оддий бўлади: "у феъл-атворимизни, ҳаётимизни, муносабатларимизни **тартибга солади**. Айнан Конституция бизга нима мумкину, нима ман қилинганини ўргатади. Бу жиҳатдан **Конституция ўзига хос тарбиячи ролини бажаради**. Иккинчи тарафдан, у ожизларни кучлилардан ҳимоялаш воситаси сифатида мамлакатда адолат ўрнатади".

Шунинг учун янгиланаётган Конституция лойиҳасини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан давлат идоралари эмас, энг аввало, фуқаролар манфаатдор бўлади. Зеро, Конституцияни яхши билган инсон ўзининг давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканини ҳам билади ва шунга яраша яшайди, ҳаракат қилади, фикр юритади. Конституция моддаларини "сувдек ичиб олган" инсон бу ҳужжатдан кўплаб тажо-

вуз ва ўзбошимчаликларга қарши қурол, ўз ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли қалқони сифатида моҳирона фойдалана олади.

Тарғибот воситасида янги моддаларнинг халқчил табиати ҳақида ахборот олган одамлар уларнинг қабул қилиниши ва ҳаётда рўёбга чиқиши ҳақида қайғурадилар. Янгиланаётган Конституция тарғиботи фуқароларнинг сиёсий онги юксалишига, ҳуқуқий маданияти ортишига туртки беради ва пировард натижада фуқаролик жамияти ривожига ҳисса қўшади.

Ва, аксинча, жамият аъзоларининг Конституцияни билмаслиги ва уни ўрганишга ҳаракат қилмаслиги конституциявий кафолатларга путур етказади. Конституцияни билмаган одам ҳар жиҳатдан ожиз бўлади. Билган одам эса кўплаб муаммоларни ҳал қилишда Конституцияга ўзига хос ҳаётий дастуруламал сифатида таянади. Ва ниҳоят, **демократияни жорий этиш Конституцияни билиш ва унинг қоидаларига сўзсиз риоя қилишдан бошланади.**

Саноқли кунлардан сўнг янгича мазмун касб этган Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши ҳар биримизнинг овозимизга, қароримизга боғлиқ бўлиб қолади. Ишонаманки, бу сана давлатимиз тарихида муҳим бурилиш ясайди. Чунки янги таҳрирдаги Конституция **Янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида** жамиятимизни жипслаштиради**.** Демократик тараққиётимизда ўзига хос **йўлчи юлдуз,** яъни **компас** вазифасини ўтайди. Фаровон ҳаётимиз кафолати, демократик ўзгаришларнинг гарови, ютуқларимизнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилади. Демак, **БУ ЖАРАЁНГА БЕФАРҚ БЎЛИШ МУМКИН ЭМАС.**

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Саидов А. Конституционные реформы – веление избирателей и требование времени.
3. Умарова Д. Янги Ўзбекистон Конституцияси – менинг Конституциям.
4. Турсунова Р. Конституционная реформа и международная практика.
5. “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси.

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ:
ХОДИМНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА УНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ТЕНГЛИГИ МАСАЛАСИ



Қудрат САДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори

Аннотация: *маълумки, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси қабул қилинган. Мазкур ҳужжат 6 ойдан сўнг кучга киради ва 1995 йилдан буён амалда бўлган Меҳнат кодексининг ўрнини эгаллайди. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси 2021 йил 14 октябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 2022 йил 17 мартда Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган эди. Кодекс 7 та бўлим, 34 та боб ва 581 та моддадан иборат. Албатта, меҳнат бозори иқтисодиёт, сиёсат ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришлардан келиб чиқадиган ўз қонунларини ва талабларини белгилайди.*

Калит сўзлар: *меҳнат кодекси, қонунчилик, давлат сиёсати, ҳақ-ҳуқуқ масаласи, ходим, ижтимоийлик, ёлланма меҳнат, лавозим, тафовут, интизомий жавобгарлик.*

Новый трудовой кодекс: вопрос защиты работников и равных прав

Кудрат Садуллаев,
заведующий отделом Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан, доктор юридических наук

Аннотация: *известно, что Трудовой кодекс был принят в новой редакции. Документ вступает в силу через 6 месяцев. Он заменяет Трудовой кодекс, действующий с 1995 года. Новая редакция Трудового кодекса принята Законодательной палатой Олий Мажлиса 14 октября 2021 года, одобрена Сенатом 17 марта 2022 года. Кодекс состоит из 7 разделов, 34 глав и 581 статьи. Безусловно, рынок труда определяет свои законы и требования, вытекающие из изменений в экономической, политической и социальной сферах.*

Ключевые слова: *трудовой кодекс, законодательство, государственная политика, вопрос прав, работник, социальный, наемный труд, должность, отличие, дисциплинарная ответственность.*

Labor Code in the new edition: the issue of employee protection and equal rights

Kudrat Sadullaev,
Head of Department of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan, DSc (in Law)

Abstract: *it is known that the Labor Code was adopted in a new version. The document comes into force after 6 months. It replaces the Labor Code, which has been in force since 1995. The new version of the Labor Code was adopted by the Legislative Chamber of the Oliy Majlis on October 14, 2021, and approved by the Senate on March 17, 2022. The Code consists of 7 sections, 34 chapters and 581 articles. Of course, the labor market determines its own laws and requirements arising from changes in the economic, political and social spheres.*

Keywords: *Labor Code, legislation, state policy, issue of rights, employee, social, hired labor, position, difference, disciplinary responsibility.*

Янги Меҳнат кодексини қабул қилиш зарурати нимада?

Меҳнат қонунчилиги соҳаси мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасидаги ўзгаришлар, албатта, меҳнат муносабатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Меҳнат бозори иқтисодиёт, сиёсат ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришлардан келиб чиқадиган ўз қонунларини ҳамда талабларини белгилайди.

Меҳнат кодекси қабул қилингандан буён ўтган 26 йилдан зиёд вақт мобайнида ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотлар, бозор муносабатларининг жадал ривожланиши натижасида хусусий ва кичик тадбиркорлик соҳаларининг кенг ривожланиши, меҳнат бозорида янги касблар пайдо бўлганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Мунтазам равишда фуқаролар бандлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, меҳнат бозорини ривожлантиришга қаратилган кўплаб чоралар қабул қилинмоқда. Бундай шароитда меҳнат қонунчилигини модернизация қилиш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш давр талаби ҳисобланади. Шу жиҳатдан янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди ва 2022 йил 28 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланди.

Амалдаги ва янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси ўртасидаги асосий тафовут айнан нималарда акс этган?

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида ХМТ конвенциялари ва тавсияларига асосланган ҳуқуқий ечимлар ўз аксини топган. Меҳнатнинг мослашувчан тартибга солинишига эришишга қаратилган илғор хорижий тажриба инобатга олинган, меҳнат ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига, ижтимоий кескинликнинг олди олишга кўпроқ эътибор берилган.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси Умумий қисмининг катта бўлими меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликка бағишланган. Бу бўлим олтита бобни ўз ичига олган ва унда “Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик” тушунчасининг мазмун-моҳияти биринчи марта очиб берилган. Ўзбекистон ратификация қилган ХМТ конвенцияларининг қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари белгиланган, ижтимоий шерикликда ходимлар ва иш берувчиларнинг вакиллиги масалалари батафсил тартибга солинган. МКда ижтимоий шериклик органлари – ижтимоий-меҳнат масалалари комиссияларига бағишланган алоҳида боб бор, унда ушбу комиссияларнинг ваколатлари, улар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби белгиланган.

Меҳнат муносабатларини ҳам якка шартномавий, ҳам коллектив шартномавий тартибга солиш сезиларли даражада кенгайтирилган.

Янги Меҳнат кодекси қабул қилингач, ёлланма меҳнат соҳасида юзага келадиган барча муносабатлар битта кодификацион ҳужжатда тартибга солинади, меҳнат соҳасида норматив ҳужжатлар, айниқса идоравий ҳужжатлар сони анча камаяди, ходимлар ва иш берувчиларнинг манфаатлари балансини таъминлай оладиган ҳуқуқий база яратилади.

Янги Меҳнат кодексининг ютуқлари қаторида меҳнат ва у билан бевосита боғлиқ бўлган жамоат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликлар ва номувофиқликлар бартараф этилганини қайд этиш мумкин. Норасмий бандлик сезиларли даражада камаяди.

Янги Меҳнат кодексининг тузилиши тузилмавий жиҳатдан олганда, Сенат тасдиқлаган янги Меҳнат кодекси аввалги лойиҳага нисбатан ўзгармади. Кодекс икки қисмдан иборат:

1. Умумий қисм.

2. Махсус қисм. Ҳаммаси бўлиб, МК 581 та моддани бирлаштирган 34 та бобни ўз ичига олган.

Умумий қисми меҳнат ҳуқуқининг барча институтлари учун асосий аҳамиятга эга бўлган фундаментал масалаларга бағишланган ва иккита бўлимни ўз ичига олади: Меҳнат қонунчилигининг асосий негизлари ва Меҳнат соҳасидаги ижтимоий ҳамкорлик, улар тўққизта бобни бирлаштиради.

Янги Меҳнат кодексининг махсус қисми бешта бўлимдан иборат:

1. Ишга жойлаштириш.

2. Якка тартибдаги меҳнат муносабатлари.

3. Ходимларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

4. Ходимларнинг алоҳида тоифаси меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари.

5. Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Меҳнат низоларини кўриб чиқиш.

Ушбу бўлимларнинг ҳар бири боблардан иборат. Ҳажмига кўра катта боблар параграфларга ажратилган, улар мазмунига кўра бир-бирига яқин моддаларни бирлаштиради.

“Ишга жойлаштириш” бўлими бўйича батафсил.

Айтиш лозимки, Меҳнат кодекси қоидалари Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунга мувофиқлаштирилган, шунингдек, бир қатор мутлақо янги қоидаларни ўз ичига олган. Шунингдек, “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Қонундан келиб чиқадиган тузатишлар киритилди. Янги МКда “ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш” тушунчаси алоҳида моддада очиб берилган.

Таклиф қилинган шахсларга ишга жойлаштириш борасида қўшимча кафолатлар берилган. Иш берувчи алоҳида асослар бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимларни қайта ишга қабул қилиш тартиби белгиланган. Масалан, меҳнат шартномаси аввал 161-модданинг 2-қисми 2-банди бўйича бекор қилинган бўлиб (технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг ўзгариши, иш (хизматлар) ҳажмининг қисқариши туфайли ташкилот, якка тартибдаги тадбиркор ходимларининг сони ёки штатларининг ўзгариши), ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин 6 ой ичида худди шу мутахассислик ёки малака бўйича бўш иш ўрни очилса, иш берувчи ишдан бўшатилган ходимни қайта ишга олиши шарт.

Янги МКда иш берувчининг ходим билан меҳнат шартномасини алоҳида асослар бўйича бекор қилганда унинг иш ҳақини сақлаб қолиши мажбурияти назарда тутилган асослар рўйхати кенгайтирилган. Хусусан, иш берувчи меҳнат шартномасини ходимнинг иш берувчи билан биргаликда бошқа ҳудудда ишлашга ўтишдан бош тортиши сабабли бекор қилганда ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолиши керак.

Меҳнат шартномаси бўйича ходимлар хизматидаги ўзгаришлар

“Якка тартибдаги меҳнат муносабатлари” деб номланган IV бўлимнинг 12-боби Меҳнат шартномасида 79 та моддани бирлаштиради. Янги МК тарафларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Меҳнат шартномаси мазмунини, унинг зарурий ва қўшимча шартларини очиб беришга жиддий эътибор қаратилган. Хусусан, меҳнат муносабатларининг алоҳида моддаларга ажратилган жиҳатлари очиб берилади.

Меҳнат шартномаси шартларининг қонуний кучга эга эмаслигига келсак, қуйидагилар:

• меҳнат қонунчилиги ва меҳнат тўғрисидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ходимнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган;

• меҳнат ва касб-ҳунар соҳасида камситишларни, мажбурий меҳнатни тақиқлаш талабларини бузадиган;

• ходимни ҳуқуқбузарликлар қилишга, ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи, унинг ҳам, бошқа шахсларнинг ҳам шаъни, қадр-қиммати ёки иш борасидаги обрўсига путур етказадиган ноқонуний хатти-ҳаракатлар қилишга мажбурлайдиган шартлар меҳнат шартномасининг мазмунига киритилмаслиги керак ва агар улар киритилган бўлса, унда қуйидаги шартлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Бунда, меҳнат шартномаси алоҳида шартларининг ҳақиқий эмаслиги, умуман олганда, меҳнат шартномасининг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди.

Меҳнат кодекси нафақат меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилиши кераклигини, балки унда қандай мажбурий реквизитлар кўрсатилиши кераклигини ҳам белгилайди.

Қонун лойиҳасида меҳнат шартномасининг муддати билан боғлиқ масалалар батафсил тартибга солинган. Унда назарда тутилишича, меҳнат шартномалари номуайян муддатга, беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга (муддатли меҳнат шартномаси) тузилиши мумкин. Ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузилиши мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган ҳолатлар чеклаб қўйилган, шартнома муддатини белгилаш усуллари шартлашилган. Эслатиб ўтамиз, амалдаги МКга мувофиқ, муддатли меҳнат шартномасини беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузиш мумкин.

Ишга қабул қилишдаги ўзгаришлар

Янги Меҳнат кодексида ишга қабул қилишнинг тартиб-таомиллари, унинг босқичлари белгиланган, ишга қабул қилишда талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати аниқлаштирилган. Ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат беришга алоҳида модда бағишланган, унда ходимни амалда ишга қўйишнинг ҳуқуқий оқибатлари батафсил баён этилган.

Ташкилотларнинг раҳбарлари ва уларнинг

ўринбосарлари, бош бухгалтерлар ва уларнинг ўринбосарлари, филиаллар, ваколатхоналар ёки ташкилотларнинг бошқа алоҳида таркибий бўлинмалари раҳбарларини ишга қабул қилаётганда уларга 6 ойдан ошмайдиган дастлабки синов муддатини белгилаш мумкинлиги назарда тутилган.

Шунингдек, биринчи марта ходимнинг розилиги билан вақтинчалик бошқа ишга ўтказиш муддати белгиланди. Шундай қилиб, меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра, ходим ўша иш берувчида 1 йилгача, бундай ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ иш жойи сақланиб қолган вақтинча ишламаётган ходимнинг вазифасини бажариш учун амалга оширилган тақдирда – бу ходим ишга қайтгунга қадар бошқа ишга вақтинча ўтказилиши мумкин. Ходимнинг бошқа иш берувчига вақтинча хизмат сафарига жўнатилиши – бу меҳнат шартномасини ўзгартиришнинг янги тури. Ходимни бошқа иш берувчига вақтинча хизмат сафарига жўнатиш фақат унинг ёзма розилиги билан ва 1 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга амалга оширилади. Бунда олдинги тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиши тўхтатиб турилади. Зарур бўлган ҳолларда, хизмат сафари муддати томонларнинг келишувига биноан узайтирилиши мумкин, аммо кўпи билан яна 1 йилга. Хизмат сафари муддати тугаганидан кейин ходимга олдинги иши қайтарилиши керак, унинг аввалги меҳнат шартномаси тикланади. Вақтинча хизмат сафаридаги ходим билан бахтсиз ҳодиса юз берган тақдирда, иш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисани текширишни ташкил этиш ходим хизмат сафарига жўнатилган юридик шахс зиммасига юклатилади.

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосларига ходимнинг фақат малакаси етарли бўлмаганлиги туфайли бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши киритилган. Ходимнинг тиббий кўрсатмалар асосида соғлиғининг ёмонлашиши туфайли олдинги ишини бажара олмаслиги ҳолларига келсак, улар меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосларига киритилмаган. Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги ва ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги каби асослар сақланган. Бунда қонунга ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларнинг рўйхатини белгилаш тартибини ўрнатадиган алоҳида модда киритилган.

Меҳнат шартномасини ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилиши муносабати билан бекор қилиш тартиб-таомили соддалаштирилган. Иш берувчига ишлаб чиқариш манфаатларидан келиб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини мустақил қабул қилиш ҳуқуқи берилади: ходимни у билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида икки ой олдин ёзма равишда, огоҳлантириш ёки унга огоҳлантириш муддатига мос келадиган компенсация тўлаш ҳамда икки ой ўтишини кутмасдан, янги тузилма ва штат жадвалини амалга киритиш. Янги МК амалдаги МКнинг 106-моддасида назарда тутилган меҳнат шартномасини тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилиш асосларини тўлдирди. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходим билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгиланди. Ҳисоблаш муддати ҳам ўзгартирилди, иш берувчидан ходимга тўланадиган барча пулларни ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган куни тўлаш назарда тутилган. Масалан, агар ходим меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ишламаган бўлса, унда тегишли суммалар ходим ҳисоб-китоб қилиш учун ариза берганидан кейин уч кундан кечиктирмай тўланиши керак.

Янги МК ишдан бўшатиш нафақаси миқдорини белгилашда ҳаммани тенглаштириш ёндашувини рад этди ҳамда ишдан бўшатиш нафақаси миқдорини тегишли ташкилотдаги иш стажига боғлаб қўйди. Бундай ёндашув ХМТнинг иш берувчи ташаббуси билан меҳнат муносабатларини бекор қилиш тўғрисидаги 158-Конвенциясига (1982) мос келади, унинг 12-моддасида ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори иш стажига боғлиқ бўлиши кераклигига эътибор қаратилган. Жамоа келишувлари, шунингдек, жамоа шартномаси, бошқа ички норматив ҳужжатлар, меҳнат шартномаси ходимларга иш берувчининг ҳисобидан ишдан бўшатиш нафақасини тўлашда қўшимча кафолатлар ўрнатиши мумкин.

Меҳнат кодексида ғайриқонуний равишда ишга қабул қилишни рад этишнинг, меҳнат

шартномасини ўзгартиришнинг, ходимни ишдан четлаштиришнинг, шунингдек, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг ҳуқуқий оқибатлари аниқ тартибга солинган. Масалан, "Меҳнат шартномаси" бобининг 6-параграфида ходимнинг шахсга доир маълумотларини ҳимоя қилишга бағишланган моддалар бор. Амалдаги МКда бундай нормалар йўқ. Янги МК 02.07.2019 йилдаги ЎРҚ–547-сонли "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги Қонунни такрорламайди, балки ушбу қонун қоидаларини меҳнат муносабатларига татбиқан аниқлаштиради.

Айрим тоифадаги ходимлар, масалан, ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётганлар, 18 ёшгача бўлганлар, ўриндошлар ва бошқалар меҳнатини тартибга солишдаги ўзгаришлар:

Кодекснинг алоҳида бўлимида "касбий тайёрлаш", "қайта тайёрлаш", "малака ошириш", "мураббийлик" тушунчалари очиб берилгани, касб стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва қўллаш тартиби ўрнатилган, иш берувчилар ва ходимларнинг касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш юзасидан ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланган. Қонун лойиҳасининг алоҳида боби ишлаб чиқаришда ўқитиш шартномасига бағишланган. Бундан ташқари, ходимларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш қандай ҳолларда мажбурий бўлиши белгилаб қўйилган.

Ишни таълим билан қўшиб олиб бораётган ходимлар учун иш берувчи бажариши шарт бўлган қўшимча кафолатлар жорий этилмоқда. Ўқиш иш билан қўшиб олиб борилганда компенсацияларни бериш шартларига аниқлик киритилган.

Ўриндошлик асосида ишлаш ҳақидаги меҳнат шартномасида, албатта: а) ишлар ўриндошлик асосида бажарилишини; б) иш вақтининг аниқ давомийлигини ҳамда в) ўриндошлик асосидаги иш режимини кўрсатиш шарт.

Ўриндошларга кафолатланган ва компенсация тўловлари хусусиятларига оид алоҳида модда киритилган, чунки амалиётда кўплаб саволлар туғилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш, кафолатланган ва компенсация тўловларидаги ўзгаришлар

Янги Меҳнат кодексида меҳнатга ҳақ тўлаш ва меъёрлаштириш, кафолатли тўловлар ва компенсация тўловларига боғлиқ бир қатор ўзгаришлар назарда тутилган. МКда кўзда тутилишича, ходимларнинг алоҳида тоифалари учун касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини ўрнатиш шарт эмас. Масалан, МКга кўра, иш берувчи – микрофирма ички норматив ҳужжатларни: ИМТҚ, меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофотлаш, сменалилик жадвали ҳақидаги низомлар ва ҳоказоларни қабул қилишдан воз кечиши мумкин. Бу ҳолда ички норматив ҳужжатлар билан белгиланадиган шартлар, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳақидаги шартлар ходимлар билан тузиладиган меҳнат шартномаларига киритилади.

Иш берувчилар меҳнатга ҳақ тўлашнинг тарифли ва тарифсиз тизимларини қўллаши мумкин. Биринчи марта иш берувчининг ходим олдидаги моддий жавобгарлиги назарда тутилган. Бундай жавобгарлик миқдори "Меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги" номли бобда белгиланган.

Илк маротаба Меҳнат кодексида назарда тутилган барча ҳолатлар учун ўртача иш ҳақини ҳисоблаш тартиби белгиланган.

Агар ходим лавозим вазифаларини бажармаса, меҳнатга ҳақ қандай тўланиши аниқлаштирилган. Агар ходим иш берувчининг айби билан меҳнат нормасини ёки ўз лавозим мажбуриятларини бажармаса, меҳнатга ҳақ тўлаш ходим ишлаб берган вақт учун мутаносиб равишда, унинг ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда тўланади. Агар ходим, иш берувчи ва ходимга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, меҳнат нормасини ёки ўз лавозим мажбуриятларини бажармаса, у ҳолда ҳақиқатда ишлаб берилган вақтга мутаносиб тарзда ҳисоблаб чиқилган ходимнинг тариф ставкаси, лавозим маошининг камида учдан икки қисми сақланади. Агар меҳнат нормаси ёки лавозим мажбуриятлари бажарилмаслигига ходимнинг ўзи сабабчи бўлса, иш ҳақи бажарилган иш ҳажмига мувофиқ тўланади.

Ходим график бўйича ишлаган бўлса, дам олиш ёки байрам кунларида ишлаганлик учун ва бекор туриб қолганлик учун иш ҳақи тўлаш тартиби аниқлаштирилган. Ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолишлар батафсил тартибга солинган. Янги МКда меҳнат шартномасини бекор қилишнинг меҳнат таътилининг ишланмаган даврга тўғри келадиган кунлар

учун ушлаб қолинмайдиган асослари кенгайтирилган.

МКга биринчи марта, “Меҳнатни нормалаш” боби киритилган, у еттита моддани ўз ичига олган. “Меҳнатни нормалаш” тушунчаси очиб берилади, меҳнат нормалари турлари санаб ўтилган ҳамда уларга таъриф берилган, меҳнат нормаларини ишлаб чиқиш, жорий этиш, алмаштириш ва қайта кўриб чиқиш тартибга солинган.

Иш вақти ва дам олиш вақтидаги ўзгаришлар

Меҳнат кодексида иш вақти ва унинг турлари – “иш вақтининг нормал давомийлиги”, “қисқартирилган ва тўлиқсиз иш вақти” тушунчалари очиб берилган. Масалан, қисқартирилган иш вақти белгиланган шахсларга иш кунининг энг катта давомийлиги белгиланган.

Янги МК иш вақтини ҳисобга олишнинг турли хиллари: кунбай, ҳафталик, жамлаб ҳисобга олишни қўллаганда иш вақтидан ташқари ишланган соатларни ҳисоблаш тартибини белгилаб берди. Ходимни унинг розилигисиз иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилиш мумкин бўлган истисно ҳолатлар рўйхати жорий этилган. Масалан, иш тўхтатилишига йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатларда, сменачи ишга келмай қолганда. Бундай ҳолларда иш берувчи зудлик билан сменачини бошқа ходим билан алмаштириш чораларини кўриши шарт.

Корхоналарга иш вақти режимини танлаш осонлашади. Иш вақти режимига биринчи марта аниқ тавсиф берилади. Уни қандай белгилаш, сменали иш ва мослашувчан иш вақти, иш вақтини қисмларга бўлиш масалалари батафсил баён этилган. Ҳар бир иш режими турига алоҳида модда бағишланган.

Янги таътил тури жорий этилди. Энди таътилларнинг тури тўртта бўлди: йиллик меҳнат таътили; ижтимоий таътиллар; иш ҳақи сақланмайдиган таътил ва иш ҳақи қисман сақланадиган таътил.

Йиллик асосий меҳнат таътилининг энг кам муддати 21 календарь кунни ташкил этади, ҳозир – 15 иш куни. Календарь кунларини ҳисоблашда таътилга дам олиш кунлари қўшилади, байрам кунлари эса қўшилмайди.

Асосий ва қўшимча таътилларни жамлашда уларнинг умумий муддатини 56 календарь кун билан чеклаш жорий этилди, ҳозир бу муддат 48 иш куни. Бундай чеклов жамоа шартномаларида, шунингдек, жамоа келишувида, иш берувчининг касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда тузилган бошқа ички ҳужжатларда белгиланган, иш берувчи томонидан фойда ҳисобидан қопланадиган меҳнат таътилларига тааллуқли эмас. Ходимларнинг иш ва дам олиш жадвалидаги ўзгаришларнинг тўлиқ рўйхати булар билан чекланмайди.

Меҳнат кодексининг янги таҳририда интизомий ва моддий жавобгарлик масалалари:

Интизомий жавобгарлик нуқтаи назаридан, биз бир нечта асосий ўзгаришлар ҳақида гапиришимиз мумкин.

Биринчидан, умумий ва махсус интизомий жавобгарлик атамалари киритилди. Умумий интизомий жавобгарлик МК ва ИМТҚ билан тартибга солинади. Бу ходимга Меҳнат кодексида назарда тутилган интизомий жазо чораларидан бирини қўллашдан иборат ва барча ходимларга нисбатан қўлланилади, махсус интизомий жавобгарлик белгиланган ходимлар бундан мустасно.

Махсус интизомий жавобгарлик қонун ҳужжатларида, шунингдек, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда фақат айрим тоифадаги ходимлар учун назарда тутилган жавобгарлик бўлиб, ходимга тегишли қонун, устав ва интизом тўғрисидаги низомда назарда тутилган интизомий жазо чораларини қўллашдан иборат.

Иккинчидан, хизмат текшируви ўтказиш тартиби ўрнатилган.

Учинчидан, ходимнинг интизомий жавобгарликка тортилгандаги кафолатлари кучайтирилган. Ножўя хатти-ҳаракатни айнан шу ходим содир этгани доим ҳам шак-шубҳасиз бўлмайди. Масалан, ташкилот раҳбари бу ҳақда ОАВдаги хабарлардан, бошқа ходимларнинг мурожаатларидан, фуқароларнинг аризаларидан ва ҳоказолардан билиши мумкин. Агар иш берувчи бундай ахборотнинг ишончлилигига шубҳа қилса, у хизмат текширувини ўтказиши мумкин. Янги Меҳнат кодексида хизмат текшируви комиссиясини тузиш тартиби, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, ички текширув ўтказиш муддати белгиланган – у 15 кунни ташкил этади. Ходимнинг ички текширув вақтидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам тартибга солинади.

Ходим ҳам ички текширувни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Тўртинчидан, интизомий жазони қўллаш ҳақида буйруқ билан таништириш муддати белгиланди. Энди, иш берувчи ходимни интизомий жазо қўллаш ҳақидаги буйруқ билан у чиқарилган кундан бошлаб, уч иш куни ичида асосларни кўрсатган ҳолда имзо чектириб таништириши шарт. Ходимнинг ишда бўлмаган вақти бу муддатга киритилмайди.

Бундан ташқари, иш берувчига ходимга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатиладиган ҳолатлар аниқлаштирилди. Ходимга тўланиши керак бўлган иш ҳақи ва бошқа тўловларни кечиктирганлик учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги белгиланган. Ходимга етказилган маънавий зарарни қоплаш тўғрисида алоҳида модда киритилган. Ходим иш берувчи олдида тўлиқ моддий жавобгарликка эга бўладиган иккита ҳолат қўшилди: 1) иш берувчига зарар маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган бўлиб, буни тегишли давлат органи аниқласа; 2) ходимнинг иш вақтидан ташқари пайтда иш берувчининг мулкига зарар етказиши.

Раҳбар ва бош бухгалтер билан меҳнат шартномасига тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шарт киритиш мумкин.

МКга ходимни ўқитиш билан боғлиқ иш берувчининг харажатларини қоплашга бағишланган модда киритилди. Энди ходим билан меҳнат шартномаси унда кўрсатилган муддатдан ёки иш берувчининг маблағлари ҳисобидан ўқитиш ҳақидаги келишувда белгиланган муддатдан илгари узрли сабабларсиз бекор қилинса, ходим иш берувчининг уни ўқитишга қилган харажатларини қоплаши шарт бўлади. Харажатлар ўқиш тугаганидан кейин, ҳақиқатда, ишлаб берилмаган вақтга мутаносиб ҳисоблаб чиқилади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик ҳужжатлари тўплами. 2022 й. № 6.
2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси/ Lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПР–60-сонли Фармони. Lex.uz
4. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги 788-сонли қонуни. president.uz

THE ANALYSIS OF STATE BODIES (INSTITUTES) PARTICIPATING IN THE STAFFING PERSONNEL FOR THE STATE CIVIL SERVICE



Dilmurodjon RAKHIMOV,
Base doctoral student of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *the article aims to analyze the state bodies and institutions involved in the staffing personnel for the state civil service. As a result of the research, these institutions were divided into 2 large groups: general authorized entities and special authorized entities.*

Keywords: *public administration, public service, state civil service, public bodies, public servant, personnel.*

Давлат фуқаролик хизматини кадрлар билан таъминлашда иштирок этувчи давлат органлари (институтлари)нинг таҳлили

Дилмуроджон Раҳимов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси докторанти

Аннотация: *мақола давлат фуқаролик хизматини кадрлар билан таъминлашда иштирок этадиган давлат органлари ва институтларини таҳлил қилишни мақсад қилган. Тадқиқот натижасида ушбу институтлар 2 та йирик гуруҳга: умумий ваколатли субъектлар ва махсус ваколатли субъектларга ажратилган.*

Калит сўзлар: *давлат бошқаруви, давлат хизмати, давлат фуқаролик хизмати, давлат органлари, давлат хизматчиси, кадр.*

Анализ государственных органов (институтов), участвующих в обеспечении кадрами государственной гражданской службы

Дилмуроджон Рахимов,
докторант Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *в статье ставится задача проанализировать государственные органы и учреждения, занимающиеся кадровым обеспечением государственной гражданской службы. В результате исследования данные учреждения были разделены на 2 большие группы: общие уполномоченные органы и специальные уполномоченные органы.*

Ключевые слова: *государственное управление, государственная служба, государственная гражданская служба, государственные органы, государственный служащий, кадры.*

The concept of "staffing personnel for the state civil service" is a structural element of human resources management in the state civil service. According to Uzbek scientists, "the principle (system) of staffing, according to its content, covers the implementation of organizational, educational, economic, managerial, social-psychological and other features aimed at satisfying the need of qualified personnel with a certain specialty of state bodies" [1]. According to political scientist O. Ibrohimov, "the new system of personnel policy is a set of principles, mechanisms and tools for selection, training and retraining of personnel" [2]. Thus, in the provision of personnel for the state civil service, personnel are trained, selected and assigned to certain positions. Retraining and upskilling of public civil servants is also an integral part of this process, and retrained and upskilling employees can occupy certain new positions or advance in the career ladder. The formation of a reserve of state civil servants and management personnel also plays an important role in the provision of personnel for the state civil service. Thus, *"staffing personnel for the state civil service is a complex of training, selection and appointment of personnel for the state civil service, developing the competence of state civil servants, as well as forming their reserve"*. Institutions, bodies and agencies of state power participate in the organization and management of this process in accordance with the established procedure. As lawyer F.U. Yuldasheva rightly stated, "the management of the state civil service is not the activity of only one body, but it consists of a set of state power and management bodies aimed at organizing, providing, and improving the state civil service according to their tasks and functions" [3]. In our opinion, it is possible to analyze the entities participating in the provision of personnel for the state civil service by dividing them into general authorized and special authorized entities:

According to the content of the general authorized entities, they have wide tasks in other areas, and participation in the provision of personnel for the state civil service is one of its powers. The main task of special authorized entities is to organize and manage the staffing of the state civil service. That is, they are organized to implement the personnel policy and have the authority to do so. We will analyze each of these state bodies (institutes) below.

The **President of the Republic of Uzbekistan** has a number of important powers regarding the organization and management of the state civil service. Experts note that "the discretionary powers of the President of the Republic of Uzbekistan give him wide opportunities in managing the public service" [4]. In our opinion, the President of the Republic of Uzbekistan has powers in two directions regarding the state civil service.

First, the Constitution enumerates the powers of the President to present, appoint and dismiss candidates for public service positions. In particular, the President performs the duties of appointing and dismissing the highest-ranking civil servants, including members of the government, supreme commanders of the

General authorized entities	Special authorized entities
- President of the Republic of Uzbekistan, - Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, - Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, - Ministry of Higher Education, Science and Innovation, - Ministry of Employment and Poverty Reduction, - state bodies and agencies related to state civil service.	- The unit of the Advisor to the President of the Republic of Uzbekistan on issues of public service, communication with the population and coordination of the activities of local authorities in the Administration of the President of the Republic of Uzbekistan, - Personnel Department of the Prime Minister's Secretariat of the Cabinet of Ministers, - Agency for the Development of Public Service, - Academy of Public Administration, - Organizational and control group in the management apparatus of regional, city (district) hokimiyats, - personnel divisions of state bodies and agencies.

Armed Forces, the Prosecutor General, the chairman of the Accounts Chamber, hokims of regions and the city of Tashkent, as well as court chairmen and deputy chairmen. In addition, the President presents to the Parliament the candidates for the Chairman of the Senate, the Prime Minister, the Chairman of the Supreme Council of Judges, the Chairman of the Central Bank Board, as well as the members of the Constitutional Court and the Supreme Court [5]. It should be noted that today members of the government, hokims of regions and Tashkent city are considered state civil servants. Lawyer M. Mirakulov includes the appointment of high-ranking officials of state bodies by the President in the scope of the President's powers, which are carried out according to the appeals of other state bodies and officials [6].

Secondly, according to Article 6 of the Law "On State Civil Service", the President determines the priorities and organizational-legal mechanisms for improving the state civil service [7].

The **Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan** is also a subject of general authority for the state civil service. The Parliament adopts laws related to the field, participates in the formation of the system of executive and judicial bodies, appointment and approval of civil servants of the state. Professor O.T. Khusanov emphasizes that "participation in the appointment and election of officials and members of state bodies is one of the main tasks of the Parliament in the system of state power" [8]. For example, the chambers of the Oliy Majlis have the authority to consider and approve the candidate of the Prime Minister. The law stipulates that both chambers of the Oliy Majlis can participate in the implementation of state civil service. In particular, according to the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the Senate of the Oliy Majlis has the right to appoint diplomatic and other representatives of our country in foreign countries and to dismiss them from their positions, based on the proposal of the President [9].

According to the amendment to the Constitution of the Republic of Uzbekistan dated March 5, 2019, the deputies of the Legislative Chamber have the authority to review and approve candidates for government membership upon the submission of the Prime Minister. According to the regulation, the candidates are sent for confirmation to the posts by the head of state only after they have been approved by the deputies [10].

It can be said that the Parliament plays an important role in the formation of the executive power, which implements the state civil service, based on the principle of "separation of powers and mutual restraint". As lawyer R.R. Khakimov correctly stated, "the participation of the legislative power in the formation of the executive power, in turn, does not mean the subordination of the executive power to the legislative power, but remains one of the unique means of ensuring balance between the powers" [11].

The **Cabinet of Ministers** also has certain powers to organize and manage the state civil service. In particular, according to the Constitution of the Republic of Uzbekistan and the Law "On the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan", the Prime Minister has the right to submit a proposal to the President on the appointment and release of hokims of regions and the city of Tashkent [12].

The Cabinet of Ministers heads the state bodies in its system and appoints personnel to the positions of the state civil service within its powers. Lawyer B.B. Alimov, studying the relationship between the President and the Prime Minister, notes that "these two subjects of state power interact in the appointment and dismissal of officials in the executive power system, and the distribution of tasks between them" [13]. In addition, according to the Law "On State Civil Service", the Cabinet of Ministers ensures and approves the economic and financial mechanisms of the state civil service [14].

The higher education system is responsible for training personnel for both the private and public sectors, including the civil service. As a rule, higher education is required from personnel for admission to the state civil service. In the Republic of Uzbekistan, the **Ministry of Higher Education, Science and Innovation** implements a unified state policy aimed at training highly qualified personnel with modern knowledge and high moral and ethical qualities in the field of higher and secondary special, professional education [15]. Also, coordination of activities of all higher and secondary special and professional educational

institutions, regardless of their departmental affiliation, is the main task of the ministry. For this reason, the Ministry of Higher Education, Science and Innovations is considered a general authorized entity that directly participates in the provision of personnel to the state civil service through all higher and secondary special and professional educational institutions. In addition, other educational state bodies, in particular, the Ministry of Preschool and School Education, do not directly train personnel for the civil service through their institutions, but they train personnel for the higher education system. Therefore, they can be considered as indirect subjects.

According to its function, the **Ministry of Employment and Poverty Reduction** of the Republic of Uzbekistan can be included among the general authorized entities. The Ministry carries out tasks such as employment of graduates of higher and secondary special educational institutions in accordance with their specializations, labor protection, professional and labor standards, ensuring compliance with gender equality, as well as in the private sector, as well as in the public sector, in particular, in the state civil service. In addition, the State Labor Inspectorate, which is a structural division of the Ministry, protects the labor rights of employees [16].

In addition, **state bodies and agencies** related to the state civil service can be considered as a subject with general competence. Because they take part in providing management apparatuses with qualified personnel to perform their functions, they participate in their selection, and they draw up employment contracts with the selected personnel and appoint them to positions.

Special authorized entities have a special place in the provision of personnel for the state civil service.

The concept of administrative reforms in the Republic of Uzbekistan, approved by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. 5185 of September 8, 2017, meant the establishment of a state body responsible for personnel policy [17]. It should be noted that in most countries, the implementation of public service is entrusted to a specific state body. Such state bodies are usually organized as a ministry, agency or department under the head of state or government:

Country	State body responsible for state personnel policy
USA	The U.S. Office of Personnel Management
United Kingdom	Civil Service Commission
France	Ministry of Public Sector Transformation and the Civil Service
Korea Republic	Ministry of Personnel Management
Malaysia	The Public Service Department
Singapore	Public Service Commission
Japan	National Personnel Authority
Kazakhstan	Agency of the Republic of Kazakhstan for Civil Service Affairs

Countries such as the USA, Great Britain, France, the Republic of Korea, Japan, Malaysia, and Singapore have made significant progress in terms of human capital, public administration, and public service efficiency. It can be said that one of the reasons for the achievements is the existence of state body responsible for state personnel policy. The reason is that the existence of such a state body leads to effective management of all organizational processes related to the dalat service. In this regard, attracting qualified personnel, especially young people and women to the public service, training and retraining them, forming a reserve of personnel for the public service, developing human resources in the public service, protecting the rights and interests of public servants, and achieving efficiency by evaluating their performance. It is important that a number of issues are managed by a single state body. For this purpose, on the initiative of the head of our country, on October 3, 2019, the **Agency for the Development of Public Service under the President of the Republic of Uzbekistan** was established and designated as the state body responsible for the state civil service. The agency reports directly to the head of state. The agency's organizational structure includes its central office, the "El-yurt umidi" Foundation, the Fund for the Development of Public Service and the Agency's branches [18].

It should be noted that a number of theoretical proposals were also taken into account when defining the tasks and functions of the Agency. Taking into account theoretical views of Uzbek scientists, the main tasks of the Agency were defined. Its powers are listed in Article 8 of the Law "On State Civil Service". It can be seen that these powers were formed based on the main tasks of the Agency listed in the Charter of the Agency for the Development of Public Service under the President of the Republic of Uzbekistan, approved by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. 4472 of October 3, 2019 [19]. In the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. 6168 of February 11, 2021, one of the tasks of the Agency is defined as "supporting the organization of public servants and specialists to receive education in prestigious educational, scientific and other institutions abroad" [20]. It is appropriate that this function is also reflected in Article 8 of the Law as a competence of the Agency.

According to the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. 5519 of August 26, 2018, "On the establishment of the Administration of the President of the Republic of Uzbekistan", the position of "Advisor to the President of the Republic of Uzbekistan on public service and personnel reserve issues" was introduced [21]. Today, this position is named "**Advisor to the President of the Republic of Uzbekistan on issues of public service, communication with the population and coordination of activities of local authorities**" and at the same time he is the Director of the Agency for the Development of Public Service. It is this unit of the Presidential Administration that performs the main functions of regulating the civil service.

The Administration of the President of the Republic of Uzbekistan previously functioned as the Office of the President of the Republic of Uzbekistan, and Chapter 10 of the Presidential Decree No. 3161 "On Approval of the Regulations of the Office of the President of the Republic of Uzbekistan" adopted on July 28, 2017 is entitled "Procedure for Consideration of Personnel Issues". Personnel issues were dealt with by the Organizational Personnel Service of the Office [22].

The **Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan** plays an important role in providing the public service with management personnel. The Academy, which performs the task of training, retraining and professional development of management personnel, also performs the task of monitoring their professional growth [23]. The Academy also took part in the formation of the reserve of management personnel, the development and implementation of the system of certification of civil servants. Today, the Academy and its branches are considered a base institution for training not only management personnel, but also all state civil servants.

Although the **Personnel Department of the Prime Minister's Secretariat** is considered a functional structural department of the Cabinet of Ministers by its status, it is proposed to include it in a specially authorized entity. Because his entire activity is aimed at providing the system of the Cabinet of Ministers with qualified personnel. This department, firstly, prepares draft documents on the issues of appointing and dismissing the executive staff of state administration bodies in accordance with the approved nomenclature, and secondly, the current tasks such as filling the structural units of the Cabinet of Ministers with qualified personnel, forming their reserve, retraining and improving the skills of staff also implements issues [24].

Since the **Organizational and control group** in the management apparatus of regional, city (district) hokimiyats deal with issues of personnel policy in hokimiyats, they can also be recognized as a special authorized entity. The head of the organizational control group is appointed and dismissed by the decision of the hokim in agreement with the units of the Adviser to the President of the Republic of Uzbekistan on issues of public service, communication with the population and coordination of the activities of local authorities. The organizational and control group includes proposals for the retraining of management personnel, improving their qualifications, motivating them and applying disciplinary measures against them in the hokim's personnel policy for the hokim's consideration in the prescribed manner; implementation of a complex of personnel

selection and appointment measures in accordance with the approved nomenclature of positions, organization of work on the formation of a reserve of management personnel; carries out the tasks of carrying out systematic monitoring of the activities of the management personnel of territorial units of state administration bodies [25].

In our opinion, **Personnel divisions of state bodies and agencies** related to the state civil service are also among the specially authorized subjects. Personnel departments carry out tasks such as selection of candidates, development of competence of employees.

In conclusion, authorized entities participating in the field can be divided into general and special groups. The main task of the special authorized entities is to provide personnel for the state civil service, while the general authorized entities participate in the provision of personnel for the state civil service to a certain extent within the scope of their powers.

References:

1. Management of civil service personnel. Study guide / Responsible editor: Azizkho'jaev A.A. – T.: Academy, 2002. – P. 8-9.
2. Ibrokhimov O.U. Problems of formation and implementation of a new system of personnel policy in the Republic of Uzbekistan. Dissertation. – T., 1997. – P. 20-21.
3. Yuldasheva F.U. Improvement of the legal mechanism of entry and transition to public service in the Republic of Uzbekistan. Dissertation. – T., 2021. – P. 107.
4. Azizov H., Yuldoshev A., Asadov Sh., Khaitov H., Karimov D., Bekchanov D., Atajanova D., Yuldasheva F. Public service. Study guide. – T., 2019 й. – P. 61-62.
5. Constitution of the Republic of Uzbekistan. – T.: Uzbekistan, 2021. – P. 44-50.
6. Mirakulov M.M. Constitutional-legal status of the President of the Republic of Uzbekistan (comparative-legal analysis). Dissertation. – T., 2016. – P. 86.
7. Law No. 788 of the Republic of Uzbekistan "On State Civil Service" // National database of legislative information, 09.08.2022, No.03/22/788/0723.
8. Khusanov O.T. Constitutional law of the Republic of Uzbekistan. Textbook. – T.: "Legal literature publish", 2021. – P. 264.
9. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021. – Б. 31-33.
10. Law No. 527 of the Republic of Uzbekistan "On Amendments and Additions to Certain Legislative Documents of the Republic of Uzbekistan in connection with the democratization of the procedure for the formation of the Government and the strengthening of its responsibility" // National database of legislative information, 06.03.2019, No.03/19/527/2706.
11. Khakimov R.R. Improvement of legal mechanisms for ensuring balance between branches of state power. Monograph. – T.: "Literary sparks", 2016. – P. 79.
12. Law No. 591 of the Republic of Uzbekistan "On the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan" // National database of legislative information, 04/21/2021, No. 03/21/683/0375.
13. Alimov B.B. Relations between the President and the Cabinet of Ministers in the state power system of the Republic of Uzbekistan. Monograph. – T.: "Uzbekiston", 2016. – P. 260.
14. Law No. 788 of the Republic of Uzbekistan "On State Civil Service" // National database of legislative information, 08/09/2022, No. 03/22/788/0723.
15. Decision No. 4391 of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to introduce new principles of management into the system of higher and secondary special education" // National database of legislative information, 07/12/2019, No. 07/19/4391/3411.
16. Resolution No. 1066 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On measures to improve the activities of the Ministry of Employment and Labor Relations of the Republic of Uzbekistan" // National database of legislative information, 31.12.2018, No. 09/18/1066/2428.
17. Decree No. 5185 of the President of the Republic of Uzbekistan "On approval of the concept of administrative reforms in the Republic of Uzbekistan" // Collection of legal documents of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 37, Article 979.
18. Decree No. 5843 of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to fundamentally improve personnel policy and the state civil service system in the Republic of Uzbekistan" // National database of legislative information, 09.03.2021, No. 06/21/6184/0192.

19. Decision No. 4472 of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to organize the activities of the State Service Development Agency under the President of the Republic of Uzbekistan" // National database of legislative information, 04.10.2019, No. 07/19/4472/3906.

20. Decree No. 6168 of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to radically improve the system of training civil servants and specialists abroad and further increase their potential" // National database of legislative information, 09.11.2021, No. 06/21/3 /1037.

21. Decree No. 5519 of the President of the Republic of Uzbekistan "On the establishment of the Administration of the President of the Republic of Uzbekistan" // http://uza.uz/

22. Decision No. 3161 of the President of the Republic of Uzbekistan "On approval of the regulations of the Office of the President of the Republic of Uzbekistan" // Collection of legal documents of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 31.

23. Decree No. 5139 of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to further develop the system of training, retraining and professional development of management personnel at the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan" // Collection of legal documents of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 32, Article 795.

24. Resolution No. 503 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On approval of the regulation on the personnel department of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan" // National database of legislative information, 07.08.2021, No. 09/21/503/0771.

25. Resolution No. 123 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On the approval of model regulations on administrative apparatuses of provinces, cities and districts" // Collection of legal documents of the Republic of Uzbekistan, 2016, No. 17, Article 177.

СУД-ҲУҚУҚ БОШҚАРУВИДАГИ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТОМОНЛАР ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ



Хайрулла КУЧКАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети "Жиноий-ҳуқуқий фанлар" кафедраси профессори, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

Аннотация: *жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш шароитида адвокатура институтининг мақомини юксалтириш, ваколатлари ҳамда масъулиятини ошириш, адвокатура фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Суд ишини юритишнинг барча босқичларида томонларнинг тортишуви принциплари лозим даражада ишлаши муҳим.*

Калит сўзлар: *суд-ҳуқуқ бошқаруви, фаолият, давлат, сиёсат, адвокатура, демократлаштириш, ваколат, профессионал.*

Проблемы обеспечения равноправия сторон в уголовном процессе судебного управления

Хайрулла Кучкаров,
Общественная безопасность Республики Узбекистан, профессор кафедры "Уголовно-правовых наук" университета, доктор философии юридических наук, доцент

Аннотация: *большое значение имеют демократизация общества и повышение статуса адвокатуры в условиях обновления, модернизации и реформирования страны, увеличение полномочий и ответственности, который регулирует деятельность адвокатуры, дальнейшее совершенствование нормативных правовых документов. В суде важно, чтобы принципы спора сторон работали должным образом на всех стадиях разбирательства.*

Ключевые слова: *судебное управление, деятельность, государство, политика, адвокатура, демократизация, авторитет, профессионал.*

Problems of ensuring equality of the parties in the criminal process in the judicial administration

Khairulla Kuchkarov,
Professor of the Department of Criminal and Legal Sciences of the Public Security University of the Republic of Uzbekistan, PhD (in Law), Associate Professor

Abstract: *in the conditions of democratization and renewal of society, modernization and reform of the country, it is important to raise the status of the bar institute, increase its powers and responsibilities, and further improve the normative legal documents regulating the activity of the bar. It is important that the principles of dispute between the parties work properly at all stages of court proceedings.*

Keywords: *judicial administration, activity, state, politics, advocacy, democratization, authority, professional.*

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш шароитида адвокатура институтининг мақомини юксалтириш, ваколатлари ҳамда масъулиятини ошириш, адвокатура фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Суд ишини юритишнинг барча босқичларида томонларнинг тортишуви принципининг лозим даражада ишлашини ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги "Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5441-сонли Фармони адвокатура тизимини тубдан такомиллаштириш, профессионал юридик ёрдам сифатини ва адвокат касбининг нуфузини ошириш, шунингдек, суд ишини юритишда тенглик ва тортишув принципларини тўлиқ рўёбга чиқариш каби мақсадларни назарда тутади [1].

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддасига асосан, биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек ишлар юқори судларда кўрилаётганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилса, мазкур Кодекснинг 51-моддасида апелляция ва кассация инстанцияси суди томонидан кўриладиган ишларда ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги белгилаб қўйилган [2].

Жиноят ишларини кўришда биринчи инстанция судининг ўзида судланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга ҳаракат қилинади. Бироқ суд томонидан қабул қилинган ҳужжат судланувчининг ҳуқуқларига зид бўлган ҳолларда мазкур иш апелляция, кассация ва такроран кассация тартибида кўриб чиқилиши мумкин бўлади. Бу ўринда судланган шахсларга юқори малакали юридик ёрдам кўрсатишнинг, унинг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг самарали воситаларидан бири қонуний кучга кирган ҳукм, қарор ва ажримлар устида шикоят қилиш имконияти ҳисобланади.

Жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларини суддаги иштироки юзасидан бир қанча фикрлар мавжуд. Хусусан, М.Рустамбаев ва бир қатор олимлар фикрича, жиноят ишларини судда юритишда тарафларнинг тенглиги ва тортишув принципларига таянадиган одил судлов суд ҳокимиятининг асосий шакли ҳисобланади. Ҳаққонийлик ва адолатга асосланиб, бузилган ҳуқуқни тиклаб берган судловгина, одил судлов бўла олади [3].

Б.С. Саломов, ҳимоячи ҳимоя қилиш функциясини амалга оширувчи процесс иштирокчисидир [4], – деб таъкидлайди.

Адвокат (ҳимоячи) – тергов ва суд жараёнининг барча босқичларида айбланувчини ҳимоя қилиш, жабрланувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва маслаҳатлар, тавсиялар бериш орқали профессионал юридик ёрдам кўрсатувчи юрист [5].

С.А. Абдуқаххоровнинг ёзишича, ҳимоячи – ўзига нисбатан жиноят иши қўзғатиш ёхуд рад этиш тўғрисидаги масала қўйилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум, оқланган шахс, ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ҳамда жиноят содир этганидан кейин руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган, шунингдек, жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир [6].

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳимоячи судланган, оқланган, унинг қонуний вакили ва бошқа шахсларнинг топшириғига мувофиқ ёки судланган, оқланган шахснинг розилиги билан қуйи суднинг қарорига нисбатан юқори инстанция (апелляция, кассация) судига шикоят бериши мумкин. Бунда адвокат билан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилади. Мазкур шартномага мувофиқ, адвокатлик тузилмаси адвокатга мазкур иш юритишда иштирок этиши учун ордер беради.

Б.Жамоловнинг фикрича, "юқори судлар" иборасини "апелляция, кассация инстанциясида" деган ибора билан алмаштириш судда ишларни юритишда тортишув принципининг амал қилиш доирасини аниқ ва тўлароқ очиб беради. ЖПКнинг 25-моддаси 5-бандида баён этилган суд айблов ёки ҳимоя тарафида турмайди ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатини ифодаламаслиги тўғрисидаги тортишув принципининг шартини таъминлаш мақсадида, ЖПКда мавжуд бўлган айрим айбловга

хос бўлган функцияларни суд ваколатидан чиқариб ташлаш лозим [7].

Юқори инстанция судларида бериладиган шикоятни тайёрлашда адвокат нафақат жиноят ишининг барча тафсилотларини билиши, балки унинг фикрича, ҳукм, ажрим (қарорларнинг) нотўғри чиқарилганлигини тасдиқловчи исбот ва далилларнинг асосли бўлиши ҳамда адвокатнинг юқори ҳуқуқий маданиятга эга бўлиши талаб қилинади. Чунки мазкур босқич бирмунча мураккаб ҳисобланади.

Апелляция, кассация шикоятида адвокатнинг суд чиқарган ҳукм, ажрим ва қарорининг қонунийлиги ва асослилигига нисбатан муносабати тўлиқ ифодаланиши лозим. Демак, адвокат томонидан жиноят ишини тўлиқ таҳлил қилиш асносида мантиқий фикрлар, қонун бузилиши ҳолатларини аниқлашда муайян билим ва кўникмалар шаклланган бўлиши лозим. Бу жиҳатлар эса, ўз навбатида, судгача ва суд жараёнида йўл қўйилган камчиликларни аниқлашга ҳамда жиноят иши бўйича ноқонуний ҳукм, ажрим ва қарорлар чиқарилганлигини аниқлашга имкон беради.

М.Обидовнинг таъбирича, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида айбловчи ҳамда ҳимояловчи тарафларнинг амалдаги тенглиги, асосан, таъминланган эса-да, жиноят ишларини қайта кўриш жараёнида тарафлар ўртасида бироз тенгсизлик мавжудлиги кўзга ташланади [8].

Б.А. Ражабовнинг ёзишича, ҳимоячи жиноят процессининг тенг ҳуқуқли томони сифатида, ҳимоя қилиш учун мустақил равишда далилларни аниқлаш ва тўплаш, суд жараёнида иштирок этишга оид процессуал ваколатларидан тўла-тўкис фойдаланиши лозим, бунинг учун, албатта, ЖПК да бунга тўсиқ вазифасини ўташи мумкин бўлган бўшлиқларни тўлдириш мақсадга мувофиқдир [9].

Модомики шундай экан, давлат айбловчиси, судланувчи, вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суд мажлисида тарафлар сифатида иштирок этади ва далиллар тақдим этиш, уларни тадқиқ қилишда қатнашиш, шикоятлар киритиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Жиноят ишларини кассация тартибида такроран кўришга суд раиси ҳамда прокурор томонидан киритилган протест асос бўлади. Ҳолбуки, ҳимоячи бундай ҳуқуққа эга эмас. Суд раиси ёки прокурорга ишни кассация тартибида такроран қайта кўриш учун протест киритиш ваколати берилган бўлса, унга шикоят киритиш ҳуқуқи берилган. Бинобарин, айблов ва ҳимоя ўртасидаги бундай муаммони ҳал этиш учун, бизнингча, қонунчиликка зарур ўзгартиришлар киритиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йилнинг 16 январдаги “**Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги ПФ-11-сонли Фармони қабул қилиниши Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишда янги даврни бошлаб берди.

Амалдаги тартиб бўйича туман (шаҳар) судлари томонидан ишлар биринчи инстанцияда кўрилиб, суд қарори қонуний кучга киргунга қадар йигирма кун ичида берилган шикоят асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва уларга тенглаштирилган судларда апелляция тартибида қайта кўриб чиқилади, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция тартибида кўрилгандан кейин, мазкур судлар чиқарган, қонуний кучга кирган қарорлар устидан судланувчи, маҳкум ёки унинг қонуний вакили томонидан берилган шикоят ёхуд тегишли суд раиси, прокурор ва унинг ўринбосарлари томонидан киритилган протест асосида Олий суднинг тегишли судлов ҳайъатларида кассация тартибида қайта кўриб чиқилади.

Шунингдек, суд қарорлари тегишли суд раиси ҳамда прокурор ва унинг ўринбосарлари томонидан киритилган протест асосида Олий суднинг судлов ҳайъатларида такроран кассация тартибида қайта кўриб чиқиш тартиби мавжуд.

Судларнинг мазкур тартибга асосан фаолият юритиши, юқори инстанция судлари, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий судида ишларни қайта кўрилиши ҳажм жиҳатидан ҳаддан ташқари ортиб кетишига олиб келди. Мисол учун, 2020 йилда Олий суд томонидан 1291 та иш қайта кўриб чиқилган бўлса, 2021 йилда 7560 тага етди, 2022 йилнинг 1-ярми-

да 3411 та ишни ташкил этади. Мазкур статистика юқори инстанция судлари томонидан одил судловни амалга ошириш куч ва ресурслардан оқилона фойдаланилмаганлигини тасдиқлайди.

Президент томонидан мазкур фармоннинг қабул қилиниши Ўзбекистонда судларнинг фаолиятини ташкил этишда тизимли ва туб ўзгариш ясалишига сабаб бўлди. Эндиликда, юқори инстанция судларида иш юритишнинг мутлақо янги тартиби жорий қилинади. Жумладан:

туман (шаҳар) судлари томонидан ишлар биринчи инстанцияда кўрилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва уларга тенглаштирилган судларнинг тегишли судлов ҳайъатида қонуний кучга кирмаган суд қарорига (20 кун ичида) берилган шикоят асосида **апелляция тартибида,** қонуний кучга киргандан сўнг, яъни йигирма кундан кейин берилган шикоят асосида **кассация тартибида** қайта кўриб чиқилади, мазкур судлар томонидан апелляция ва кассация тартибида қайта кўрилган ишлар, айнан шу судларнинг Раёсатида **тафтиш тартибида** қайта кўриб чиқилади, мазкур судларнинг Раёсатида тафтиш тартибида кўрилган ишлар эса, Олий суднинг тегишли судлов ҳайъатларида **тафтиш тартибида** қайта кўриб чиқилиши тартиби ўрнатилди.

Бундан ташқари, юқори инстанция судлари, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва уларга тенглаштирилган судлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ишни янгидан кўриш учун **қуйи судлар (туман, шаҳар судлари)га юбориш тартибини бекор қилинади ва уларга иш бўйича якуний қарор қабул қилиш масъулияти юкланди**.

Юқори инстанция судларида ишларни тафтиш тартибида қайта кўриш деганда, суд қарорига нисбатан тегишли шахслар томонидан берилган шикоят ёки киритилган протестда баён этилган важлар билан чегараланмасдан, суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини тўла ҳажмда, аниқроғи тафтиш тартибида қайта кўриб чиқишга мажбурлиги тушунилади. Бундан кўриниб турибдики, суд қарорини юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқиш шикоятда келтирилган важлардан қатъи назар, барча эпизодларда ҳамда шикоят берган ва шикоят бермаган барча шахсларга нисбатан тўлиқ ҳажмда қайта кўриб чиқилади.

О.М.Мадалиевнинг фикрича, албатта, суд муҳокамасининг тенг ҳуқуқли иштирокчилари бўлиши лозим бўлган қонун бўйича шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган процесс иштирокчиларининг қонун бўйича протест киритиш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлилигини бузади [10].

Дарҳақиқат, бу нотенглик айнан кассация тартибида такроран қайта кўриш қуйи турувчи судларнинг чиқарган қарорларига нисбатан эътироз билдириш ва қонунга мувофиқлигини таъминлаш борасида киритиладиган шикоят бериш ва уни албатта, кўриб чиқилиши кераклиги намоён бўлади.

Бизнинг фикримизча, қонун йўли билан суд муҳокамасининг тенг ҳуқуқли иштирокчилари бўлиши лозим бўлган, қонун бўйича шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган процесс иштирокчиларининг кассация тартибида такроран кўриш бўйича берган протест (шикоят)ларининг юқори турувчи суд, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатида кассация тартибида такроран қайта кўрилиши шартлиги қонунда императив тарзда белгилаб қўйилса, айни муддао бўлар эди.

Адвокат (ҳимоячи) жиноят ишини суддан талаб қилиб олиш ва протест киритиш ҳуқуқига эга эмас. Суд қарорларига киритилган протест юқори суднинг ҳайъат мажлисларида Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Процесснинг бошқа иштирокчилари, жумладан, ҳимоячи берган шикоятга эса, суднинг ҳайъатида иш кўрилмасдан туриб ҳам, протест киритиш учун асос йўқлиги ҳақида жавоб юборилиши мумкин. Бу эса, жиноят процессида тарафларнинг тенг ҳуқуққа эга эканлиги ҳақидаги Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддасида кўрсатилган принципга зид.

Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ прокурорга ҳам, адвокатга ҳам бир хилда исботлаш мажбурияти юклатилган. Шундай бўлса-да, баъзи ҳолларда юқори судга айрим гувоҳлар сўроқ қилинмагани рўкач қилиниб, суд қарори бекор этилиши лозимлиги ҳақидаги прокурор протести келтирилиши ҳам томонларнинг тенг ҳуқуқлилигига зид. Прокурор ўзи исботлаш мажбуриятига эга бўлган ҳолда, биринчи инстанция судига гувоҳни

сўроқ қилишга тақдим этмасдан, юқори судга шу важни кўрсатиб, суд қарорини бекор қилишни сўраши тортишув жараёнини бузади.

Агар ҳукм этилган, оқланган ва уларнинг ҳимоячилари прокурорнинг хулосасидан сўнг қўшимча тушунтиришлар билан чиққан бўлсалар, прокурор уларнинг тушунтиришларига тегишли баҳо бериши лозим ва шу билан ё ўз хулосасини тасдиқлаши ёки унга зарурий ўзгартиришлар киритиши керак.

Кассация шикояти берилганидан кейин ишга киришган ҳимоячи шикоятни ўзгартириши ёхуд янги важлар билан тўлдириши, илгари ишда иштирок этган ҳимоячи томонидан берилган шикоят важларига қўшимча асослар тақдим этиши мумкин.

Суд кассация тартибида чиқарилган ажрим ёки қарорни бекор қилар экан, биринчи ва аппеляция инстанция судларининг ҳукм ва ажримларини ўзгартиришлар билан ёки ўзгартиришсиз ўз кучида қолдиришга ҳақлидир, деб кўрсатиб ўтилган.

Юқоридагилардан кўриш мумкинки, кассация тартибида прокурорлар билан тенг ҳуқуқли шартларда биринчи инстанция ва апелляция инстанция судларининг чиқарган ғайриқонуний, асослантирилмаган ва адолатсиз қарорларига нисбатан, юқори турувчи судга кўриб чиқиш учун шикоят бериш ҳуқуқи мустаҳкамланган ва амалиётда бу ҳуқуқдан кенг фойдаланиб келинмоқда. Яъни прокурорнинг апелляция ёки кассация тартибида киритган протести ҳам жиноят процессининг шикоят бериш ҳуқуқи берилган тарафлари томонидан апелляция ва кассация тартибида киритилган шикоят билан тенг кучга эга эканлигини кўрамиз.

Бироқ кассация тартибида такроран қайта кўриш қуйи турувчи судларнинг чиқарган қарорларига нисбатан эътироз билдириш ва қонунга мувофиқлигини таъминлаш борасида киритиладиган протест бериш ва унинг албатта кўриб чиқилиши кераклиги ҳақидаги заруратда намоён бўлади. Чунки, айнан юқорида таъкидлаганимиздек, 509-моддасига мувофиқ, “кассация инстанцияси суди жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарларининг ушбу кодекснинг 497-моддасида назарда тутилган асосларга кўра киритган кассация протести бўйича кассация тартибида такроран кўради”, деб белгиланиши натижасида қонун бўйича шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган процесс иштирокчиларининг кассация тартибида такроран кўриш учун берадиган шикояти, юқори турувчи суд томонидан суд муҳокамасида, албатта, кўриб чиқилиши шартлигининг белгиланмаганлиги, улар томонидан кўрилаётган кассация тартибидаги шикоятларни яна бир босқичда кўриб, қонунийлигини таъминлаш имкониятидан маҳрум этмоқда. Шу аснода, апелляция ва кассация инстанция судлари айнан бир инстанцияда, бир раҳбар шахснинг назоратидаги бир суднинг ўзида судьяларнинг бир-бирини йўл қўйган хатосини ўзаро яшириш доирасида қолиб кетишига ва натижада, баъзи ғайриқонуний, асослантирилмаган ва адолатсиз суд қарорларининг ўз кучида қолиб кетишига сабаб бўлади.

ЖПКнинг 500, 509[12]-моддаларида “кассация тартибида протест бериш” ҳамда “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 36-моддасида: “кассация тартибидаги протест киритиш” каби жумлалар учраса-да, аслида, жиноят ишини кассация тартибида прокурор эмас, суд кўради.

Жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларига кўра, судланувчи нафақат биринчи, апелляция, кассация босқичларида, балки, янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритиш қайтадан бошланганда ҳам, ҳимоячи иштироки таъминланиши лозим. Мазкур ҳолат ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга қаратилган миллий қонунчиликни либераллаштиришга ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 25-моддасидаги судда ишларини юритишда тортишув тамойилига зид келади.

Ф.Муҳитдиновнинг фикрича, ҳимоячининг норозилик бериш ҳуқуқи таъминланганини ҳолда, бу ҳужжат мажбурий тарзда юқори инстанция судида кўриб чиқилиши белгиланмаган. Бу камчиликни бартараф этиш вақти етди.

Агар давлат томонидан устувор йўналишларда давлатнинг ҳуқуқий кафолати мавжуд бўлса, прокурор ва адвокатнинг тарафлар сифатидаги ўрни тенглашган бўлар эди. Бу тенглик ҳақиқий тортишувлик жараёнини юзага чиқаради, – дейди Ғ.А.Янгиев [10].

Бизнингча, тарафларнинг тенглигини таъминлаш мақсадида, тегишли суд раиси ва прокурорнинг ваколатларини суд жараёнининг бошқа иштирокчилари ҳуқуқлари сингари тенглаштириш зарур. Бинобарин, кассация тартибида такроран кўриш бўйича

шикоят бериш ҳуқуқини белгилаш лозим. Шу муносабат билан, ЖПКнинг 498, 509[12]-моддаларига: **“...маҳкум, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакилининг шикояти бўйича”** мазмунидаги қўшимчани киритиш лозим.

Қонунга мазкур қўшимчанинг киритилиши ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлаш орқали конституциявий нормаларнинг амалда тўғри ва самарали татбиқ қилинишига хизмат қилган бўлар эди.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5441-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

3. Всеобщая декларация прав человека и национальная система защиты прав человека в Узбекистане. Рустамбаев М.Х., Саидов А.Х. и др. – Т.: Узбекистан, 2009. – С. 123.

4. Саломов Б.С. Адвокатская деятельность, её гарантии и социальная защита адвокатов в Республике Узбекистан (опыт и проблемы). Диссертация докт. юрид. наук. – Ташкент, 2005. – С. 219.

5. Синеокий О.В. Адвокатура как институт правовой помощи и защиты: учебное пособие. – Х.: Право, 2008. – С. 16-17.

6. Абдуқаххоров С.А. Ишни судга қадар юритиш босқичида ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: 2022. – 22 б.

7. Жамолов Б. Тортишув одил судловни амалга ошириш принципи сифатида. // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. – Т., 2007. № 2. – 10 б.

8. Обидов М. Давлат айбловчиси ва ҳимоячи. // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. – Т.: 2018. № 3. – 47 б.

9. Ражабов Б.А. Жиноят процессида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш. Монография. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2019. – 34 б.

10. Мадалиев О.М. Судланувчининг юқори инстанция судида иштироки ҳамда шикоят қилишда тарафлар тенглиги таъминланиши зарур. // “Адвокатура институтини ислоҳ қилишнинг айрим йўналишлари” мавзуидаги давра суҳбати материаллари тўплами. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – 55 б.

11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. – Т.: Адолат, 2000. – 632 б.

12. Муҳитдинов Ф. Суд ислоҳотига оид мулоҳазалар. // Ҳаёт ва қонун. 1999. № 6. – 74 б.

13. Янгиев Ғ.А. “Судлар фаолиятини рақамлаштириш: жорий ва истиқболдаги вазифалар” мавзуида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами // – Т.: ТДЮУ, 2022. – 156 б.

АКТУАЛЬНОСТЬ И МЕХАНИЗМЫ МОДЕЛЕЙ СОТРУДНИЧЕСТВА В ДОСТИЖЕНИИ ЦЕЛЕЙ НА ГОСУДАРСТВЕННОМ УРОВНЕ: DELIVERY UNIT И CITISTAT



Азиза УМАРОВА,
соискатель Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *в контексте проводимой административной реформы встает вопрос о необходимости обеспечения эффективности деятельности правительства, в том числе путем коренного пересмотра межведомственного взаимодействия для достижения общеправительственных целей и задач. В статье анализируются вызовы в стратегическом управлении результатом, а также предлагаются на основе международного опыта две ключевые модели, зарекомендовавшие себя. В частности, британский опыт создания Delivery Unit на национальном уровне (Офис премьер-министра по управлению достижения результатов), а также модель модернизации на уровне городских мэрий в США CitiStat для решения проблем городского развития.*

Ключевые слова: *стратегическое управление, межведомственное взаимодействие, анализ данных, статистика, лидерство, государственные услуги; результаты, CitiStat, Delivery Unit, индикаторы (KPI), административная реформа.*

Ҳукумат миқёсидаги мақсадларга эришишда ҳамкорлик моделларининг долзарблиги ва механизмлари: Delivery Unit ва CitiStat

Азиза Умарова,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тадқиқотчиси

Аннотация: *амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлар шароитида давлат бошқаруви самарадорлиги ҳамда натижаларни стратегик бошқаришнинг муаммолари таҳлил қилинади. Асосийси, халқаро тажрибага асосланиб, ўзини исботлаган иккита асосий модел таклиф этилади: Delivery Unit яратишнинг Буюк Британия тажрибасини (Бош вазирнинг Натижаларни бошқариш бўйича идораси), шунингдек, шаҳарларни ривожлантиришдаги муаммоларини ҳал қилиш бўйича АҚШнинг CitiStat шаҳарлар мэриялари даражасидаги модернизация модели.*

Калит сўзлар: *стратегик бошқарув, идоралараро ҳамкорлик, маълумотлар таҳлили, статистика, етакчилик, давлат хизматлари, натижалар, CitiStat, Delivery Unit, KPI, маъмурий ислоҳот.*

Effectiveness and mechanisms of cooperation models in achieving government-level objectives: Delivery Unit and Citistat

Aziza Umarova,
Researcher of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *in the context of administrative reforms, the efficiency of public administration and the problems of strategic management of results are analyzed. Mainly, based on international experience, two main models that have proven themselves are proposed: the British experience of establishing the Prime Minister's Office for Results Management at the national level and the US Citistat to address urban development issues.*

Keywords: *strategic management, interagency cooperation, data analysis, statistics, leadership, public services, results, CitiStat, Delivery Unit, indicators (KPI), administrative reform.*

20 декабря 2022 года Шавкат Мирзиеев анонсировал административную реформу, выступая с ежегодным посланием Олий Мажлису и народу Узбекистана. В частности, в своей речи он подчеркнул, что "в настоящее время в государственном аппарате много дублирования, штат раздут, высока централизованность. В результате сегодня на поиск решений сложных проблем расходуется слишком много времени, сил и ресурсов" [1].

Следом был опубликован Указ Президента Республики Узбекистан об административной реформе в Узбекистане, в котором говорится о преобразованиях в правительстве [2]. В документе говорится, что он направлен на "решение актуальных вопросов на пути последовательного продолжения административных реформ, повышения эффективности системы государственного управления и государственной власти на местах в условиях Нового Узбекистана путём ориентации их деятельности на результативность, обеспечение благополучия населения и создание "мобильного управленческого аппарата".

В контексте проводимой административной реформы встает вопрос о необходимости обеспечения эффективности правительства, в том числе путем коренного пересмотра межведомственного взаимодействия для достижения общеправительственных целей и задач. Разработка нормативно-правовых актов рискует остаться нереализованной, без эффективной административной структуры для выполнения правительственных поручений. Особенно остро это встает в отношении задач, которые попадают в компетенцию нескольких государственных структур [3]. Вопрос встает о необходимости принятия решений на основе точных данных, а далее, обеспечения эффективного взаимодействие между органами власти в достижении общих результатов.

Обе представленные модели – Delivery Unit и CitiStat – работают успешно по принципу "сверху вниз" при постоянной поддержке и участии высшего руководства. Обе способствуют межведомственному сотрудничеству и координации.

Государственные и местные органы власти, планирующие внедрить подход любой из представленных моделей, в первую очередь, должны понять ключевые элементы, которые сделали его успешным. Прежде всего, успех зависит от приверженности и участия высшего политического руководства. Руководители должны постоянно анализировать и применять данные для выявления сфер, нуждающихся в улучшении, проведении институциональных изменений и достижении целей в области эффективности правительства.

Тематика, озвучиваемая в данной статье, остается малоизученной в Узбекистане. Вопросы госуправления и внедрения культуры, направленные на результативность, берут свое начало из New Public Management. NPM - в переводе означает – новое общественное управление. Идея NPM возникла в конце 80-х годов и за прошедшие 15-20 лет происходило ее становление в разных странах [4]. При этом в понятийный аппарат научных изысканий проникает outcome (долгосрочный результат) и output (среднесрочный результат, без которого невозможен долгосрочный результат) [5].

Президент определил пять основных задач в рамках Стратегии развития до 2026 года [6]:

- в сфере образования мы будем создавать максимально благоприятные условия для получения современных знаний и навыков. Будут переработаны школьные программы, методика обучения, содержание учебников;

- любое вмешательство в работу судей будет строго наказываться, для их беспрепятственной работы будут созданы все необходимые условия;

- за счет развития бизнеса будут созданы дополнительные рабочие места, сократится бедность, повысятся доходы населения. Для этого будут сняты барьеры для частной собственности и предпринимательства. Участие государства в экономике резко сократится;

- будет расширен доступ населения к более качественным и квалифицированным медицинским услугам;

- вопрос обеспечения населения чистой питьевой водой будет находиться в центре внимания.

Любые из этих целей могли бы стать приоритетами для отслеживания достижения результатов в одной из описанных моделей ниже.

Необходимо отметить, что новые информационные технологии обеспечивают фун-

дамент для обоих моделей. В современном мире гораздо легче собирать, обрабатывать, передавать и распространять данные.

Кроме того, раскрытие данных через Интернет позволяет общественности участвовать в этом процессе. Конечным результатом является более эффективное и действенное принятие решений. Бюджет становится более управляемым по мере выявления и сокращения потерь. Ресурсы концентрируются и направляются туда, где они нужнее всего. Корректировки быстро вносятся в соответствии с изменяющимися обстоятельствами. А оперативность улучшается по мере того, как агентства и департаменты стремятся улучшить свои показатели.

Модель Delivery Unit

Модель Delivery Unit впервые появилась в Великобритании, в офисе премьер-министра Тони Блэра в 2001 году. Данная модель основывалась на работе с цифрами, анализе данных. Позднее данный подход был использован во множестве других стран, включая Малайзию, Индонезию, Чили, Танзанию, ЮАР, Сьерра-Леоне, Гану, Коста-Рику, Австралию, Пакистан, Перу, Саудовскую Аравию, Сербию и Уганду.

Данная структура может быть очень полезной в двух целях:

- сломать привычные форматы взаимодействия между министерствами и ведомствами, обеспечивая оперативное решение вопросов и отчетность;

- в рамках усилий по восстановлению доверия общественности к правительству.

Важный аспект – цифровизация процессов, сбора данных и отчетности перед населением.

В Узбекистане важно учитывать опыт различных стран. В частности, Всемирный Банк отмечает особенности опыта Малайзии - PEMANDU, где с самого начала определили, что руководитель Delivery Unit должен иметь обширный опыт управления проектами и управления эффективностью и в идеале должен быть экспертом в области реформ и трансформации, учитывая состояние государственного сектора в стране [7]. Это отличалось от Великобритании, где глава Delivery Unit обычно имел опыт (например, Майкл Барбер был академическим работником) в использовании данных/статистики для повышения производительности.

В Узбекистане важно учитывать опыт различных стран. В частности, Всемирный Банк отмечает особенности опыта Малайзии – PEMANDU, где с самого начала определили, что руководитель Delivery Unit должен иметь обширный опыт управления проектами и управления эффективностью и в идеале должен быть экспертом в области реформ и трансформации, учитывая состояние государственного сектора в стране. Это отличалось от Великобритании, где глава Delivery Unit обычно имел опыт (например, Майкл Барбер был академическим работником) в использовании данных/ статистики для повышения производительности.

Важна регулярность отчетности. Министры должны ежемесячно отчитываться перед Президентом по данным KPI в присутствии руководства Delivery Unit. Delivery Unit не будет работать, если не будет помогать ведомствам в их трансформации, а также если не определит ответственность каждого ведомства в реализации общих задач.

Позднее данный подход-Delivery unit- был использован в Малайзии (появился Офис управления достижением результатов и управления производительностью – Performance Management Delivery Unit – PEMANDU), Индонезии (Офис президента по управлению достижением результата и мониторингу и надзору – President's Delivery Unit for Development Monitoring and Oversight – UKP4), в Чили, также при президенте – Unidad Presidencialde Gestióndel Cumplimiento, череда инноваций захватила Танзанию, ЮАР, Сьерра-Леоне. В 2016–2017 гг. подобные структуры были у правительств Ганы, Коста-Рики, Нового Южного Уэльса (Австралия), Пакистана, Перу, Саудовской Аравии и Сербии. В Уганде с 2016 года функционирует The Prime Ministers Delivery Unit (PMDU). В Кении он занимается разработкой и исполнением контрактов между агентствами и руководством исполнительной власти.

С помощью новой системы в структуре государственного управления правительство получает возможность контролировать выполнение важнейших государственных поручений благодаря системной работе группы, состоящей из нескольких десятков экспертов и независимых консультантов.

Модель CitiStat

CitiStat – это система управления на основе данных, предназначенная для мониторинга и повышения эффективности работы городских служб в режиме реального времени. Проще говоря, подход CitiStat обеспечивает эффективное управление городами. Руководители каждой городской службы собираются в мэрии раз в две недели для обсуждения достигнутых данных и результативности согласно CitiStat и ответить на вопросы от высокопоставленных чиновников, включая мэра.

Система CitiStat использует базовое недорогое компьютерное программное обеспечение для отслеживания множества показателей деятельности правительства. Балтимор, например, начал свою программу с минимальным бюджетом менее 300 000 долларов. Мэрия использует эти данные для выявления неудовлетворительных результатов и фокусируется на их улучшении. Лица, принимающие решения, могут лучше отслеживать тенденции с течением времени, строить графики и изучать причинно-следственные связи.

Система CitiStat зародилась на основе полицейской системе CompStat, принятой Департаментом полиции Нью-Йорка в 1990-х годах. Эта система, действующая до сих пор, отслеживает и сопоставляет данные практически по всем категориям преступлений – от убийств до краж и незаконного оборота наркотиков. Обращая внимание на цифры и тщательно отслеживая производительность, отдел может выявлять проблемные области, выявлять тенденции и более эффективно распределять свои ограниченные ресурсы. Полиция развертывается на основе новей-



Рис. 1 Процессы CitiStat

ших моделей борьбы с преступной деятельностью с целью предвидеть и предотвращать преступления. С 1993 по 1998 год количество убийств в городе резко упало на 67 процентов, а количество зарегистрированных ограблений сократилось на 54 процента, что значительно превышает средние показатели по стране [8]. С тех пор эта система была воспроизведена в десятках городов, например, Бельцы, Сиракузы, Сан-Франциско, Провиденс, Детройт, Майами и Чаттануга и т.д.

Возможность собирать и анализировать большие объемы данных позволила правительству добиться большей точности. Крайне важно, что подход CitiStat создает регулярный процесс, который требует постоянной проверки, гарантируя, что данные связаны с повседневным принятием решений. Процесс CitiStat, в рамках которого анализ данных проводится каждые две недели, гарантирует, что такая информация будет доведена до ключевых лиц, принимающих решения, и что корректирующие действия будут приняты незамедлительно.

Кроме того, подход CitiStat требует надежной **информационной инфраструктуры.**

Важно, что данные комплексуются таким образом, чтобы упростить оценку проблем и производительности. Диаграммы и графики, показывающие тенденции, представляются на каждом собрании CitiStat, а также карты, показывающие географическое распределение. Такие презентации, которые регулярно пересматриваются, дают лицам, принимающим решения, возможность понять имеющиеся проблемы и принять быстрые и решительные меры, заполнить пробелы в данных. Подход CitiStat направлен на количественную оценку как можно большего числа аспектов деятельности правительства.

Связь данных с процессом принятия решений правительством. Данные не стоит собирать, если они не связаны с процессом принятия решений. Модели Delivery Unit и CitiStat увязывают данные с процессом принятия решений правительством двумя основными способами. Во-первых, они создает процесс, который гарантирует, что высшие должностные лица и управленцы среднего звена регулярно консультируются и применяют данные для принятия политических и управленческих решений. Однако правительственные чиновники, скорее всего, столкнутся с пробелами в данных, которые препятствуют оценке, особенно на начальном этапе реализации. Эти пробелы в данных необходимо выявлять и систематически устранять; в противном случае проблемы и недостаточная производительность могут быть упущены и сохранены. Заполнение пробелов в наличии либо сборе данных может потребовать дополнительных расходов, но это следует рассматривать как инвестиции, которые окупятся в долгосрочной перспективе.

Приверженность политического руководства является залогом успеха. Политическое руководство задает тон, лично посещая многие заседания, требуя, чтобы министры, руководители госорганов лично представляли информацию о своей деятельности. Такая приверженность сигнализирует руководителям организаций о важности сбора и использования данных для улучшения качества работы. При приверженности наверху качественные и проверенные статданные начнут проникать в процесс принятия решений и направлять действия госорганов на всех уровнях.

Политические лидеры должны постоянно анализировать и применять данные для выявления областей, нуждающихся в улучшении, проведения институциональных изменений и достижения целей в области деятельности правительства.

Государственным служащим может не хватать необходимых навыков для применения данных к политическим и управленческим решениям, особенно во время первоначальной реализации. Поэтому обучение имеет решающее значение для наращивания этого потенциала. Это включает в себя обучение, чтобы сотрудники могли эффективно анализировать данные, а также техническое обучение – от ввода самых простых данных в ГИС до более сложного интеллектуального анализа данных в зависимости от сотрудника.

Источники и литература:

1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису и народу Узбекистана. 2022. president.uz

2. Указ Президента о мерах по реализации административных реформ УП–269-от 21.12.2022. О мерах по реализации административных реформ Нового Узбекистана. (lex.uz)

3. Bardach E. Comment: The problem of Best Practice Research // Journal of Policy Analysis and Management, 13 – Vol. 2 – P. 260-268.

4. Pallott J. Beyond NPM: Developing Strategic Capacity // Financial Accountability and Management – 1999 – Vol. 15 (3-4). – P. 419-426.

5. Scott, R. Service, Citizenship, and the Public Interest: New Public Service and Our Public Service Reforms //SSC Discussion Paper – 1999. See also Kettl, D F The Global Public Management Revolution: A Report on the Transformation of Governance- Brookings Institution Press – 2006.

6. Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на День Независимости, август 2022.

7. Paradigm Shift in Public Service Delivery: The Malaysian PEMANDU.

Doing, Learning, Being: Some Lessons Learned from Malaysia's National Transformation Program.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ КАДРЛАРИ ЗАХИРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ТИЗИМ: ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ



Актам ХОЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бўлим бошлиғи, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент



Эльёр ҒАНИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси стажёр-тадқиқотчиси

Аннотация: *ушбу мақолада давлат фуқаролик хизматчилари захирасини шакллантиришни замонавий ёндашув орқали ташкил этишнинг асосий жиҳатлари таҳлил этилган. Бунда илмий асосланган концепция ўрганилган. Хусусан, давлат фуқаролик хизматида кадрлар захирасини шакллантириш технологиясини амалга ошириш босқичлари ёритилиб, захира билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *давлат фуқаролик хизмати, кадрлар захираси, кадрлар менежменти, захирага киритиш мезонлари, бошқарув кадрлари, кадрларни тайёрлаш, психологик баҳолаш.*

Система формирования резерва кадров государственного управления: современный подход

Актам Холов,
PhD (экономические науки), доцент, начальник отдела Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан
Эльер Ганиев,
стажер-исследователь Академии государственного управления

Аннотация: *в данной статье анализируются основные аспекты современного подхода формирования резерва государственных гражданских служащих. Обоснована необходимость опоры на научно обоснованную концепцию документа, структура, содержание и рабочий характер этого понятия. Также проанализированы этапы внедрения технологии формирования кадрового резерва на государственной гражданской службе, даны предложения и рекомендации по совершенствованию системы работы с резервом.*

Ключевые слова: *государственная гражданская служба, кадровый резерв, кадровая политика, управление персоналом, квалифицированный кадровый резерв, критерии резерва, управленческие кадры, подготовка кадров, психологическая оценка.*

The system of forming a reserve of public administration personnel: a modern approach

Aktam Kholov,
Head of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan, PhD (in Economics), Associate Professor
Elyor Ganiev,
Intern-researcherof the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *this article analyzes the main aspects of the formation of a reserve of civil servants through a modern approach. The necessity of relying on a scientifically based concept, structure, content and working nature of this concept has been studied. The stages of introducing the technology of forming a personnel reserve in the state civil service were also analyzed; proposals and recommendations were made to improve the system of work with reserves.*

Keywords: *state civil service, personnel reserve, personnel policy, personnel management, qualified personnel reserve, reserve criteria, managerial personnel, personnel training, psychological assessment.*

Давлат фуқаролик хизматида кадрлар захираси давлат органларининг юқори малакали, маҳоратли кадрлар таркибини шакллантириш жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Кадрлар захираси давлат фуқаролик хизматчиларининг ўз касбий ва шахсий сифатлари кадрлар захирасини шакллантириш жараёнида юқори баҳо олиши туфайли нафақат лавозимда ўсишига, балки энг маҳоратли фуқароларнинг излаб топилишига олиб келади. Бундай ходимлар бўш лавозимларга тайинланганда, улар эга бўлган билим, тажриба, кўникма ва малакалар орқали давлат органи фаолияти энг самарали ва сифатли амалга оширилиши имкони яратилган бўлади.

Муваффақиятли шакллантирилган кадрлар захираси бўш ўринлар юзага келганда давлат фуқаролик хизмати лавозимларини ўз вақтида тўлдириш имкониятини беради, ташкилот ишининг самарали бўлишида бунинг аҳамияти жуда катта. Кадрлар сиёсатини такомиллаштиришнинг турли йўналишлари давлат органларини, бир томондан, максимал даражада лойиқ бўлган мутахассислар билан тўлдириш, малакали кадрларни танлаш, иккинчи томондан, улар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ходимнинг қобилиятларини, мойилликларини, индивидуал хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда рационал жой-жойига қўйиш, раҳбарлик лавозимларига захирани энг истиқболли ходимлар орасидан шакллантириш марказий ўринни эгаллайди. Ушбу вазифаларни ечимини топишда давлат органлари ва ташкилотларга номзодларни танлаб олишда ва уларни лавозимларга кўтаришда илмий асосланган психологик баҳолаш тизими сезиларли ёрдам кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сонли Фармонига асосан, Маҳаллий ҳокимлик органлари, вазирлик ва идораларга раҳбарлик лавозимлари учун муносиб номзодларни тайёрлаш мақсадида Миллий кадрлар захирасини шакллантириш [1].

Давлат хизматига кириш, захирани шакллантириш, баҳолаш ва хизматни ўташ билан боғлиқ жараёнларни рақамлаштиришни назарда тутувчи “Рақамли давлат хизмати” лойиҳасини амалга ошириш. Шундан келиб чиққан ҳолда кадрлар захирасини шакллантириш тизимидаги ислоҳотларнинг ижтимоий заруриятидан келиб чиқиб, биринчидан, кадрлар захирасини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини етарли даражада шакллантириш, иккинчидан кадрлар захираси учун номзодларни танлаш ва захирага киритиш тизимида ягона услуб ва ёндашувни жорий этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда” деган фикрлари давлат фуқаролик хизматида кадрлар захирасини шакллантиришнинг устувор йўналишларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этади [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5843-сонли Фармонида давлат фуқаролик хизмати масалалари бўйича ваколатли органнинг мавжуд эмаслиги давлат органлари ва ташкилотларида ягона кадрлар сиёсатини олиб боришга, ходимларни самарали бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришга, малакали кадрлар захирасини рақобат асосида шакллантиришга ҳамда улар томонидан давлат фуқаролик хизматчиларининг вакант лавозимлари ўз вақтида эгалланишига йўл қўйилмаётганлиги таъкидланган эди [3].

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ–788-сонли Қонунининг 4-моддасига асосан, давлат фуқаролик хизмати –давлат хизматининг бир тури бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат фуқаролик хизмати лавозимларидаги давлат органлари ваколатлари амалга оширилишини таъминлашга доир ҳақ тўланадиган касбий фаолиятини ифодалайди [4].



Ўзбекистонлик олимлар изоҳида фуқаролик хизматида кадрлар захирасини шакллантиришнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат деб таъкидланади:

- фуқароларнинг фуқаролик хизматига киришдаги тенглигини таъминлаш;
- фуқаролик хизматидаги лавозимларни ўз вақтида тўлдириш;
- фуқаролик хизматининг юқори малакали, маҳоратли кадрлар таркибини шакллантиришга кўмаклашиш;
- фуқаролик хизматчиларининг лавозим поғоналарида ўсишига кўмаклашиш [5].

Миллий кадрлар захираси – бу малакали кадрлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган, давлат фуқаролик хизматини малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминлайдиган маълумотлар базаси ҳисобланади. Миллий кадрлар захираси давлат секторида раҳбар кадрлар таркибини барқарор таъминлаш, унинг сифатини яхшилаш, давлат хизматчисининг касбий билимини ошириш ҳамда хизматда лавозими бўйича кўтариш мақсадида шакллантирилади. Захирани шакллантириш ва юритиш Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари билан биргаликда амалга оширилади.

Мақоланинг илмий моҳияти

Илмий тадқиқотимизда замонавий бошқарувнинг жаҳондаги илғор амалиётлари benchmarking технологиясига таянилган ҳолда илмий ўрганиш натижаси сифатида мамлакатимиз хусусиятларига мос келадиган тартибда тизимлаштирилди ва шунга асосан давлат фуқаролик хизмати тизимида кадрлар захираси билан ишлаш бўйича муаллифлик концепцияси ишлаб чиқилди. Ушбу мақолада дунёнинг ривожланган мамлакатлари давлат бошқарувида етакчи бўлган компетенциявий ёндашувга асосланган муаллифлик концепциясининг маҳаллий Давлат ҳокимият органлари тизимида кадрлар захираси билан ишлашга таклиф ва татбиқ этилган жиҳатлари ёритилган. Кадрлар захирасини шакллантириш, айниқса, давлат фуқаролик хизмати соҳасида, илмий асосланган концепцияга таяниши керак. Таклиф этилаётган муаллифлик концепцияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мақсадлар ва тамойиллар;
- компетенциялар модели;
- компетенцияларни баҳолаш методлари;
- кадрлар захираси гуруҳлари.

Давлат фуқаролик хизматида кадрлар захирасини шакллантиришда персонални бошқаришнинг демократик тамойилларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Давлат фуқаролик хизматида кадрлар захирасини шакллантириш тартиби, шакллари ва усулларига доир қатор тадқиқотлар ўтказилган.

Тарихий нуқтаи назардан буюк аллома Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” ва А.Темурнинг “Темур тузуклари”да бу борада қатор қарашлар ва ёндашувлар мавжуд.

Ўзбекистонлик олимлардан: А.Тўхтабоев, Қ.Х. Абдураҳманов, Ш.Р. Холмўминов, Н.К. Зокирова [5] ва Д.С. Қосимова[6]лар персонални бошқариш, кадрлар захирасини шакллантириш масалаларини тадқиқ этишган.

Хорижлик олимлардан: В.В. Травин, В.А. Дятлов [7], Ричард Дафт [8], Т.Ю. Базарова каби олимлар ўрганган. Шунигдек, П.В. Журавлёв [9], А.Я. Кибанов, И.Б. Дураковалар кадрлар маъмурияти ва ишлаб чиқариш муносабатларини, Уондел Френч [10] кадрларни бошқариш жараёнида инсон ресурслари маъмуриятини кенг очиб берган. Бунда кадрлар менежменти ва захира билан ишлаш йўналишининг ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олиш муҳим.


Давлат хизматчиларини давлат органи кадрлар захирасига киритиш қуйидагича амалга оширилади:

1) фуқаролар конкурс натижаларига кўра киритилади, бунда ушбу фуқароларнинг фуқаролик хизматидаги бўш ўринни тўлдириш учун захирага киритишга розилиги ҳисобга олинади;

2) фуқаролик хизматчилари фуқаролик хизматидаги бўш лавозимни тўлдириш учун лавозим поғонасида ўсиш тартибида;

3) аттестация натижасига биноан фуқаролик хизматидан бўшатилган ходимнинг бўш ўрнига кадрлар захирасига киритилган ходим розилиги билан *(1-расм)*.

Давлат фуқаролик хизматида кадрлар захирасини шакллантиришдан асосий мақсад бу, демократик ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида давлат хизматига тайёр бўлган, танлов, саралаш, жой-жойига қўйиш, кадрларни тайёрлаш ва лавозим бўйича кўта-



1-расм. Давлат фуқаролик хизматида кадрлар менежменти ва захира билан ишлаш йўналишининг ўзаро алоқаси

риш, давлат ҳокимияти хизматига мос вазифа ва масалаларни самарали, профессионал имкониятли амалга оширишдир *(2-расм)*.

Шундан келиб чиқиб, давлат фуқаролик хизматида кадрлар захирасини шакллантириш технологиясини амалга оширишда қуйидаги босқичларни ҳисобга олиш лозим.

1-босқич. Яқин бир йил ичида ташкилотда қандай иш ўринлари бўшаши (пенсияга чиқиш, бошқа иш жойига ўтиш ва ҳ.к.) таҳлил қилиб бориш керак. Шунингдек, раҳбарият билан яқин 1-2 йил ичида ташкилот структурасида ўзгаришлар режалаштирилганми, фаолиятни кенгайтиришга қаратилган янги ишлаб чиқариш дастурлари мўлжалланганми, бошқарув аппарати тузилмасини ўзгартириш режалаштирилганми ва ҳ.к. масалаларни муҳокама қилиш.

2-босқич. Бўш иш ўринлари ёки ходимларни ўтказиш режалаштирилган иш ўринларига лавозимларнинг долзарб ихтисослашуви бор-йўқлигини баҳолаш керак. Агар лавозимларнинг аниқ белгиланган ихтисослашуви бўлмаса, уларни ихтисослашган мутахассислар ҳамда бевосита раҳбарлар ёрдамидан фойдаланиб ишлаб чиқиш керак. Лавозим ихтисослигида ходимларнинг касбий даражасига, шахсий фазилатларига, меҳнат натижаларига, ишдаги хулқ-атворига талаблар ҳам белгиланган бўлиши керак. Айрим лавозимларга номзодларни танлашда маълум бир чекловлар (маълумоти, иш стажи, ёшга доир ва ҳ.к.) бўлиши мумкин.

3-босқич. Ҳар бир лавозим бўйича захира билан таъминланганлик даражасини аниқлаш керак. Агар ташкилот катта бўлса, бир хил лавозимлар гуруҳининг захира билан таъминланганлик даражасини баҳолаш мумкин. Оддий позицияларга захира сифатида камида битта одамни тайёрлаш етарли, бошқарув лавозимларига эса камида 2-3 та ходимни тайёрлаш зарур. Олдинги тажрибага таяниб, кадрлар захирасидан алоҳида ходимларнинг (якка тартибдаги тайёргарлик дастурини бажармаган, навбатдаги аттестациядан ўтмаган, кўчиб кетган ва ҳ.к.) чиқиб кетишини таҳлил қилиш зарур.



2-расм. Давлат фуқаролик хизматида захира институти функциялари

4-босқич. Номзодларни танлаш мезонларини ҳамда танлаш усулларини ишлаб чиқиш керак. Ходимларни ташкилот ичида бир лавозимдан бошқасига ўтказишда ҳам касбий яроқлиликни ва режалаштирилган лавозимга мувофиқликни таҳлил қилиш учун баҳолаш тартиботларини ўтказиш талаб этилади. Бошқарув лавозимлари учун номзодларнинг хулқ-атворини ҳамда корпоратив, касбий ва бошқарув компетенцияларга мослигини (ривожланишга йўналганлик, етакчилик, ташкилотчилик, ҳиссий барқарорлик, тизимли фикрлаш, қарор қабул қила олиш ва ҳ.к.) баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

5-босқич. Давлат кадрлар захирасидаги тўплам имкон қадар шаффоф бўлиши тавсия этилади – қарорнинг давлат мақоми масаласини кўриб чиқиш. Айни пайтда иштирокчилари ўз-ўзини ўрганиш фақат даражаси юқори даражадаги давлат ҳисобланади. Бунда захира кадрлар учун топшириқ умумий панелини бир усулда қилиш ҳисобланади.

Бундай технологияга нафақат психологик ён таъсирларни, балки квалиметрик, ўйин ва бошқа усулларни ҳам киритиш мажбурий қўллаш лозим ва оммавий ахборот воситалари, оммавий тадбирлар, захирачиларнинг даромадлари ёрдамида рамка захирасининг турли жойлари, унинг имкониятлари ва истиқболлари тўғрисида катта ҳажмдаги маълумотларни тарқатиш муҳимдир.

Бундай технологияга нафақат психологик ён таъсирларни, балки квалиметрик, ўйин ва бошқа усулларни ҳам киритиш мажбурий қўллаш лозим ва оммавий ахборот воситалари, оммавий тадбирлар, захирачиларнинг даромадлари ёрдамида рамка захирасининг турли жойлари, унинг имкониятлари ва истиқболлари тўғрисида катта ҳажмдаги маълумотларни тарқатиш муҳимдир.

Баҳолаш натижаларига кўра, давлат хизматига номзоднинг маълум бир иш учун яроқлилик даражаси, мартаба истиқболлари, ўқитиш ва ривожланиш зарурати тўғрисида хулоса тайёрланмоқда.

Ушбу усулнинг асосий хусусиятлари:

* баҳолаш тизими номзодларнинг салоҳиятини аниқлашга қаратилган;

* турли машқлар ва техникалар қўлланилади;

* номзоднинг хатти-ҳаракати баҳоланади;

* ҳар бир иштирокчи бир нечта мутахассислар томонидан баҳоланади;

* "кузатиш" ва "баҳолаш" босқичлари катта объективликка эришиш учун вақт оралиғида жойлашган.


Баҳолаш маркази процедурасидан нафақат бўш давлат хизматига номзодларни танлаш, балки тегишли тайёргарликдан сўнг бошқарув лавозимларини эгаллаши мумкин бўлган юқори бошқарув салоҳиятига эга ходимларнинг кадрлар захирасини шакллантириш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

6-босқич. Юқорида қайд этилган чора-тадбирларни амалга оширишга тизимли ёндашувни таъминлаш учун давлат органлари раҳбарлари ходимларни бошқариш (кадрлар бошқаруви) тамойиллари бўйича ишларни ташкил этишлари керак. Хусусан, давлат органининг кадрлар хизмати таркибидаги таркибий бўлинмани аниқлаш (масъул мансабдор шахсларни тайинлаш), унинг вазифаларига номзодларни жалб қилиш ва баҳолаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, ички кадрлар захирасини яратиш керак. Шунинг учун бурилиш керак бошқа мамлакатлар тажрибасига кўра, уни таҳлил қилиш асосида хулоса чиқариш лозим.

Миллий кадрлар захирасига муносиб номзодларни саралаб олиш мақсадида уларнинг билими, психологик ҳолати ва раҳбарлик кўникмаси баҳолаб боради. Номзоднинг салоҳиятини баҳолаш – тест синовлари, "360 даража" ўрганиш ва ассессмент усулларини ўз ичига олади (*3-расм*).

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Давлат бошқаруви академияси ва юртимизнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда захирага олинган кадрлар учун мунтазам равишда вебинарлар, амалий машғулот ва семинар-тренинглар ҳамда ҳудудлардаги раҳбарларга бириктирган ҳолда дублёрлик асосида стажировкаларни ташкил этиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтган йилнинг 4 август кунида кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 61-сонли БАЁНИ захирадаги кадрлар ўқитилишини таъкидлаб ўтилган. Бу кадрлар захирасини ривожлантиришнинг яна бир муҳим соҳаси

Давлат хизматида ходимларни танлаш тизими



3-расм. Миллий кадрлар захирасини шакллантириш босқичлари

бўлиб, у давлат хизматлари тизимида тобора оммалашиб бормоқда ва қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда:

- юқори малакали ходимларни жалб қилиш, янги ходимларни бирлаштириш ва мослаштириш, ташкилотнинг ҳозирги ва келажакдаги мақсадларига эришиш учун ходимларни сақлаш бўйича мақсадли тадбирлар;

- ўз ишида юқори самарадорлик билан намоён этадиган касбий қимматли фазилатлар ва кўникмаларга эга бўлган мутахассисларни аниқлаш ва ривожлантириш.

Истеъдодларни бошқариш тизими ишбилармонлик муҳитидан келиб чиққанига қарамай, унинг технологиялари кўплаб мамлакатларда, шу жумладан, АҚШ, Сингапур, Канада, Австралия, Янги Зеландия ва бошқаларда давлат хизмати соҳасида муваффақиятли қўлланилмоқда. Ушбу мамлакатларнинг давлат хизматларини бошқариш органлари барча давлат идораларига истеъдодларни бошқаришнинг ички тизимини амалга оширишда, инсон ресурсларини режалаштиришда ва уларни янада ривожлантириш учун истиқболли кадрлар захирасини шакллантиришда ёрдам берадиган воситаларни ишлаб чиқмоқдалар. Йирик давлатлараро ташкилотлар даражасида истеъдодларни бошқариш нафақат инсон салоҳиятини ривожлантириш нуқтаи назаридан истиқболли йўналиш, балки давлат идораларининг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим элементи сифатида ҳам тан олинган. Халқаро тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, истеъдодларни бошқариш доирасида кўплаб мамлакатларда давлат хизматларини бошқариш органлари қуйидаги воситалар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда:

- истеъдодларни жалб қилиш ва аниқлаш;

- истеъдодларни ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқиш;

- тренинг дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

- истеъдодларни бошқариш тизимининг фаолиятини таҳлил қилиш;


- режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш.

Лавозимга тайинлаш синов муддати билан юз беради – бу муддат ўтгач, натижалар яхши бўлса, расман лавозимга тайинланади *(4-расм)*.

Хулоса ва таклифлар шундан иборат бўладики, давлат фуқаролик хизмати тизимида асосий бўғинлардан бири ҳисобланган кадрлар захирасини шакллантириш ва захирадаги номзодларнинг бошқарув касбий имкониятларини ривожлантириб бориш иши илмий асосланган тизимли ёндашувни талаб этади. Кадрлар захираси билан ишлашнинг таклиф этилаётган жаҳон илғор амалиётига таянилган ҳолда ишлаб чиқилган концептуал тизими асосида ишлаш давлат фуқаролик

хизмати соҳаларида кадрлар, айниқса раҳбар кадрлар имкониятларини тўла рўёбга чиқариш ва натижада ташкилотда иш самарадорлигининг юқори даражасига эришиш имконини беради.

билан бирга, бундай кафолат кераксиз равишда кенгайтирилади бирор ходим юқори лавозимга тайинланиш имкониятига эга бўлса тўлдирган охирги лавозим тегишли бўлган лавозимлар гуруҳи. Кадрлар тақчиллигини



4-расм. Миллий кадрлар захирасини шакллантириш таркиби

Давлат фуқаролик хизматида кадрларнинг ишларига чин дилдан берилиш, жамоага мансублик ва садоқат ҳиссини кучайтиради, корпоратив ватанпарварлик, ташкилот манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўйишга бўлган хоҳиш, корпоратив муаммоларни ҳиссий қайғуриш, жамоа манфаатларига нисбатан сотқинликни онгли равишда қоралаш каби хислатларни шакллантиради.

Қонун чиқарувчи томонидан назорат қилинмайдиган сабабларга кўра ишдан бўшатилган давлат фуқаролик хизматчиларини кадрлар захирасига рақобатсиз киритиш имконияти ўзига хос сабабларга кўра, бу бундай шахсларга келажакда давлат фуқаролик хизматини давом эттиришнинг маълум кафолати билан таъминлаш зарурати билан боғлиқ. Шу тўлдириш мақсадида захирадан фойдаланишга Австралия тажрибаси мисол бўла олади. Австралия Давлат хизматлари комиссияси қисқа вақт ичида инқироз ҳолатига жавобан кўп сонли кўнгиллиларни сафарбар қилишга имкон берадиган “тез ўсиш захираси”ни ташкил қилинган. Бундай захирада иштирок этиш ходимга вазият муаммоларига кенг ечимларни ўрганиш, касбий алоқа ва мартаба истиқболларини кенгайтириш имкониятини беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, давлат фуқаролик хизматида кадрлар захирасини шакллантириш ўзига хос аниқ тартибот асосида бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу борада замонавий платформалардан кенг фойдаланиш лозим.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПФ–5843-сон Фармонига 1-илова.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ–788-сонли Қонуни.
5. Абдураҳманов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Зокирова Н.К. Персонални бошқариш – Т.: Ўқитувчи, 2008.
6. Қосимова Д.С. Бошқарув назарияси – Т.: Алоқачи, 2009. – Б. 38. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2020-yil, 3/2020 (№ 00047).
7. Травин В. В., Дятлов В. А. Основы кадрового менеджмента. – М.: Дело Лтд. –1995. – С. 287.
8. Дафт Р. Л. Менеджмент / Л. Дафт. Санкт-Петербург: Питер, 2012. – С. 863.
9. Журавлёв П.В. Управление человеческими ресурсами: опыт индустриально развитых стран. Учебное пособие. – М.: “Экзамен”, 2003.
10. French W. The Personnel Menegement Process: Human Resonrses Administration. Boston. 1970. – P. 46.

КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ УЗЛУКСИЗ ОШИРИШДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ



Алишер МАМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси катта ўқитувчиси

Аннотация: *ушбу мақолада сунъий интеллект технологияларини давлат фуқаролик хизматида фаолият юритаётган раҳбар кадрлар салоҳиятини узлуксиз ошириб бориш жараёнига татбиқ этиш орқали унинг самарадорлиги ёритилган. Ва мазкур соҳа вакиллари учун жорий этилган маҳаллий электрон таълим ҳамда ақлли таълим платформалари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, мазкур технологияларни татбиқ этиш бўйича таклиф-тавсиялар ва сунъий интеллектга асосланган ақлли таълим платформасининг муаллифлик модели ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *сунъий интеллект, таълим технологиялари, мослашувчан ва шахсийлаштирилган таълим, ақлли таълим платформаси, рақамли контент.*

Роль технологий искусственного интеллекта в непрерывном повышении потенциала управленческих кадров

Алишер Маматов,
старший преподаватель Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *в данной статье освещается эффективность технологий искусственного интеллекта путем их внедрения в процесс постоянного повышения квалификации руководителей, работающих на государственной гражданской службе. Также анализируются отечественные платформы электронного обучения, внедряемые сегодня для представителей данной сферы, и смарт-образовательные платформы зарубежных стран, работающих на базе искусственного интеллекта. Кроме того, разработаны предложения по реализации данных технологий и авторская модель умной образовательной платформы на основе искусственного интеллекта.*

Ключевые слова: *искусственный интеллект, образовательные технологии, адаптивированное и персонализированное обучение, интеллектуальная образовательная платформа, цифровой контент.*

The role of artificial intelligence technologies in the continuous improvement of competences of the management staff

Alisher Mamatov,
Senior teacher of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *this article highlights the effectiveness of artificial intelligence technologies by introducing them into the process of continuous professional development of managers working in the state civil service. It also analyzes domestic e-learning platforms that are being implemented today for representatives of this field, and smart educational platforms of foreign countries based on artificial intelligence. In addition, proposals for the implementation of these technologies and the author's model of a smart educational platform based on artificial intelligence have been developed.*

Keywords: *artificial intelligence, educational technologies, adapted and personalized learning, intelligent educational platform, digital content.*

Ҳозирги глобаллашув жараёни ва рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши натижасида деярли барча мамлакатларнинг турли соҳаларида рақамли трансформацияни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. Чунки замонавий технологиялар ва улар томонидан яратилиб берилаётган қулайликлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Инновацион технологиялар нафақат ишлаб чиқариш, рақамли ҳукумат, электрон давлат хизматлари, хизмат кўрсатиш, қарорлар қабул қилиш, келажакни башорат қилиш ҳамда бошқа турли хил устувор соҳалар билан бир қаторда таълим жараёнида ҳам сифат ва самарадорликни ошириш учун кенг имкониятларни яратиб бермоқда. Жумладан, олий таълим ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва ўқув марказлари, шунингдек вазирлик, идора ва ташкилотлар қошидаги малака ошириш марказларида масофавий таълим платформалари, виртуал ёрдамчилар, чатботлар, электрон кутубхоналар, онлайн шаклда билимни баҳоловчи ахборот тизимларидан фойдаланиб келинмоқда. Шу билан бирга таълим жараёнига замонавий рақамли технологияларни жорий этилиши: билим сифатини ошириш, вақт ва маблағларни тежаш, маълумотларни очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, муаммоларга рақамли ечимлар топиш, бошқарув ва стратегик қарорларни қабул қилиш, билимларни онлайн шаклда баҳолаш, статистик ва таҳлилий материалларни самарали тайёрлаш каби кўплаб имкониятларни яратиб беради. Мисол сифатида COVID–19 пандемияси даврини оладиган бўлсак, нафақат таълим жараёнида масофадан туриб онлайн шаклда ўқиш, балки бошқа барча соҳаларда ҳам ишлар ташкилотлар томонидан онлайн тарзда амалга оширилди. Бундан кўриниб турибдики, раҳбар кадрларни салоҳиятини мунтазам ошириб бориш тизимини ҳам рақамли трансформация қилиш, уларга ишдан ажралмаган ҳолда замонавий билим, кўникма ва компетенцияларни исталган жойдан туриб ўзлаштириш имкониятини яратиб беради. Бу соҳада, айниқса, сунъий интеллект технологияларининг ўрни беқиёсдир. Чунки бундай интеллектуал тизимлар бугунга келиб таълим жараёнида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Сунъий интеллект (СИ) технологиялари томонидан тақдим этилаётган имкониятлардан келиб чиқиб, бошқарув кадрлари билимини баҳолаш ва уларни салоҳиятини ошириш тизимига татбиқ этиш орқали тўлиқ автоматлаштирилган ақлли таълим платформаларини яратиш мумкин.

Маълумки, замонавий сунъий интеллект турли амалларни бажаришга мўлжалланган алгоритм ва дастурий тизимлардан иборат бўлиб, инсон онги бажариши мумкин бўлган бир қанча вазифаларни ахборот базасига киритилган маълумотлар асосида амалга оширади. Шунингдек, сунъий интеллект мураккаб таҳлиллар ва катта маълумотлар билан ишловчи дастурларни ўз ичига олиб, мантиқли изчил мулоҳаза қилиш ҳамда тавсия бериш қобилиятига эга “ақлли” технология ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам СИни устувор соҳаларга жорий этиш бўйича жадал ислоҳотлар олиб борилмоқда. Шу ўринда Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6079-сонли Фармонининг қабул қилиниши натижасида, бир қанча соҳаларга СИни татбиқ этиш бўйича вазифалар қўйилган. Улардан бири ўқувчиларни билимини баҳолаш бўйича самарали автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш назарда тутилган. Ушбу тизимда СИ технологиясидан фойдаланиб, ўқувчилар билимини баҳолаш натижаларига кўра уларни олий таълим муассасаларидан бирига ўқишга кириши учун тавсия берадиган ақлли функцияни ишга тушириш белгилаб қўйилган [1]. Бунга мисол тариқасида республикамизда амалга оширилаётган “Ақлли мактаб” дастурини келтиришимиз мумкин.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг барча соҳаларида СИ технологияларини жадал жорий этиш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш ҳамда ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2021 йил 17 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4996-сонли қарори қабул қилинди. Бундан кўриниб турибдики, замонавий сунъий интеллект технологияларини жамиятимизнинг барча тармоқлари ва соҳала-

рида, энг аввало, давлат бошқаруви, соғлиқни сақлаш ҳамда қишлоқ хўжалигида кенг қўллаш, шунингдек таълим жараёнларини ҳам замонавий инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этилиши юқори самарадорликларга олиб келинишига алоҳида эътибор берилмоқда [2].

Шуларни инобатга олган ҳолда, ушбу илмий мақоланинг асосий мақсади бугунги кунга келиб бошқарув кадрларини салоҳиятини оширишга кўмаклашадиган маҳаллий ва хорижий ахборот тизимларини таҳлил қилиш, уларни нафақат раҳбар кадрлар компетенцияларини узлуксиз ошириб бориш, балки барча давлат фуқаролик хизматчилари учун қулай, интеллектуал, ақлли ва мослашувчан шаклга ўтказишда СИнинг ўрни, мамлакатимизда давлат бошқаруви бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, раҳбарлик компетенцияларини янада ривожлантириш, бошқарув қарорларини қабул қилиш, лидерлик, рақамли трансформация ва бошқа давлат хизматчилари учун зарур бўлган замонавий билимларни ўзида жамлаган “Рақамли контент”ни ишлаб чиқиш ҳамда ушбу соҳа вакиллари учун жорий этилган масофавий таълим платформаларини модернизация қилиш бўйича муҳим таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган.

“Шахсийлаштирилган дастурий таъминот муҳандислиги ва ахборот тизимларининг инновацион тенденциялари: интеллектуал ва мослашувчан электрон таълим тизимлари мисолида” номли китобида автоматлаштирилган адаптив дастурий таъминот ва мослашувчан электрон таълим тизимларини ишлаб чиқиш, аниқроғи, сунъий нейрон тармоқлар, билимни баҳолаш, ўрганиш аналитикаси, тасвирларни таниб олиш, маълумотларни таҳлил қилиш каби ақлли масофавий таълим порталларини жорий этиш моделини тақдим этади.

Албатта, СИ технологияларини таълим жараёнига татбиқ этиш, улар томонидан яратиб берилаётган имкониятлар ҳамда самарадорликлар ҳақида бир неча таниқли олим ва тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб бормоқда. Улардан буюк британиялик таниқли педагог олим ва сиёсатшунос Сер Энтони Селдон ўзининг кўплаб китобларида “Тўртинчи таълим инқилоби” ва унинг асосий технологияси сифатида СИни келтирган. У 2020 йилда О.Абидое ва Т.Меткалфлар билан биргаликда чоп этган “Тўртинчи саноат инқилобини қайта кўриб чиқиш: сунъий интеллект инсоният билимини оширадими ёки камайтирадими?” номли китобида СИдан фойдаланиш таълимда янги даврни бошланиши, дунё бўйлаб барча ўқувчилар шахслаштирилган ҳамда рақамли ўқув материалларидан бир хил имкониятда фойдаланиш муҳитини яратиб бериши ҳақида фикр ва таклифлар келтирган [3].

Шу билан бирга, 2020 йилнинг август ойида Грециянинг Ғарбий Аттика университети профессор-ўқитувчилари Ч.Троуссас ва С.Сгоропоулу ҳаммуаллифлигида чоп этилган “Шахсийлаштирилган дастурий таъминот муҳандислиги ва ахборот тизимларининг инновацион тенденциялари: интеллектуал ва мослашувчан электрон таълим тизимлари мисолида” номли китобида автоматлаштирилган адаптив дастурий таъминот ва мослашувчан электрон таълим тизимларини ишлаб чиқиш, аниқроғи, сунъий нейрон тармоқлар, билимни баҳолаш, ўрганиш аналитикаси, тасвирларни таниб олиш, маълумотларни таҳлил қилиш каби ақлли масофавий таълим порталларини жорий этиш моделини тақдим этади [4].

Шунингдек, Wizcabin компаниясининг бош ижрочи директори Навин Нилакандан таълим жараёнига СИни татбиқ этиш орқали бир неча самарадорликка эришиш йўллари ва унинг келажаги ҳақида 2019 йилда чоп этган “Сунъий интеллектга асосланган электрон таълим платформаси: унинг электрон таълим келажагига таъсири” номли мақоласида келтирган. У СИга асосланган электрон таълим платформасини инсон ақлини талаб қиладиган турли вазифаларни бажариш қобилиятига эга бўлган тизим деб таърифлаган. Навин Нилакандан СИга асосланган онлайн таълимнинг шаклланиши қуйидаги 5 та усулдагини келтириб ўтган.

Реал вақтда сўров қилиш – СИга асосланган электрон платформанинг муҳим ролларидан бири – бу унинг репетитор сифатида ишлаши ва реал вақтда саволларга жавоб бера олиши.

Янги таълим мазмунини яратиш – СИ тизимлари, агар курс яхши ўқитилган бўлса, қимматли маълумотларни олиш ва рақамли

ўрганиш учун ақлли таркибга айлантиришга ёрдам бериши.

Табиий тилни қайта ишлаш – СИнинг энг муҳим қисми (ёки кичик соҳаси) табиий тилни қайта ишлашдир. У тизимларга инсон тилини тез ва самарали қайта ишлаш имконини беради. Бу эса ўқувчи томонидан саволларга виртуал мулоқот орқали жавоб олиш ёки керакли маълумотларни оғзаки қидириш имконини яратиб бериши.

Шахсийлаштирилган репетиторлик – СИ ўқувчининг ўтмишдаги фаолиятини текшириш ва уларнинг ўрганиш услубини тушуниш учун жуда муҳимдир. Унинг маълумотларидан янги ўқув материалига ўзгартиришлар киритиш учун фойдаланиши.

Гамификация – электрон таълимда ўқувчиларни янги билимларни эгаллашга жалб қилиш ва уларни қизиқтириш учун қўлланиладиган муҳим ёндашувдир. СИ ёрдамида онлайн ўқув материаллари ичида тактик ўйинларни режалаштириш ва турли хил викториналарни автоматик тарзда ўтказиш имконияти мавжудлиги.

АҚШнинг Олд Доминион университетида таълим тизимини рақамли трансформация қилиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб бораётган ҳамда ушбу олийгоҳнинг Таълим технологиялари бўйича халқаро эксперти (PhD) Ҳелен Кромптон ва Texas A&M университети доценти Донгил Сонг томонидан 2021 йилда чоп этилган “Олий таълимда сунъий интеллектнинг салоҳияти” номли илмий мақолада СИнинг таълим тизимига татбиқ этишнинг бир неча самарали усуллари таклиф этилган. Унга кўра, талабалар ва профессор-ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашнинг виртуал методлари, жумладан, буюртма асосида ўқитиш, ақлли репетиторлик тизимлари, ҳамкорликни осонлаштириш ва автоматлаштирилган баҳолаш усуллари келтириб ўтилган [5].

Бундан ташқари, Австралиянинг Мельбурн университети профессор-ўқитувчилари Э.Ливера ва П.Барба ҳамда Суинберн технологиялар университетининг тадқиқотчиси Л.Коррин томонидан 2021 йилда чоп этилган “Мослашувчан, шахсийлаштирилган ва ақлли контент: iCollab платформасини жорий этиш” номли илмий мақолада ақлли таълим муҳитини яратиш самарадорликлари, мослаштирилган таълим ресурслари ва 50 дан ортиқ талабаларни iCollab платформасидан фойдаланиш натижалари таҳлили келтирилган [6].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, рақамли технологияларнинг ҳар бир соҳага жадал татбиқ этилиши натижасида, юқорида таъкидлаб ўтилган олим ва тадқиқотчилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу билан бирга, улар томонидан чоп этилган илмий мақола, монография ва китобларда ҳам, СИни таълим жараёнига жорий этиш орқали, билим сифати ва кўрсаткичларига сезиларли даражада самара келтириши бўйича илмий асосланган таклиф ҳамда тавсияларни кўришимиз мумкин. Шунинг учун ҳам бошқарув кадрлари салоҳиятини оширишга янгича ёндашув киритиш мақсадида ушбу соҳа вакиллари учун таклиф этилаётган электрон таълим платформаларини модернизация қилиш жуда муҳим саналади.

Қуйида Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатларнинг давлат фуқаролик хизматчилари билимини онлайн баҳолаш, малакасини масофадан туриб ошириш ҳамда раҳбарлик компетенцияларини янада ривожлантиришга кўмаклашадиган ахборот тизимларини таҳлил қилиб чиқамиз. Бунда, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан яратилган масофавий таълим порталини кўрсатишимиз мумкин. Ушбу платформа, асосан, раҳбар кадрларни салоҳиятини оширишга кўмаклашадиган электрон контентни ҳамда онлайн тест саволларини ўз ичига олган.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан давлат фуқаролик хизматчилари ва мамлакатимиздаги ўқув муассасалари раҳбар кадрларини малакасини мунтазам ошириб боришига кўмаклашадиган онлайн таълим платформаси жорий этилган. Агентлик томонидан *ilm.argos.uz* платформаси ишга туширилган бўлиб, ушбу малака ошириш портали орқали давлат фуқаролик хизматчилари материалларнинг видео, аудио, тақдимот ва матн шаклидан фойдаланган ҳолда доимий равишда билимларини мустаҳкамлаб бориш имконияти яратилган. Шунингдек, Агентлик томонидан бошқарув кадрлари салоҳиятини баҳолаш учун *test.argos.uz* онлайн тест тизими ҳам ишга тушурилган. Умуман олганда, республикамизда ушбу соҳани рақамлашти-

риш бўйича муҳим ислоҳотлар олиб борилаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Америка Қўшма Штатларида давлат хизматчиларини узлуксиз малакасини ошириб бориш тизими жорий этилган бўлиб, унда, асосан, давлат хизматчиси лавозимидан келиб чиққан ҳолда маълум бир белгиланган муддатда ва ихтиёрий равишда амалга оширилади. Бунда таълим шакли гуруҳларга бўлиниб, онлайн ва офлайн, шунингдек, индивидуал онлайн шаклда ташкил этилади. Ушбу давлатда идоралараро кадрлар тайёрлашнинг механизми асосида, таълим дастурлари лавозимларига мослиги бўйича доимий эксперт сўровномалари амалга оширилади. Шунингдек, бир лавозимдан бошқа лавозимга кўтарилишидан олдин албатта малака ошириш курсларидан ўтган бўлиши лозим.

Америка Қўшма Штатларида давлат хизматчиларини узлуксиз малакасини ошириб бориш тизими жорий этилган бўлиб, унда, асосан, давлат хизматчиси лавозимидан келиб чиққан ҳолда маълум бир белгиланган муддатда ва ихтиёрий равишда амалга оширилади. Бунда таълим шакли гуруҳларга бўлиниб, онлайн ва офлайн, шунингдек, индивидуал онлайн шаклда ташкил этилади. Ушбу давлатда идоралараро кадрлар тайёрлашнинг механизми асосида, таълим дастурлари лавозимларига мослиги бўйича доимий эксперт сўровномалари амалга оширилади. Шунингдек, бир лавозимдан бошқа лавозимга кўтарилишидан олдин албатта малака ошириш курсларидан ўтган бўлиши лозим.

АҚШ рақамли технологиялар бўйича дунёнинг етакчи давлатларидан бири бўлиб, давлат хизматчилари учун USALearning онлайн таълим платформаси жорий этилган. Ушбу платформа 17 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда ва АҚШ ҳукуматининг барча таълим маҳсулотлари ҳамда хизматларининг ягона электрон базаси ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб, ушбу порталга 100 га яқин ташкилот ҳамда 10000 дан ортиқ давлат хизматчилари аъзо бўлган.

USALearning платформасидан давлат идоралари ходимларидан ташқари нодавлат ташкилот ходимлари ҳам фойдаланишлари мумкин. Портал ҳукумат ходимларига онлайн курсларни тақдим этишдан ташқари, СИ технологияларидан фойдаланган ҳолда, уларнинг ўзлаштириш даражасини таҳлил қилиш, малака ошириш муддатларини белгилаш ва қайси курсларни ўзлаштириши лозимлиги ҳақида автоматик равишда қарорлар чиқариб, таклиф ва тавсиялар беради. Шу билан бирга, турли хил ўқув тизимларини таҳлил қилиб, статистик маълумотларни тайёрлаш имкониятларини ҳам ўз ичига олади.

Бразилияда эса асосий давлат бошқаруви таълим муассасаси бу – Давлат бошқаруви миллий мактаби (ENAP). 2017 йилга келиб, онлайн таълим платформалари ривожланишига қарамай, Бразилияда давлат хизматчиларини малакасини ошириш одатда офлайн шаклда амалга оширилар эди. Лекин, контингентни катталиги ва уларни бир вақтнинг ўзида малакасини оширишдаги муаммолар, харажатларни қисқартириш ҳамда рақамли технологияларни ушбу йўналишга кенг татбиқ этиш мақсадида, шу йили ENAP негизида давлат бошқаруви соҳасида масофавий таълимни амалга оширишга мўлжалланган “Виртуал бошқарув мактаби” ташкил этилади. Ушбу мактабнинг асосий вазифалари: давлат хизматчиларини масофавий ўқишини таъминлаш, онлайн малака ошириш учун материаллар тайёрлаш ва уларни платформага жойлаштириш, доимий равишда мониторинг юритиш, онлайн курс якунида сертификатлар бериш ҳамда ушбу соҳани рақамлаштириш бўйича бошқа фаолият турларини ўз ичига олади. Виртуал бошқарув мактабида 436 та очиқ курс, 14 та махсус курс, фаолият ва онлайн курсларни тамомлаганлигига қараб, 34 та турли хил сертификатлар мавжуд бўлиб, бугунги кунда 3,3 млн.дан ортиқ фойдаланувчиларга сертификатлар берилган.

Юқоридаги ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш натижасида республикамиздаги давлат идораларида фаолият олиб бораётган давлат фуқаролик хизматчилари компетенцияларини доимий равишда ошириб бориш тизимини рақамли трансформация қилиш устувор вазифалардан бири эканлигини кўришимиз мумкин.

Умуман олганда, ҳозирги тўртинчи саноат инқилоби даврида яшар эканмиз, деярли барча соҳаларда СИ имкониятларидан фойдаланиб келинмоқда. Шу ўринда таълим жа-

раёнига татбиқ этилган СИ технологиялари ва уларнинг имкониятларини таҳлил қилиб ўтамиз.

Профессор-ўқитувчилар учун СИнинг афзалликлари



1-расм. Таълимда сунъий интеллектдан фойдаланишнинг 7 та энг яхши усули

Биринчи навбатда, СИ технологиялари ёрдамида давоматларни автоматик аниқлаш, ички тартиб-интизомни назорат қилиш ва турли хил хизматларни роботлар томонидан таклиф этилишини оладиган бўлсак, иккинчидан айнан профессор-ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятидаги самарадорликларни ошириш учун ҳам хизмат қилади.

Ўқувчилар учун СИнинг афзалликлари

Ўзини ўзи ўқитиш – одатда, ўқувчилар кўп вақтини смартфонлар ва планшетлардан фойдаланишга сарфлашади. Шунингдек, вазифаларни ҳам мобил қурилмалар орқали бажаришни афзал кўришади. Шу сабабли СИга асосланган иловалар уларнинг бўш вақтларида вазифаларни бажариш учун 10-15 дақиқа ажратишига ёрдам беради. Бундан ташқари, ўқувчилар бундай иловалар ёрдамида реал вақт режимида ўқитувчилари билан виртуал алоқа қилиш имконини ҳам беради.

Шахсийлаштирилган таълим – СИга асосланган ечимлар ўқувчининг билим даражасига, қизиқишларига ва унинг имкониятларига мослашиши мумкин. Тизим ўқувчиларнинг билим олишдаги заиф томонларини аниқлаб, уларга ёрдам беришга интилади. Масалан, бирон бир ўқув дастуридан фойдаланишни бошлашдан олдин ўқувчи диагностика тестидан ўтади ҳамда илова жавобларни таҳлил қилиб, унга мос ўқув материалларини тақдим этади.

Ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш – бунда СИ ўқув машғулоти давомида ўқувчиларнинг ўзлаштиришдаги камчиликларини аниқлаш имконини беради. Масалан, ўқувчиларнинг 50 фоизидан ортиғи саволларга нотўғри жавоб берадиган бўлса, СИ иловаси ўқитувчини хабардор қилиши ва унга таҳлилий материаллар тайёрлаб бериши мумкин.

Ўқувчиларнинг дарсларга қизиқишини ошириш – виртуал ҳақиқат иловалари ва турли хил викториналар орқали ўқувчиларни дарс машғулотларига қизиқишини оширади. Шунингдек, уларнинг амалий машғулотларига кўмаклашиб, дарсларни янада интерактив бўлишини таъминлайди.

Шахсийлаштириш – СИни қўллаб-қувватлайдиган турли хил алгоритмлар ўқувчиларнинг билим ва қизиқишларини таҳлил қилиши, уларга мос материалларни тақдим этиши, ўқув дастурларини мослаштириши ҳамда ўқитувчининг ўрнига саволларга жавоб бериши мумкин.


Ўқув дастурларини автоматик ишлаб чиқиш – одатда ўқитувчилар СИни ривожланишидан кўпроқ самара оладилар. Чунки улар СИ ёрдамида ҳисоботларни, ўқув дастури ва бошқа турли хил материалларни тайёрлаш ҳамда қидиришга камроқ вақт сарфлашади. Натижада, ўқитувчиларнинг ўзлари устида ишлаши учун қўшимча имкониятлар яратилади.

Бундан кўриниб турибдики, СИ технологиялари таълим муассасаларининг ташкилий, ўқув, илмий-тадқиқот ва бошқа фаолиятларига татбиқ этиладиган бўлса, малакали кадрларни тайёрлаш бўйича кўплаб муаммоларга рақамли ечимлар топиш имкониятини яратиб беради.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ушбу илмий мақолада республикамизда фаолият олиб бораётган раҳбар кадрлар компетенцияларини мунтазам ошириб бориш тизимига СИ технологияларини тақдим этиш орқали, давлат фуқаролик хизматчиларининг билимини баҳолаш ва уларнинг узлуксиз малакасини ошириб боришига кўмаклашадиган интеллектуал таълим платформасини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар келтирилган.

Шунингдек, замонавий рақамли технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида СИга асосланган ягона автоматлаштирилган ақлли таълим порталини жорий этиш назарда тутилган. Натижада, давлат фуқаролик хизматчиларининг компетенцияларини ошириб бориш бўйича электрон график, ақлли контент, ўзини ўзи ривожлантириш бўйича виртуал ёрдамчи, онлайн мониторинг юритиш, таҳлилий маълумотлар тайёрлаш ва бошқа кўплаб имкониятларни ўз ичига олган ягона ахборот тизими ишлаб чиқилади.

Қуйида таклиф этилаётган ақлли таълим платформасининг модели келтирилган бўлиб, унда фойдаланувчиларга қулайлик яратиб бериш мақсадида, тизимга кириш учун ягона идентификация тизими (OneId)дан фойдаланиш ва давлат фуқаролик хизматчиларининг ягона электрон реестрига интеграция қилиш назарда тутилган.



2-расм. Таклиф этилаётган сунъий интеллектга асосланган ақлли таълим платформанинг модели

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтишимиз лозимки, замонавий рақамли технологияларни имкониятидан келиб чиқиб, раҳбар кадрларни узлуксиз салоҳиятини ошириб бориш жараёнига СИни татбиқ этиш, нафақат уларнинг вақтини, балки шахсийлаштирилган ақлли контент натижасида ўзлари учун зарур бўлган билимларни исталган жойдан

туриб олиш имкониятини яратиб беради. Бу эса, ўз навбатида, ахборот тизими орқали доимий равишда контент маълумотларини янгилаб бориш ва талаб этилаётган билимларни электрон базасини шакллантириб боради.

Шунингдек, ақлли таълим платформани жорий этишдаги кутилаётган муҳим натижалардан бири бу давлат фуқаролик хизматчиларини ўзини ўзи салоҳиятини оширганлик ҳақидаги ягона электрон реестри шаклланади. Бу эса, ўз навбатида, уларга аниқ таҳлилий тадқиқотлар ўтказиш орқали платформани такомиллаштириб бориш бўйича қўшимча функционалликлар яратиб бериш имконини яратади.

Демак, давлат фуқаролик хизматчиларининг мунтазам салоҳиятини ошириш жараёнига замонавий сунъий интеллект технологияларини жорий этилиши, вақти, жойи ва умумий сарфланадиган харажатларидан ташқари барча раҳбар кадрларга мослашувчан ва шахсийлаштирилган ақлли контент орқали билим олиш имкониятини ҳам яратиб беради.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6079-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4996-сонли қарори.

3. A. Seldon, O. Abidoye (2020). “The Fourth Education Revolution: Will Artificial Intelligence Liberate or Infantilise Humanity” – University of Buckingham Press; Second edition (December 15, 2020). Book. ISBN-10: – 1800318243 –P. 265-276.

4. C. Troussas, C. Sgouropoulou (2020). “Innovative Trends in Personalized Software Engineering and Information Systems” – The Case of Intelligent and Adaptive E-learning Systems; Volume 324 of Frontiers in Artificial Intelligence and Applications. Publication date: August 2020, ISBN online: 978-1-64368-097-2, –P. 54-61.

5. H. Crompton, D. Song (2021). “The Potential of Artificial Intelligence in Higher Education” – Editorial | Revista Virtual Universidad Católica del Norte, Volume 62, ISSN: 0124-5821, – P. 1-4.

6. E. Oliveira, P. Barba, L. Corrin (2021). “Enabling adaptive, personalised and context-aware interaction in a smart learning environment: Piloting the iCollab system” – Australasian Journal of Educational Technology, 2021, Volume 37(2), Special Issue: Smart Learning Environments, – P. 1-23.

7. https://wizcabin.com

8. https://tech.ed.gov/ai

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА
БОШҚАРУВ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИ



Аброр ҚИЛИЧЕВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг ахборот масалалари бўйича маслаҳатчиси, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: *мазкур мақолада буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг давлатчилик сиёсати ва унинг бугунги кундаги аҳамияти хусусида сўз боради. Шунингдек, Турон ҳукмдорининг давлат қурилиши, қўшинни барпо этиш каби масалаларига доир қолдирган меросидан бугунги кунда фойдаланиш зарурати кўрсатиб берилган. Давлат ислоҳотларининг Амир Темур юритган давлатчилик сиёсатига моҳиятан уйғунлиги сиёсий жиҳатдан очиб берилган.*

Калит сўзлар: *турон, давлат, ҳукмдор, давлатчилик сиёсати, бошқарув, иймон, садоқат, ҳарбий машина, қўшин, юксаклик.*

Роль институтов управления в государстве Амира Темура

Аброр Киличев,
доктор философии политических наук (PhD) ответственный сотрудник Республиканского центра духовности и просветительства

Аннотация: *в данной статье рассматривается государственная политика великого Сахибкирана Амира Темура и ее значение на сегодняшний день. Также необходимо сегодня использовать наследие правителя Турана в таких вопросах, как государственное строительство и строительство армии. Ведь все реформы, направленные на развитие национальной государственности, повышение благосостояния страны, построение жизни подрастающего поколения, воспитание молодежи физически, умственно и духовно, политически соответствуют государственной политике, проводимой Амиром Темуром.*

Ключевые слова: *Туран, государство, правитель, государственная политика, управление, вера, лояльность, военная машина, армия, возвышение.*

The role of administrative institutions in Amir Temur's state

Abror Qilichev,
Adviser on information issues to the head of the Republican Center for Spirituality and Enlightenment, (PhD (in Political Sciences)

Annotation: *this article discusses the state policy of the great Sahibkiran Amir Temur and its significance today. Also, the necessity of using the legacy of the ruler of Turan regarding issues such as state building and army formation is shown. The essential compatibility of the state reforms with the state policy of Amir Temur has been revealed from a political point of view.*

Keywords: *turan, state, ruler, state policy, management, faith, loyalty, military machine, army, highness.*

Дунё тарихида жаҳонгирлар, улкан империя қурган ҳукмдорлар кўп ўтган, лекин она юрт тинчлиги ва халқ манфаати йўлида фидоийлик кўрсатганлари кўп эмас... Шунинг учун киндик қони тўкилган муқаддас тупроқ озодлиги учун жонини тиккан зотларни авлодлар ҳеч қачон унутмайди. Ватан вужудини душмандан тозалаган, уни ювиб-тараб кўкларга олиб чиққан, номини бутун дунёга тараннум этган ва халқпарвар раҳбар, улуғ зот Амир Темурдир. Зотан, юрт шаъни ва шавкати хусусида сўз юритганда, тасаввуримизда буюк бобомизнинг улуғвор сиймоси гавдаланаверади.

Биз ушбу мақоламизда Амир Темурнинг давлат бошқарувини қайси тамойилларга асосланиб амалга оширганини сиёсий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Хўш, Амир Темурнинг давлат бошқаруви қайси тамойилларга асосланган эди?

Сиёсат назариясига кўра, бошқарув – давлат махсус органининг функцияси сифатида энг кам вақт, куч ва захиралар эвазига энг юқори натижага эришиш бўйича аниқ ташкил этилган фаолият. Амир Темур қурган давлатнинг бошқарув органлари вазифаси ҳам худди шундай асосга қурилган эди.

Амир Темур давлатида бошқарув институтлари уч гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга: Бош вазир – девонгбеги, вазирлар, амир-ул-умаро – бош амир-қўшин бошлиғи, амирлар ва амирзодалар, лашкарбошилар, улус бошлиқлари, баҳодирлар, хабаргирлар (хавфсизлик хизмати – разведка, контрразведка), қалъа кутволи – шаҳар коменданти кабилар киради. Уларнинг асосий вазифалари ва ишлаш жараёни **1-расм** ва **2-расм**да келтирилган. Иккинчи гуруҳ: садри аъзам – диний ишлар, хусусан, вақф мулклари ҳамда масжид ва мадрасаларнинг молиявий таъминотига масъул амалдорлар, қозилар – суд-ҳуқуқ ва адлия тизимига масъул амалдорлар, шайхлар, уламо-дин арбобларидан иборат. Уларнинг фаолияти **3-расм**да келтирилган.

Учинчи гуруҳга: тарихчилар, муҳаддислар, қиссахонлар, мударрислар, меъморлар, ҳакимлар, мунажжимлар, муҳандислар, ҳунарманд-косиблар уюшмалари оқсоқоллари, деҳқон ва чорвадорлар оқсоқоллари киради **(4-расм).**


Амир Темур давлатчилик ишларини амалга ошириш учун жамиятдаги барча табақа ва тоифаларни қамраб олишга ҳаракат қилган. “Тузуклар”да Соҳибқирон шундай ёзади: “Давлат ишларини салтанат қонун қоидаларига, тўра-тузукка таяниб, амирлар, вазирлар, сипоҳ, райият – ҳар бирини ўз лавозимига ва мартабасига” қараб бошқардим. Демак, Турон ҳукмдорининг давлат бошқаруви тўра-тузуклар, яъни ўз даври қонунчилиги асосида бошқарилган. “Ишларимнинг барисида аввал кенгаш-маслаҳат қўлладим, ишни бажаришга киришар эканман, олдиндан чора-тадбирлар белгилаб қўярдим ҳамда бу иш қандай якунланиши ҳақида фикр-мулоҳаза қилган ҳолда иш бошлардим; сўнгра, кези келганда тўғри тадбир ва қатъий жазм, ёхуд мулоҳазакорлик ва эҳтиёткорлик ёки узоқни кўриб, ортини ўйлаган ҳолда уни кўнгилдагидек ниҳоясига етказардим. Яна тажрибамдан ўтказдимки, сўзларида иттифоқлик бўлган, қилмоқчи бўлган ишларини бирор важҳ кўрсатиб бажармасдан қолдирмайдиган кишиларгина кенгаш аҳли бўла оладилар” [1]. Ушбу сўзлар Амир Темур даври давлат бошқаруви институтлари тушунчаларининг сиёсий-фалсафий моҳиятини англатади.

Бошқарув институтлари деганда, давлат ҳокимияти тизимида мавжуд бўлган ва амал қиладиган сиёсий ҳокимиятнинг тармоқлари ва уларнинг барқарор “ишлаши”га таъсир ўтказувчи ижтимоий-сиёсий ва жамоатчилик ташкилотлари уюшмалари ва бирлашмаларини тушуниш мумкин. Мазкур таърифга мувофиқ, Амир Темур давлат бошқарувининг ишлаш механизмлари қуйидагича бўлган **(1-расм).**

Мамлакат маъмурий жиҳатдан улус, вилоят ва туманларга бўлинган. Уларни ҳоким, ноиб ва туманбошилар бошқарган. Амалдорларнинг аксарияти ҳарбий мансабдорлар – амирлар бўлган. Бош вазир – девонбеги марказий ҳокимиятни етти вазир – аркони давлат асосида бошқарган.

Улус бошлиқлигига – амирзода ёки давлатга хизмати сингган саркарда ва давлат маъмурлари тайинланган. Фатҳ этилган ҳудудлар ўғиллар ва набиралар – амирзодаларга суюрғол тарзида берилган бўлиб, бошқарув улар орқали амалга оширилган.

Лашкарбошилар – қўшин бошлиқлари. Амир Темур қўшини ўнталик аскарий бирикмалардан тузилган бўлиб, туман – ўн минг ва ўн икки мингталиккача бўлган. Ҳар бир ўн минг ва ўн мингталик аскарга – туманбоши-




1-расм. Амир Темур давлат бошқаруви ишлаш механизмлари

лар бошчилик қилган. Мазкур лашкарбошилар, асосан, даражали амирлар тоифасидан бўлган.

Хабаргир – хавфсизлик хизмати, ички разведка, ҳарбий разведка, ташқи разведка ва контрразведкани қамраб олган. Хизмат раҳбарлари шахсан ҳукмдорга бўйсунган. **Ички разведка** империя ҳудудидаги мамлакатлар, улуслар ва вилоятлардаги мавжуд ижтимоий-сиёсий аҳвол хусусида ҳукмдорни огоҳ этиб турган, ҳатто, жойлардаги раҳбарлар фаолияти ҳам мазкур хизмат томонидан назорат қилинган ва уларнинг "ишлари" тўғрисида давлат бошқарув институтининг марказий аппаратига ҳукмдор девонига (канцелярия) маълумот бериб турилган. Ушбу хизмат ходимларининг шахси сир сақланган бўлиб, уларнинг кимлигини вилоят ёки улус бошлиқлари билмаган. Натижада жойлардаги раҳбарлар, Соҳибқирон таъбири билан айтганда, "ярим умид, ярим шубҳа" остида бўлишган ва бу уларни турли "қутириш"лардан тийиб турган.

Сиёсий-фалсафий таҳлил шуни кўрсатадики, Амир Темур давлат бошқарувида **хавфсизлик хизмати** институтларининг фаолиятига кенг йўл очиб берар экан, бунда фақат давлат манфаати эмас, балки жамият манфаати ҳам ҳисобга олинганини кўрамиз. Буни биз жойларда **хавфсизлик хизмати институтлари – хабаргирлар** томонидан маҳаллий ҳокимиятнинг фаолияти хусусида ҳукмдор институтини зарур ахборот ва маълумотлар билан яширин равишда таъминлаб турганида яққол кўришимиз мумкин. Яъни, ўша вилоят ҳоким, қози (суд тизими), умуман маҳаллий бошқарув институтлари томонидан қандай бошқарилаётгани, фуқарога нисбатан адолат тарозисининг шайнлари тўғрилиги ёки қандай ижтимоий камчиликлар мавжудлиги ҳақидаги хабарлар ўша вилоят ёки улус бошлиқларига маълум бўлмаган йўллар билан марказий бошқарув аппарати – ҳукмдор институтига етказиб турилгани диққатга сазовордир. Ҳозирги тил билан айтганда, **ўзига хос агентура, яъни ўта яширин жосуслик тизими фаол иш олиб борган.**

Аввало, давлат бошқаруви қурултой, кенгаш сингари ижтимоий-сиёсий жамоатчилик институтлари орқали амалга оширилган. Тўғри, қурултой, кенгаш каби олий мақом эгалари ўз даврида қадим Турон мамлакати бошқарувида амал қилиб келган. Қурултой Турк хоқонликларида ҳам давлат бошқарувида қўл келган, кейинроқ чингизийлар империясида муттасил ўтказилган ва давлат аҳамиятига молик ишлар кўрилган, бироқ уларда Амир Темур давлат бошқарувида бўлгани каби **ошкоралик руҳи** бўлмаган, яъни жамият барча табақасининг давлат ҳаётида кечаётган жараёнлардан хабардорлиги ва талаб-истаклари инобатга олинмаган. Амир Темур жамиятдаги ҳукмрон синф вакиллари: амирлар, лашкарбошилар ёки дин арбоблари билан бирга, оддий халқ билан ҳам яқин бўлишга, уларнинг кундалик муаммолари-



2-расм: Амир Темур давлатида бошқарув институтлари вазифалари

ни ҳал қилишга эътибор қаратган. Бу ҳақда “Темур тузуклари”да бот-бот уқтириб ўтилган. Чингизийлар қурултойларида фақат ҳукмрон синф вакиллари иштирок этган бўлиб, уларда, асосан, феодал табақанинг манфаатлари хусусида гап борган. Шунинг учун қурултой ва кенгашларда амирлар, вазирлар билан бирга оддий халқ вакиллари, баҳодирлар (жангда жасорат кўрсатган шахслар), дин арбоблари иштирок этган.

Таҳлилга кўра, мазкур йиғинлар том маънода **ижтимоий-сиёсий ва жамоатчилик институтлари мақомини олган**. Чунки бу ерда кўриладиган ҳар қандай масала нафақат давлат манфаатларини, балки жамиятдаги турли тоифаларнинг талаб-истакларини ҳам ҳисобга олган. **Биринчидан,** ҳукмдор давлат қурилишида жамиятдаги **ижтимоий қатламларни ўн икки тоифага** бўлади ва ҳар бир тоифанинг манфаатларини аниқ ҳисобга олади. **Иккинчидан**, давлатчилик сиёсатида ушбу ижтимоий-сиёсий тоифалар асосий роль ўйнайди. **Учинчидан,** давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашда қурултой, кенгаш ижтимоий-сиёсий жамоатчилик институтлари – **объект** вазифасини ўтайди, жамиятдаги

ўн икки тоифа эса ижрочи – **субъект** вазифасини бажаради.

Қурултой, кенгаш сингари ижтимоий-сиёсий институтлар тарихий давлатчилик қадриятларига таянган ҳолда ҳар томонлама пишиқ ва пухта тўра-тузуклар асосида барпо этилган. Амир Темур ўзининг давлат қуриш ва унинг пойдеворини мустаҳкамлаш борасида амалга оширган ишларини "Темур тузуклари"да қайд этиб борар экан, пири Мир Саййид Бараканинг мактубини мисол тариқасида келтириб ўтади [2]. Амир Темур қонун-қоидалар асосида давлатни қурар экан, пир-устозларининг ўгитларидан унумли фойдалангани қуйидагиларда акс этади. **Биринчидан,** жамият ҳаётида диннинг устувор ролидан Амир Темур кучли сиёсатчи сифатида ўта оқилона фойдаланган. **Иккинчидан,** давлат бошқаруви институтларининг асосий моҳияти ҳам, аввало, дин негизига қурилса-да, унинг фаолияти салтанатда амал қилаётган халқнинг қадриятлари билан уйғун ҳолда олиб борилади.

Қадим Турон халқлари ҳаётида "**адолат**" тушунчаси шаклланиши ва ижтимоий тафаккурининг узвий бир қисмига айланиши, аввало, азалдан шаклланиб келган ғоя, қарашлар ҳамда ислом динининг халқ дунёқарашига ўтказган таъсири билан белгиланади. Маълумки, халқимизнинг милоддан олдинги ҳаётини ўзида акс эттирган "Авесто" ҳам миллий ғояларни асраб-авайлаш, халқни жипслаштириш, уни маънавий юксакликка даъват этиш, одамлар ўртасида меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаш, адолатни қарор топтириш ва халқ анъаналарини сақлаб қолишда муҳим ўрин тутади. Тарихга ва халқ ҳаётига ўта қизиқиш билдирган Амир Темур бу бебаҳо китобдан ҳам маънавий-руҳий куч олгани аниқ. Бу унинг давлатни тузиш, идора этиш ва халқ билан яқин алоқада бўлишга интилишида ўз ифодасини топади.

Шу боис **биринчидан,** Амир Темур одамни бой ёки камбағал эканига қараб баҳоламаган, оддий халқ вакили бўлса ҳам асли тоза, ақл-фаросатли, баҳодир, довюрак, тадбиркор, сергак, эҳтиёткор, мард инсонларни ҳурмат қилган. **Иккинчидан,** айнан шу фалсафа Амир Темурни Буюк Турон султони даражасига кўтарган, юксак мартабаларга олиб чиққан. **Учинчидан,** халқдан куч олиш, халқ ичига кириб бориш, халқ билан бирга бўлиш фалсафаси қадим Турон элида юксак қадрланганини, бунинг сиёсий аҳамияти бениҳоя юксак бўлишини қадим давлатлар тарихининг билимдони бўлган Амир Темур теран англаган. Амир Темур нечоғлик қудратли зот бўлмасин, у инсонпарварлик ғояларига содиқ бўлиб, қўл остидаги амирлар, вазирлар, энг муҳими, оддий халқ билан ўта инсоний муносабатда бўлишга ҳаракат қилган.

"Темур тузуклари"да ёзилишича, **салтанат ишларининг тўққиз улуши кенгаш билан, қолган бир улуши эса, куч ёрдамида амалга оширилган.** Бу ўринда кенгаш деганда, адолатга эришишнинг энг муҳим самарали омили бўлган, салтанатда бошқарув институтларидан бирига айланган ижтимоий-сиёсий тушунча ҳақида гап бормоқда. Бу тушунча, ўз навбатида, давлат бошқарув институтлари бўлган қурултой, кенгаш каби сиёсий тадбирларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган мавқеи, таъсири нечоғлик аҳамиятга эга эканини белгилаб беради.

Амир Темур давлатчилик сиёсатини юритишда давлатнинг бош йўналишини **"Куч – адолатда"** ғояси билан белгилашида чуқур маъно ва мазмун бор эди ва уларни биз қуйидагиларда кўришимиз мумкин: **биринчидан**, "Куч – адолатда" ғоясининг Амир Темур наздидаги моҳияти шундаки, давлат адолат билан бошқарилиши керак, агар адолатга путур етса, бундай давлатнинг умри қисқа бўлади; **иккинчидан**, Амир Темур давлатчилигининг асосини **"Куч – адолатда"** ғояси ташкил этади ва ушбу ғоя давлат бошқарувида мафкура вазифасини ўтайди; **учинчидан,** бу ғоя давлат бошқарувининг барча тизимларига кириб борган ва давлатдаги ҳар бир тизим адолат тамойилларига суянган. Ибн Арабшоҳнинг маълумотига кўра, қўшиндаги тартиб-интизомнинг асосини [3] адолат тамойили ташкил этиши армияда рағбат масаласининг одилона жорий қилингани билан белгиланади.

Сиёсат назариясига кўра, давлатчиликнинг темир қонунларидан бири – бу адолат тарозусини мувозанатда ушлаб туришдир. Бу барча давлат бошқаруви институтларининг **"Куч – адолатда"** ғоясига таяниб иш юритганида яққол кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам мазкур ғоя Турон давлатида ахлоқий ва маънавий мезонга айланди. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, Амир Темурнинг ушбу ғояси, моҳиятига кўра, бугунги кунда ҳам ўта долзарблигини йўқотмаган. Бугунги кунда дунёда кечаётган гибрид урушлар ва булар-

нинг асосий сабаби қилиб кўрсатилаётган ижтимоий портлашларнинг негизида ҳам, аслида, адолатсизлик ётади. Чунки инсон ҳар қандай камситиш ва хўрликларга дош бериш мумкин, лекин адолатсизлик одамлар қалбини парчалаб ташлайди, натижада, улар ҳар қандай "қафас"ни синдириб ташлашга интиладилар.

Сиёсий тизим – жамиятнинг сиёсий тизими ёки жамиятнинг сиёсий тузилмаси – ягона норматив-ҳуқуқий асосда ташкил этилган ҳокимиятни амалга ошириш ва жамият устидан назорат қилиш билан боғлиқ сиёсий субъектларнинг ўзаро муносабатлари мажмуидир. "Сиёсий тизим бу – сиёсий функцияларни, яъни давлат ҳокимияти фаолияти билан боғлиқ бўлган фаолиятни амалга оширадиган давлат ва нодавлат институтларнинг мажмуасидир" [4], деб таъриф берган Г.В. Атаманчук. Таъкидлаш керакки, сиёсий тизим давлат бошқарувини амалга оширишда қатъиятга асосланиши билан эътиборли. Бу ҳолат Амир Темурнинг давлатчилик сиёсатида ёрқин кўзга ташланади.

"Сиёсий тизим" тушунчаси сиёсий фаолиятнинг муайян жамият тузилмаси ва сиёсий жараёнларнинг турлари ҳамда ўзига хос хусусиятларини англатади [5]. Демак, қурултойнинг оммалашуви сиёсий жараённинг кучайишига ва жамиятнинг давлат билан яхлитлашувига хизмат қилган. Айни пайтда, бу тушунчага қуйидаги таърифлар ҳам берилган: "Сиёсий тизим жамиятнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, жамият тизимидаги элементларни бирлаштириш ва мавжуд имкониятларни амалга оширишга сафарбар қилувчи механизмдир" [6]. Келтирилган таърифларга қўшилган ҳолда, фикримизча, сиёсий тизим жамиятда мавжуд бўлган давлат ва жамиятнинг барча жиҳатларини эмас, балки сиёсий ҳокимият тармоқларини ташкил этувчи қисмларни ўз ичига олади.

Амир Темур давлатида бошқарув институтларининг катта тизими фаолият олиб борган. Мазкур тизимларнинг ўзаро муносабатлари давлат сиёсатини амалга ошириш – давлат ишларида иштирок, бошқарув давлат фаолияти вазифалари ва мазмунини белгилашда ўзининг амалий ифодасини топган. Амир Темурнинг қурултой, кенгаш сингари ижтимоий-сиёсий бошқарув институтлари жамиятдаги барча ижтимоий кучларнинг билими, тажрибаси, салоҳиятидан унумли фойдаланган. Амир Темурнинг ҳукмдорлик қоидаларидан яна бири бу – давлат бошқарувида ору номус ва иймон ўртага қўйилади. Яъни, давлатчилик ишлари ўта ҳалоллик билан юритилмоғи шарт, зеро, адолатсизлик юз бермасин ва бундан авом халқ озор чекмасин, деган мазмунда. Шунингдек, давлатнинг ҳар бир амалдори ватанпарвар, иймонли, зоти тоза шахслардан иборат бўлмоғи шартки, улуғ ишларни иймонли зотларгина уддалайди. Демак, замонлар, маконлар ўзгарсада, Ватанга муҳаббат, иймонга садоқат моҳияти асло ўзгармайди.

Сиёсат назариясига кўра, ҳар қандай давлатнинг бунёд бўлишида биринчи шахснинг сиёсий иродаси жуда катта роль ўйнайди. Айнан мана шу ироданинг "куч"и туфайли давлат пойдеворига илк ғишт қўйилади. Ушбу "ғишт"нинг мустаҳкамлиги давлатнинг умрини белгилаб беради. Тарихдан яхши маълумки, Амир Темур қўйган "ғишт"нинг залвори Темурийлар идора қилган давлатлар учун метин пойдевор бўлиб хизмат қилди. Зеро, тарихда миллий давлатчилигимизнинг энг тараққий топган даврлари айнан Амир Темур ва Темурийларнинг ҳукмронлигига оид давлатларга хосдир.

Давлат ишларининг барини кенгаш билан юритиш, уни битиришда тўғри тадбир қўллаш, бир ишга киришмай туриб, ундан чиқиш йўлларини ўйлаб қўйиш, тўғри тадбир, қатъий жазм, сабр-чидам кўрсатиб, эҳтиёткорлик билан узоғини ўйлаб, ортини эсдан чиқармаган ҳолда охирига етказиш [9] ҳар томонлама кучли ва стратег ҳукмдорга хос бўлган ишдир. Демак, Амир Темурнинг давлатчиликни барпо этиш ва уни тараққий эттириш йўлида амалга оширган ҳар бир иши ва бу борада айтган ҳар бир сўзи бугун биз учун дастуруламал бўлмоғи шарт. Зотан, пароканда ва мажруҳ бўлиб ётган мамлакатни буюк давлатга айлантириш, юҳо каби ютонғич шафқатсиз душманларнинг қашқир тишларини синдириш осон "юмуш" эмас.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, сиёсат фалсафасига биноан, бошқарув маҳорати билим ва тажриба асосига қурилади. Амир Темур ҳам давлат сиёсатини юритишда билим ва тажрибага [7] таянганини таъкидлар экан, кенгаш аҳли, яъни фикр ва ғоя беришга қодир шахсларнинг бирлиги ва ўзаро иттифоқда бўлиши, сўзда собит, ишда чидамли бўлишини шарт, деб билади.

“Темур тузуклари”да давлат ишларининг тўққиз улушини кенгашга, яъни ҳозирги тил билан айтганда, дипломатияга ажратгани, бир улушини эса қиличга, яъни ҳарбий ҳаракатга қолдирганини ёзган. Турон ҳукмдори ушбу тамойил асосида сиёсат юритди. Мухолиф давлатга такрор-такрор элчилар юборар, ҳатто, қуда-андачиликни йўлга қўйишга тиришар, қариндошчилик орқали бўлса-да, ишларни урушларсиз амалга оширишга ҳаракат қилар эди. Демак, Соҳибқирон ҳазратларининг айрим тарихчилар ёзганидек, “уруш излагани” ҳақиқатга мос келмайди. Амир Темур ҳамиша тинч қўшничилик тарафдори бўлган. Лекин юртга, халқига нисбатан ташқи хавфни сезса, бу иллатнинг олдини олишга ҳаракат қилган. Урушни юрт тупроғида эмас, душман ҳудудида олиб боришга интилган. Бунга мўғул хони Тўхтамишхон билан олиб борган урушлари ёрқин мисол бўла олади. Шу боисдан Турон ҳукмдорининг ҳарбий соҳада амалга оширган ишлари бугунги кунда ҳам дунёнинг етакчи ҳарбий тадқиқот институтларида ўрганилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, Амир Темур давлатининг ҳар томонлама куч-қудратга эришуви ва гуллаб-яшнашида муқаддас замин – Мовароуннаҳр элининг фидойилиги, жасорати жуда катта роль ўйнаган. Бугун ана шу тажриба Ўзбекистон давлатининг қудратини ҳар томонлама юксалтиришда амалий аҳамиятга эга бўлмоқда. Миллий давлатчиликни тараққий эттириш, мамлакат фаровонлигини ошириш, фарзандларимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш, ёшларни жисмонан, ақлан ва маънан юксалтириш борасидаги барча ислоҳотлар Амир Темур юритган давлатчилик сиёсатига моҳиятан уйғундир.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Темур тузуклари (форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.). – Т.: Шарқ, 2005. – 15 б.
2. Ўша манба. – 76 б.
3. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. – Т.: Меҳнат, 1992. – 71 б.
4. Атаманчук Г.В. Теория государственного управления. – М.: Омега-Л. 2019. – С 56.
5. Большая Российская энциклопедия, 34том. 2017. – С. 78.
6. Отамуротов С., Эргашев И., Қодиров А. – Политология. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 51 б.
7. Темур тузуклари (форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.). – Т.: Шарқ, 2005. – 55 б.

ПРОБЛЕМЫ МЕЖУРОВНЕВОГО ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ
МЕСТНЫХ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН



Бердах ДАУМЕНОВ,
кандидат юридических наук, профессор кафедры "Права человека, государственное право и управление" Каракалпакского государственного университета

Аннотация: *в данной статье рассматривается взаимодействие местных органов государственной власти. В данном случае такое взаимодействие проявляется в институциональном и функциональном аспектах. К институциональному относится порядок формирования, а к функциональному – полномочия местных органов власти. Рассмотрены проблемные факторы, влияющие на эффективность межуровневого взаимодействия в Узбекистане.*

Ключевые слова: *представительными органами власти, кенгаши народных депутатов, хокимияты, межуровневое взаимодействие, законодательство, исполнительная власть, проблемные факторы.*

Мамлакатимизда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласи

Бердах ДАУМЕНОВ,
Қорақалпоқ давлат университети "Инсон ҳуқуқлари, давлат ҳуқуқи ва бошқарув" кафедраси профессори, юридик фанлар номзоди

Аннотация: *ушбу мақолада маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлиги таҳлил қилинади. Бу ўзаро таъсир институционал ва функционал жиҳатларда намоён бўлади, маҳаллий ҳокимият органларининг шаклланиш тартиби институционал, унинг ваколатлари эса функционал жиҳатга тегишли. Ўзбекистонда даражалараро ўзаро ҳамкорлик самарадорлигига таъсир этувчи муаммоли факторлар кўриб чиқилади.*

Калит сўзлар: *давлат ҳокимияти вакиллик органлари, халқ депутатлари кенгаши, ҳокимликлар, даражалараро ҳамкорлик, қонунчилик, ижро ҳокимияти, муаммоли омиллар.*

Problems of interlevel interaction of local government bodies in the Republic of Uzbekistan

Berdakh Daumenov,
PhD (in Law),Professor of the Department of Human Rights, State Law and Administration of Karakalpak State University

Abstract: *this article analyzes the mutual cooperation of local state authorities. This interaction is manifested in institutional and functional aspects, the order of formation of local authorities is institutional, and its powers belong to the functional aspect. Problem factors affecting the effectiveness of interlevel cooperation in Uzbekistan are considered.*

Keywords: *representative bodies of state power, the Council of People's Deputies, khokimiyats, inter-level cooperation, legislation, executive power, problematic factors.*

Успех реформ в деле повышения благосостояния народа во многом предопределяется эффективностью деятельности местных органов государственной власти. Это объясняется тем, что, во-первых, исполнение законов обеспечивается на местах, а раз так, то, во-вторых, генерация идей по совершенствованию законов возможно и должно мотивироваться местными органами власти.

В свою очередь, исходя из статьи 99 Конституции Узбекистана, "Представительными органами власти в областях, районах и городах (кроме городов районного подчинения) являются Кенгаши народных депутатов, возглавляемые хокимами, которые, исходя из интересов государства и граждан, решают вопросы, отнесенные к их компетенции" [1]. Тем самым, на местах в Узбекистане представительными органами власти выступают местные Кенгаши народных депутатов, а исполнительными – хокимияты (хоким и его аппарат управления). Данные органы являются публичной властью, под которым понимается власть народа (граждан, проживающих на конкретной территории), организационной формой отправления которой выступают формируемые ею органы общей компетенции – представительный и исполнительный органы власти. Созвучной позиции придерживается Белоусова Е.В., отмечая: "Публичная власть возникает в определенном территориальном коллективе, в основном, с целью решения общих вопросов и для осуществления руководства каким-либо сообществом на определенной территории" [2].

Межуровневое взаимодействие – вертикальное взаимное воздействие, в данном случае местных органов государственной власти, а именно местных Кенгашей народных депутатов и хокимов различных уровней. По созвучному мнению Замолоцких Ю.М., "Этот вид связи обеспечивает взаимодействие между вышестоящими и нижестоящими органами (например, при взаимодействии региональных ОИВ с федеральными)".

Вместе с тем, местные органы государственной власти сталкиваются с проблемами в таких основных сферах своей деятельности, как обеспечение законности и правопорядка, формирование дееспособного кадрового корпуса, планов социально-экономического развития территории, осуществление бюджетной политики. Минимизация подобных проблем во многом зависит от оптимальности выстраивания системы межуровневого взаимодействия между органами публичной власти.

Межуровневое взаимодействие – вертикальное взаимное воздействие, в данном случае местных органов государственной власти, а именно местных Кенгашей народных депутатов и хокимов различных уровней. По созвучному мнению Замолоцких Ю.М., "Этот вид связи обеспечивает взаимодействие между вышестоящими и нижестоящими органами (например, при взаимодействии региональных ОИВ с федеральными)" [3].

В данном случае такое взаимодействие проявляется в институциональном и функциональном аспектах. К институциональному относится порядок формирования, а к функциональному – полномочия местных органов власти.

При этом наиболее проблемными факторами, влияющими на эффективность межуровневого взаимодействия в Узбекистане, можно выделить следующие: одно лицо может быть одновременно членом двух представительных органов; членство в представительных органах власти представителей исполнительной власти; хоким наделен правом одновременно возглавлять как представительную, так и исполнительную власти; механизм перераспределения полномочий между уровнями власти; межбюджетные отношения; контроль за законностью актов местных органов власти.

Так, в соответствии со статьей 117 Конституции Республики Узбекистан "Гражданин Республики Узбекистан не может быть одновременно депутатом более чем в двух представительных органах государственной власти". Это значит, что одно лицо может стать депутатом в двух из таких территорий как область, район, город и на уровне республики – Сенат Олий Мажлиса.

Проблема в межуровневом взаимодействии здесь возникает в том, что интересы нижестоящих (районных и городских) Кенгашей народных депутатов не смогут быть эффективно представлены в вышестоящем местном Кенгаше. Здесь коллизия интересов

главным образом исходит из того, что в виде исключения хокимам предоставляется право избираться депутатами, причем без ограничения избираться во все уровни представительных органов власти, кроме нижней палаты Парламента – Законодательную палату Олий Мажлиса, которая является профессиональной.

Так, в статье 90 Избирательного кодекса Республики Узбекистан сказано, что "Судьи, должностные лица органов прокуратуры и исполнительных органов власти (за исключением хокимов областей, районов и городов) регистрируются кандидатами в депутаты местных Кенгашей при условии подачи ими заявления об освобождении от занимаемой должности в случае избрания депутатами" [4].

Данный порядок позволяет хокиму района (города), избранного депутатом в возглавляемый им районный (городской) Кенгаш народных депутатов, избираться одновременно в областной Кенгаш, являющегося вышестоящим. Однако, согласно статье 102 Конституции Республики Узбекистан: "Хокимы районов и городов назначаются и освобождаются от должности хокимом области, города Ташкента и утверждаются соответствующим Кенгашем народных депутатов". Наряду с этим, в статье 1 Закона "О государственной власти на местах" от 2 сентября 1993 года закрепляется, что "Хоким района, города подотчетен вышестоящему хокиму и соответствующему Кенгашу народных депутатов" [5].

Как видно, институционально, хоким района (города), будучи назначенным хокимом области, находится под непосредственным подчинением последнего и тем самым становится неспособным независимо, а значит беспристрастно выполнять свои обязанности в качестве члена областного Кенгаша народных депутатов. Данная проблема особенно усиливается в условиях, когда в последние годы существенно расширены полномочия местных представительных органов государственной власти по контролю над деятельностью хокима, органов внутренних дел, прокуратуры и судебных органов посредством заслушивания их отчетов на сессиях местных Кенгашей с соответствующими мерами реагирования.

Как видно, институционально, хоким района (города), будучи назначенным хокимом области, находится под непосредственным подчинением последнего и тем самым становится неспособным независимо, а значит беспристрастно выполнять свои обязанности в качестве члена областного Кенгаша народных депутатов. Данная проблема особенно усиливается в условиях, когда в последние годы существенно расширены полномочия местных представительных органов государственной власти по контролю над деятельностью хокима, органов внутренних дел, прокуратуры и судебных органов посредством заслушивания их отчетов на сессиях местных Кенгашей с соответствующими мерами реагирования.

Таким образом, институциональное отклонение от требований принципа разделения властей приводит к конфликту интересов и сдерживанию конструктивной мотивации в полноценном осуществлении своих депутатских функций депутатов, находящихся в институциональной зависимости от хокима. Как результат это провоцирует произвол вышестоящего хокима, недостаточно сдерживаемого соответствующим местным Кенгашем.

Еще одним существенным проблемным фактором, влияющим на эффективность межуровневого взаимодействия местных органов государственной власти, является избрание депутатами в местные представительные органы государственной власти представителей местной исполнительной власти (хокимиятов). Так, на практике имеют место случаи, когда депутатами местных Кенгашей избираются такие должностные лица хокимиятов, как заместители хокима, руководители отделов и управлений хокимиятов (отрасли коммунальные, здравоохранения, образования и т.п.), которые также, как хокимы, совмещают статус депутата и статус руководителя подразделений хокимиятов. При этом заместители хокима, как и сам хоким, согласно статье 21 закона Республики Узбекистан "О государственной власти на местах" по своему статусу относятся к руководителям хокимията и находятся в непосредственном подчинении хокима.

Здесь следует особо отметить, что законодательство только хокиму предоставля-

ет право на совмещение статуса хокима со статусом депутата, а всем другим государственным должностям такое совмещение не допускается. Это исходит из содержания вышеуказанной статьи 90 Избирательного кодекса Республики Узбекистан. Однако имеется практика, когда данное требование законодательства не соблюдается.

Следует отметить, что данная проблема также препятствует реализации задачи, обозначенной в Указе Президента Республики Узбекистан "Об утверждении Концепции административной реформы в Республике Узбекистан" от 8 сентября 2017 года № УП-5185, где в пункте 4 раздела 4 Концепции административной реформы Республики Узбекистан, утвержденной данным указом, закрепляется задача: "Повышение роли и ответственности органов государственной власти на местах, особенно Кенгашей народных депутатов, по контролю за деятельностью территориальных подразделений органов исполнительной власти" [6].

Таким образом, данная проблема отрицательно отражается как на деятельности соответствующего Кенгаша народных депутатов, так и вышестоящего, так как имеет место применения вертикальных механизмов назначения руководителей местных органов исполнительной власти (хокимиятов).

Следующим проблемным фактором межуровневого взаимодействия является то, что хоким наделен правом одновременно возглавлять как представительную, так и исполнительную власти. Так, согласно статье 102 Конституции Республики Узбекистан "Представительную и исполнительную власть на соответствующей территории возглавляет хоким области, района и города".

Вместе с тем, данный статус хокима не вполне созвучен с современной стратегией развития Нового Узбекистана. Так, в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан "О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы" от 28 января 2022 года № УП-60 определена "Цель 2: Превращение Кенгашей народных депутатов в основное звено в решении имеющихся в регионах проблем. Усиление контроля за деятельностью органов исполнительной власти на местах путем формирования в Кенгашах народных депутатов действующего на постоянной основе депутатского корпуса, расширения их полномочий. Повышение роли Кенгашей народных депутатов в решении проблем в махаллях, усиление их ответственности в социально-экономическом развитии регионов, повышении уровня жизни населения, формировании и осуществлении контроля за местным бюджетом" [7].

Здесь несозвучность выражается в том, что эффективность достижения поставленных целей во многом предопределяется тем, насколько взаимодействие между ветвями власти на местном уровне построены с учетом принципа разделения властей. Это требует выстраивания отношений между представительной и исполнительной властями таким образом, когда представительные органы определяют основные направления развития региона, устанавливают местный бюджет и формируют кадровый состав исполнительной власти.

Здесь несозвучность выражается в том, что эффективность достижения поставленных целей во многом предопределяется тем, насколько взаимодействие между ветвями власти на местном уровне построены с учетом принципа разделения властей. Это требует выстраивания отношений между представительной и исполнительной властями таким образом, когда представительные органы определяют основные направления развития региона, устанавливают местный бюджет и формируют кадровый состав исполнительной власти. При этом исполнительная власть должна выполнять поставленные задачи местным Кенгашем и отчитываться за их выполнение.

Однако, согласно Примерному регламенту областного, районного, городского Кенгаша народных депутатов, утвержденного Постановлением Кенгаша Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 31 июля 2021 года за № ПС-360-IV, хоким как руководитель Кенгаша народных депутатов наделен следующими полномочиями и мерами воздействия на Кенгаш народных депутатов:

- вопрос о внесении изменений и дополнений в План работы Кенгаша народных депутатов рассматривается на сессии по предложению хокима;
- хоким организует и руководит работой Кенгаша народных депутатов;
- на Кенгаш народных депутатов возлагается обязанность по обеспечению исполнения решений вышестоящего хокима;
- утверждение по представлению хокима местного бюджета и отчета о его исполнении, перспективных программ развития территории, генерального плана и правил застройки области, района, города;
- утверждение по представлению хокима структуры, штатов и фонда оплаты труда работников хокимията;
- сессии Кенгаша народных депутатов созываются хокимом;
- повестка дня сессии готовится с учетом предложений, высказанных хокимом;
- решение о созыве сессии, в том числе внеочередной, принимается хокимом;
- в случае необходимости, Кенгаш народных депутатов может принять решение о проведении закрытой сессии, в том числе по предложению хокима;
- количество и состав лиц, приглашаемых на сессию, решается хокимом;
- первая сессия вновь избранного Кенгаша народных депутатов созывается хокимом;
- на сессиях председательствует хоким или по поручению хокима - один из депутатов данного Кенгаша народных депутатов;
- оригинал протокола и стенограммы сессии хранится в организационно-контрольной группе хокимията, руководимой хокимом;
- совместное заседание комитета (комиссии) Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан и Кенгаша народных депутатов проводится по договоренности между председателем комитета (комиссии) Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан и хокимом;
- созыв, время, дата и место проведения совместного заседания комитета (комиссии) Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан и Кенгаша народных депутатов и другие вопросы решаются в соответствии с Регламентом Кенгаша народных депутатов по согласованию между председателем комитета (комиссии) Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан и хокимом;
- кандидатуры председателей и членов постоянных и временных комиссий представляются на сессию хокимом;
- депутат Кенгаша, в случае невозможности участвовать на сессии, обязан заблаговременно сообщить об этом председательствующему на сессии хокиму;
- представление прокурора о получении согласия на привлечение депутата Кенгаша к уголовной ответственности, задержание, заключение под стражу или применение административного взыскания, налагаемого в судебном порядке, рассматривается в период между сессиями – хокимом [8].

На основе выше приведенной системы организационно-правовых отношений между хокимом и местным Кенгашем народных депутатов можно сделать вывод о том, что система данных отношений перевешивает в пользу хокима как в институциональном, так и функциональном плане, когда хоким, одновременно возглавляя исполнительную власть, имеет правовые возможности руководить и направлять деятельность местных Кенгашей народных депутатов.

К числу проблемных факторов, влияющих на эффективность межуровневого взаимодействия местных органов государственной власти, следует отнести механизм перераспределения полномочий между уровнями власти.

В данной сфере в последние годы возникли такие проблемные межуровневые отношения, когда сложилась практика бесконтрольной передачи вышестоящими органами государственной власти и управления своих полномочий местным органам власти. Обращая внимание данной проблеме, Президент Узбекистана в Послании Олий Мажлису 24 января 2020 года отметил: “В настоящее

время законодательством предусмотрено выполнение хокимиятами около 300 задач и функций. Из них 175, по сути, не входят в основную компетенцию хокимов и дублируют функции других ведомств, что не может не отразиться на качестве работы и исполнительской дисциплине" и рекомендовал с привлечением Министерства юстиции пересмотреть полномочия хокимов и подготовить предложения по передаче несвойственных им и дублирующих функций соответствующим ведомствам [9].

В свою очередь, изучение законодательства и правоприменительной практики позволяет выявить следующие проблемы:

1) закрепление многих полномочий хокима в нормативно-правовых актах носит диспозитивный характер и дает вышестоящим органам власти основание неограниченно делегировать свои полномочия хокимиятам. Например, в ч. 3 ст. 25 в Законе "О государственной власти на местах" закрепляется, что "хоким решает и другие вопросы, отнесенные законодательством к его компетенции планирования, бюджета, финансов, учета, управления собственностью области, района, города и взаимодействия с предприятиями, учреждениями, организациями различных форм собственности, сельского хозяйства, использования земли и других природных ресурсов, охраны природы, строительства, транспорта, дорожного хозяйства и связи, коммунального, торгового, социально-культурного обслуживания, социальной защиты населения, обеспечения законности, правопорядка и безопасности, охраны прав и свобод граждан";

2) установленный законодателем подход к определению полномочий по решению вопросов местного значения предполагает общий перечень полномочий для всех органов местной власти, что приводит к неспособности хокимиятов, в основном низшего уровня, осуществлять полномочия по решению вопросов местного значения. Например, в ч. 3 ст. 1 Закона "О государственной власти на местах" закрепляется, что "Кенгаш народных депутатов и хоким обеспечивают осуществление общих для области, района и города задач социально-экономического развития, исполнение на местах законов, решений палат Олий Мажлиса, актов, принятых Президентом и Кабинетом Министров, решений вышестоящих Кенгашей народных депутатов и хокимов, связь между органами государственной власти и управления Республики Узбекистан и органами самоуправления граждан, привлечение населения к управлению областью, районом, городом";

3) некоторые делегированные полномочия, носящие императивный характер, как правило, не обеспечиваются материально-финансовыми средствами для их реализации. Например, в ч. 2 ст. 25 Закона "О государственной власти на местах" закрепляется, что "В случаях грубого нарушения собственниками и пользователями жилья требований по оплате коммунальных услуг и внесению обязательных взносов, хокимы районов, городов (районов, входящих в состав городов) по представлению поставщиков коммунальных услуг или товариществ собственников жилья обращаются в суд с исками о взыскании задолженности по оплате коммунальных услуг и внесению обязательных взносов";

4) отсутствуют критерии для четкого разграничения сфер ответственности и оптимизации полномочий хокимов и структурных подразделений государственных органов на местах со статусом двойного подчинения. По данному вопросу от 8 министерств и ведомств поступило 16 предложений. Однако изучение предложений показывает, что большинство предложений направлены на исключение полномочий хокимов в вопросах согласования руководителей местных их подразделений или их подчиненности хокимиятам;

5) отсутствует институциональный и правовой механизм предупреждения повторения несвойственных (несанкционированных) делегирований полномочий хокимиятам. В данном случае, отсутствует единый уполномоченный координационно-аналитический центр, который мог бы, в случае возникновения инициатив по перераспределению полномочий, дать заключение о его целесообразности, и предупреждения повторного возникновения самопроизвольного возобновления несвойственных (несанкционированных) полномочий в нижестоящих хокимиятах.

Наряду с этим, изучение опыта зарубежных стран показывает, что при определении полномочий (в том числе собственных) местных органов власти учитывается следующее:

1) обязанности муниципалитета по предоставлению определенного вида услуг различаются в зависимости от числа проживающих на конкретной территории лиц. К примеру, в Испании предоставляются следующие виды услуг: общественное освещение, содержание кладбищ, уборка мусора, уборка улиц, бытовое водоснабжение, канализация, мощение дорог, контроль пищевых продуктов и напитков. В городах с населением более 5 тыс. человек к указанным услугам добавляются услуги по содержанию парков и общественных библиотек, а также по утилизации отходов. В городах с населением более 20 тыс. человек местные органы дополнительно предоставляют следующие виды услуг: защита граждан, социальное обслуживание, пожаротушение, содержание спортивных объектов для государственных нужд. В городах с населением более 50 тыс. человек предоставляются услуги в сфере городского пассажирского транспорта и охраны окружающей среды. Вместе с тем, у муниципалитета есть законодательная возможность отказаться от соответствующей услуги в случае невозможности обеспечить создание и предоставление услуги со стороны городского совета [10];

2) делегирование муниципалитету полномочий осуществляется с передачей соответствующих материальных и финансовых ресурсов. Например, п. 4 ст. 75 Конституции Грузии закрепляет: “Делегирование государственной властью полномочий самоуправляющейся единице осуществляется на основании законодательного акта или договора, с передачей соответствующих материальных и финансовых ресурсов” [11];

3) во многих странах созданы специальные министерства, в полномочия которых входит выработка и реализация политики и нормативно-правового регулирования полномочий местных органов власти. Например, в Израиле, Латвии создано Министерство регионального развития, в Италии – Министерство по делам регионов, в Испании - Национальная комиссия по местной администрации, в полномочия которых входят вопросы разграничения полномочий регионов по предметам, предупреждения повторения делегирований полномочий органов местной власти.

При этом следует отметить, что “Законы и акты можно разделить на четыре группы: 1) определяющие рамочные условия для региональной политики; 2) по направлениям экономической и социальной политики с существенными региональными аспектами; 3) регулирующие развитие “особых” территорий; 4) устанавливающие дифференцированные по регионам социальные нормативы” [12].

В зарубежных странах правовое поле региональной политики модернизируется с явной тенденцией расширения прав регионов различного уровня.

В зарубежных странах правовое поле региональной политики модернизируется с явной тенденцией расширения прав регионов различного уровня. Как видно, полноценной реализации проводимых реформ и достижению поставленных целей препятствуют в том числе не отвечающие современным требованиям институциональные и функциональные основы и принципы деятельности местных органов государственной власти.

Как видно, полноценной реализации проводимых реформ и достижению поставленных целей препятствуют в том числе не отвечающие современным требованиям институциональные и функциональные основы и принципы деятельности местных органов государственной власти.

Таким образом, решение вышеуказанных проблем послужат достижению таких стратегических целей в Узбекистане, как:

- децентрализация государственного управления, предусматривающая передачу полномочий от республиканских органов государственного управления органам государственной власти на местах, от областных органов государственной власти – районным (городским). Четкое разграничение функций и полномочий между различными уровнями государственного управления, в частности, посредством сохранения за республиканскими органами государственного управления стратегических вопросов общегосударственного значения, а также контроля за надлежащим осуществлением полномочий, переданных ими органам государственной власти на местах;

- обеспечение практической реализации принципа разделения властей при организа-

ции системы государственной власти на местах посредством пересмотра статуса хокима в качестве главы органа местной представительной власти с сохранением за ним статуса главы исполнительной власти на местах;

- повышение роли и ответственности органов государственной власти на местах, особенно Кенгашей народных депутатов, по контролю за деятельностью территориальных подразделений органов исполнительной власти;

- усиление полномочий органов государственной власти на местах в вопросах подбора и расстановки руководящих кадров территориальных органов исполнительной власти путем поэтапной передачи соответствующих полномочий хокиму.

Источники и литература:

1. Конституция Республики Узбекистан, 8 декабря 1992 года.
2. Белоусова Е.В. Муниципальная власть как разновидность публичной власти.
3. Замолоцких Ю.М. Межведомственное взаимодействие органов исполнительной власти Российской Федерации: теория, практика, перспективы развития.
4. Избирательный кодекс Республики Узбекистан.
5. Закон “О государственной власти на местах” от 2 сентября 1993 года.
6. Указ Президента Республики Узбекистан “Об утверждении Концепции административной реформы в Республике Узбекистан” от 8 сентября 2017 года № УП–5185.
7. Указ Президента Республики Узбекистан “О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы” от 28 января 2022 года № УП-60.
8. Постановление Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан “Об утверждении Примерного регламента областного, районного, городского Кенгаша народных депутатов и Примерного положения о постоянных комиссиях областного, районного, городского Кенгаша народных депутатов” от 31 июля 2021 года за № ПС–360-IV.
9. Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису Республики Узбекистан от 24 января 2020 года.
10. Нанба С.Б. О “Собственных” полномочиях органов местного самоуправления.
11. Конституция Грузии.
12. Бартунаев Л.Р., Санковец Н.А. Возможность применения опыта зарубежных стран в выравнивании региональных диспропорций.

БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ



Ҳикматилла ТЎХТАШЕВ,
Тошкент давлат юридик университети
“Экология ҳуқуқи” кафедраси
катта ўқитувчиси

Аннотация: *мазкур мақолада қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорати органлари фаолиятини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган. Қишлоқ хўжалик ерларида давлат бошқаруви ва назоратини амалга оширишнинг илмий назарий жиҳатлари ҳуқуқшунос таърифлари, халқаро етакчи мутахассисларнинг тушунтиришлари асосида ўрганилган. Қолаверса, қишлоқ хўжалик ерларини давлат бошқаруви ва назоратини ташкил қилиш юзасидан муаммоли ҳолатлар ва уларнинг қонунчиликда қандай ечим топиши мумкинлиги юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *қишлоқ хўжалик ерлари, ер тузиш, давлат бошқаруви, давлат назорати, давлат органлари, барқарор ер бошқаруви, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, томорқа хўжалиги.*

Теоретико-правовой анализ деятельности органов государственного управления и контроля в области использования и охраны земель сельскохозяйственного назначения

Хикматилла Тухташев,
Ташкентский государственный юридический университет, старший преподаватель кафедры “Экологического права”

Аннотация: *в данной статье проведен анализ нормативных правовых документов, определяющих деятельность органов государственного управления и контроля в сфере использования и охраны земель сельскохозяйственного назначения. Исследованы научно-теоретические аспекты государственного управления и контроля за землями сельскохозяйственного назначения на основе определений, теоретических взглядов и пояснений ведущих специалистов международных организаций. Также были даны предложения и рекомендации относительно проблемных ситуаций, связанных с организацией государственного управления и контроля за землями сельскохозяйственного назначения и путей их решения в законодательстве.*

Ключевые слова: *земли сельскохозяйственного назначения, землеустройство, государственное управление, государственный контроль, государственные органы, устойчивое землепользование, фермерские хозяйства, дехкане, подворья.*

Theoretical and legal analysis of the activities of state management and control bodies in the field of use and protection of agricultural land

Khikmatilla Tukhtashev,
Senior Lecturer of the Department of Environmental Law of Tashkent State Law University

Abstract: *this article analyzes the regulatory legal documents defining the activity of state management and control bodies in the field of agricultural land use and protection. The scientific and theoretical aspects of state management and control of agricultural land were studied based on definitions, theoretical views, and explanations given by leading experts of international organizations. Also, proposals and recommendations were made regarding the problem situations related to the organization of state management and control of agricultural land and how they can be solved in the legislation.*

Keywords: *Agricultural land, land management, state management, state control, state bodies, sustainable land management, farms, dehkan, homesteads.*

Маълумки, давлатнинг ер билан боғлиқ муносабатлардаги иштироки жамият тараққиётида жуда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда дунё бўйлаб катта эътибор талаб қилаётган ва кун тартибида биринчи ўринни эгаллаётган масалалардан бири ҳам ер участкаларидан фойдаланиш ва муҳофазалаш соҳаси бўлиб бормоқда. Шу билан бирга, ердан фойдаланувчи фермер хўжаликлари, уларнинг фаолияти ва истиқболи билан боғлиқ масалалар ҳам ердан фойдаланиш ва муҳофазалаш соҳаси субъекти сифатида бевосита боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Бинобарин, табиий ресурс сифатида ердан фойдаланиш ҳар доим давлат ва хусусий манфаатлар тўқнашувида бўлган.

Миллий қонунчилигимизда фермер хўжаликлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишга оид бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Бироқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, ушбу соҳани ҳам ислоҳ қилиб, ривожлантиришни талаб қилади.

Ўтган давр мобайнида қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш ҳамда уларнинг мустақиллигини таъминлаш бўйича босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилди.

Ислоҳотларнинг дастлабки босқичида фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда уларни етакчи кучга айлантириш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги ва 2021 йилдаги “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунлари ернинг ҳақиқий эгаси сифатида фермер ва деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб берди ҳамда уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий субъектлар сифатида шаклланиши ва ривожланишини таъминлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ–5853-сонли Фармони билан “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси” асосида қишлоқ хўжалигини босқичма-босқич ривожлантиришнинг аниқ белгиланган чора-тадбирлари белгиланди. Бундан ташқари, шу вақтгача қилинган ишлар сарҳисоби юритилди ва қилиниши керак бўлган ҳаракатлар белгиланди.

Ўтказилган ислоҳотлар туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизидан ортиғи фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер майдонларида етиштирилишига эришилди [1].

Ўтказилган ислоҳотлар туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизидан ортиғи фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер майдонларида етиштирилишига эришилди. Айни вақтда амалга оширилган ишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу соҳада эришилган ютуқлар билан бирга ўз ечимини кутиб турган қатор муаммо ва камчиликлар ҳам тўпланиб қолган.

Айни вақтда амалга оширилган ишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу соҳада эришилган ютуқлар билан бирга ўз ечимини кутиб турган қатор муаммо ва камчиликлар ҳам тўпланиб қолган.

Материал ва методлар

Мазкур мақола доктринал тадқиқот сифатида қонун ҳужжатлари ва илмий назарий манбалар таҳлилини ўз ичига олади. Мақолада қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишда ва муҳофазалашда давлат бошқаруви ва назоратини амалга оширишнинг назарий-ҳуқуқий масалалари ҳамда унинг юридик табиати ва ривожланиши билан боғлиқ масалалар ўрганилган. Шунингдек, тадқиқотда қуйидаги усуллардан фойдаланилган: илмий назарий таҳлил, таркибий-мантиқий, қиёсий-ҳуқуқий, статистик, тафсифий, тизимли ҳамда илмий билишнинг диалектик усулидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари

Қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш хусусиятларидан келиб чиқиб, мазкур соҳада давлат бошқаруви органларининг вазифа ва функциялари белгиланади. Қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви ва назоратининг мавжудлиги умумий асосларда ердан фойдаланишдан кўра, муҳофазалаш тамойилларининг кенг қўлланилишини ифодалайди. Ер участкаларида давлат бошқарувини амалга ошириш ва унинг фаолият йўналишларини аниқ белгилаб бериш масаласи бир қатор ҳуқуқшунос олимлар асарларида турлича ёндашувлар асосида ёритилади. Айниқса, юридик адабиётларда ердан фойдаланиш устидан давлат бошқаруви мазмунини ташкил этувчи элементлар ҳақида турли фикрлар билдирилган. Хусусан, ер ҳуқуқи дарслиги муаллифларининг фикрича, “Ер фондини давлат бошқаруви деганда, ваколатли давлат органларининг ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш бўйича ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти тушунилади” [4].

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Барқарор ер бошқарувини (СЛМ) “ер ресурсларидан, жумладан, тупроқ, сув, ҳайвонлар ва ўсимликлардан маҳсулот ишлаб чиқариш учун инсон эҳтиёжларини қондиришда фойдаланиш, шу билан бирга ушбу ресурсларнинг узоқ муддатли ишлаб чиқариш салоҳиятини таъминлаш ва уларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш функцияларини сақлаш” [5], деб атайди.

Шунингдек, TerrAfrica 2005 барқарор ер бошқарувини: “Тегишли бошқарув амалиётлари орқали ердан фойдаланувчиларга ер ресурсларининг экологик қўллаб-қувватлаш функцияларини сақлаб қолиш ёки кучайтириш орқали ердан максимал иқтисодий ва ижтимоий фойда олиш имконини берадиган даражада фойдаланиш тизимларини қабул қилиш” [6], деб таърифлайди.

Ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви ҳақида ҳуқуқшунос олим Ж.Т. Холмўминов ўз илмий асарларида давлат бошқаруви тушунчаси ўзида жамиятнинг атроф табиий муҳит билан ўзаро таъсири мобайнида, давлат субъектларининг экологик мажбуриятларга риоя этиши, экологик ҳуқуқларни амалга оширишда экологик тартибни таъминлашга йўналтирилган органларнинг ижро фаолиятининг бир қисмини ифодалайди [7], деб тушунтиради.

Бинобарин, бугунги кунда дунё амалиётида барқарор қишлоқ хўжалик ерлари бошқаруви тўртта асосий тамойилга асосланган ҳолда шаклланади:

1. мақсадли сиёсат ва институционал қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, маҳаллий даражада барқарор ер бошқарувини қабул қилиш ва даромад олиш учун рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш;
2. ердан фойдаланувчи ва иштирокчиларга асосланган ёндашувлар;
3. фермер хўжаликларида ва экотизим миқёсида табиий ресурслардан комплекс фойдаланиш;
4. кўп қиррали, кўп манфаатдор томонларнинг иштироки ва барча даражадаги ҳамкорлик – ердан фойдаланувчилар, техник экспертлар ва сиёсатчилар [9].



Албатта, ҳар қандай ҳуқуқ соҳасида бўлгани каби ер ҳуқуқий муносабатларда ҳам қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишнинг маълум бир тамойилларга асосланиши ер назорати ва бошқарувини тўғри ташкил қилиш учун асосий йўналиш вазифасини бажаради. Шунга кўра, қишлоқ хўжалик ерларида давлат бошқаруви ва назорати фаолияти фарқ қилади. Бинобарин, фермер хўжаликларининг ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш мақсадида давлат бошқарувини амалга ошириш давлат ҳокимияти органларининг вазифа ва функцияларидан келиб чиқиб белгиланади. Айнан, шу вазифа ва функцияларни амалга ошириш ва қўллаш орқали фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда давлат назоратини амалга ошириш қуйидагиларда намоён бўлади:

ер участкаларини электрон очиқ аукцион савдоларида сотиш ва ижара шартномасини расмийлаштириш;

ер участкасидан мақсадли фойдаланиш;

ер участкаларидан самарали фойдаланиш;

ер участкаларидан хўжасизларча фойдаланишнинг олдини олиш;

ер участкаларидан оқилона фойдаланишни ташкил қилиш;

ерларни муҳофаза қилиш ва тупроқ унумдорлигини ошириш.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 4-7-моддалари давлат ҳокимияти ижроия органларининг ер муносабатлари соҳасидаги ваколатларини, 11-13-моддалари ер тузиш ишларини олиб борилишини, 15-моддаси давлат ер кадастри юритишни, 14-моддаси ер мониторингини, 79-моддаси ерларни муҳофаза қилишни, 83-моддаси ер назоратини, 89-моддаси ер низоларини ҳал этишни белгилайди [10].

Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш ва муҳофазалаш соҳасида давлат бошқаруви ва назоратини амалга оширувчи давлат органлари умумий ва махсус ваколатли давлат органларига бўлинади.

Умумий ваколатли давлат органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан иборат.

Шунингдек, юртимизда фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишда махсус ваколатли давлат органлари қуйидагилардан иборат:

Қишлоқ хўжалик вазирлиги;

Сув хўжалиги вазирлиги;

Табиат ресурслари вазирлиги;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги;

Прокуратура органлари.

Фермер хўжаликларининг ердан фойдаланиш ва муҳофазалаш соҳасидаги давлат назорати органларининг вазифалари уларнинг асосий функцияларидан келиб чиқиб амалга оширилади [2].

Вазирлар Маҳкамаси қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида энг асосий вазифа ва йўналишларни белгилаб бериши билан бир қаторда ер ижара шартномаларининг бекор бўлиш тартибларини ҳам белгилаб беради. Шунингдек, ер назорати ва муҳофазаси билан боғлиқ энг муҳим йўналишларни белгилайди.

Қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида қуйидагилар вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:

- тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ер ресурсларидан белгиланган мақсадда, оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- ер тузишни, ерларнинг мониторингини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ижарага бериш бўйича очиқ электрон танлов якунларини тасдиқлаш;
- ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратиш;
- ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалик ерларини муҳофаза қилиш соҳасида ердан фойдаланувчилар фаолиятини ташкил қилиш ва тугатиш, ер ижара шартномаларини бекор қилиш масаласи ҳам вилоят ҳокимликлари томонидан амалга оширилади. Бинобарин, вилоят ҳокимликлари ўз ҳудудида жойлашган фермер хўжаликларининг ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофазалаш чораларини кўриши юзасидан умумий назоратни амалга оширади.

Туман ҳокимликлари ҳам қишлоқ хўжалик ерларидан фермер хўжаликлари фаолиятини

ташкил қилиш мақсадларида фойдаланиши ва муҳофаза қилиш чораларини кўриши, тупроқ унумдорлигини ошириш, ердан оқилона фойдаланиш ва ер унумдорлигини ошириб бориш чораларини кўради. Шунингдек, фермер хўжаликлари билан ер ижара шартномаларини тузиш ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилиши устидан назорат олиб боради. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил қилиш бўйича махсус ваколатли давлат органлари алоҳида функция ва вазифаларга эга. Жумладан, Қишлоқ хўжалик вазирлиги қишлоқ хўжалик ерларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида энг асосий вазифаларни бажаради [3].

Шунингдек, мазкур қарор билан Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қишлоқ хўжалик ерларини муҳофаза қилиш соҳасида аграр соҳани жадал рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларига замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш масалалари билан шуғулланувчи вазир ўринбосари лавозими ва алоҳида бошқарма ташкил қилинди. Бундан ташқари, Қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил қилинди. Шу орқали қишлоқ хўжалик ерларини назорат қилиш ва бошқариш соҳасида барча ваколатлар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Шу билан бирга, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ваколатларига ер ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликка тортиш масаласи белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги “Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–277-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қишлоқ хўжалик ерларининг деградациясининг олдини олиш бўйича ягона давлат сиёсатини юритиш, соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш ва шу йўналишдаги барча тадбирларни амалга ошириш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–269-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ваколатлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўтказилди. Шунга кўра, аграр соҳа ер назоратини олиб бориш у билан боғлиқ ҳолатларда юзага келадиган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортиш ҳуқуқи Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўтказилди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш борасида асосий давлат органи сифатида эътироф этилди.

Туман ҳокимликлари ҳам қишлоқ хўжалик ерларидан фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил қилиш мақсадларида фойдаланиши ва муҳофаза қилиш чораларини кўриши, тупроқ унумдорлигини ошириш, ердан оқилона фойдаланиш ва ер унумдорлигини ошириб бориш чораларини кўради. Шунингдек, фермер хўжаликлари билан ер ижара шартномаларини тузиш ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилиши устидан назорат олиб боради. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил қилиш бўйича махсус ваколатли давлат органлари алоҳида функция ва вазифаларга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалик ерларини бошқаришда давлат назоратини амалга оширишни давлат экологик назорати бир шакли сифатида амалга оширади. Аммо Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилдаги “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасида экологик назорат соҳасида махсус ваколатли орган сифатида Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ваколатлари умумий тарзда ердан оқилона фойдаланишни назарда тутади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5708-сонли Фармони, 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6061-сонли Фармони ҳамда 2021 йил 24 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўл-

жалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5006-сонли қарори, 2022 йил 10 июндаги “Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–277-сонли қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 571-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги **қишлоқ хўжалик ерларидан оқилона фойдаланиш** ва муҳофазалаш, тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда ерларнинг деградациясига қарши курашиш соҳасидаги назоратни амалга оширувчи давлат органи сифатида белгиланган.

Шу сабабли Қишлоқ хўжалик вазирлигининг экологик назоратни **қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда олиб боришини** белгилаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги “Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–277-сонли қарори қабул қилиниши билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг асосий вазифалари сифатида қишлоқ хўжалик ерларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофазалаш соҳасида, шунингдек ушбу ерларнинг геодезия ва картографияга оид маълумотларини юритиш, ерларнинг деградациясига қарши курашиш ва уларнинг ҳисобини юритиш билан боғлиқ масалалар белгиланган. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг “*Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида*”ги Қонунга қўшимча ва ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки мазкур қарор билан вазирликка геодезия ва картография фаолиятига оид вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларни қонунда белгилаш уни амалда қўллаш имкониятини беради.

Қишлоқ хўжалик ерларининг унумдорлигини ошириш, айниқса суғориладиган ерларнинг ҳолатини яхшилаш ва сақлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятига доир айрим қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш тўғрисида”ги 573-сонли қарорига асосан Сув хўжалиги вазирлиги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш масалаларида ерларнинг ҳолатини тизимли равишда назорат қилиш, соҳага рақамли технологияларни қўллаш, шунингдек ерларнинг мелиоратив барқарорлигини белгиланган тартибда ташкил қилиш вазифалари белгиланган. Албатта, бугунги кунда қишлоқ хўжалик суғориладиган ерларини муҳофаза қилиш ва уларни сув билан таъминлаш масаласи энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шунга кўра, Сув хўжалиги вазирлигининг қишлоқ хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида **рақамли технологияларни қўллашнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллаш** мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалик ерларининг давлат бошқаруви соҳасида махсус ваколатли давлат органи Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳисобланади. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–269-сонли Фармонига асосан Ўзбекистон Республикасининг Табиат ресурслари вазирлиги сифатида қайта ташкил қилинди. Табиат ресурслари вазирлиги қишлоқ хўжалик ерларини бошқаришда бир қатор вазифа ва функцияларни амалга оширади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–76-сонли қарорига кўра Табиат ресурслари вазирлиги ерларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қонунчилигига риоя этилиши юзасидан давлат экологик назоратини ташкил қилади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қишлоқ хўжа-



лик ерларида давлат бошқарувини ташкил қилишда ерларнинг деградацияга учраши, шўрланиши ва мелиоратив ҳолатини сақлаш билан боғлиқ экологик назорат тадбирларини кучайтириш орқали фермер хўжаликларининг ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш мумкин.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалик ерларида давлат назорати ва бошқарувининг тўғри ташкил қилиниши, шунингдек фермер хўжаликларининг ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш самарадорлигини оширишда қонунийликни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига топширилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги "Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–138-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибида Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармаси ҳамда ҳудудий бўлимлари ташкил қилинди. Мазкур қарорга асосан прокуратура органларига қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг талон-торож қилинишининг олдини олиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва мўлжалланмаган ер участкаларини ажратишда Ер кодексига риоя этилишини назорат қилиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларининг қонуний қабул қилинганлигини доимий равишда мониторинг қилиб бориш каби ваколатлар юклатилган. Шунингдек, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш ва улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, соҳа бўйича қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши аҳволини мунтазам ўрганиб бориш, соҳада ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини шакллантириш вазифалари белгиланган. Прокуратура органлари томонидан сўнгги икки йилда эса ер сотиш, талон-торож қилиш билан боғлиқ қилмишлари учун 492 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Мазкур жиноятлар оқибатида етказилган зарар қарийб 63,2 млрд. сўм ва 107 минг долларни ташкил этади. Бу даврда 57 нафар маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари, 116 нафар фермерлар, 204 нафар бошқа фуқаролар ер олди-сотди шартномаси билан боғлиқ қилмишлари учун жиноий жавобгарликка тортилган. 2021 йилда фуқаролар, фермер ва кластер корхоналарининг 126 нафар масъул шахслари интизомий ҳамда 472 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. Ёки ердан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари бўйича жавобгарликка тортилган шахсларнинг 63 нафарини фермер хўжалиги раҳбарлари ҳамда 307 нафарини фуқаролар ташкил қилади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, прокуратура органлари қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари ва фермер хўжаликларининг қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади.

> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги "Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ – 138-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибида Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармаси ҳамда ҳудудий бўлимлари ташкил қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш давлат бошқаруви ва назорат органларининг муҳим вазифасидир [8].

Шу нуқтаи назардан, фермер хўжаликларининг ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини ташкил қилиш ва соддалаштириш ва қишлоқ хўжалик субъектларини қўллаб қувватлаш мақсадида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувида турли органлар ўртасида бир-бирини такрорловчи вазифалар белгиланган бўлиб, бу қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш ва тизимли мақсадларга эришишга тўсқинлик қилади;

иккинчидан, кўпинча ер ишлаб чиқариш воситаси эмас, балки сармоя ва капитални сақлаш воситаси ҳисобланади. Шунга кўра, давлат органлари ушбу тоифадаги ерлардан

фойдаланиш ҳуқуқини тегишли ваколатларга эга бўлмаган фермер хўжаликларига бириктириб, улар орқали бошқа бизнес йўналишларига йўл очишга ҳаракат қилишининг олдини олиш;

учинчидан, фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш устидан назорат тизими ва механизмининг етарлича таъминланмаганлиги натижасида қишлоқ хўжалик ерларининг асоссиз равишда бошқа тоифага ўтказилиши, тупроқнинг шўрланиши ва деградациясига учраши, шунингдек, чўлланишнинг ортишига олиб келиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, хорижий мамлакатларнинг фермер хўжаликлари фаолиятида давлат бошқаруви билан боғлиқ илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигида Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини “***Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш агентлиги***” сифатида қайта ташкил қилиш ва уларнинг ваколатлари ва уни амалга ошириш механизмини аниқ белгилаб бериш лозим.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Stat.uz https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/agriculture-2
2. Мирзаабдуллаева М.Р. Қишлоқ хўжалигида ер назорати: қонун ва амалиёт. Монография. – Т.: 2020.
3. Жураев Ю.О. Право и управление в области использования и охраны природной среды Рес-ки Уз-тан. Автореф. дисс. д-ра юрид. наук. – М., 1996; Усманов М.Б. Ер ва қонун. – Т.: Адолат, 1994; Файзиев Ш.Х. Экологик хавфсизлик концепциясини ҳуқуқий таъминлаш. // Давлат ва ҳуқуқ, 2000, № 2; Холмўминов Ж.Т. Экология ва қонун, – Т., 2000; Аюбов У.Т. Лишение, ограничение и приостановление прав, связанных с природопользованием. // Экологический вестник Узбекистана. 1996, №3; Базаров У.Б. Экологоправовое обеспечение охраны биосферы// Экология и статистика. 1996, №5; Муаллифлар жамоаси. Ер ҳуқуқи. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2002.
4. Ер ҳуқуқи: Дарслик // Усмонов М.Б., Рустамбоев М.Ҳ., Жўраев Й.О. ва бошқ. – Т: ТДЮИ, 2002. – 24 б.
5. https://www.fao.org/land-water/land/sustainable-land-management/en/
6. Холмуминов Ж.Т. Государственное управление в области охраны окружающей среды: понятие, принципы, функции. // Ҳуқуқ. Право. Law. – 2004. № 3. – С. 43.
7. Экология ҳуқуқи.// Масъул муҳаррир: Усмонов М.Б. – Т.: “Адабиёт жамғармаси”, 2001. – 65 б.
8. Земельное право: Учебник.// Боголюбов С.А. и др. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – С. 154-155.
9. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон; 07.06.2022 й., 03/22/775/0477-сон; 30.06.2022 й., 03/22/782/0576-сон.
10. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.09.2020 й., 06/20/6061/1262-сон.
11. Бош прокуратуранинг “Ерга оид қонун бузилиши ҳолатлари бўйича” 2021-2022 йиллар ҳисоботидан.

БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ:
ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ СОҲАСИ



Машъал САИДОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети иқтисод фанлари доктори, доцент

Аннотация: *ушбу мақолада республика электр энергетикаси соҳасидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари, энергия ресурсларига бўлган ички талабнинг соҳадаги иқтисодий ривожланиш жараёнида кутилаётган динамикаси, соҳада ўзига хос энергия интенсивлиги даражаси, иқтисодиётда энергия сарфи ҳажмини камайтириш, электр энергетика сиёсатининг асосий вазифаси сифатида энергетика соҳасининг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тутган ўрни ва истеъмол қилишнинг келгуси йиллардаги прогноз динамикаси ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *давлат, электр энергетикаси, иссиқлик электр станцияси, бошқарув самарадорлиги, ишлаб чиқариш, давлат хусусий шерикчилик, рентабеллик коэффициенти, мотивация, назорат, корреляцион коэффициент.*

Вопросы повышения эффективности управления: сфера электроэнергетики

Машъал Саидов,
Ташкентский государственный экономический университет, доктор экономических наук, доцент

Аннотация: *в данной статье рассмотрены существующие проблемы в сфере электроснабжения республики и пути их устранения, ожидаемая динамика внутреннего спроса на энергоресурсы в экономическом развитии отрасли, уровень удельной энергоемкости в отрасли, снижение объемов энергопотребления в экономике, роль энергетического сектора в социально-экономическом развитии, как основная задача электроэнергетической политики, также разработан прогноз динамики потребления электроэнергии на ближайшие годы.*

Ключевые *слова: государство, электроэнергетика, тепловая электростанция, эффективность управления, производство, государственно-частное партнерство, коэффициент рентабельности, мотивация, контроль, коэффициент корреляции.*

Issues of increasing the management efficiency of the electric power industry

Mashal Saidov,
Tashkent State University of Economics, DSc (in economics), dotsent

Annotation: *in this article, the existing problems in the field of resrublika electricity and ways to eliminate them, the expected dynamics of domestic demand for energy resources in the economic development of the industry, the level of specific energy intensity in the industry, the reduction in the volume of energy consumption in the economy, the role of the energy sector in the socio-economic development Proposals and recommendations were made on the development of the industry.*

Keywords: *electricity, thermal power plant, thermal power center, Production, Public Private Partnership, management efficiency, profitability coefficient, planning, organization, motivation, control, coordination, correlation coefficient, competitive environment, environmental protection, economic security.*

Давлат органларида бошқарув самарадорлиги одатда корхона самарадорлиги нуқтаи назаридан аниқланади. Бир қатор ташкилотлар тўсатдан банкрот бўлмасликлари учун тажрибали бошқарувчиларга мунтазам равишда дивидендлар тўлаб туришади. Бу эса акциядорларнинг оладиган йиллик фойдаси корпоратив самарадорликнинг етарли кўрсаткичи эмаслигини ва яхшироқ чоралар кўриш зарурлигини кўрсатади. Ушбу тадқиқот учун мотивацион нуқтаи назар Ўзбекистон Республикасининг катта ва кичик корхоналари фаолиятини таҳлил қилишдан келиб чиқди. Тадқиқотдан олинган таҳлил натижалари бир қатор қизиқарли фактларни очиб берди.

Бошқа томондан, менежментни бутунлай сўнгги бошқарув назариялари бўйича ҳаракат ва "Тўғри ишлар"ни қилган бўлса-да, банкрот бўлган ёки салбий хайрихоҳликни келтириб чиқарадиган жуда кўп корхоналар ҳам учраб туради. Бозор иқтисодиётининг ғайритабиий фаолият юритаётган корхоналари сифатида тавсифланиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳам мавжуд эди. Бунга ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида табиий монополиялар соҳаларига кирувчи электр энергетика тармоғини мисол қилиб олса бўлади. Бу тармоқ табиий монополия соҳаси бўлганлиги учун мижозларга хизмат кўрсатишга унчалик эътибор бермай, малакасиз ходимлар билан иш олиб боришган. Улар узоқ йиллар давомида режалаштиришни эътиборсиз қолдирганлар ва мижозларининг 1/4 қисми кўрсатилган хизматлар учун умуман тўламаса ҳам электр энергиясидан фойдаланиш ҳолатлари кузатилган.

Олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, мамлакат электр энергетика соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш ва барқарор ривожланишни таъминлаш, давлатнинг энергия хавфсизлигини таъминловчи энергетика соҳасида миллий даражадаги интеграция зарурлигини белгилаб беради. Шу билан бирга давлатлараро қоидаларнинг қабул қилиниши давлатлар ўртасида энергетика соҳасидаги ҳамкорликни икки томонлама ҳал қилиниши, давлатлараро ҳамкорлик доирасида эришилган келишувларга нисбатан янада самарали натижаларга эришиш имконини яратади.

Миллий электр энергияси бозорларини бирлаштиришнинг иккита асосий моделини ажратиш мумкин. Биринчи модел миллий бозорларни босқичма-босқич бирлаштириш орқали ягона бозорни яратишни ўз ичига олади. Бу йўл Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларининг электр энергияси бозорларининг интеграциялашувига олиб келди [1]. Ҳозирги кунда ЕИ мамлакатларининг электр энергияси бозори ўзаро боғланган 7 та минтақавий энергия бозори мажмуи бўлиб, уларнинг ҳар бири бир қатор давлатларнинг миллий электр бозорларини бирлаштиради [2]. Ушбу моделни қўллаш билан интеграция бозорларнинг тузилишини, тартибга солиш механизмларини ва бирлашган бозорларнинг изчил бирлашиши билан савдо қоидаларини босқичма-босқич стандартлаштириш жараёнлари орқали амалга оширилади. Иккинчи модель энг машҳур модель бўлиб Марказий Америка мамлакатлари умумий электр бозори ҳисобланиб, ўзгаришсиз ички (миллий) электр бозорларини сақлаш билан бирга электр энергиясини давлатлараро савдо миллий бозорларда сотилиш ҳажмлари кўпроқ қўшимча савдо платформасида ташкил этилади [3].

Буюк Британия 2018 йилда шамол энергетикаси соҳасини ривожлантириш мақсадида 17,5 миллиард фунт сармоя киритди ва бу кўплаб янги иш ўринлари яратилишига олиб келди. Йирик электр энергия батарея заводлари кўплаб мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Швеция, Венгрия, Польша ва Германияда қурилиши режалаштирилган.

Арманистонда электр энергияси бозорида ягона электр энергияси харидорининг модели шакллантирилди, тарифларни давлат томонидан тартибга солиш сақлаб қолинди ва саноат хусусийлаштирилди. Қирғизистонда асосий энергетика компаниялари ягона холдингга бирлаштирилган, рақобатбардош улгуржи электр энергияси бозори йўқ, икки томонлама савдо шартномалар асосида амалга оширилади [4].


Буюк Британия 2018 йилда шамол энергетикаси соҳасини ривожлантириш мақсадида 17,5 миллиард фунт сармоя киритди ва бу кўплаб янги иш ўринлари яратилишига олиб келди. Йирик электр энергия батарея заводлари кўплаб мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Швеция, Венгрия, Польша ва Германияда қурилиши режалаштирилган [5].

Электр энергетикаси саноати бутун халқ хўжалигини барча ишлаб чиқариш жараёнларида, шунингдек, кундалик ҳаётда истеъмол қилинадиган ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган универсал энергия ташувчиси ҳисобланади. Электр энергияси деярли ҳар қандай якуний энергияга айланиши мумкин, у узоқ масофаларга узатилиши мумкин ва истеъмол босқичида электр энергияси энг тоза экологик энергия ташувчиси ҳисобланади [6].

Тадқиқот методикаси шундан иборатки, тадқиқот жараёнида электр энергиясини ишлаб чиқариш тармоғини ўрганиш ва илмий тадқиқ қилиш, қиёсий таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш, статистик гуруҳлаш, корреляцион ва регрессион таҳлил ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди. Тадқиқот олиб бориш давомида 2020–2030 йилларда республика электр энергетикаси соҳасини ривожлантиришга қаратилган алоҳида концепцияси асосида иш юритдик.

Ушбу динамикада 2030 йилгача электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг прогноз динамикаси келтирилган. Бунда 2022 йилда электр энергиясини ишлаб чиқариш 79,5 млрд кВт-соатни, иқтисодиёт тармоқлари бўйича электр энергия истеъмоли 49,3 млрд кВт-соатни, аҳоли томонидан электр энергияси истеъмоли 16,1 млрд кВт-соатни ташкил этиши прогноз қилинаётган бўлса, 2030 йилга бориб, электр энергиясини ишлаб чиқариш 120,8 млрд кВт-соатни, иқтисодиёт тармоқлари бўйича электр энергия истеъмоли 85 млрд кВт-соатни, аҳоли томонидан электр энергияси истеъмоли 21,9 млрд кВт-соатни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Давлатнинг электр энергетика таъминоти саноатига аралашуви ва унинг маълум корхоналарни қўллаб-қувватлаши натижасида юзага келди. Бу каби кузатишлар бизни бошқарув самарадорлигини тўғри ҳисоблаш масаласини ҳал қилишга ундади. Корхона



1-расм. 2030 йилгача электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг прогноз динамикаси, млрд кВт-с. [7]

Энергия ресурсларига бўлган ички талаб иқтисодий ривожланишнинг кутилаётган динамикаси, иқтисодиёт тузилишининг ўзгариши ва унинг ўзига хос энергия интенсивлиги даражаси билан белгиланади. Иқтисодиётда энергия сарфи ҳажмини камайтириш электр энергетика сиёсатининг асосий вазифаси бўлиб, мазкур вазифанинг бажарилмаслиги энергетика соҳасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муқаррар равишда тўсқинлик қилишига олиб келади. 2030 йилгача электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг прогноз динамикаси 1-расмда келтирилган.

фаолияти самарадорлигини ҳам, бошқарув самарадорлигини ҳам ҳисоблаш муҳимдир. Агар корхона фаолияти самарали бўлса, унда тўғри ёки нотўғри бошқариш натижасини текшириш шарт эмас. Шундай қилиб, бошқарув самарадорлигини корхона самарадорлигидан ажратиш муҳимдир. Бошқарув самарадорлигини аниқлаш учун фикримизча, баланс ёндашувидан фойдаланиш керак, деб ўйлаймиз. Бунинг учун биз олтита масалага эътибор қаратишни таклиф қиламиз, улардан бештаси бошқарув функциялари, олтинчиси эса корхона эришган натижалардир.

Бешта функция қуйидагилардан иборат:

режалаштириш, ташкил этиш, мотивация, назорат ва мувофиқлаштириш. Ҳар бир функциянинг бажарилишини ўлчайдиган кўрсаткичлар, шунингдек, корхона даромадларига нисбатан унга сарфланган маблағларнинг фоизини кўрсатиш керак. Бу миқдорни ҳисоблаш ва натижа ундан ошмаслиги керак. Хатоларнинг олдини олиш учун мувозанатли бошқарув ўлчови доирасида ҳар бир функциянинг самарадорлиги камида 3 хил кўрсаткич билан баҳоланиши керак. Бошқарув самарадорлигини мувозанатли баҳолаш учун, бизнингча, корхона фаолиятининг бир нечта кўрсаткичлар билан ўлчанадиган саъй-ҳаракатлар натижасига эътибор бериш лозим.

Тадқиқотда ушбу кўрсаткичларни корхонанинг асосий саноатининг ўзига хос хусусиятларига кўра танлаш таклиф қилинади. Бунда корхонанинг рентабеллиги, молиявий барқарорлиги, бозор улуши, ликвидлилик ва акциядорлар қиймати жиҳатларини ҳисобга олиниши ва бошқарув харажатлари ҳам мос ёзувлар кўрсаткичи сифатида баҳоланиши керак. Бу борада қисқа муддатли ва узоқ муддатли режалаштиришнинг аниқлиги макроиқтисодий муҳитни ҳисобга оладиган мутахассислар томонидан баҳоланиши лозим. Таҳлиллар шундан далолат беради-ки, оддий шароитларда, агар натижалар режадан 35 фоиздан ортиқ фарқ қилса, қисқа муддатли режалаштиришнинг аниқлиги паст ҳисобланади.

Тадқиқот давомида корхона етакчиси энг кўп мижозларга эга бўлган, энг юқори рентабеллик ва барча қидирилган корхоналарнинг қарзлари бўйича мақбул фоизлар, солиқлар, амортизация ҳамда амортизациядан олдинги фойда даражасига эга бўлган корхона сифатида аниқланди. Саноат учун фоизлар, солиқлар, амортизация ва амортизациядан олдинги фойданинг қарзга нисбатан мақбул даражаси 1:2 деб ҳисобланади. Сўров натижаларига кўра, танланган рўйхатга олинган корхона раҳбарларнинг фикрига кўра, назорат функцияларини бажариш учун жуда кўп вақт ва пул сарфламоқда.

Қизиғи шундаки, одатда мотивацияга сарфланган вақт ва пулнинг улуши улуш назорати кучайганда камаяди. Юқори мотивация билан одатда, камроқ мувофиқлаштириш керак бўлади. Батафсил тадқиқот ўрганилаётган корхоналарнинг қуйи секторида пайдо бўлган корхона учун ўтказилди. Таҳлил натижаларга кўра, ҳисобланган баллар корхонани 5-гуруҳга киришини кўрсатди. Ушбу корхона рентабеллиги ходимларнинг бош директорлар қарорларига риоя қилмасликлари ва таваккал қилишлари билан боғлиқ бўлган ҳолатни кўрсатади.

Акс ҳолда тадқиқот қилинаётган корхонанинг бюрократик тузилиши унинг бозор фаолиятини аллақачон фалаж қилган бўлар эди. Бу нотўғри бошқариладиган корхонанинг намунасидир. Шуниси қизиқки, ушбу корхонада бошқарув вақти ва маблағининг 43 фоизи назорат функцияларини бажаришга, 12 фоизи мотивацияга, 13 фоизи режалаштиришга, 21 фоизи ташкил этишга ва 11 фоиз мувофиқлаштиришга сарфланади. Бу юқоридаги кузатишни таъкидлайдики, ушбу сектордаги корхоналар назорат функциясини бажаришда мотивацияга эга эмасдирлар. Бу шуни кўрсатадики, ҳатто ушбу бозордаги энг яхши корхонада ҳам бошқарув мувозанати, назоратни амалга ошириш қобилияти йўқ. Олинган натижалардан келиб чиқиб, нотўғри бажарилган функциялар бўйича бир нечта хулосалар қилиш мумкин:

- стратегик режалаштириш энг яхши ўрганилаётган бозорга қарамасдан ўртача даражада амалга оширилади;

- мотивация барча ҳолатларда ёмон бўлиб, фақат молиявий мотивациядан фойдаланадилар ва фақат учтаси ходимларни ривожлантириш билан шуғулланади;

- корхонада мувофиқлаштириш функцияси яхши эмас, чунки раҳбар мувофиқлаштириш билан мустақил шуғулланиши керак;

- умуман олганда, юқоридагиларнинг барчаси молиявий муаммоларга олиб келади.

Ҳозирги глобаллашув шароитидан келиб чиқадиган бўлсак, корхоналар бошқарув самарадорлигини баҳолашда эконометрик таҳлиллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2005–2021 йиллардаги маълумотларига таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси электр энергетикаси соҳасининг бошқарув самарадорлиги – Y ва унга таъсир этувчи энергия ишлаб чиқариш харажати – X1, ишлаб чиқарилган энергия ҳажми – X2, ялпи электр энергия истеъмоли – X3 ҳамда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган электр станцияларининг қувватлари – X4 нинг эконометрик таҳлилини ўтказамиз. Дастлаб натижавий омилга нисбатан

танланган омилларнинг тўғри танланганлигини текшириш учун улар орасидаги боғланиш даражаси ва омилларнинг ўзаро корреляцион коэффициентини аниқланади (1-жадвал).

Жадвал қийматларига эътибор қаратадиган бўлсак, натижавий Y-омилга нисбатан энергия ишлаб чиқариш харажати ($r_{Y,X1}$=0,9716), ялпи электр энергия истеъмоли ($r_{Y,X3}$=0,9673) кучли зичликда ҳамда ишлаб чиқарилган энергия ҳажми ($r_{Y,X2}$=0,6600) ва Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган электр станцияларининг қувватлари ($r_{Y,X4}$=0,7322) билан ўртача зичликда тўғри боғланган бўлиб, омиллар ўртасида $r_{x1,x2}$<0,8 шартга кўра, мультиколениарлик мавжуд эмаслиги боис EViews дастури орқали жараённи давом эттириш мумкин.

1-жадвал

Натижавий омилга нисбатан танланган омиллар ўртасидаги корреляцион коэффициент

	Y	*X1*	*X2*	*X3*	*X4*
Y	1				
X1	0,9716049	1			
X2	0,6600199	0,680044	1		
X3	0,9673005	0,7916159	0,6810001	1	
X4	0,7322421	0,6713735	0,7250272	0,77234611	1

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси электр энергетикаси соҳаси бошқарув самарадорлигининг кўп омилли регрессия тенгламаси

Dependent Variable: LNY				
Method: Least Squares				
Date: 03/11/22 Time: 18:45				
Sample: 2005 2021				
Included observations: 14				
Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
LNX1	0.145105	0.204523	0.709480	0.0461
LNX2	-0.329115	2.098931	-0.156801	0.0089
LNX3	1.826975	1.980526	0.922470	0.0103
LNX4	-0.327695	1.054473	-0.310766	0.0531
C	-4.735221	11.12159	-0.425771	0.0060
R-squared	0.943760	Mean dependent var		10.94500
Adjusted R-squared	0.918765	S.D. dependent var		0.264211
S.E. of regression	0.075305	Akaike info criterion		-2.062093
Sum squared resid	0.051037	Schwarz criterion		-1.833859
Log likelihood	19.43465	Hannan-Quinn criter.		-2.083221
F-statistic	37.75740	Durbin-Watson stat		1.903107
Prob(F-statistic)	0.000012			

Тадқиқотларга кўра, мустақилликдан кейинги ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси электр энергетикаси соҳасида ривожланиш тенденциялари кузатилмоқда. Бу жараён, айниқса, 2017 йилдан сезиларли равишда бўлиб, энергия ишлаб чиқариш ҳажми 2005 йилга нисбатан 2021 йилда 1,4 баробар ошиб 68469,8 млн кВт-соатга етди. Омиллар ўртасидаги боғлиқлик регрессия тенгламасини аниқлаш учун танлаб олинган омиллар ўлчов бирликлари турлича бўлганлиги боис, омил кўрсаткичларини логорифмлаб чизиқсиз тенгламани ҳосил қилиш билан бирга уни сифат мезонлари асосида текширилади (2-жадвал).

Жадвал маълумотларида келтирилган коэффициентлар қийматларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тенглама ҳосил қилинади:


LnY=0,145LnX1-0,329LnX2+1,83LnX3-0,328LnX4-4,73522

Аниқланган 1-регрессия тенгламаси параметрларини t-Statistic мезонлари бўйича аҳамиятлилигига эътибор қаратадиган бўлсак, α=0,05 ва df=11 бўлган ҳолда $t_{Жад}$=2,200985 га тенглигидан $t_{ҳис}>t_{Жад}$ шартга биноан барча параметрлар аҳамиятсиз эканлиги келиб чиқади аммо, параметрларнинг ҳақиқатдан ҳам аҳамиятли ёки аҳамиятсиз эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиш учун ретроспектив сифат мезонлари MAPE (Mean Absolute Percentage Error – ўртача мутлоқ фоиз хатоси) ва TIC (Tayl inequality coefficient – Тейл прогноз аниқлигининг муқобил ўлчови) билан текшириш талаб этилади (2-расм).

Аниқланган маълумотларга асосан таъкидлаш мумкинки, MAPE=0,334 бўлиб, бу ўз навбатида MAPE=0,334<10% бўлганлиги ва TIC=0,0025<1 прогноз аниқлигидан 1-регрессия тенгламаси параметрларининг барчасини аҳамиятлилиги келиб чиқади. Математика қоидаларига асосан ва ҳисоб-китоб жараёнларини осонлаштириш ҳамда натижалар аниқлигига эришиш учун юқорида ҳосил қилинган 1-регрессия тенгламасини потенциялаб олинади ва унга кўра, қуйидаги тенглама ҳосил қилинади:

$$Y = \frac{X1^{0,145} * X3^{1,83}}{X2^{0,329} * X2^{0,328} * e^{4,73522}} \quad (1^*)$$

Ҳосил қилинган 1*-регрессия тенгламасини ҳақиқатдан аҳамиятлилигини α=0,05 ва k1=11; k2=4 бўлганда $F_{Жад}$=0,297913 га тенглигини эътиборга олган ҳолда ҳисобланган Фишер қиймати $F_{ҳис}$=37,76 тенглигидан $F_{Жад}<F_{ҳис}$ шартга биноан 1*-регрессия тенгламасининг аҳамиятлилиги ҳамда DW=1,903 тенг бўлганлиги боис, автокорреляция мавжуд эмаслигидан тенгламанинг ишончли ва адекватлиги келиб чиқади.



2-расм. 1-регрессия параметрларини ретроспектив сифат мезонлари натижаси
Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Аниқланган 1*-регрессия тенгламасига иқтисодий изоҳ берадиган бўлсак, унга кўра, ҳозирги кунда энергия ишлаб чиқариш харажатини агар 100 млн сўмга оширилса тармоқда бошқарув самарадорлиги 0,06 млн сўмга ошиши аниқланди. Бу эса, ўз навбатида, ҳозирги кунда тармоқ бошқарувида мавжуд эски технологияларни имкон қадар янгилашни талаб этади. Агар мамлакатда ялпи электр энергия истеъмолини 1 млн кВт-соатга оширишга эришилса, бошқарув самарадорлиги қўшимча 2,15 млн сўмга ошиши аниқланиб, бу, ўз навбатида, тармоқ бўйича янги истеъмолчилар учун узатув линияларини ва экспорт ҳажмини ошириш билан эришиш мумкин.

Ҳозирги кунда тармоқда электр станцияларининг қувватини ошириш учун эмас, балки, узатиш линияларини янгилаш табиий йўқотишларни камайтириш ва экспорт ҳажмини ошириш учун янги ҳамкорлик шартномаларини тузиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Энди аниқланган 1*-регрессия тенгламасидан фойдаланиб қолган омилларни вақт (t=15) бўйича қуйидаги тенгламалари бўйича:

Энергия ишлаб чиқариш харажати –
X1=-612304+1578992,5 *t;
Энергия ишлаб чиқариш –
X2=45686,2+1627,4 *t;
Ялпи электр энергия истеъмоли –
X3=47498,6+1835,7 *t;
Электр станцияларининг қуввати –
X4=10573,4+483,8 *t.

Ўзбекистон Республикаси электр энергетикаси соҳасининг бошқарув самарадорлигининг кўп омилли прогноз кўрсаткичини аниқланади (3-жадвал).

Жадвалда келтирилган прогноз натижаларига кўра, 2027 йилга бориб Ўзбекистон Республикаси электр энергетикаси соҳасининг бошқарув самарадорлиги 2022 йилга нисбатан 19,2 фоизга ўсиб, 104884,4 млн сўмга етиши бу эса, албатта, энергия ишлаб чиқариш харажатини базис даврга нисбатан 34,2 фоиз, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам 11,6 фоиз, ялпи электр энергия истеъмолини 12,2 фоиз ва электр станцияларининг қувватини 13,6 фоизга ошиши билан белгиланиши кутилмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистон Республикаси электр энергетикаси соҳасининг бошқарув самарадорлигини ошириш учун бир қатор вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Жумладан:

- мамлакатда фойдаланилаётган иссиқлик электр станцияларидаги маънан ва жисмонан эскирган энерго блокларни хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда модернизациялаш ёки эксплуатациядан чиқариш;
- “Яшил” иқтисодиётга ўтиш жараёнида электр энергетикасини ривожлантиришнинг устувор йўналиши бўлган замонавий, қуёш ва шамол электр станцияларини давлат хусусий шерикчилик асосида яратиш;
- барқарор электр энергиясини етказиб бериш учун хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда янги подстанцияларни қуриш, халқаро хорижий кредит маблағлари ҳисобидан электр тармоқларида реконструк-

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси электр энергетика тармоғи бошқарув самарадорлигининг кўп омилли прогноз кўрсаткичи

	Бошқарув самарадорлиги млн сўм	Энергия ишлаб чиқариш харажати, млн сўм	Энергия ишлаб чиқариш, млн кВт-соат	Ялпи электр энергия истеъмоли млн кВт-соат	Электр станцияларининг қуввати МВт
2022 й	87958,1	23072583,5	70097,2	75034,1	17830,4
2023 й	91319,0	24651576	71724,6	76869,8	18314,2
2024 й	94690,7	26230568,5	73352	78705,5	18798
2025 й	98074,7	27809561	74979,4	80541,2	19281,8
2026 й	101472,3	29388553,5	76606,8	82376,9	19765,6
2027 й	104884,4	30967546	78234,2	84212,6	20249,4

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

ция ва янгилаш ишларини амалга ошириш зарур;

- электр энергетикаси соҳасига зарур инвестицияларни фақат мавжуд давлат энергетика компаниялари маблағлари ҳисобидан амалга оширмасдан балки, хусусий инвестицияларни жалб қилиш;

- электр энергетикасини босқичма-босқич ислоҳ қилиш асосида электростанциялар акцияларининг бир қисмини хусусий инвесторларга сотиш ва ДХШ тамойили асосида қўшма корхоналарни яратиш;

- мамлакат аҳоли сони ва ишлаб чиқариш ўсишини ҳамда электр энергиясига тобора ортиб бораётган эҳтиёжни, тарифларни кескин оширмасдан қоплаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Умид қиламизки тадқиқот натижалари асосида аниқланган таклиф ва тавсияларни изчиллик билан амалга оширилиши келгусида Ўзбекистон Республикаси электр энергетика соҳасининг бошқарув самарадорлигининг ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. А.В. Филиппова Использование опыта международной интеграции в мировой электроэнергетике в евразийском экономическом союзе: дис\. ... канд. экон. наук: 08.00.14 / Филиппова Алина Валерьевна. – М., 2018. – С. 207.

2. А.Тукенов Об опыте интеграции рынков электроэнергии Европы // Энергетика. – Астана, 2013. № 1 (48) – С. 16-19.

3. Central American Electric Interconnection System (SIEPAC) Transmission & Trading Case Study. Economic Consulting Associates Limited. 2010. URL: http://www.esmap.org/sites/esmap.org/files/BN004–10_REISP-CD_Centra l% 20 American %20Electric%20Interconnection%20System-Transmisison%20&%20Trading.pdf (дата обращения: 05.08.2019).

4. Е.А.Трегубова, Б.И. Файн Вопросы формирования общего электроэнергетического рынка государств ЕАЭС. / Социально-экономические и правовые системы стран евразийской экономической интеграции: материалы Междунар. науч.-практ. конф. (Россия, Омск, 1 марта 2019 г.) / НОУ ВПО “СИБИТ” [и др.]/ Омск: Изд-во ОмГТУ, 2019.

5. У. Камалетдинов Пути развития механизмов ГЧП в энергетическом секторе Узбекистана. Журнал “Бозор, пул ва кредит”, № 1, 2019 г.

6. Гительман, Л.Д. Эффективная энергокомпания: Экономика. Менеджмент. Реформирование / Л.Д.Гительман, Б.Е. Ратников. – М.: ЗАО “Олимп – Бизнес”, 2002. – Гл. 1. Технико-экономические особенности электроэнергетики. – С. 9-22.

7. 2020–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси маълумотлари.

ГЛОБАЛ РАҚОБАТБАРДОШЛИК ИНДЕКСИ:
МАМЛАКАТНИНГ САМАРАЛИ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ЗАРУРАТИ



Руслан БОЗОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси доценти,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: *мақолада мамлакатнинг инвестиция майдонидаги ўрнини намоён этишда халқаро рейтинг ва индекслар аҳамияти, назарий ва методологик асослари ёритиб берилган. Глобал рақобатбардошлик индексининг тузилиши ҳамда унда мамлакатларнинг рақобатбардошлиги таҳлил қилиниб, муҳокамада эса Ўзбекистоннинг ушбу индексда иштирок этишини таъминлашга қаратилган тавсиялар келтирилди.*

Калит сўзлар: *халқаро рейтинг, индекс, инвестиция, мамлакат, индикаторлар, глобал рақобатбардошлик.*

Индекс глобальной конкурентоспособности: необходимость эффективного обеспечения участия страны

Руслан Бозоров,
доцент Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан, доктор философии (PhD) по экономическим наукам

Аннотация: *в статье описаны теоретико-методологические основы значимости международных рейтингов и индексов в демонстрации роли страны в инвестиционной среде. Также анализируется структура Индекса глобальной конкурентоспособности и особенности оценки конкурентоспособности стран. Даны рекомендации, направленные на обеспечение участия Узбекистана в этом индексе.*

Ключевые слова: *международный рейтинг, индекс, инвестиции, страна, индикаторы, глобальная конкурентоспособность.*

Global Competitiveness Index: the need for effective country participation

Ruslan Bozorov,
Associate Professor at the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan, PhD (in Economics)

Abstract: *the importance, theoretical and methodological foundations of international ratings and indices in demonstrating the country's position in the investment field are explained in the article. The structure of the global competitiveness index and the competitiveness of the countries in it were analyzed, and recommendations aimed at ensuring the participation of Uzbekistan in this index were presented in the discussion.*

Keywords: *international rating, index, investment, country, indicators, global competitiveness.*

Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Жаҳоннинг аксарият мамлакатлари янги иш ўринларини яратиш, инновацион технологиялар ва самарали бошқарув моделларига эга бўлиш, рақобатбардош кадрларини тайёрлашга интилади. Қолаверса, бугун давлатлар ижтимоий-иқтисодий инфратузилма объектларини барпо этишга, шу қўшилган қийматни яратишга эга бўлиш борасида хорижий инвесторларга нисбатан либерал сиёсат олиб борилмоқда.

Шу боис халқаро майдонда иқтисодиётнинг глобаллашуви ҳолатида ҳар бир мамлакат, айниқса, иқтисодий ривожланаётган мамлакатлар хорижий инвестицияларни жалб қилиш, инвестиция муҳитини яратиш ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун рақобатлашади. Мазкур ҳолатда эса халқаро индекслардаги мамлакатларнинг инвестициявий жозибадорлик рейтинглари тўғридан-тўғри сармоялар йўналтириш учун хорижий инвесторларга кўрсатма бўлиб хизмат қилади [1].

Демак, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ҳақидаги дастлабки ва ишончли маълумотларни олиш мақсадида инвесторлар, энг аввало, халқаро рейтинг ва индексларга мурожаат қилади. Мамлакатлар иқтисодиётида ислоҳотларни амалга оширишда талаб этиладиган ҳажмдаги самарали инвестицияларни, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун инвестиция муҳитини яхшилаш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш билан бир қаторда уларни глобал миқёсда намоён этиш ҳам талаб этилади. Чунки салоҳиятли инвесторлар томонидан бирор миллий иқтисодиётга сармоя йўналтиришга доир инвестицион қарор қабул қилишда, албатта, ушбу давлатнинг инвестиция муҳити ва унинг жозибадорлигини ўрганиш ҳамда баҳолаш зарурати бор. Бу борада халқаро ва глобал ташкилотлар томонидан юритиладиган мамлакатларнинг инвестициявий жозибадорлигини турли жиҳатларини баҳоловчи халқаро рейтинг ва индекслар бўйича эълон қилинадиган йиллик ҳисоботлар инвесторлар томонидан дастлабки маълумотларни олиш манбаи ҳисобланади.

Мамлакатнинг халқаро рейтинг ва индексларда самарали иштирокини таъминлаш иқтисодиётнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишда ва уни намоён этиш орқали манфаатли сармоялар жалб қилишда долзарб усуллардан биридир.

Тарих таҳлилида кўринадики, XIX аср охири ва XX аср бошларида АҚШдаги саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши билан боғлиқ вазият зарурий эҳтиёж сифатида илк кредит рейтингларини пайдо бўлишига асос бўлди. Яъни мамлакатда темир йўл инфратузилмасининг кескин ривожланиши туфайли хусусий компаниялар томонидан чиқарилган облигациялар сони кўпайган. АҚШдаги ушбу ривожланаётган темир йўл соҳасидаги компанияларнинг облигацияларни сотиб олиш ва улардан даромад кўриш истагини билдирган инвесторлар учун мазкур компаниялар иш фаолияти ва молиявий ҳолати тўғрисида сифатли маълумотларнинг мавжудлиги ҳамда етарли бўлишлиги уларнинг инвестиция қарорларини қабул қилишлари нуқтаи назаридан аҳамияти юқори бўлган.

Мазкур масалага илк бор Генри Варнума (Henry Varnum Poor) 1860 йилда нашр этилган “АҚШдаги темир йўллар ва каналлар тарихи” (“History of Railways and Canals in the United States”) номли асарида эътиборни қаратган. Мазкур китоб АҚШ темир йўл компаниялари тўғрисида инвесторлар учун керак бўладиган маълумотларни тўплашга уриниш эди. Шу билан бирга, тадқиқотчининг ушбу китоби келгуси асрда ишлаб чиқиладиган таҳлил ва биржа ҳисоботларининг кашшофи бўлди. 1867 йилда Генри Варнума ўғли Генри Уилям билан биргаликда “HV and HW Poor”ни яратди ва ҳар йили ушбу китобнинг янгиланган версиясини нашр этишни бошлади.

Шундан сўнг, 1906 йилда Лютер Ли Блейк (Luther Lee Blake) темир йўл соҳасига тааллуқли бўлмаган компаниялар тўғрисида молиявий маълумот бериш мақсадида акциялар учун кунлик индексларни нашр этувчи “Standard Statistics Bureau” (“Стандарт статистика бюроси”)га асос солган[1]. XX аср бош-

[1] Изоҳ: Poor’s ва Standard Statistics 1941 йилда бирлашиб Standard and Poor’s Corporation ни ташкил қилган.

ларига келиб, АҚШда облигациялар бозори кескин кенгайиб кетган бир пайтда инвесторлар учун маълумотлар билан боғлиқ фавқулодда муаммонинг ечимини ўзида мужассам этган биринчи рейтингларни бериш 1909 йилда америкалик молиявий таҳлилчи, тадбиркор ва инвестор Жон Муди (John Moody) томонидан акциялар қиймати тўғрисида таҳлилчилар маълумотлари билан бойитилган "Moody's Analyses of Railroad Investments" нашрини чоп этиш билан бошланди. Кейинчалик дунёда етакчи ўринлардан бирига айланган Mood's рейтинг агентлигига асос солган.

Шу аснода халқаро рейтинглар пайдо бўла бошлаган. Бугунги кунда дунё амалиётида бир қанча глобал индекслар ҳамда рейтинглар юритилади. Улар таркибида маълум бир компания, ҳудуд, соҳа, тармоқ ҳамда мамлакатлар бўйича рейтингларни эълон қилувчи халқаро рейтинг ва индекслар мавжуд бўлиб, ҳар бири ўзига хос фойдаланувчилар аудиториясига эга.

Шу ўринда мамлакатнинг инвестиция муҳитини баҳоловчи халқаро рейтинг ва индекслар борасидаги назарий изланишларни давом эттиришда, индекс ҳамда рейтинг атамаларининг моҳиятини англаш мақсадга мувофиқдир.

Глобал рақобатбардошлик тўғрисидаги йиллик ҳисобот Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинади. Биринчи ҳисобот 1979 йилда қайд этилган бўлиб, 2004 йилдан бошлаб ҳисоботда Колумбия университети профессори Ксавье Сала-и-Мартин ва испаниялик академик Эльзой В.Артади томонидан ишлаб чиқилган "Глобал рақобатбардошлик индекси"га асосан мамлакатларнинг рейтинги эълон қилиниб келинмоқда.

Энциклопедик луғатларда "индекс" сўзи лотинча "index" сўзидан олинган бўлиб, рўйхат, регистр, кўрсаткич деган маънолари борлиги таъкидланган бўлиб (Дьяченко В.П., 1964), индекс – элементнинг ёки маълум бир тизимнинг ҳолати бўйича тўпламдаги ўрнини, номинал ўлчовини тавсифловчи рақамлар, ҳарфлар ёки белгилар комбинациясидир деган таъриф берилган.

Рейтинг эса инглизча "to rate" феълидан келиб чиқиб, "баҳолаш" ёки "баҳо бермоқ" маъносига эга. Рейтинг маълум бир объект ёки ҳодисанинг долзарблиги ёки аҳамиятини акс эттирувчи рақамли ёки тартибли кўрсаткичдир.

Тадқиқот методологияси шуни англатадики, тадқиқотнинг асосий мақсади мамлакат инвестициявий муҳити жозибадорлигини яхшилашда унинг халқаро индексларда иштирокини таъминлаш ва ўрнини яхшилашга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун илмий хулосалар қилишдан иборат. Мавзуни ўрганиш жараёнида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда, маълумотларни тизимлаш бўйича махсус ёндашувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижаларда Халқаро Глобал Рақобатбардошлик индекси (GCI) – бу индекс, Жаҳон иқтисодий форуми (WEF) томонидан давлатларнинг иқтисодий рақобатбардошлигини ҳисоблаш учун ишлаб чиқилган. Жаҳон тажрибасида Глобал рақобатбардошлик индекси орқали мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий параметрлари бўйича давлатнинг инвестициявий муҳит жозибадорлигига баҳо бериш амалиёти кенг қўлланилади. Ушбу индекс орқали мамлакатлар қулай муҳити, инсон капитали, бозорлар таркиби ва сифати ҳамда инновацион ривожланиш даражасига баҳо бериш имконияти мавжуд. Глобал рақобатбардошлик тўғрисидаги йиллик ҳисобот Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинади. Биринчи ҳисобот 1979 йилда эълон қилинган бўлиб, 2004 йилдан бошлаб ҳисоботда Колумбия университети профессори Ксавье Сала-и-Мартин ва испаниялик академик Эльзой В.Артади томонидан ишлаб чиқилган "Глобал рақобатбардошлик индекси"га асосан мамлакатларнинг рейтинги эълон қилиниб келинмоқда.

Глобал рақобатбардошлик индексининг ўзига хослиги ва аҳамияти рақобатбардошликнинг макроиқтисодий ва микроиқтисодий (бизнеснинг) жиҳатларини битта индексда мужассамлаштирганлиги билан изоҳланади. Глобал рақобатбардошлик индекси (ГРИ) манфаатдор томонларга мамлакатнинг иқтисодий ўсиши, самарадорлик ва инсон тараққиётини таъминловчи омиллар ва хусусиятларни батафсил кўринишини тақдим этади. Ушбу ўзаро боғлиқ ва мураккаб омил-


ларни мамлакатлар бўйича ва вақт ўтиши билан мунтазам равишда ўлчаб борувчи ушбу индексдан мазкур мамлакатлар бошқаруви билан боғлиқ таклифлар ишлаб чиқишда ҳам фойдаланилади.

Индексда мамлакатларнинг ривожланиш босқичлари шундайки, индекснинг барча шартлари маълум даражада мамлакат иқтисодиёти билан боғлиқдир, лекин ҳар бир шарт мамлакатдан келиб чиққан ҳолда ўзининг алоҳида таъсирига эга. Масалан, Молдова давлати учун рақобатбардошликни оширувчи энг яхши усул Германия учун худди шу муаммони ҳал қилиш усулидан фарқ қилади. Бунга мисол тариқасида Молдова ва Германия ривожланишнинг турли босқичларда эканлигидир. Шунингдек, юқори даромадни сақлаб қолиш учун иш ҳақи ошиши билан меҳнат унумдорлиги ҳам ошиши кераклиги билан белгиланади.

Иқтисодиёт назариясига кўра биринчи босқичида, GCI ҳисоби буйича иқтисодиёт мамлакатда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш омиллари билан аниқланади ва рақобатбардошлигининг асосий шартлари кўриб чиқилади. Бунда биринчи навбатда малакали ишчи кучлари ва табиий бойликларга аҳамият берилади. Масалан, ишлаб чиқарувчи компания маҳсулотларни сотишда бошқа ишлаб чиқарувчилар билан рақобатлашади, натижада маҳсулотларнинг нархини пасайишига, сифатини яхшилашга ва ходимларнинг иш ҳақи ошишига олиб келади. Ушбу босқичда рақобатбардошликни ривожланишини таъминлаш мақсадида, биринчи навбатда, амалдаги давлат ва хусусий муассасаларнинг функционал ҳолати яхшилиги (1-мезон), ривожланган инфратузилма (2-мезон), барқарор макроиқтисодий муҳит (3-мезон) ва ҳеч бўлмаганда соғлом ишчи кучига (4-мезон) эга эканлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Мамлакатнинг рақобатбардошлиги ошгани сайин самарадорлик ҳам иш ҳақи ҳам ошади. Кейинги босқичда давлатлар ишлаб чиқариш жараёнини ва хомашёларни сифатини ошириши, иш ҳақи баланд ва нархлар ўзгармаслиги натижасида ривожланишни бошлайди. Ушбу босқичда рақобатбардошлик ҳамма соҳада олий маълумот ва касб-ҳунарга йўналтирилган ишчиларни ўқитишни талаб қилади (5-мезон), шунингдек, самарали маҳсулот бозорлари (6-мезон), яхши ишлайдиган меҳнат бозори (7-мезон), ривожланган молиявий бозорлар (8-мезон), мавжуд технологиялардан фойдаланиш (9-мезон) ва йирик ички ёки ташқи бозор шакллантиради (10-мезон).

Ва ниҳоят, учинчи босқичда давлатлар иқтисодиёти инновацияларга асосланади, иш ҳақининг юқори даражага кўтарилиши, мамлакат аҳолисининг турмуш даражасининг янада ўсиши компанияларнинг рақобатига



1-расм. Рақобатбардошликнинг 12 та мезони

боғлиқ бўлиб қолади. Ушбу босқичда компаниялар рақобатлашиши керак бўлади, ишлаб чиқариш жараёнларида (11-мезон) бошқалардан фарқли равишда янги маҳсулотларни ишлаб чиқарилади ва энг илғор технологиялардан фойдаланилади, шунингдек, ўзи ишлаб чиққан инновациялардан фойдаланилади (12-мезон). ГРИни ҳисоблашда бу мезонлар катта вазнга эгадир.

Маълум бир босқичда мамлакат учун муҳимроқ бўлган кўрсаткичлар ривожлантирилади. Яъни барча 12 та мезон маълум даражада муҳимдир ва барча мамлакатларда, уларнинг ҳар бирининг таъсири маълум бир ривожланиш босқичига боғлиқ бўлади. Шуни ёдда тутиш лозимки, рақобатбардошлик ривожланишнинг маълум бир босқичига асосланган ҳолда учга бўлинган ҳолда гуруҳлаштирилади ва ҳар бири жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

1) Институтлар

Институтционал муҳит бу шахслар, фирмалар ва маъмурлар бўлган тизимлар учун даромад яратиш шунингдек, иқтисодий ўсиш учун ўзаро таъсир ўтказишини ҳуқуқий ва маъмурий томондан белгилайди.

2) Инфратузилма

Иқтисодиётнинг самарадорлигини мукаммал инфратузилмасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Иқтисодий фаолият турини, шунингдек, тўғри танланган инфратузилма субъектни қайси мамлакатда ривожланиши учун энг асосий омилдир.

3) Макроиқтисодий муҳит

Макроиқтисодий барқарорлик иқтисодиётда унумдорликни оширмайди, лекин макроиқтисодий номутаносиблик иқтисодиётга зарар етказиши аниқ. Ҳукумат, агар у хизмат кўрсатса, тегишли хизматларни тақдим эта олмайди ва жамиятда яшовчи шахслар эски қарзлар бўйича юқори фоизларни тўлашлари керак бўлади.

4) Саломатлик ва бошланғич таълим

Соғлом ишчи кучи рақобатбардошлик ва самарадорлик учун жуда муҳимдир. Соғлиғида муаммоси бор ишчилар ўзларининг потенциалини намоён эта олмайдилар. Саломатликнинг ёмонлиги бизнес учун катта харажатларга олиб келади, чунки касал ишчилар кўпинча кам ишлайдилар. Шунинг учун соғлиқни сақлаш соҳасига сармоя киритиш иқтисодий нуқтаи назардан ҳам муҳимдир.

5) Олий маълумот ва профессионал тайёргарлик

Бугунги глобаллашув жараёнида ресурсларни яратишни талаб қилувчи мамлакатларга ўзгаришларга тез мослаша оладиган юқори малакали мутахассислар керак бўлади.

1-жадвал

ГРИ мезонлари асосида иқтисодиётларнинг ривожланиш даражаларида ушбу мезонларнинг улуши

Мезонлар гуруҳи	1-босқич Асосий омилларга асосланган иқтисодиёт (%)	2-босқич Самарадорлик омилларига асосланган иқтисодиёт (%)	3-босқич Инновацияга асосланган иқтисодиёт (%)
Асосий шартлар	60	40	20
Самарадорлик омиллари	35	50	50
Инновацион омиллар	5	10	30

Бунда индексдаги ҳар бир гуруҳ мезонлари бўйича кўрсаткичлар ривожланишнинг маълум бир босқичига тўғри келади ва таҳлиллардан келиб чиқадиган бўлсак, сўнгги йилларда аҳоли жонбошига ЯИМ билан чамбарчас боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Индексда ушбу 12 та устун бўйича тақсимланган 103 та кўрсаткич мавжуд бўлиб, кўрсаткичлар халқаро ташкилотлар, илмий муассасалар ва нодавлат ташкилотлардан олинади. ГРИнинг умумий балининг 1/3 қисмини ташкил этувчи 47 та кўрсаткич сўровномалар асосида аниқланади. Сўровнома ноёб ва глобал тадқиқот бўлиб, ҳар йили 150 та ҳамкор институтлар ёрдамида 15000 та бизнес раҳбарлари ўртасида ўтказилади.

Компонентлар иқтисодий рақобатбардошлик шартларига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

Асосий драйверлар ёки устунлар	Кўрсаткичлар сони	Индекснинг умумий балидаги улуши	Кўрсаткичлар гуруҳлари номи	Гуруҳдаги кўрсаткичлар сони	Кўрсаткичлар гуруҳларининг устундаги улуши
Фаолиятни таъминловчи шартлар (қулай муҳит)					
Институтларнинг сифати	26	8,3 %	Хавфсизлик	4	12,5 %
			Ижтимоий капитал	1	12,5 %
			Назорат ва мувозанат	4	12,5 %
			Давлат сектори фаолияти	3	12,5 %
			Шаффофлик	1	12,5 %
			Мулк ҳуқуқи	3	12,5 %
			Корпоратив бошқарув	3	12,5 %
			Ҳукуматнинг истиқболдаги йўналиши	7	12,5 %
Инфратузилма	12	8,3 %	Транспорт инфратузилмаси	8	50 %
			Коммунал хизматлар инфратузилмаси	4	50 %
АКТни қабул қилиш	5	8,3 %	АКТни қабул қилиш	5	100 %
Макроиқтисодий барқарорлик	2	8,3 %	Макроиқтисодий барқарорлик	2	100 %
Инсон капитали					
Соғлиқни сақлаш	1	8,3 %	Соғлиқни сақлаш	1	100 %
Кўникмалар (касбий тайёргарлик)	9	8,3 %	Жорий ишчи кучи	6	50 %
			Келажакдаги ишчи кучи	3	50 %
Бозорлар					
Маҳсулот бозори	7	8,3 %	Ички бозор рақобати	3	50 %
			Савдо очиқлиги	4	50 %
Меҳнат бозори	12	8,3 %	Мослашувчанлик	8	50 %
			Меритократия ва рағбатлантириш	4	50 %
Молия тизими	9	8,3 %	Молия тизими етарлилиги	5	50 %
			Молия тизими барқарорлиги	4	50 %
Бозор ҳажми	2	8,3 %	Бозор ҳажми	2	100 %
Инновацион экотизим					
Бизнес динамикаси	8	8,3 %	Маъмурий талаблар	4	50 %
			Тадбиркорлик маданияти	4	50 %
Инновацион қобилият	10	8,3 %	Турли хиллик ва ҳамкорлик	4	33,3 %
			Тадқиқот ва ривожлантириш	4	33,3 %
			Тижоратлаштириш	2	33,3 %

6) Товарлар ва хизматлар бозорининг самарадорлиги

Самарали маҳсулот бозорларига эга мамлакатларнинг имкониятлари зарур товарлар, хизматлар тўплами ва ишлаб чиқаришни таъминлаш, талаб ва таклиф шартларига жавоб берадиган ва таъминлай оладиган бозорда маҳсулотларнинг доимий айланишини таъминлайди. Соғлом бозор рақобати нафақат ички савдо томонидан, балки, ташқи савдо

томонидан ҳам самарадорлик учун муҳимдир. Бундай рақобат – бозор талаб қиладиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган компаниялар самарадорлигини оширишни кафолатлайди.

7) Меҳнат бозори самарадорлиги

Самарадорлик ва мослашувчанлик бозорнинг муҳим белгиларидандир. Яъни ишчилар имкон қадар кўпроқ жалб қилиниши кафолатланади ва иқтисодиёт учун юқори даражали фойда келтирувчи, унга асосланган ишга максимал куч ишлатишади. Шунинг учун ишчилар меҳнат бозорларини тез таъминлаши учун етарлича мослашувчан бўлишлари керак, шунингдек, иш ҳақи миқдори иқтисодиётда сезиларли тебранишлар йўқлигини кафолатлайди.

8) Молия бозорининг ривожланиши

9) Технологик даража

Рақобатбардошликни ривожлантиришда технология энг муҳим шартлардан бири бўлиб келмоқда. "Технология даражаси" пайдо бўлаётган технологияларни қанчалик тез иқтисодиётга мослашиш муддатини ўлчаб беради. Бундай ҳолларда, иқтисодиётнинг ахборот ва алоқадан максимал даражада фойдаланиши, кундалик фаолият турига айланиши ҳамда ишлаб чиқаришда технология (ИЧТ), самарадорлик ва маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш жараёнларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

10) Бозор ҳажми

Бозор ҳажми ишлаб чиқариш қувватларига бевосита таъсир қилади, чунки йирик бозорларда компаниялар ўз маҳсулотларини эркин сотиш имкониятига эга бўладилар. Компаниялар томонидан ишлаб чиқарилаётган анъанавий бўлган маҳсулотлар ички бозорларда рақобат муҳитини пастлиги сабабли маҳаллий аҳоли томонидан кўпроқ истеъмол қилинади.

11) Компанияларнинг рақобатбардошлиги

Замонавий ривожланаётган иқтисодиётда энг янги бизнес амалиётини қўллаш товарлар ва хизматларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, компаниянинг маҳсулдорлигини ҳамда рақобатдошлигини оширишга олиб келади. Ушбу компонент ўзаро таъсир доирасини кенгайтириш ва мамлакатда компанияларнинг ривожланиши учун товарлар ва хизматларни етказиб берувчиларни экотизимини ривожлантириш, шунингдек, индивидуал компанияларнинг стратегияларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

12) Инновацион потенциал

Бизга маълумки рақобатбардошлик технологик янгиликларга боғлиқдир. Сиз давлат институтларини такомиллаштириб, инфратузилмани ривожлантириб, макроиқтисодий беқарорликни камайтириб ёки инсон капиталини ўстириб катта ютуқларга ва муваффақиятга эришишингиз мумкин бўлса-да, лекин якунда барча факторлар тескари эффект бериш хусусиятига эгадирлар. Худди шу нарсани меҳнат бозори, молиявий ва товар бозорлари самарадорлигига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Истиқболда технологик инновациялар орқали ҳаёт даражасини ўсишига эришиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси: 2007–2008 йиллардаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан 10 йил ўтиб, 2017–2019 йиллардаги глобал рақобатбардошлик ҳақидаги ҳисобот маълумотлари бўйича жаҳон мамлакатлари ҳали ҳам яна бир инқироз эҳтимолига учраш эҳтимоли мавжуд, шу билан бирга, инновация ва автоматизациянинг янги тўлқинига тайёр эмас. Жумладан, жаҳон иқтисодий форуми экспертлари таъкидлашича, раҳбарлар ва сиёсатчиларнинг рақобатбардошликни сақлаб қолиш ва самарадорликни ошириш учун ислоҳотларни амалга оширишга қодир эмаслиги жаҳон иқтисодиётини барқарор тиклашнинг заиф истиқболларини белгиламоқда.

Умуман олганда, жаҳон иқтисодий тизимининг беқарорлиги учта омил билан изоҳланади. Биринчидан, бу замонавий иқтисодий ривожланишга ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган халқаро молиялашнинг беқарорлиги. Иккинчидан, роботлаштириш ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш туфайли иш ўринларини қисқартириш ҳисобига меҳнат ресурсларини заиф қўллаб-қувватлаш умумий меҳнат унумдорлигини пасайтиради. Учинчидан, иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича инвестицияларнинг тенгсиз тақсимланиши (энг янги технологияларга устунлик берилади) инновацияларнинг меҳнат унумдорлигини рағбатлантирмаслигига олиб келади, бу эса глобал рақобатбардошликка салбий таъсир кўрсатади [2].

Глобал рақобатбардошлик индекси бўйича биринчи ўринда охирги 9 йил **Швейцария,** иккинчи ва учинчи ўринда эса **АҚШ** ва **Сингапур** бўлган. Энг рақобатбардош иқтисодиётга эга бўлган ўнта мамлакат: **Голландия,**

Германия, Гонконг, Швеция, Буюк Британия, Япония ва **Финляндия**ни ўз ичига олади. Ҳисоботга кўра, яқин келажакда мамлакатларнинг глобал рақобатбардошлиги уларнинг инновацион салоҳияти энг юқори даражаси билан аниқланади.

Хулоса ва таклифлар ўрнида таъкидлаш жоизки**,** Ўзбекистоннинг глобал рақобатбардошлик индексида акс эттириш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланди. Жумладан Глобал рақобатбардошлик индексини эълон қилувчи Жаҳон Иқтисодий Форуми (кейинги ўринларда – Форум) билан республиканинг ўрнини ГРИда акс эттириш бўйича келишувга эришиш муҳим. Ва ГРИнинг кичик индикаторлари таркибига кирувчи, лекин статистик маълумотларнинг чекланганлиги ва миллий методологияларнинг халқаро стандартларга жавоб бермаслиги сабабли Ўзбекистоннинг ўрни белгиланмаган рейтинг, индекс ва алоҳида таркибий индикаторларда республика кўрсаткичларини акс эттириши керак. Мамлакатда ҳар бир соҳада амалга оширилган ва оширилаётган ислоҳотлар бўйича жамоатчилик ҳамда жаҳон ҳамжамиятини мунтазам хабардор қилиши аҳамият касб этади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг (ҳоким) қарорлари ва ҳаракатларининг (ҳаракатсизлик) қонунийлиги юзасидан низоларнинг кўриб чиқилишида судлар фаолиятига ноқонуний аралашув ҳолатлари аҳолининг судларга бўлган ишончининг йўқолишини олдини олиш ҳамда судьялар мустақиллигини таъминлаши зарур.

Таклифлар:

• республикада хусусий тадбиркорлик субъектларининг давлат томонидан тартибга солиш механизмлари (давлат хизматларини кўрсатиш) ёки давлат органлари фаолиятига нисбатан эътироз билдиришнинг қонуний асосларини такомиллаштириш;

• жисмоний ва юридик шахсларнинг мулки ҳисобланган эскирган ёки авария ҳолатидаги, шунингдек, замонавий талабларга жавоб бермайдиган кўчмас мулкларни бузиш ҳамда улар жойлашган ер участкаларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишида ҳокимликлар томонидан олдиндан огоҳлантирмаслик, мол-мулк бозор нархида баҳолатмаслик ва кўчмас мулклар бузилишига ва фуқароларга етказилган зарарлар тўлаб берилмаслиги ҳолатларининг олдини олиш;

• ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг иш самарадорлигини ва аҳолининг уларга бўлган ишончини ошириш;

• автомобиль йўллари сифатини яхшилаш ва инфратузилмасини ривожлантириш;

• электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолини мувофиқлаштириш. Маънан эскирган юқори ва паст кучланишли тармоқ объектларини реконструкция қилиш ва янгилаш;

• тоза ва хавфсиз ичимлик суви таъминоти инфратузилмасини модернизация қилиш;

• ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини ривожлантириш;

• Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзлари ўсишини назорат қилиш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш;

• ЯИМ кўрсаткичининг юқори даражадаги ўсишини таъминлаш;

• инфляцияни камайтириш ва барқарорлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ–6003-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги “Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашда илмий салоҳият ҳамда амалий фаолият уйғунлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–246-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сонли Фармони.

4. Балдин К.В., Быстров О.Ф., Передеряев И.И., Соколов М.М. Инвестиции: системный анализ и управление / Под ред. Проф. К.В. Балдина. – 2-е изд. – М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и Ко”, 2007. – С. 16.

5. Мустафакулов Ш.И. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий масалалари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т., 2017. – 46 б.

6. Финансово-кредитный словарь/Под редакцией Дьяченко В.П. – М.: Финансы, 1964. – С. 295.

7. Schwab K. World Economic Forum: The Global Competitiveness Report. Geneva: World Economic Forum, 2019.

ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ – ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИДА



Мехринисо ПАРДАЕВА,
А.Авлоний номидаги илмий-тадқиқот институти проректори, доцент, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)



Махлиё ЮСУПОВА,
Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги 30-мактаб ўқитувчиси

Аннотация: *мақолада узлуксиз таълимни ривожлантиришнинг долзарб тенденциялари, Ўзбекистон Республикасида инсон ресурсларини самарали бошқариш орқали таълим сифатини ошириш, ўқитувчи касбий фаолияти, малака ошириш тизими муаммолари ва тенденциялари контекстида таълимни ривожлантиришнинг потенциал имкониятлари муҳокама қилинган.*

Таянч сўзлар: *мактаб, ўқитувчи, педагогика, психология, таълим сифати, методика, технология, инсон капитали, малака ошириш, раҳбар, бошқарув.*

Управление человеческими ресурсами – на уровне государственной политики

Мехринисо Пардаева,
проректор Национального исследовательского института имени А. Авлони, доцент, доктор философии педагогических наук (PhD),
Махлиё Юсупова,
учитель школы №30 Яшнабадского района города Ташкента

Аннотация: *в статье рассматриваются современные тенденции развития непрерывного образования, повышения качества образования за счет эффективного управления человеческими ресурсами в Республике Узбекистан, потенциальные возможности развития образования в контексте профессиональной деятельности педагога, проблемы и тенденции системы повышения квалификации.*

Ключевые слова: *школа, педагог, педагогика, психология, качество образования, методика, технология, человеческий капитал, повышение квалификации, руководитель, управление.*

Human resource management – at the level of public policy

Mehriniso Pardaeva,
Vice-Rector of the National Research Institute named after A. Avloni, Associate Professor, PhD (in Pedagogical Sciences),
Makhliyo Yusupova,
Teacher of the 30th school in Yashnobod district of Tashkent city

Abstract: *the article discusses the current trends in the development of continuous education, the potential opportunities for the development of education in the context of the improvement of the quality of education through the effective management of human resources in the Republic of Uzbekistan, the professional activity of teachers, the problems and trends of the professional development system.*

Keywords: *school, teacher, pedagogy, psychology, quality of education, methodology, technology, human resource, professional development, leader, management.*

Жаҳон тараққиётининг асосий тенденциялари жадал ўзгарувчан ижтимоий контекстда ҳаракат қила оладиган, ўзини ўзи таъминлайдиган ақл-идрокка эга шахсни талаб қилади. Давлатнинг ривожланиш даражаси инсон капитали, унинг ахборот, динамик жамиятдаги салоҳияти билан белгиланади. Таълим амалиёти давлатнинг жаҳон ҳамжамиятининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ривожланишига таъсир кўрсатади.

Сўнгги ўн йилликларда жамиятда эҳтиёжнинг шаклланиши ва ишлайдиган фуқаролар учун кўп марта малака ошириш, қайта тайёрлаш ёки касбни ўзгартириш учун реал имконият мажвудлиги туфайли ушбу масалага доимий равишда эътибор ортиб бормоқда. Мактаб ўқитувчисининг малака ошириш зарурияти маърифий ва маданий талабларнинг ортиши, тез ривожланаётган дунё билимларини эгаллаш ва когнитив эҳтиёжни сақлаб қолиш билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлди.

Динамик жамиятда таълим олдида ижтимоий муҳитнинг доимий ўзгарувчанлиги шароитида одамларнинг фаолиятга тайёрлигини шакллантириш вазифаси турибди. Бу муаммони ҳал қилиш учун жаҳонда таълим амалиётини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш ҳамда ижобий тажрибаларини қўллаш имкониятларини таҳлил қилиш лозим. Узлуксиз таълимни ривожлантиришнинг глобал тенденциялари, Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим назарияси ва амалиётини татбиқ қилиш тенденциялари контекстида катталар таълимини ривожлантиришнинг потенциал имкониятларини муҳокама қилиш аҳамиятга моликдир.

Мазкур йўналишларда кўпроқ илмий тадқиқот ишлари олиб бориш, таълим тизимида жадал равишда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг самарали методикаларини жорий этиш ўқитувчилар касбий маҳорати ва таълим сифатига қўйилаётган замонавий талабларга мос равишда фанлар бўйича уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш ҳамда бошқариш мазкур тадқиқотнинг илмий-амалий ва педагогик аҳамиятини аниқлаш муҳимдир.

Ўқитувчи малака ошириши горизонтал ва вертикал таълимнинг очиқлигини, катталар фаоллиги ва рақобатбардошлигини кафолатлайдиган таълим сифатини, таълим учун вақт ажратиш (таътиллар, амалиётлар ва бошқалар, таълим учун кредитлар бериш), дипломларни сертификатлаш ва тан олиш, таълим имкониятлари ва ишга жойлашишда инвестицияларни кўпайтиришни таъминлашга, бир сўз билан айтганда, инсон ресурсларини ривожлантириш ва самарали бошқаришга қаратилган.

Ноулз катталарни ўқитишни, таълим шартларига мувофиқ ўқитиш тамойилларини аниқ белгилаб берадиган ва ўқитишни ўқув фаолиятини лойиҳалаш ҳамда бошқариш жараёни сифатида кўришини аниқ кўрсатган асарларни ёзган. Унинг тамойиллари ўқитиш жараёнини ифодалайди ва шундай умумлаштириладики, ўқитувчилар:

ўқувчиларга ўз-ўзини англаш учун янги имкониятларни тақдим этиши;

ўқувчиларга ўз орзу-умидларини аниқлаштиришга ёрдам бериши;

ўқувчиларни тушуниши;

ўқувчиларга ўқиш эҳтиёжларидан келиб чиқадиган ҳаётий муаммоларни аниқлашга ёрдам бериши;

ўрганиш учун қулай жисмоний шароитлар билан таъминлаши;

ўқувчиларни қабул қилиши ва уларга индивидуал муносабатда бўлиши; ўқувчилар ўртасида ишонч ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишга ҳаракат қилиши;

ўзаро изланиш руҳида ҳаммуаллиф бўлиши;

ўқувчиларни ўқув мақсадларини шакллантиришнинг ҳамкорлик жараёнига жалб қилиши;

талабалар билан ушбу мақсадларга эришишнинг мумкин бўлган усулларини баҳам кўриши;

ўқувчиларга топшириқларни бажариш учун ўзларини тартибга солишга ёрдам бериши;

ўқувчиларга ўз тажрибаларини ўқув ресурсларида қўллашда ёрдам бериши;

ўз ресурсларини ўқувчиларнинг тажриба даражасига мослаштириши;

ўқувчиларга янги билимларни ўз тажрибаларига интеграциялашда ёрдам бериши;

ўқувчиларни муваффақиятни ўлчаш мезонлари ва усулларини ишлаб чиқишга жалб қилиши;

ўқувчиларга ўз-ўзини баҳолаш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиши ва қўллашда ёрдам бериши керак.

Малака ошириш муаммоларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларга кўра, ўқитувчининг ўз вақтида ва сифатли малака оширишига шарт-шароит яратилишида раҳбарнинг ўрни юқори. Тадқиқотчиларнинг асосий эътибори қуйидаги масалаларга қаратилди:

малака ошириш учун таълим дастурлари ва ўқув-услубий материалларни яратиш;

малака ошириш таълимини индивидуаллаштириш;

ўқитувчилар фаолиятининг хусусиятлари;

ёш хусусиятлари;

дидактик ва услубий тамойиллар;

малака ошириш учун шароит яратиш;

ўз устида ишлашга мотивация;


малака ошириш учун ўқитувчиларни тайёрлаш.

Аммо XX асрнинг иккинчи ярмида бутун дунёда кенг кўламга эга бўлган катталар таълими, жумладан, малака ошириш амалиёти ўртасидаги қарама-қаршилик эмпирик даражада катталар таълимини ва бу ёндашувларни назарий ташкил этишни тушуниш ва асослаш ёндашувлари қўлланилган. Бу, айниқса, амалиётда, малака ошириш таълимининг асосий қонуниятлари, асосий тамойиллари ва уларнинг ёшлар тарбиясидан фарқлари бўлган илмий тизим асосларини яратиш, шакллантирилиши ва ривожлантириш зарурати билан аниқ сезила бошланди. Маълум бўлишича, инсон ривожланиши учун замон талабларига муносиб жавоб бера олиши учун таълим муҳим аҳамиятга эга.

Аммо бугунги кунда ўқитувчи касбининг жозибадорлиги пастлиги туфайли ўқитувчиларда касбий ривожланиш, ўз касби бўйича маҳоратини ошириш мақсадида малака ошириш, ўз устида ишлашга ҳам мотивацияси сустлиги кузатилмоқда.

А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти томонидан ўтказилган тадқиқотларига кўра, ўқитувчилар орасида ўз касбини ўзгартиришни истаганлар мавжудлиги аниқланган ва хорижий давлатлардаги шундай маълумотлар таҳлил қилинган бўлиб, қуйида шу таҳлилларни келтирдик. Хорижда энг ёш ўқитувчилар (30 ёшгача) ва 30-39 ёшли гуруҳ вакилларида ҳам касбни тарк этиш ниятини билдириш эҳтимоли кўпроқ, аммо халқаро даражада Ўзбекистондаги каби ёш гуруҳлари ўртасида бундай кескин фарқ йўқ.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатлар (ОЕСД) маълумотларига кўра, кўпчилик хорижий мамлакатлар ўқитувчилари яна 15 йил давомида педагог сифатида ўз ишини давом эттириш истагини маълум қилган. Шу билан бирга, 50-59 ёшдаги 15 % ўқитувчилар кейинги 5 йил ичида иш ўринларини ўзгартирмоқчи эканликларини билдиришган.



1-расм. 5 йилдан ортиқ бўлмаган вақтда ўз касбини ўзгартирмоқчи бўлган ўқитувчиларнинг улуши, фоизда

Ўз фаолиятини тўхтатиш ниятида бўлган ўқитувчилар сони Эстония, Исландия, Литва, Саудия Арабистони, Сингапур, Жанубий Африка, Швеция, Россия, АҚСҲ ва Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатларда юқоридир. Бу мамлакатларда 25 %дан ортиқ ўқитувчилар кейинги 5 йил ичида ўз касбини ўзгартирмоқчи бўлса, Австрия, Португалия ва Испанияда бу кўрсаткич 5 % ёки ундан ҳам кам (1-расм).

Гарчи, кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистонда ҳолат унчалик ёмон бўлмаса-да, бундай ҳолатнинг борлиги, ўқитувчи касбининг жозибадорлигини ошириш бўйича қилинадиган ишлар мавжудлигидан дарак беради.

Сўнгги йилларда бундай муаммоларни ҳал этиш, ўқитувчи нуфузини ошириш, рағбатлантириш ва уни турли фаолиятига тегишли бўлмаган ишларга жалб этишни тақиқлаш чоралари ўқитувчи касбига муносабатни тубдан ўзгартирмоқда, жумладан, ўқитувчиларнинг ўзларида ҳам.

Амалга оширилаётган самарали ислоҳотлар мазкур касбнинг жозибадорлигини оширишга хизмат қилмоқда, масалан, 2023 йил март ойида “Педагог ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида” қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжат таълимга эътибор намунасидир.

Ўқитувчи меҳнатини қадрлаш, муносиб рағбатлантириш ва нуфузини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, унинг касбий фаолиятини турли аралашувлардан ва мажбурий меҳнатга жалб этишдан қонуний ҳимоялаш йўлга қўйилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўқитувчи обрўси унинг ўзига ҳам жуда боғлиқ бўлиб, касбий маҳорати ва юксак маданияти орқали таъминланади.

Демак, ўқитувчи ўз касбий маҳоратини доимий равишда ривожлантириб бориши, ўз устида ишлаши ва сифатли таълим бериш учун узлуксиз малакасини ошириб бориши лозим.

Ҳар бир мактабда мактаб раҳбари нафақат мавжуд ўқитувчилар учун касбий ривожланишни қўллаб-қувватлаш, шарт-шароитлар яратиш, балки келгусида ўқитувчиларни сақлаб қолиш, мактабда туғиладиган эҳтиёжлар асосида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда фаол иштирок этиши лозим. Ўқувчиларда илк ёшданоқ касбга йўналтириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш, ўқитувчиларнинг ўқув-тарбия жараёнида ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш имконини берувчи методикалардан фойдаланишини таъминлаши зарур.

Шу билан бирга, бугунги кунда болалар ва ўсмирлар ўрганадиган ёндашув билан катталарни самарали ўргатиб бўлмаслиги маълумлиги сабабли, раҳбардан педагоглар жамоасини малака ошириш тизимига индивидуал ёндашишни талаб қилади, бунда натижа – раҳбар маҳорати, бошқарув санъати ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга боғлиқ.

Ўтказилган тадқиқотлар таҳлили асосида мақолада келтирилган маълумотлар ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини такомиллаштириш, ўқитувчилар касбий ривожланишини таъминлашда самарали механизмлар ҳамда услубларни жорий этишга хизмат қилади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ–637-сонли Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 27 мартдаги “Педагог ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ–826-сонли Қонуни.
3. А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқотлар институтининг умумий ўрта таълим ташкилотларидаги мавжуд педагогик, методик ва ижтимоий муҳит ҳақида маълумот тўплаш мақсадида ўтказилган тадқиқот ҳисоботи – ТАЛИС-2018 / – Т., 2021.
4. Горохов В.А., Коханова Л. А. Основы непрерывного образования в СССР / Под ред. В. Г. Онушкина. – М., 1987.
5. Гуманистические основы технологий обучения взрослых в различных образовательных системах / Под ред. А. Е. Марона. – СПб., 1999.
6. Змеев С. И. Основы андрагогики: учеб. пособие для ВУЗов. – М.: Флинта: Наука, 1999.
7. Змеев С. И. Технология обучения взрослых. – М., 2002.

РАҲБАР КАДРЛАР КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ “ҲАЁТ ДАВОМИДА ТАЪЛИМ ОЛИШ” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ



Жавоҳира ХАЙДАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
стажёр-тадқиқотчиси

Аннотация: *мазкур мақолада раҳбар кадрларнинг “Ҳаёт давомида таълим олиш” тамойили асосида бошқарув компетенцияларини ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган, ЮНЕСКОнинг бутун ҳаёт давомида таълим олиш бўйича ёндашувлари шарҳланган. “Ҳаёт давомида таълим олиш” тамойили асосида раҳбар кадрларнинг “қаттиқ кўникмалар” (Hard skills) билан биргаликда, “юмшоқ кўникмалар” (Soft skills)ни ривожлантириш зарурияти асосланган. Шунингдек, раҳбар кадрларнинг бошқарув компетенцияларини ривожлантириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *раҳбар кадрлар, “Ҳаёт давомида таълим олиш”, бошқарув компетенциялари, узлуксиз таълим, катталар учун таълим, бошқарув маҳорати.*

Развитие управленческих компетенций руководящих кадров на основе принципа “Обучение на протяжении всей жизни”

Жавохира Хайдарова,
стажер-исследователь Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *в данной статье исследованы вопросы развития управленческих компетенций руководящих кадров на основе принципа “Обучение на протяжении всей жизни”. Объясняются подходы ЮНЕСКО к обучению на протяжении всей жизни. На основе принципа “Обучение на протяжении всей жизни” обосновывается необходимость развития “мягких навыков” совместно с “жесткими навыками” менеджеров. Также разработаны практические предложения и рекомендации по развитию управленческих компетенций руководящего персонала.*

Ключевые слова: *лидерство, непрерывное обучение, управленческие компетенции, непрерывное образование, образование взрослых, управленческие навыки.*

Development of competences of management personnel on the basis of the principle of “Lifelong learning”

Javohira Xaydarova,
Intern-researcher of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *in this article, the issues of development of management competencies of management personnel based on the principle of “Lifelong learning” have been researched, UNESCO approaches to lifelong learning are explained. Based on the principle of “Lifelong learning”, the need to develop “soft skills” together with “hard skills” of managers is based. Also, practical proposals and recommendations on the development of management competencies of the management personnel have been developed.*

Keywords: *leadership, lifelong learning, management competencies, continuing education, adult education, management skills.*

Меҳнат бозоридаги эҳтиёжлар, жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун рақобатбардош кадрларни профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали тайёрлаш ҳамда турли ёшдаги ходимларнинг “Ҳаёт давомида таълим олиш” принципи асосида таълим олишга бўлган талабларини қондириш тизимини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Меҳнат бозорида ўрта бўғин кадрларга бўлган реал эҳтиёжни аниқлаш такомиллаштирилмоқда ва айнан иш ўринлари учун ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашнинг халқаро тажрибаларга асосланган янги механизмлари жорий этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, барча манфаатдор вазирликлар ҳамда идораларнинг тизимли ҳамкорлигини ўрнатиш ва ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашдаги иштирокини кенгайтириш шунингдек, шахсларни “Ҳаёт давомида таълим олиш принципи” асосида ўқитиш, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишларига кўмак бериш талаб этилади [1].

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 10-мақсадида: “Давлат фуқаролик хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш” вазифаси белгиланган бўлиб, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик даражасини ошириш орқали барча даражадаги раҳбар кадрлар ва ходимларнинг “ҳаёт давомида таълим олиш” (Life Long Learning) тамойили асосида бутун фаолияти давомида ўзларига зарур бўлган кўникмаларини ривожлантириб боришга қаратилган малака ошириш тизимининг ягона қоидаларини белгилаш, бу борада тизимли тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бунда барча давлат хизматчиларининг “Ҳаёт давомида таълим олиш” принципи асосида касбий тайёргарлик ва қайта тайёрлашдан ўтиш имконига эга бўлиш шароитларини яратишда, биринчи навбатда, қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, “Ҳаёт давомида таълим олиш” тамойилини ҳаётга татбиқ этиш давлат ва жамият тараққиётига хизмат қилиши, инсон жамиятда “ўзини ўзи реализация қилиш”, яъни салоҳияти ва имкониятидан тўлиқ фойдаланиш орқали жамиятда ўз ўрнини топиши мумкинлигини кенг жамоатчиликка тушунтириш;

иккинчидан, шахсий манфаатлар ва эҳтиёжларни қондириш ёки профессионал ўсишга интилишдан қатъи назар, “Ҳаёт давомида таълим олиш” раҳбар кадрлар фаолияти самарадорлигини оширади;

учинчидан, бошқарувнинг барча бўғинидаги раҳбар кадрларда “Ҳаёт давомида таълим олиш” ўз касбий ва бошқарув компетенцияларини ривожлантириб боришга, ўзини ўзи танқидий баҳолаш орқали ўз устида ишлашига замин яратади;

тўртинчидан, “Ҳаёт давомида таълим олиш” инсонга ўз-ўзини англаш ва ўзини ўзи мотивациялаш имконини беради, бу маҳаллий давлат ҳокимиятида кадрлар қўнимсизлигининг олдини олади ҳамда улардаги кадрлар профессионаллигини оширади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси шундан иборатки, унда қуйидагилар акс этади. “Ҳаёт давомида таълим олиш” тамойили асосида маҳалий давлат ҳокимияти органларида раҳбар кадрларни ва ходимларни касб ёки мутахассислик доирасида қўшимча квалификацияларини ўзлаштириш имкониятини яратиш, уларнинг бошқарув компетенцияларини баҳолаш ва ривожлантириш учун махсус ўқув курслар ташкил этиш борасида қатор тадқиқотлар ўтказиб келинмоқда.

Туркиялик тадқиқотчилар Атес Хайдар ва Алсал Кадир ўз тадқиқот ишларида “Ҳаёт давомида таълим олиш” – бу нафақат шахсий, балки профессионал жиҳатдан ўсишга хизмат қилувчи тизим ҳисобланиб, раҳбар кадрларнинг ижтимоий инклюзия, фаол фуқаролик ва индивидуал ривожланишини кучайтиради ҳамда меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини оширади, деб таъкидлашади [2].

Меҳнат бозоридаги конъюнктуранинг ўзгариб бориши, соҳа ва тармоқлардаги ўзгаришлар ҳар бир раҳбар кадрда амалга оширилаётган ислоҳотларга мос тарзда янги шаклланаётган малака ва кўникмаларни шакллантириб боришни тақозо этади. Бунинг учун раҳбар кадрларнинг “ҳаёт давомида таълим олиш” тамойили асосида бошқарув компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган махсус ўқув дастурлари, электрон платформаларни ишлаб чиқиш ва уни оммалаштириш лозим.

Швейцариялик олий Бенджамин Роберт лидерлик сифатларини шакллантиришда “Ҳаёт давомида таълим олиш”нинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, бу ҳозирги ва келажак-

даги раҳбарларнинг дунёқарашини ривожлантириш, карьера траекторияси бўйича ўсишга хизмат қилишини қуйидагилар билан изоҳлайди.

Функционалликни ошириш ("маҳоратни ошириш"). Бугунги кунда ўртача одам ўз карьераси давомида иш жойини 15 мартагача ўзгартиради. Бундан ташқари, бутун дунё "рақамли меҳнат иқтисодиёти"га ўтмоқда, яъни ишчилар ишга жойлашиш учун мутлақо янги кўникмаларга эга бўлишлари керак. (Масалан, фаол ўрганиш ёдлашдан кўра муҳимроқ маҳорат бўлади.) Бир умр давомида ўрганувчи фикрлаш тарзига эга бўлганлар ўз бошқарув салоҳиятини ривожлантирмайдиганларга нисбатан ўзгарувчан меҳнат бозорига осонроқ мослаша оладилар.

Яхшиланган ҳаётдан қониқиш. Раҳбарлар учун ишдан ташқари қизиқишларни ҳам ҳисобга олиш муҳим. Бутун умр бўйи таълим олишга интилишни ривожлантириш раҳбарларни ўз вақтлари ва кучларининг бир қисмини севимли машғулотларига ва бошқа ёқимли машғулотларга йўналтиришга ундаши мумкин. Шунинг учун ҳам шахсий, ҳам профессионал ҳаётларида янада қониқиш ҳосил қиладилар.


Раҳбарлар учун ишдан ташқари қизиқишларни ҳам ҳисобга олиш муҳим. Бутун умр бўйи таълим олишга интилишни ривожлантириш раҳбарларни ўз вақтлари ва кучларининг бир қисмини севимли машғулотларига ва бошқа ёқимли машғулотларга йўналтиришга ундаши мумкин. Шунинг учун ҳам шахсий, ҳам профессионал ҳаётларида янада қониқиш ҳосил қиладилар.

Кенгайтирилган "ўрганиш имконияти". Муваффақиятли ўрганишнинг калитларидан бири бу – нимани қачон ўрганишни билишдир. Қайси таълим услублари ўзлари учун энг самарали эканлигини биладиган раҳбарлар ушбу услуб ва стратегияларни деярли ҳар қандай мавзуга ўтказишлари мумкин.

Каттароқ эмпатия. Самарали раҳбарлар ўз жамоа аъзолари билан мустаҳкам муносабатлар ўрнатиш, турли нуқтаи назарларни тушуниш ҳамда тан олиш (ва баъзан қабул қилиш) ва ходимларни қўлларидан келганини қилишга ундаш учун эмпатиядан фойдаланадилар [3].

"Ҳаёт давомида таълим олиш" тамойили асосида раҳбар кадрларнинг "қаттиқ кўникмалари" (Hard skills) билан биргаликда, "юмшоқ кўникмалар" (Soft skills)ни (мотивация, ўзини ўзи бошқариш, самарали мулоқот қилиш, лидерлик) ҳам баҳолаш ва шу баҳолаш асосида ривожлантириб бориш керак. Бунинг учун давлат фуқаролик хизматчиларининг ўз-ўзини компетенциявий ривожлантириш (self-development) порталини яратиш ва ундан самарали фойдаланишга тезкор ўтиш лозим. Шунингдек, раҳбарларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг шаклари ва усулларини оптималлаштириш, таълим тизимини модернизация қилиш муаммоларини ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий илмий адабиётларда узлуксиз таълим борасида бир-биридан фарқланувчи бир нечта нуқтаи назарни учратиш мумкин. Улардан энг кўп учрайдиганлари: "узлуксиз таълим – бутун ҳаёт давомида эгалланадиган таълим", "узлуксиз таълим – катталар учун таълим", "узлуксиз таълим – бу узлуксиз касбий таълим" каби иборалар қўлланилса, жаҳон педагогикасида узлуксиз таълим бир нечта атамалар билан изоҳланиб, улар ичида "давом этувчи таълим",



1-расм. ЮНЕСКОнинг бутун ҳаёт давомида таълим олиш устунлари [5]

“ҳаёт давомида ўқиш”, “доимий ўқиш” иборалари кенг қўлланилади [4].

ЮНЕСКОнинг “Таълим – яширин хазина” (“Learning: The Treasure Within”) деб номланган XXI аср учун Таълим бўйича халқаро комиссиянинг маърузасида илмий тараққиёт ҳамда иқтисодий ва ижтимоий фаолиятнинг янги шакллари бутун ҳаёт давомида ўқишни талаб этаётгани алоҳида қайд этилади. Маърузада бутун ҳаёт давомида таълим олиш тўрт устунга таяниши лозимлиги таъкидланади (1–расм).

ЮНЕСКОнинг катталар таълими бўйича 2009 йил декабрда ўтказилган олтинчи Халқаро конференциясида (CONFINTEA VI) қабул қилинган “Белен ҳаракатлар меъёри”да айтилишича, “Катталар ўқиши ва уларга таълим бериш одамларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини ривожлантириш ва рўёбга чиқариш ҳамда ўз тақдирларининг эгалари бўлишлари учун зарур билимлар, малакаларни эгаллаш, фазилат ва қадриятларни қарор топтиришга имконият яратади.

Шу билан бирга катталар ўқиши ва уларга таълим бериш адолат ва инклюзивликка эришиш, қашшоқликнинг кўламини камайтириш ва саводхонликка асосланган адолатли, бардошли ва барқарор жамият яратиш учун мутлақ зарурият ҳисобланади” (ЮНЕСКО 2009).


Катталар таълими бўйича Германия институти – Лейбниц номидаги Ҳаёт давомида таълим олиш маркази (DIE) ва Халқ университетлари немис ассоциацияси халқаро ҳамкорлик институти (DVV International)нинг университетдан ташқари секторда катталарни ўқитишнинг таянч тамойилларига асосланган, миллатлараро миқёсда фойдаланишга тўғри келадиган ва халқаро илмий стандартларга мувофиқ бўлган катталар учун ўқитувчиларни тайёрлаш, ўқув дастурларини тайёрлаш ва тарқатиш бўйича ҳамкорликдаги лойиҳаси натижасида Curriculum globALE дастури юзага келди.

“Охирги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, иш берувчиларнинг 97 фоизи юмшоқ кўникмаларни қаттиқ кўникмалардан муҳимроқ деб билишади ва иш жойига келганидан кейин 18 ой ичида ишдан бўшатилган ходимларнинг 89 фоизи юмшоқ кўникмаларнинг етишмаслиги туфайли муваффақиятсизликка учрайди” [7].

Буларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, “Ҳаёт давомида таълим олиш” тамойилини жорий этишга сармоя киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш қуйидаги имкониятларни беради:

- раҳбарлик фаолиятида қўйиладиган вазифаларнинг шакли ва турлари, раҳбар фаолият кўрсатаётган соҳадаги ўзгаришлар ва ислоҳотлар асосида янги малакаларни доимий ўзлаштириб боришга зарурият пайдо бўлади;

- Ҳаёт давомида таълим олиш” тамойилини жорий этиш раҳбарларнинг шахсий салоҳиятини амалга оширишни таъмин-



лайдиган потенциалга бой таълим муҳитини вужудга келтиради;

- малака оширишнинг барча шаклларини татбиқ этиш имкониятини беради (мустақил малака ошириш, муқобил малака ошириш, ташкилот ёки муассасада бевосита ўқиш, аралаш шаклда ўқишни ташкил этиш);

- раҳбар кадрларнинг ўз касбий қобилиятларини ривожлантириши иш жойидаги шахсий самарадорликни оширади;

- бошқарув бўғинидаги барча ёш раҳбар кадрлар узлуксиз касбий ривожланиш соҳасида бўлаётган ислоҳотлар ва ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор бўлиши уларнинг касбий юксалишига ёрдам беради;

- ўз касбий эҳтиёжлари асосида билимларни ўзлаштириш бошқарув маҳоратини ошириш ва психологик ривожланишида муҳим аҳамиятга эга;

- ҳаёт давомида таълим олиш раҳбар кадрларга ўз касбий соҳаларидаги тенденциялардан хабардор бўлишга ёрдам беради, бу эса рақобатбардош мутахассис бўлиш учун муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий шароитда раҳбар кадрлар бошқарув салоҳиятининг асосий таркибий қисми нафақат юқори малакани, балки ўзига хос инсоний капитални (бу иш учун хос бўлган бошқарув қобилиятлари, ушбу аниқ гуруҳ ва ушбу психологик ҳолат билан самарали муносабатда бўлиш қобилиятини) талаб қиладиган профессионал компетенция эканлиги аниқланди ва тасдиқланди. Баркамолликка асосланган ёндашув таълим дастурлари (“Ҳаёт давомида таълим олиш” ва билимларни эгаллашдан ташқари) бошқарувчилар орасида компетенцияларни эгаллаш ва ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак – олинган билим ва кўникмаларни лойиҳани амалга ошириш жараёнида, ҳозирги меҳнат фаолиятида қўллаш қобилияти ҳисобланади. Демак, бугунги кунда “Ҳаёт давомида таълим олиш” тамойили асосида малакали ва замонавий кадрларни тайёрлашнинг асосий шартлари қуйидагича:

1. Ҳар бир талаб қилинувчи ихтисосликлар учун касбий ва бошқарув компетенциялари кластерини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

2. Яратилган касбий ва бошқарув компетенциялари туркуми учун компетенциялар моделини ишлаб чиқиш.

3. Бутун таълим даври мобайнида бўлажак мутахассисларда компетенцияларнинг шаклланиши ва ривожланишини баҳолаш асосида мониторинг қилиб бориш.

4. Компетенцияларни меъёр даражасига кўтариш бўйича турли тренинглар ва амалиётга йўналтирилган машғулотлар ташкил этиш ҳамда “Ҳаёт давомида таълим олиш” тамойили асосида барча раҳбар кадрларни узлуксиз ўқитиш тизимини такомиллаштириш.

5. “Ҳаёт давомида таълим олиш” тамойили асосида ҳар бир ўқув курсидан сўнг қайта баҳолаш тадбирларини ўтказиш ҳамда зарур коррекцияларни жорий этиш.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Мелибоев А. Таълим тизими трансформацияси жараёнида янги профессионал таълим тизимининг ўрни. // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, 2020-yil.

2. Ates Haydar & Alsal Kadir (2012). The Importance of Lifelong Learning has been Increasing. Procedia - Social and Behavioral Sciences. 46. 4092-4096. 10.1016/j.sbspro. 2012.06.205.

3. Benjamin Robert. Lifelong learning and leadership development success.

4. Нуримбетов Р., Абдурахмонова Г. Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда узлуксиз таълим тизимининг ўрни ва аҳамияти. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2018 йил.

5. Образование: сокрытое сокровище. Основные положения Доклада Международной комиссии по образованию для XXI века.

6. Maja Avramovska, Tania Czerwinski, Susanne Lattke. Катталар таълими ва ўқиши глобал дастури.

7. Benjamin Robert. Lifelong learning and leadership development success.

САМАРАЛИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ УЧУН БОЖХОНА СЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



Сарвар САЛАМОВ,
Божхона қўмитасининг Божхона институти
“Божхона иши” факультети бош инспектори,
мустақил изланувчи

Аннотация: *ушбу мақолада божхона сервисини такомиллаштиришга таъсир этувчи асосий омиллар кўриб чиқилган, божхона хизматлари сифатини оширишнинг бир неча йўналишлари белгилаб олинади ва божхона хизматлари сифатини яхшилайдиган замонавий технологиялар кўриб чиқилади. Мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётидаги иштироки даражаси ва мамлакатнинг инвестицион жозибадорлиги божхона сервисининг сифатига боғлиқ.*

Калит сўзлар: *божхона сервис, ахборот технологиялари, электрон декларациялаш, ташқи савдо, ташқи иқтисодий фаолият, Жаҳон савдо ташкилоти, “Ягона дарча”, жисмоний ва юридик шахслар, хизматлар.*

Особенности совершенствования таможенного сервиса для эффективного государственного управления

Сарвар Саламов,
главный инспектор факультета
“Таможенное дело” Таможенного института
Таможенного комитета

Аннотация: *деятельность таможенных органов, направленная на повышение качества предоставляемых ими государственных услуг, в том числе на разработку и внедрение новых механизмов и моделей информационного взаимодействия органов государственной власти в электронной форме, а также разработку модели взаимного сотрудничества между государством, юридическими и/или физическими лицами, внешняя необходимость удовлетворения потребностей субъектов экономической деятельности остается одной из основных задач сегодняшнего дня.*

Ключевые слова: *таможенный сервис, информационные технологии, электронное декларирование, внешнеэкономическая деятельность, Всемирная торговая организация, “Единое окно”, физические и юридические лица, услуги.*

Features of improvement of customs service for efficient public administration

Сарвар Саламов,
The chief inspector of the Customs Work faculty
of the Customs Institute of the Customs Committee,
Independent researcher

Abstract: *this article examines the main factors affecting the improvement of customs services, identifies several directions for improving the quality of customs services, and considers modern technologies that improve the quality of customs services. The level of the country's participation in the world economy and the country's investment attractiveness depend on the quality of the customs service.*

Keywords: *customs service, information technology, electronic declaration, foreign trade, foreign economic activity, World Trade Organization, “Single Window”, physical and legal entities, services.*

Муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ва кенг кўламли ислоҳотлар юртимизда том маънода янги Ўзбекистон даврини бошлаб берди. Тарихан қисқа фурсатда бутунлай янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит пайдо бўлди. Мамлакатимизда давлат хизматининг нуфузи ва самарадорлигини ошириш, давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини, уларнинг сифати ва тезкорлигини тубдан ошириш масалалари давлатнинг олдида турган асосий устувор вазифага айланмоқда.

Бугунга келиб юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига қулай ва тезкор давлат хизматларини тақдим этишнинг замонавий инфратузилмаси барпо этилди. Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш мақсадида 2017 йилда ҳар бир туман ва шаҳарда давлат хизматлари марказлари иш бошлади [1].

Шунингдек, божхона органларининг аҳолига кўрсатиладиган давлат хизматлари соҳасидаги улуши ҳам ортиб бормоқда. Мисол учун, 2023 йил якунига қадар аҳолининг онлайн хизматларини олиши 20 тага етказилиши кутиляпти.

Тадбиркорлик субъектларига тез ва сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида қўйидаги божхона хизматлари рақамлаштирилди.

Электрон ҳукумат – давлат бошқарув органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро ҳамкорлигининг бугунги ахборий жамият талабларидан келиб чиққан ҳолдаги янги кўриниши ҳисобланади. 2016 йил 30 июль куни эълон қилинган БМТ ҳисоботида қайд этилганидек, электрон ҳукумат тараққиёти индекси бўйича Ўзбекистон жаҳондаги 193 та давлат ичида 80 ўринни эгаллади. Электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича олиб борилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида республикамиз олдинги кўрсаткичга нисбатан 20 поғона юқорига кўтарилди (2014 йилда – 100-ўрин).

Бугунги кунда глобаллашув жараёни ҳар бир соҳани қамраб олгани сингари божхона сервисларини тартибга солиш масаласини ҳам четлаб ўтмайди. Ўзаро иқтисодий интеграция, электрон тижоратнинг кўпайиши, рақамли тизимларнинг ривожланаётганлиги, инсон омилининг қисқариши ўз навбатида, божхона органлари фаолиятини ҳам хорижий тажриба асосида мувофиқлаштиришни тақозо этади [3].

Божхона сервисини амалга ошириш тезлиги, улар фаолияти самарадорлигининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишдаги божхона сервисларини амалга ошириш билан боғлиқ вақтни қисқартиришга қаратилган тадбирлар мунтазам ташкил этилади.

Жаҳон савдо ташкилотининг қарашларига кўра, “электрон божхона сервиси” тушунчаси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1) божхона ишини “24/7” тамойили бўйича автоматлаштириш;

2) бож ва солиқларни электрон тўлаш;

3) божларнинг электрон калькулятори;

4) товарлар учун тўланган божхона тўловларини электрон тарзда қайтариш;

5) савдо оператори ҳудудида текшириш ва бошқа расмий текширишлар;

6) товарларни юклашдан олдин дастлабки қўшимча маълумотларни тақдим этиш;

1-жадвал

Божхона хизматларидан фойдаланиш бўйича аризалар сони

№	Хизмат номи	Барча аризалар	Тугалланганлар	Рад этилган
1	Чет эл товарларининг ҳаракатига божхона тўловлари тўланишини таъминлаш ҳақида хабарнома бериш	599 199	586 476	9 822
2	Божхона тўловлари бўйича солиштирув далолатномалари	294 501	294 501	0
3	Божхона омборхонаси фаолиятига янги лицензия олиш	554	542	12
4	Бож олинмайдиган савдо дўкони фаолияти учун лицензияни қайта расмийлаштириш	18	15	3

7) ташиладиган товарлар учун божхона декларациясининг электрон версиялари;

8) божхона декларацияси тизими;

9) фойдаланиш учун маҳсулот нархининг минимал ва чегара кўрсаткичларини белгилаш.

2016 йил октябрь ойида Хитой ҳукумати ваколатли иқтисодий операторларни рағбатлантириш дастурини компаниянинг кредитга лаёқатини ҳисобга олган ҳолда давлат назоратини амалга оширишни бошлади. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳуқуқбузарлик содир этган юридик шахсларнинг кредитга лаёқатлилик даражаси камаяди ва давлат уларнинг фаолияти устидан назоратни, аксинча, кучайтиради. Дастур доирасида аккредитациядан ўтган юридик шахслар "Ривожланган сертификатланган компаниялар" деб эътироф этилади ва давлат идоралари томонидан тақдим этилган 49 та соддалаштиришдан, шу жумладан, Хитой божхонаси имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Божхона назоратини амалга оширишда фуқаролар томонидан божхона сервисидан фойдаланиш божхона назорати жараёнининг ажралмас бир бўлагидир. Шу билан бир қаторда божхона органлари фаолияти самарадорлигини оширишда замонавий рақамли технологиялар ва автоматлаштирилган ахборот тизимларини соҳа фаолиятига кенг жорий этиш орқали "рақамли божхона"ни ривожлантириш, ривожланган давлатлар божхона соҳасига интеграциялашувини тезлатиш замон талабларидан бири ҳисобланади [2]. Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши натижасида катта миқдордаги товарлар оқимини кутиш мумкин. Бунда божхона назоратини амалга оширишнинг шакл ва усулларини танлаб ўтказиш, хавф даражаси паст бўлган, ҳалол ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига қулай шароитлар яратиш, божхона расмийлаштируви учун сарф бўладиган вақтни кескин қисқартириш, коррупцияни олдини олиш мақсадида божхона органларида жаҳон тажрибасида қўлланилаётган энг илғор хавфни бошқариш тизими қўллаш муҳим ҳисобланади [4].

Божхона хизматларини таснифлашда яна бир қанча ёндашувлар мавжуд:

- хизмат кўрсатиш объекти жиҳатидан: давлат ва хусусий секторларга кўрсатиладиган хизматлар;



1-расм. Божхона органларининг хизмат кўрсатиш соҳаси

- истеъмолчилари томонидан: жисмоний/юридик шахслар ва божхона иши соҳасида фаолиятни амалга оширувчи шахсларга кўрсатиладиган хизматлар;

- фаолият хусусиятига кўра: асосий ва қўшимча хизматлар.

Асосий хизматлар – бу жараён билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлар яъни божхона назорати ва божхона расмийлаштируви ва улар мажбурийдир.

Қўшимча хизматлар – ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг илтимосига биноан кўрсатиладиган ва ихтиёрий бўлган хизматлар.

Ҳозирги ахборот-технологиялари асрида шиддат билан ривожланиб бораётган бошқарувнинг замонавий тизимига эга бўлган божхона сервисини шакллантириш ҳамда уни доимий равишда такомиллаштириб боришнинг янги йўналишларини ишлаб чиқишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Бундай шароитда божхона органлари фаолиятида ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда замонавий механизмларни қўллашнинг самарадорлиги масалалари долзарб ҳисобланади. Шу боис, божхона органлари божхона сервисини доимий равишда модернизациялаштиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикасида божхона сервисини зарурияти қуйидагиларда ўз аксини топади:

- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;

- божхона назоратининг қисқа муддатларда якунланиш заруриятининг юзага келганлиги;


- товар ва транспорт воситалари оқимининг кўпайиши;

- замон билан ҳамнафас ҳолда божхона органлари томонидан иш фаолиятни амалга ошириш.

Ҳозирги ахборот-технологиялари асрида шиддат билан ривожланиб бораётган бошқарувнинг замонавий тизимига эга бўлган божхона хизматини шакллантириш ҳамда уни доимий равишда такомиллаштириб боришнинг янги йўналишларини ишлаб чиқишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Бундай шароитда божхона органлари фаолиятида ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда замонавий механизмларни қўллашнинг самарадорлиги масалалари долзарб ҳисобланади.

Хитой Халқ Республикасида “Ягона дарча” тизими жуда самарали бўлиб, унинг моҳияти шундаки, бир хил маълумотни турли органларга қайта топшириш ўрнига трейдерлар веб-платформада битта топшириш орқали юк ва солиқларни бепул эълон қилишлари мумкин, самарадорликни оширади ва харажатларни камайтиради.

Божхона хизматлари сифатини бир тарафдан унинг истеъмолчиси ҳисобланган



2-расм. ТИФ иштирокчиларининг кўрсатилган божхона хизматлари бўйича баҳолаш мезонлари

- мамлакатнинг ташқи савдоси ривожланишига кўмаклашиш;

- жаҳондаги иқтисодий жараёнларга интеграциялашиш;

- ташқи савдода товарлар ҳаракатининг тезлашишига эришиш;

ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси баҳоласа, иккинчи тарафдан ўз ходимлари вакили бўлган божхона органи амалга оширади, бу эса божхона хизматларининг икки томонлама баҳоланиш хусусиятини келтириб чиқаради.

Божхона органларининг мансабдор шахслари кўрсатилаётган хизматларни божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан баҳолайдилар.

Божхона хизматларини такомиллаштириш тўғридан-тўғри ташқи савдо фаолияти иштирокчиларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда кўрсатиладиган божхона хизматларининг сифатини яхшилашга боғлиқ.

Ҳозирги пайтда ТИФ соҳасида божхона хизмат кўрсатиш секторини ривожлантириш – савдога ҳамда ТИФ қанташчиларига кўмаклашиш, божхона хизмати сифатини оширишга янгича ёндашув – тижорат учун божхона хизмат кўрсатиш сектори маркетингини олиб боришни келтириб чиқаради.

Божхона хизмати сифати даражасининг пасайишига сабаб бўлувчи омиллар қуйидагиларда намоён бўлади:

божхона функциялари ёки божхона хизматлари сифатининг назорати ёки божхона хизмати кўрсатишда божхона қонунчилигининг бузилиши;

божхона назоратининг ишончлилигининг етарли эмаслиги;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ноқонуний ва сертификатсиз маҳсулотлар кириб келиш ҳолатларининг мавжудлиги;

ходимлар ўртасида коррупция ҳолатларининг кучайиши.

Юқоридаги салбий омиллар натижаси қуйидаги икки томонга таъсир кўрсатади:

1) давлат учун божхона тизими обрўсининг тушиши, божхона тўловлари пасайиш эҳтимоли, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига контрабанда, хавфли, зарарли ва сифатсиз товарларнинг кириб келиши, мамлакат иқтисодий ва экологик хавфсизлигининг пасайиши аҳоли соғлигининг ёмонлашишига олиб келади.

2) ТИФ иштирокчилари учун ортиқча вақт йўқотишлар, зарар кўришлари натижасида тижорат фаолиятларида хавф-хатарнинг мавжудлиги.

Божхона тизими хизматининг сифат кўрсаткичларига таъсир этувчи бир қатор омиллар мавжуд:

биринчидан, бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига янада қулайликлар яратиш ва божхона расмийлаштируви жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш йўналишида божхона органларига замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича бир қатор лойиҳалар устида ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Масалан, Давлат божхона қўмитасининг чегара божхона постлари ҳудудларига туташ жойларда замонавий божхона терминалларини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида қуриш масалалари белгиланиши муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида божхона терминалларидаги давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг асосий функциялари “Ягона дарча” тамойили асосида божхона, банк, логистика, тезкор-лаборатория, фитосанитар, ветеринар, санитар-эпидемиологик, экологик, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни кўрсатиш ҳисобланади ҳамда тадбиркорлик субъектлари божхона терминалларида кўрсатиладиган тижорат хизматларидан ихтиёрий равишда фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ваколатли иқтисодий оператор институтини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 363-сонли қарори билан ҳалол ТИФ субъектларига ВИО мақоми тақдим этила бошланди;

иккинчидан, янги таҳрирдаги Божхона кодексининг амалга киритилиши бизнесни ривожлантириш ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитларни яратади, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида самарали божхона назоратини таъминлаш, товар айланмасини тартибга солиш, ташқи савдони ривожлантириш ҳамда ички бозорни сифатсиз ва контрафакт маҳсулотлардан ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этди;

учинчидан, илғор ахборот технологияларини амалиётга самарали татбиқ этиш, интерактив электрон хизмат турларини кўпайтириш, алоқа каналларининг ишончли ҳимоясини ҳамда электрон маълумот алмашувида хавфсизликни таъминлаш борасида саъй-ҳаракатлар мунтазам давом эттирилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим;

тўртинчидан, сифатни бошқариш тизими борасида Халқаро стандартлаштириш ташкилоти(ISO)нинг ўрнини алоҳида эътироф этиш лозим.

Ҳозирда дунёда сифатни бошқаришнинг турли тизимларидан фойдаланилмоқда. Лекин бу тизимлар ҳозирда муваффақиятли фаолият юритиш учун илғор халқаро ком-

паниялар томонидан ўзлаштирилган сифатни тизимли бошқаришнинг саккизта асосий тамойилларига асосланиб ташкил этилиши керак. Бу тамойиллар сифатни бошқариш соҳасидаги ISO 9000 серияли халқаро стандартларни янгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

Биринчи тамойил – истеъмолчига эътибор қилган ҳолда иш тутиш. Истеъмолчиларнинг дидидаги ўзгаришларга ташкилий, услубий ва техник жиҳатдан мослашиш стратегиясини ишлаб чиқиш рақобатли бозор шароитида фаолият юритаётган ҳар бир ташкилот ва корхона учун ҳаётий жиҳатдан муҳим.

Иккинчи тамойил – бошқарувнинг ўрни. Бунга кўра, раҳбар сифатни бошқаришнинг барча тамойилларига тизимли ёндашиши, яъни уларни ўзаро уйғунликда, алоқадорликда тасаввур қилиши лозим. Бу эса сифатни бошқариш ишларининг муваффақиятли якунланишига хизмат қиладиган омилларни аниқлаш ва уларнинг юзага келиши учун зарур шароитларни яратишга асос бўлади.

Учинчи тамойил – ишчиларни жалб қилиш. Бу ТҚМнинг асосий қоидаларидан бири бўлиб, унга кўра, ҳар бир ишчи сифатни бошқариш фаолиятига жалб қилинган бўлиши керак. Уларнинг ҳар бирида яхшиланишга ички эҳтиёж вужудга келгандагина мазкур мақсадга эришиш мумкин.

Тўртинчи тамойил – жараёнли ёндашув ва у билан боғланган бешинчи тамойил – бошқаришга тизимли ёндашув. Бу тамойилларга кўра, маҳсулотларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқарув ўзаро боғланган жараёнларнинг мажмуидир. Ҳар бир жараёнга ўзининг кириш ва чиқиши, "таъминотчилари" ва "истеъмолчилари"га эга бўлган тизим сифатида қаралади. Ушбу тамойилларга амал қилиш натижасида қарор топтирилган иерархик ташкилий тузилмага таянган ҳолда бошқарувни амалга оширишни кўзлаган ёндашувларда ўзгаришлар ясалади. Ягона жараёнларнинг ташкилий жиҳатдан ажратилган бўлинмалар томонидан амалга оширилиши оқибатида қийинчиликлар ва муаммолар юзага келишини амалиёт кўрсатди. Уларни бартараф қилиш йўлида гуруҳли ёндашув ишлаб чиқилди. Шунингдек, ISO 9001 ва ҚС – 9000 стандартларида шундай меъёр ўрин олдики, унга кўра, таъминотчи янги ёки такомиллашган маҳсулотни ишлаб чиқаришга тайёрлаш учун турли бўлинмалардан мутахассислар гуруҳини шакллантириш вазифаси қўйилди. Бундай гуруҳлар конструкторлар, технологлар, сифат хизмати мутахассислари ҳамда бошқа хизматлар бўйича мутахассисларни ўз ичига олиши зарур деб белгиланди.

Олтинчи тамойил – доимий яхшилаш. Йигирма йил аввал сифат стратегияси оптимал сифат концепциясига асосланган эди. Кейинчалик Япония, сўнгра Америка ва Европа саноати тажрибасидан маълум бўлдики, яхшилашнинг чегараси бўлмайди, сифатни яхшилаш тадбирлари систематик ташкил қилиниши ва уларнинг ўзи бошқарув тизимининг таркибий қисмига, яъни тизимостига айлантирилиши керак.

Еттинчи тамойил – маълумотларга асосланган қарорлар қабул қилиш. Бу тамойилни амалга ошириш асосланмаган қарорлар қабул қилишдан воз кечишни тарғиб қилади. Ҳисобот маълумотларини тўплаб, уларни таҳлил қилиш асосида қарор қабул қилиш лозим. Шу мақсадда ҳозирга келиб, назорат ва таҳлил қилишнинг, тартибга солишнинг статистик усуллари ишлаб чиқилган ва кенг тарқалган.

Саккизинчи тамойил – таъминотчилар билан ўзаро манфаатли муносабатлар. Ушбу тамойил нафақат ташқи, балки ички таъминотчиларга нисбатан ҳам татбиқ қилинади. Шуни таъкидлаш лозимки, сифатни бошқаришнинг замонавий концепцияси исталган мақсадга йўналтирилган фаолият турини бошқаришга хизмат қилади.

Божхона органлари фаолиятига халқаро стандартларни қўллашдан мақсад қуйидагиларни назарда тутади: барча божхона тузилмаларига ягона тармоқ стандартини ишлаб чиқиш; мустақил аудитни жорий қилиш; социологик тадқиқотларни ўтказиш; божхона органлари рейтингини аниқлаш ва тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш [5].

Ҳозирги пайтда ТИФ соҳасида божхона хизмат кўрсатиш секторини ривожлантириш – савдога ҳамда ТИФ қанташчиларига кўмаклашиш, божхона хизмати сифатини оширишга янгича ёндашув – тижорат учун божхона хизмат кўрсатиш сектори маркетингини олиб боришни келтириб чиқаради.

Давлатнинг божхона хизмати билан ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари ўзаро ҳаракатида божхона хизмати – товар айланишини тезлаштириш, буджетни тўлдириш ва мамлакат иқтисодий хавфсизлигини

таъминлаш каби вазифаларни самарали бажаришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

ISO 9000 халқаро стандартлар турли жараёнларга, шу жумладан, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳамда вазифаларни бажариш учун самарали восита ҳисобланади. ISO 9001 талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган божхона тизимининг модели, маълум даражада, бошқарув тизимини яратиш учун модель бўлиши мумкин. Бу жорий бошқарув тизимини мунтазам равишда такомиллаштиришга қаратилган ҳамда мақсадга йўналтирилган ишларни амалга ошириш имконини беради.

Сингапурда "Trade Net" деб номланувчи электрон ягона дарча тизими мавжуд бўлиб, у 1987 йилда амалда жорий этилган ва ҳозирги кунгача фаолият кўрсатиб, такомиллашиб бормоқда. Унинг қулайлиги шундаки, ТИФ субъекти бўйича барча операциялар ва ўзаро алоқалар мамлакатнинг алоҳида ваколатли давлат органи орқали амалга оширилади, кейин маълумотлар божхона органи, давлат санитария ва ветеринария хизматларига, банк ва солиқ тизимларига келиб тушади. Мазкур ахборот портали барча субъектларга фойдали бўлиб, бу ҳам божхона органлари ҳам ТИФ иштирокчиларига ўзаро ҳамкорлик қилишига имкон беради. Давлат иқтисодий хавфсизлиги ва қўшимча солиқ даромадлари кўринишида товар айланмаси ўсиши ҳисобига фойда кўради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ҳам юқорида тилга олинган ривожланган давлатларнинг илғор тажрибалари асосида божхона органлари томонидан ТИФ иштирокчиларига кўрсатилаётган электрон божхона сервиси ривожланиб бормоқда.

XXI аср инновацион технологиялар ва интернет асридир. Бугунги кунда маълум бир иқтисодиётни ривожланишида ахборот алмашинуви, хизматлар сифати ва ушбу иқтисодиётда мавжуд тизимдаги инсон омили кам бўлган компьютерлашган технологиялари катта аҳамият касб этади. Барча ривожланган ва ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида сарф харажатларни камайтиришга, ортиқча қоғозбозликни қисқартириб, маълумот алмашинувини фаоллаштиришга интилмоқда. Муайян иқтисодиётни бошқарув тизимининг компьютерлашув жараёни ва ундаги маълумот алмашинуви айнан рақамли иқтисодиётнинг белгисидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5414-сонли Фармонига мувофиқ, 2018 йил 1 июлдан бошлаб ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари божхона брокерларига мурожаат қилмасдан божхона юк декларацияларини интернет тармоғи орқали реал вақт режимида тўлдириш ва божхона органларига тақдим этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган, бироқ бугунги кунда аксарият тадбиркорлар ҳали ҳам божхона юк декларациясини тўлдириш учун божхона брокерлари ва декларантлар хизматига эҳтиёж сезмоқда, сабаби божхона юк декларациясини тўлдириш учун уларда етарлича билим ва кўникманинг йўқлиги ҳисобланади. Мазкур жараёнда тадбиркорларни декларациялаш соҳасида билимларини ошириш учун божхона хизмати органлари томонидан Электрон декларациялаш асосларини хоҳловчиларга ўргатиш учун "очиқ эшик" кунларини ташкил этиш ёки мамлакат узоқ ҳудудидаги тадбиркорлар учун онлайн дарсларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади, шунингдек товарлар экспортини амалга оширувчи тадбиркорлар учун Европа Иттифоқи ва бошқа хорижий давлатларни божхона қонунчилигини тушунтириб берадиган ўқув семинарлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастурининг вазирлар даражасидаги конференцияси иштирокчиларига йўллаган мурожаати. – Тошкент, 14.11.2019 й.

2. Қурбанов Б.А. Ўзбекистон Республикасининг транспорт соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги: – Т.: СТИБОМ, 2011.

3. Нетарифное регулирование в современной международной торговле \\Дюжева, Наталия Валеревна кандидат экономических наук 2015.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони.

5. Касимова А.М. Мировой и отечественный опыт применения инструментов нетарифного регулирования // Экономика и социум. 2017. № 5- 1 (36). – С. 611-614.

БОШҚАРУВ ТАМОЙИЛЛАРИ:
ИҚТИСОДИЁТДА ҲУДУДЛАР ЎРТАСИДАГИ ТЕНГСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ



Умиджон ПАРДАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: *ушбу мақолада 2023 йил учун давлат бюджети даромадларини барқарорлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари изоҳланган. Шунингдек, корхоналарни тоифаларга ажратиб, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашувни белгилаш, корхоналар йиллик айланмаси бўйича қатъий белгиланган солиқ тўлаш ҳамда фойда солиғидан имтиёз олиш йўналишлари келтирилган.*

Калит сўзлар: *давлат молиясини бошқариш, бюджет-солиқ сиёсати, қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи, кичик ва ўрта бизнес, солиқ имтиёзлари, айланмадан олинадиган солиқ, қатъий белгиланган суммада солиқ тўлаш, дивиденд.*

Управленческие принципы: вопросы неравенства среди регионов в экономике

Умиджон Пардаев,
PhD (по экономическим наукам), доцент Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *в данной статье разъясняются основные направления бюджетной и налоговой политики, направленные на стабилизацию доходов государственного бюджета и поддержку предпринимательства на 2023 год. Также представлены направления деления предприятий на категории и определения особого подхода к их поддержке, уплаты фиксированного налога, исходя из годового оборота предприятий, получения льгот по налогу на прибыль.*

Ключевые слова: *управление государственными финансами, бюджетная и налоговая политика, налог на добавленную стоимость, налог на прибыль, малый и средний бизнес, налоговые льготы, налог с оборота, фиксированная ставка налога, дивиденды.*

Principles of administration: issues of inequality between regions in the economy

Umidjon Pardaev,
PhD (in Econimics), Associate Professor of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *this article explains the main directions of the budget and tax policy aimed at stabilizing state budget revenues and supporting entrepreneurship for 2023. Also, directions for dividing enterprises into categories and defining a special approach to their support, paying a fixed tax based on the annual turnover of enterprises, and receiving benefits from profit tax are presented.*

Keywords: *public finance management, budget-tax policy, value-added tax, profit tax, small and medium-sized business, tax credits, turnover tax, flat-rate tax, dividend.*

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектга нисбатан қўлланилаётган амалдаги солиққа тортиш тартиби унинг фаолиятини ҳамда келажак истиқболини белгилаб беришда асосий восита ҳисобланади. Шу боис хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига солиқ тўловлари таъсирининг қай даражада бўлиши давлатнинг олиб бораётган солиқ сиёсатига боғлиқ. Шундай экан, Ўзбекистонда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан амалда қўлланилаётган солиққа тортиш тартиби ҳам уларнинг фаолиятига бевосита таъсир этиб, келгуси молия йилига нисбатан тегишли қарорларни қабул қилишда катта аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан камайтирилган солиқ сиёсатини юритишда ҳудудлар кесимидаги тенгсизлик муаммоларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳудудлар кесимидаги иқтисодий тенгсизликни қисқартириш, туман ва шаҳарларнинг шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб ривожлантириш бўйича янгича ёндашувларни жорий этиш, шунингдек, тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, давлат кўмагини бериш тартибини такомиллаштиришдан иборат. Унинг самарадорлигини ошириш мақсадида Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ҳудудлар ўртасида тенгсизлик ва камбағалликни қисқартириш борасида билдирган фикрларидан келиб чиқиб, 2022 йил 30 декабрда “Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 287-сонли Президент Фармони қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–812-сонли Қонунига асосан 2023 йилда солиқ ва божхона сиёсатининг асосий тўртта йўналиш бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар амалга оширилди (1-расм).

2023 йилда ўзгаришсиз сақлаб қолинаётган солиқ ставкалари фойда солиғининг барча ставкалари, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи – 12 фоиз, айланмадан олинадиган солиқнинг базавий ставкаси – 4 фоиз, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер солиғи, қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматига нисбатан белгиланган 0,95 фоиз, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 1,5 фоиз, юридик шахсларнинг мол-мулк солиғини ҳисоблашда бинолар ва иншоотлар бўйича солиқ



1-расм. 2023 йилдаги солиқ ва божхона сиёсатининг асосий йўналишлари [1]


базаси 1 кв. метр учун мутлақ қийматда белгиланган минимал қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслиги сақлаб қолинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Мурожаатномасида: "... 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида йилига камида 14 триллион сўм маблағ қолади. Лекин бизнес муҳитини яхшилаш учун фақат солиқни камайтиришнинг ўзи етарли эмас.." [2], деб тадбиркорлик субъектлари ривожига ҳисса қўшадиган солиқ сиёсатини юритиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Ушбу ислоҳотларнинг иккинчи асосий йўналиши, 2023 йил 1 январдан пасайтириладиган солиқ ставкалари бўлиб, кўплаб тадқиқотчи олимлар томонидан ҳам қўшилган қиймат солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш [3] самарали солиқ ставкаси меъёридан келиб чиқиб белгиланган. ҚҚС бўйича барча имтиёзлар бекор қилиниши кераклиги таъкидлаб ўтилган [4].

2023 йилдан қўшилган қиймат солиғи бўйича жорий йилда жами 63,8 трлн сўмни ташкил этиши кутилаётган бўлиб [5], ҚҚС ставкасининг 3 пунктга пасайтирилиши 14,0 трлн сўм бюджет йўқотишларига олиб келиши ҳисоб-китоб қилинмоқда. Ушбу йўқотишларни ҚҚС ставкаси тушиши натижасида "хуфёна иқтисодиёт"нинг очиқланиши, тадбиркорлик фаолиятининг жадаллашуви ва ушбу солиқ турини йиғишдаги солиқ маъмурчилигининг такомиллашуви, хусусан, жисмоний шахсларга улар томонидан чакана савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш объектларида амалга оширилган харид суммасининг 1 фоизи миқдоридаги тўловлар ("кеш-бэк") қўшилган қиймат солиғини жорий тушумлари ҳисобидан амалга ошириш кутилмоқда.

2022 йил 22 август куни Шавкат Мирзиёев иккинчи маротаба тадбиркорлар билан очиқ мулоқотда уларни қўллаб-қувватлаш юза-



2-расм. 2023 йил 1 январдан пасайтириладиган солиқ ставкалари [5]

сидан 5 та йўналиш бўйича ташаббусларни билдириб ўтган эди. Ушбу очиқ мулоқотда корхоналарни тоифаларга ажратиб, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашувни белгилаш, корхоналар йиллик айланмаси бўйича:


1 миллиард сўмгача бўлгани – микро бизнес;

10 миллиард сўмгача бўлгани – кичик бизнес;

100 миллиард сўмгача бўлганини – ўрта бизнес тоифаларга ажратиш билдирилган эди [6].

Юқорида билдирилган таклифларни хорижий мамлакатларда ҳам микро, кичик ва ўрта бизнесни аниқлашнинг бир қанча мезонлари мавжуд бўлиб, турли давлатларда турлича ёндашувлар билан таққослаш мумкин. Хусусан, Германия, Бельгия, Великобритания, Нидерландия, Португалия каби давлатларда уларни ҳажми, активлар ҳажми ва айланма ҳажми (фойда, даромад) кабилар киради.

Ходимлар сони кўплаб мамлакатларда кичик ва ўрта бизнесни фарқлашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Бироқ кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиш даражасидаги фарқлар туфайли ходимлар сонининг турли чегаралари белгиланади. Масалан, АҚШда кичик бизнесга 20 дан 100 кишигача бўлган корхоналар киради, ўрта бизнес – 101 дан 500 кишигача, Европа Иттифоқи мамлакатларида 10-49 кишига эга бўлган корхоналар – кичик бизнес, 50-249 киши – ўрта бизнес корхонаси сафига киради. Шунингдек, микро, кичик ва ўрта бизнесни аниқлашда Европа Комиссияси томонидан таклиф этилган мезонга кўра, йиллик товар айланмаси ҳажми ёки йиллик жами баланси кўрсаткичи ходимлар сони билан бирга қўлланилади (3-расм).



3-расм. Микро, кичик ва ўрта бизнесни аниқлаш бўйича Европа Комиссияси томонидан таклиф этилган мезонлар [7]

аниқлаш мезони сифатида йиллик айланма ҳажми олинса, Италия ва Ирландияда ушбу мезон сифатида мулк қиймати олинади [6]. Корхоналарни тоифаларга ажратишда Жаҳон банки ва Европа Иттифоқи томонидан тавсия этилган элликдан ортиқ мезонлар мавжуд бўлиб, турли мамлакатлар ривожланиш даражаси ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги сиёсатидан келиб чиқиб ушбу мезонларни белгилайди. Улар ичида энг кўп учрайдиганлари миқдорий мезонлар сифатида ишчи кучи миқдори, устав капитал


Бундан ташқари, кўплаб мамлакатлар кичик ва ўрта бизнесдаги ходимлар сонининг чегаравий қийматларини белгилашда корхонанинг фаолият турини ҳам ҳисобга оладилар. Яна бир умумий мезон устав капитали бўлиб, унинг ҳажми ва тузилишини таҳлил қилиш кичик ва ўрта бизнесни янада аниқ фарқлаш имконини беради. Шундай қилиб, Австрияда мулкдорларнинг улуши кичик ва ўрта бизнесга нисбатан 25 фоиздан ошмаслиги керак. Бундай мезонни қўллаш мустақил бўлмаган ва қарам бўлган субъектларни

(шўъба ёки давлат корхоналари) кичик ва ўрта бизнесдан чиқариб ташлаш имконини беради [8].

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда туман ва шаҳар тоифасидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари, субсидиялар ва уларни қўллаб-қувватлашнинг **биринчи йўналиши сифатида,** 2022 йил 30 декабрда "Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 287-сонли Президент Фармонидан келиб чиқиб, уларга нисбатан белгиланган алоҳида солиқнинг режими белгиланишидан бошланган.

Тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар солиқ солишнинг табақалаштирилган тартиби жорий этилди. Ушбу солиқ имтиёзлари асосан 4 ва 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектларига берилган бўлиб, шароити оғир бўлган 5-тоифага кирувчи 20 та туман учун давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида: "Энди тоифага қараб, туманларнинг иқтисодий ривожланишини белгилаймиз. Тадбиркорлар учун субсидия, кредитлар ва компенсациялар тоифалардан келиб чиқиб ажратилади. Улар учун солиқ ставкалари ҳар хил бўлади", деб таъкидланди. Шундан келиб чиққан ҳолда 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлар (йирик солиқ тўловчилар, доимий муассаса, бюджет ташкилоти ва давлат корхонаси, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар бундан мустасно) фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ ва ижтимоий солиқни, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини мазкур солиқлар бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдоридаги солиқ ставкалари бўйича тўланиши белгиланди ҳамда шу туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган ЯТТлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини тўлашдан озод қилинди.

Шунингдек, 4-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари (йирик солиқ тўловчилар, доимий муассаса, бюджет ташкилоти ва давлат корхонаси, устав жамғармаси капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар бундан мустасно) учун айланмадан олинадиган солиқнинг базавий солиқ ставкаси 3 фоиз этиб белгиланди [9].



4-расм. Кичик ва ўрта бизнес учун айланмадан олинадиган солиқ тўловчиларга қатъий белгиланган суммада солиқ тўлаш механизми


Иккинчи йўналиш сифатида, кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун 2023 йил 1 январдан пасайтириладиган солиқ ставкалари айланмадан олинадиган солиқни унификация қилиш орқали амалдаги 14 та фаолият тури бўйича 4 дан 25 фоизгача ставкалар ягона 4 фоизлик ставкага унификация қилинди.

Айланмадан олинадиган солиқ тўловчиларга товар айланмаси 500 млн сўмгача бўлганда, йилига 20 млн сўм (ҳар ойда 1,6 млн сўм), 500 млн сўмдан юқори бўлганда 30 млн сўм (ҳар ойда 2,5 млн сўм) миқдорида қатъий белгиланган солиқни ҳар ойда тенг улушларда тўлашни танлаш ҳуқуқи берилмоқда. Ушбу солиқ тўловчилар учун асос бўладиган сабаб қатъий белгиланган суммадаги солиқ тўловчиси бухгалтерия ҳисобини мажбурий юритиш ва айрим ҳисоботларни топшириш ҳамда соф фойдадан тўланган дивиденд солиғини тўлашдан озод этилади.

фойда солиғи ставкасини 2 бараварга пасайтириш белгиланди.

Ушбу ҳолатда пасайтирилган ставка ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва акциз солиғи тўловчиларига, шунингдек, тадбиркорлик субъектини тугатиш ёки икки ва ундан ортиқ тадбиркорлар ўртасида даромадларни ажратиш (бўлиш) ҳолатлари аниқланганда татбиқ қилинмаслиги белгиланди.

Шунингдек, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кенгайтириш, экспорт қилувчи ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ҳатто, рақобатбардош экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилишини рағбатлантириш мақсадида товарларни (хизматларни) экспорт қилишдан олинган даромадлар умумий даромаднинг 15 фоизидан кўпроғини ташкил этса, фойда солиғидан озод этилган [10].



5-расм. Микро, кичик ва ўрта бизнесни аниқлаш мезонлари

Учинчи йўналиш сифатида, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида, товар айланмаси 1 млрд сўмдан ошган кичик бизнес тоифасига кирувчи тадбиркорлар учун 1 йил давомида фойда солиғи ставкасини 2 бараварга пасайтиришга ҳақли. Бунда 1 млрд сўмдан ошган кичик бизнес тоифасига кирувчи тадбиркорлар 1 йил давомида солиқ базасини жами даромаднинг 25 фоизи миқдорида соддалаштирилган тартибда аниқлашга ҳам ҳақли.

Кичик бизнесдан ўрта бизнес тоифасига ўтган тадбиркорлар учун 2 йил давомида

Экспорт қилувчи ташкилотларни давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш мақсадида экспорт қилишдан олинган даромадлар ҳажмининг улушидан қатъи назар 2023 йил 1 январдан экспорт қилинган товарлар (хизматлар) қисмига нисбатан фойда солиғи ва айланмадан олинадиган солиқ солинмаслиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 20 август куни мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқотида билдирилган таклиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, солиқ тўловчининг мурожаати асосида солиқ органлари зиммасига солиқ ҳисоботини автоматик равишда шакллантириш хизматини кўрсатиш мажбуриятини юклатиш белгиланди.

Юқорида белгиланган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ ва бошқа соҳаларда берилган тартиб-тамойилларни енгиллаштириш, мамлакатимиз тараққиётига катта ҳисса қўшади деб ўйлаймиз.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–812-сонли Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь.

3. Комилов М. М. Қўшилган қиймат солиғи маъмурчилигини такомиллаштириш – бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш омилидир // Иқтисодиётда инновациялар – Инновации в экономике – Innovations in economy. № 5|2020.

4. Турабов У. Республикамизда тадбиркорларга берилаётган солиқ имтиёзлари маъмуриятчилигини такомиллаштириш // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2022. – Т. 10. № 6. – 409-417 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли Қонуни.

6. Гурьянов П.А. Критерии определения размеров малого и среднего бизнеса / П.А. Гурьянов // Экономика, предпринимательство и право. – 2014. № 10. – С. 3-12.

7. User guide to the SME Definition. Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2020, pp. 11.

8. Конищева Д.В. Критерии определения малого и среднего бизнеса в России и за рубежом / Д.В. Конищева // Молодой учёный. – 2018. № 9. – С. 83-86.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–287-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5587-сонли Фармони.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ УПРАВЛЕНЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РУКОВОДИТЕЛЯ



Анвар ЮЛДАШЕВ,
профессор кафедры “ИКТ в управлении” Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан, доктор исторических наук



Аброр ИБРАГИМОВ,
старший преподаватель магистратуры Академии МВД Республики Узбекистан, полковник в отставке

Аннотация: *статья посвящена изучению педагогических аспектов управленческой деятельности, в ней раскрываются педагогические факторы в деятельности руководителя, влияющие на эффективность управленческого процесса. Приведенные в статье рекомендации педагогики позволили продемонстрировать их на основе таких составляющих успешного руководства, как единство слова и дела, разъяснение перспектив, наглядность и доходчивость, систематическое повышение требований, влияние эмоций, ориентация на передовое.*

Ключевые слова: *руководитель, государственное управление, управленческая деятельность, эффективность деятельности, педагогические аспекты, наглядность, доходчивость, требовательность.*

Раҳбарнинг бошқарув фаолиятида педагогик жиҳатлар

Анвар Юлдашев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси “Бошқарувда АКТ” кафедраси профессори, тарих фанлари доктори,
Аброр Ибрагимов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академия магистратураси катта ўқитувчиси, истеъфодаги полковник

Аннотация: *мақола бошқарув фаолиятининг педагогик жиҳатларини ўрганишга қаратилган бўлиб, у раҳбар фаолиятидаги бошқарув жараёнининг самарадорлигига таъсир қилувчи педагогик омилларни очиб беради. Мақолада келтирилган педагогиканинг тавсиялари уларни сўз ва ишнинг бирлиги, истиқболларни аниқлаштириш каби муваффақиятли етакчиликнинг таркибий қисмлари асосида кўрсатишга имкон берди.*

Калит сўзлар: *раҳбар, давлат бошқаруви, бошқарув фаолияти, ишлаш самарадорлиги, педагогик жиҳатлар, кўриниш, тушунарлилик, талабчанлик.*

Pedagogical aspects in the management activity of the leader

Anvar Yuldashev,
Professor Department of ICT of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan, DSc (in History), Professor,
Abror Ibragimov,
Senior teacher of the Master’s of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, retired colonel

Abstract: *the article is aimed at studying the pedagogical aspects of management activity, it reveals the pedagogical factors that affect the effectiveness of the management process in the leader’s activity. The recommendations of the pedagogy presented in the article allowed us to show them on the basis of the components of successful leadership, such as unity of words and actions, clarification of perspectives.*

Keywords: *leader, public administration, management activity, work efficiency, pedagogical aspects, visibility, comprehensibility, exactingness.*

Несмотря на то, что история управления исчисляется тысячелетиями, только на исходе прошлого века стали проводиться систематические научные исследования этой области. Как наука управление сформировалось к концу XIX-началу XX века. Первой школой научного менеджмента принято считать школу управления при Пенсильванском университете, открытую в 1881 году. В этом же году американцем Дж. Уортоном был разработан один из первых учебных курсов по управлению. Однако основоположником науки об управлении чаще всего называют Фредерика У. Тейлора (1856–1915), который определил основные принципы научного управления, признанные современным научным сообществом.

"Умение профессионально руководить организациями, персоналом, трудовыми коллективами, эффективно строить свои взаимоотношения с подчиненными, начальниками, другими сотрудниками организации или даже просто чувствовать себя в ней комфортно требует определенного набора знаний, практических навыков и умений". При этом необходимо учитывать, что основу каждой организации составляют люди, представляя собой весьма важные объекты управленческой деятельности. Соответственно, свои особенности, которые необходимо учитывать руководителю, есть у каждого трудового коллектива, каждого человека, работающего в любой организации.

Без постоянного внимания, без проведения в контакте с общественными организациями (профсоюзом, молодежными, женскими организациями и т.д.) учебной и воспитательной работы невозможно добиться нормального отношения к труду и правильной оценки достигнутых ими результатов. Успешно работающие руководители постоянно подчеркивают сложную диалектическую связь между условиями труда и быта подчиненных, воспитательной работой в трудовых коллективах и достигнутыми результатами.

Характеризуя успешный стиль работы руководителя, большинство ученых и специалистов управленческой деятельности ставят работу с людьми на первое место. Это связано с тем, что управление любой организацией есть прежде всего руководство коллективом людей при выполнении ими поставленных задач. В этом контексте российский ученый Д.В.Родионов считает, что "важную роль играет создание работникам нормальных условий труда и быта…". В то же время, практический опыт многих руководителей, с которыми беседовал автор показывает, что даже создание наилучших условий труда и быта (как в производственном коллективе, так и в других организациях) автоматически не приводит к улучшению эффективности труда. Они признают, что улучшение условий труда и быта, которые они считали значительными, не всегда так же оценивались коллективом, тогда как "едва заметные изменения" встречались подчас с огромным энтузиазмом и существенно повышали активность. В данном случае отчетливо проявляется уровень общественной сознательности и вытекающие из него (иногда крайне противоречивые) ожидания и надежды работников.

Без постоянного внимания, без проведения в контакте с общественными организациями (профсоюзом, молодежными, женскими организациями и т.д.) учебной и воспитательной работы невозможно добиться нормального отношения к труду и правильной оценки достигнутых ими результатов. Успешно работающие руководители постоянно подчеркивают сложную диалектическую связь между условиями труда и быта подчиненных, воспитательной работой в трудовых коллективах и достигнутыми результатами. Сегодня трудно встретить руководителя, который не осознал бы важности того, что управленческая деятельность всегда содержит в себе "известный элемент педагогики". Поэтому следует приветствовать тот факт, что в последние годы в исследованиях все чаще обращаются к педагогическим и психологическим аспектам управленческой деятельности. В качестве примера можно привести работы А.Н. Хижняка "Основы эффективного менеджмента", В.М.Масловой "Управление персоналом", А.Г.Каспржака "Лидерский потенциал и управленческий опыт современного директора школы", А.А.Севрюковой "Повышение эффективности управления персоналом путем развития лидерских качеств руководителя", Т.А.Удаловой "Организация самоменеджмента педагога допол-

нительного образования", С.Т.Хасановой "Школьный менеджмент, ориентированный на конечный креативный результат" и др.

Так, в частности, в учебном пособии А.Н. Хижняка "Основы эффективного менеджмента" изложены основные проблемы управления как комплексной деятельности с точки зрения различных теоретических концепций и современного состояния экономических систем. Раскрываются этапы становления и значимость формулирования целей управления, основные его функции и методы, их содержание и место в системе управления, а также современные направления развития педагогических концепций управления.

В учебнике В.М.Масловой рассмотрены педагогические аспекты управления персоналом, система управления персоналом, стратегическое управление персоналом, процесс подбора, отбора и введения в должность работников, управление мотивацией и стимулированием трудового поведения, управление развитием персонала; формирование и продвижение корпоративной куль-

На основании мнений вышеотмеченных авторов, а также практического опыта успешных руководителей представляется целесообразным остановиться на некоторых положениях педагогики, имеющих важное значение для управленческой деятельности, которые ориентируют руководителя на то, чтобы он:

- проводил в жизнь в своей работе и деятельности коллектива подчеркиваемый в руководящих документах принцип единства слова и дела;
- разъяснял своим сотрудникам перспективы, а также их возможности в осуществлении долгосрочных целей и на этой основе предлагал напряженные, но вместе с тем выполнимые задачи;
- знакомил подчиненных в ясной и наглядной форме с целями и задачами предполагаемой деятельности;
- формулировал цели и задачи вместе с коллективом, с тем чтобы он сознательно и систематически повышал предъявляемые к себе требования;
- в воспитательной работе и при постановке задач, а также в процессе контроля за их решением учитывал индивидуальные особенности каждого сотрудника;
- ориентировал всех сотрудников на рациональную деятельность, принимал во внимание их вероятную реакцию на полученные задания и методы стимулирования;
- на всех этапах взаимодействия с коллективом, прежде всего, ориентировал их внимание на положительные примеры.

Приведенные выше рекомендации педагогики, опирающиеся на теоретические положения и практический опыт управления, позволяют продемонстрировать их на основе составляющих аспектов успешного руководства.

туры в организации; методы оценки результативности персонала организации; связи с общественностью в управлении персоналом; кадровое делопроизводство в организации; оценка результатов работы по управлению персоналом.

В книге С.И.Самыгина "Социология и психология управления" раскрывается взаимосвязь педагогических и психологических факторов, влияющих на управленческий процесс в организации, а также практические методы и приемы по его осуществлению. Написанное на общеметодологической основе пособие позволяет овладеть основными практическими навыками, необходимыми в управленческой деятельности.

О единстве слова и дела

В педагогическом и профессиональном аспектах роль руководителя как воспитателя и образца для подражания с профессиональной точки зрения проявляется особенно наглядно. Принцип единства слова и дела руководитель всегда должен связывать с жизнью. О социальном долге, трудовой дисциплине, товарищеских отношениях в коллективе и о многом другом руководитель лишь тогда может говорить убедительно, когда он сам действует в соответствии с этим и другими принципами. В том, как и насколько руководитель проводит в жизнь принцип единства слова и дела, и состоит существенная основа его личного примера. Руководитель становится образцом для подражания, прежде всего, тогда, когда лично демонстрирует своим поведением соответствие требованиям, предъявляемым к личности в этом обществе. Такую личность характеризуют прежде всего:

разносторонняя научно обоснованная подготовка, глубокие знания и творческое отношение к труду;

осознание высокой ответственности, которую руководитель несет в качестве уполномоченного или организатора в вверенном коллективе.

Этим требованиям руководитель будет соответствовать тем полнее, чем крепче он опирается на коллектив. Вместе с тем, руководитель должен правильно направлять развитие своего коллектива, используя для этого не только личный пример, но и тщательно взвешенное слово, сказанное вовремя и к месту.

Опыт управления учит, что для этого необходимы последовательность и настойчивость. Последовательность проявляется и в словах руководителя, призванных обеспечить надежный ориентир действий подчиненных и их новых свершений.

О разъяснении перспектив

В учебно-воспитательной работе разъяснение более или менее отдаленных перспектив, а также и более конкретных частных целей важно не только для того, чтобы сотрудники лучше поняли вытекающие из них задачи. Гораздо важнее то, что они могут при этом полностью посвятить свою деятельность решению этих задач, быстрее и качественнее их выполнить. Вместе с тем, знание перспективы усиливает чувство ответственности каждого работника перед коллективом, заставляет задуматься о том вкладе, который может и должен внести каждый для достижения общих целей, для выполнения поставленных перед ним задач. Все это вместе взятое оказывает положительное влияние и на учебно-воспитательную работу.

О наглядности и доходчивости

Наглядное и доходчивое изложение руководителем целей, задач и результатов труда предъявляет высокие требования к стилю его работы. Руководитель, формулируя перед коллективом новые и сложные задачи, может говорить о них ясно и убедительно лишь тогда, когда он предварительно глубоко проработал и понял соответствующую проблему, убежден в ее осуществимости и, следовательно, способен ставить сложные, но вместе с тем и реальные цели. Руководителю следует знать уровень образования и квалификационной подготовки той группы сотрудников, в которой он предполагает обсудить тот или иной вопрос, а также степень знакомства с ним этой группы. При обсуждении сложных, окончательно не оформленных замыслов важно знать, сталкивались ли ранее сотрудники с подобными проблемами и как их решали. Наконец, руководителю необходимо знать, будут ли приведенные им аргументы восприняты с интересом или же вначале потребуется преодолеть некоторое безразличное отношение аудитории к вопросу. Все это вместе взятое оказывает существенное влияние на характер аргументации руководителя, ее глубину и диапазон, а также на

применение средств оргтехники (например компьютеры, проекторы, схемы и т. д.), с тем чтобы не только добиться взаимопонимания, но и заинтересовать аудиторию, повысить ее активность.

О систематическом повышении требований

Выше было подчеркнуто, что руководителю необходимо знать, каков уровень образования данной группы сотрудников, насколько они могут быть заинтересованы в обсуждаемой проблеме и ее решении, поскольку это влияет на выбор средств и методов, помогающих руководителю повысить ясность и убедительность своих аргументов. Конечно, это не означает, что руководитель должен успокаиваться на достигнутом. Цели и задачи он должен формулировать и разъяснять так, чтобы заинтересовать трудящихся в дальнейшем росте своей квалификации. Вместе с тем, в ближайшем будущем требования к уровню образования и подготовки работников будут определяться все в большей степени характером автоматизации и информатизации процесса, ибо работники ясно понимают тесную связь между требованиями к их квалификации и конкретными производственными задачами. При этом следует иметь в виду, что излишне высокие требования к уровню образования и профессиональной подготовки сотрудников могут вызвать их отрицательную реакцию и спад активности. Формулируя такие требования, их следует тщательно взвешивать, продумывать и лишь затем осуществлять.

Об учете индивидуальных особенностей

Рассмотренные до сих пор аспекты педагогически правильного поведения руководителя позволили в большинстве случаев выявить необходимость индивидуального подхода к каждому работнику коллектива. Никогда не следует подходить к членам коллектива шаблонно, хотя руководитель должен ориентироваться на то, чтобы отдельные члены коллектива не претендовали на особые права при общении с руководством. Руководитель обязан постоянно работать над тем, чтобы вникнуть в суть, понять различные точки зрения, убеждения и интересы трудящихся, с тем чтобы стимулировать все новое и положительное, борясь с пережитками прошлого. Руководитель достигнет больших успехов в этом деле, если при выборе средств и методов воспитательного характера он постоянно будет учитывать индивидуальные особенности отдельных членов коллектива. Особое внимание руководителю следует обращать на наиболее часто встречающиеся, многократно повторяющиеся, типичные случаи поведения.

Для большинства коллективов в целом характерно сознательное отношение к труду. При этом не исключено, что отдельные их члены могут допускать ошибки, например, нарушать трудовую дисциплину или же проявлять эгоизм. Опыт передовых руководителей подтверждает, что подобного рода ошибки следует своевременно выявлять и устранять с помощью имеющихся рычагов.

О влиянии эмоций

В данном случае речь пойдет об одном специфическом аспекте рассмотренных выше индивидуальных особенностей. Мы выделяем особо этот аспект потому, что руководители постоянно подчеркивают, насколько важно целиком сосредоточить свое внимание на выполнении поставленных задач. Это, как свидетельствует практика, не сводится только к понимаю задач и их рациональному решению. Лишь тогда, когда удается воодушевить коллектив на достижение поставленных целей и задач, укрепить его веру в свои силы, ориентировать его на достижение наилучших результатов, принципиальное отношение к общему делу, можно рассчитывать на полный успех. И наконец, такое отношение к общему делу выходит далеко за пределы трудового коллектива. Во всех ситуациях и при решении любой проблемы руководители считают необходимым иметь “холодную голову и горячее сердце”.

Об ориентации на передовое

Ориентация на передовое, положительное важна для руководителей и их коллективов прежде всего в двух отношениях. С одной стороны, существует связь между удовлетворенностью трудом и увлеченностью достижением поставленных целей и задач. При правильной педагогической работе удовлетворенности и увлеченности способствуют как доверие, оказываемое вышестоящими органами руководителю и коллективу, так и ответственность, связанная с выполнением заданий этих органов.

С другой стороны, ориентация па передовое означает, что удовлетворенность от хорошо выполненного задания не должна носить кратковременный характер и выдающиеся трудовые достижения должны быть отмечены по достоинству. Умением правильно применять методы и формы поощрения, оказания почестей должен овладеть каждый руководитель.

Все большее значение для различных коллективов и за их пределами приобретают слова признания и похвалы по мере роста их авторитета. Возрастает и стимулирующее воздействие оказываемых почестей. Конечно, материальное стимулирование по-прежнему сохраняет свое мобилизующее воздействие, однако опыт свидетельствует, что, применяя в должном соотношении различные формы такого стимулирования, можно добиваться все более высоких результатов.

Резюмируя, можно подчеркнуть, что руководителю следует учитывать довольно широкий диапазон видов и форм поведения, если он намерен ориентировать себя и коллектив на передовое. Этот диапазон простирается от постановки вселяющих уверенность в их достижение целей и задач до удовлетворенности достигнутыми результатами и включает педагогически верное использование моральных и материальных стимулов.

О роли достижений

Ориентация на передовое означает, что руководителю необходимо сделать все от него зависящее для достижения намеченных результатов. Это связано с весьма важным педагогическим аспектом управления, ибо достижения, в конечном счете, могут иметь место лишь тогда, когда, наряду с необходимыми материально-техническими и экономическими предпосылками, существуют также готовность, стремление и способность трудящихся к достижению высоких производственных результатов. Именно эти качества в значительной мере воспитываются и стимулируются руководителем. Стремление к высоким производственным результатам следует стимулировать уже на стадии определения целей и задач. В этом случае подобные качества при достижении успехов будут закрепляться и развиваться. Сплоченный коллектив найдет в себе достаточно сил, чтобы преодолеть временные трудности. В таких ситуациях руководитель должен стремиться создать все условия, обеспечивающие выполнение плана, что также требует определенных педагогических навыков.

При обсуждении рационального поведения руководителя часто затрагивают проблему авторитета руководителя. Проблема авторитета имеет два аспекта. **Во-первых,** авторитет руководителя связан с условиями воспроизводства и производственными отношениями. В силу этого он носит объективный характер. Выполняя функции управления, руководитель наделяется соответствующими правами и обязанностями. Принцип единоначалия требует от руководителя принятия единоличных решений после их предварительного коллективного обсуждения, назначения ответственных за их исполнение и осуществления контроля за их реализацией.

Во-вторых, авторитет руководителя зависит от его личностных качеств, черт характера и манеры поведения. Этот аспект характеризует субъективную сторону авторитета руководителя. Практика подтверждает, что субъективная сторона авторитета особенно важна при выполнении сложных производственных задач, для формирования личности и коллектива, поскольку руководитель должен на личном примере показать свое умение со знанием вести дело. Завоеванный авторитет необходимо поддерживать. Его сохранение может потребовать от руководителя полной отдачи сил.

Авторитет легче потерять, чем заслужить. Его можно потерять или подорвать из-за недостаточно внимательного отношения к подчиненным и, прежде всего, из-за ошибок педагогического характера. Опытные руководители всегда отмечают тесную связь между авторитетом, стилем работы и ее методами.

Теория и практика управленческой деятельности подтверждают принципиальное единство трех наиболее важных групп методов работы руководителя:

экономических;
организационных (организационно-административных);
воспитательных (особенно педагогических).

С учетом вышеизложенных аспектов управленческой деятельности, в современных условиях руководителю необходимо применять требуемый стиль работы, правильно сочетая экономические, организационно-административные и воспитательные методы. Таким образом, в стиле работы руководителя прочное место должны занять педагогические методы управления.

Источники и литература:

1. Севрук В.П. Педагогические аспекты управления работниками в современной организации. Дис. ... канд. пед. наук: 13.00.08: Омск, 2002, 200 с. РГБ ОД, 61:03-13/119-9.
2. Радионов Д. В. Способы мотивации сотрудников органов внутренних дел Российской Федерации / Д.В. Радионов // Академическая мысль. – 2019. № 2(7). – С. 146-149.
3. Хижняк А.Н. Основы эффективного менеджмента. Учебное пособие./ Хижняк А.Н., Светлов И.Е. – М.: ИНФРА-М, 2015. – С. 320.
4. Маслова В.М. Управление персоналом. Учебник /Маслова В.М. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2013. – С. 492.
5. Самыгин СИ. Социология и психология управления : учебное пособие для слушателей системы / СИ. Самыгин, Г.И. Колесникова, СН. Епифанцев. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 254.
6. Каспржак А.Г. Лидерский потенциал и управленческий опыт современного директора школы, // Управление образованием. 2015. № 4. – С. 30-42.
7. Севрюкова А.А. Повышение эффективности управления персоналом путем развития лидерских качеств руководителя // Научное обеспечение системы повышения квалификации кадров: научно-теоретический журнал. 2015. № 1. – С. 67-73.
8. Удалова Т.А. Организация самоменеджмента педагога дополнительного образования//Дополнительное образование и воспитание. 2016. № 2. – С. 7-9.
9. Хасанова С.Т. Школьный менеджмент, ориентированный на конечный креативный результат// Одаренный ребенок. 2015. № 3. – С. 38-54.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ИСЛОҲОТИ ТАЪЛИМОТИ: ЖАДИДЧИЛАРНИНГ МУШТАРАК МАҚСАДЛАРИ ТАҲЛИЛИДА



Мансур ЮНУСОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)



Маъруфжон ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Матбуот котиби

Аннотация: *мазкур мақолада жадидлар ҳаракатининг давлат бошқарувида амалга оширган ташаббуслари, улус мактаблари, ёш кадрларни хорижий давлатларда ўқитиш масалалари, жадидчилар ҳаракати томонидан нашр этилган матбуот орқали кенг тарғиб этиш ва мамлакатни тараққий эттиришда қўшган ҳиссалари, ўша даврда ҳам жамоатчилик билан алоқаларни шакллантиришда матбуотнинг ўрни беқиёслиги тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар: *жадид, маърифат, ислоҳот, таълимот, адабиёт, нашр, улус мактаблари.*

Учение реформ государственного управления: в анализе общих целей джадидов

Мансур Юнусов,
заведующий кафедрой Академии государственного управления, PhD,
Маъруфжон Жумаев,
Пресс-секретарь Академии государственного управления

Аннотация: *в данной статье рассматриваются инициативы, осуществляемые джадидским движением в государственном управлении, народных школах, вопросы подготовки молодых кадров в зарубежные страны, широкая пропаганда и вклад джадидского движения в развитие страны через прессу, издаваемую джадидами, исследовано джадидское движение и несравнимая роль прессы в формировании отношений с общественностью того времени.*

Ключевые слова: *джадид, реформа, учение, просвещение, публикация, национальные школы.*

Doctrine of public administration reform: analysis of the common goals of Jadids

Mansur Yunusov,
Head of the Department of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan, PhD (in Philology),
Ma'rufjon Jumayev,
Press Secretary of the Academy of Public Administration

Annotation: *in this article, the Jadid movement's initiatives in public administration, public schools, the issues of training young personnel in foreign countries, the wide promotion and contribution of the Jadid movement to the development of the country through the press published by the Jadid movement, and the incomparable role of the press in the formation of relations with the public at that time have been researched.*

Keywords: *jadid, enlightenment, reform, doctrine, literature, publication, public schools.*

“Озодлик, тенглик ва адолат” шиори остида ҳаракат олиб борган бу буюк сиймоларимизнинг ўзбек давлатчилиги, давлат бошқаруви, биринчи ўзбек қомусига асос солганлиги, таълим ва маданият борасидаги қилган оламшумул ишлари таҳсинга сазовор.

Тарихдан маълумки, халқимиз озодлиги, ҳақиқат ва адолат йўлида ўз жонини фидо қилган жадидчилик ҳаракати намояндалари, ўзбек миллий қаҳрамонлари: Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдуқодир Шукурий, Саидаҳмад Сиддиқий-Ажзий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллахўжаев (Убайдулла Хўжаев), Тошпўлатбек Норбўтабеков, Фитрат, Файзулла Хўжаев, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Абдулвоҳид Бурҳонов, Садриддин Айний, Абдулқодир Муҳиддинов, Обиджон Маҳмудов, Ҳамза, Чўлпон, Исхоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода, Полвонниёз ҳожи Юсупов, Бобоохун Салимовларнинг Туркистон мустақиллиги учун курашида, асосан, қуйидаги йўналишлар устувор эди:

- янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш;
- қобилиятли ёшларни чет элга ўқишга юбориш;
- турли маърифий жамиятлар ва театр труппалари тузиш;
- газета ва журналлар чоп қилиш;
- халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш.

Улар ўз саъй-ҳаракатлари орқали Туркистонда миллий демократик давлат қуриш каби жамиятни ўзгартириш концепциясини ярата олди. Янги авангард жадидлар адабиёти, янги драматургияга асос солди. Туркистонда биринчи театрни ишга туширди. Таълимнинг янги шакллари ва янги маданиятини яратди. Жадидчилик ҳаракати сиёсий маърифатпарварликдан Жадид тараққийпарварлар фирқаси даражасига кўтарила олди. Бу ҳаракат ҳамда фирқа аъзолари ўз фаолияти ва дастурига кўра, шўро адабиётларида айтилганидек, “бир ҳовуч бойлар манфаатига хизмат қилувчи либерал буржуазия вакиллари” эмас, балки Туркистоннинг барча халқлари тақдирини ўйлаб иш кўрган демократик жараённинг энг саводли, олийжаноб намояндалари эди.

Миллий маърифатпарварларимиз ташаббуси билан 1913 йили “Самарқанд”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Эл байроғи”, “Кенгаш”, “Турон” ва Ойна” сингари газета ва журналлар дунё юзини кўрди. 1917 йилга келиб, Туркистон мухторияти ўрнатилгач, “Ҳуррият”, “Нажот”, “Буюк Туркистон” ва энг муҳими, Саид Азимбоевнинг шарофати билан “Тужжор” газетаси пайдо бўлди. Ўша газета жадидлар учун минбар вазифасини ўтади, ислоҳот борасидаги ғояларини тарғиб қилиш билан янада кўпроқ имкониятлар очиб берди. Умуман олганда, улар сони 15 та бўлиб, улкан мафкуравий кучга эга бўлган. Ушбу матбуотлар орқали халқни онгу тафаккурини бойитиш, миллий озодлик ғоялари асосида турли чиқишларни ташкил эта бошлаганлар [1].

Миллий маърифатпарварларимиз ташаббуси билан 1913 йили “Самарқанд”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Эл байроғи”, “Кенгаш”, “Турон” ва Ойна” сингари газета ва журналлар дунё юзини кўрди. 1917 йилга келиб, Туркистон мухторияти ўрнатилгач, “Ҳуррият”, “Нажот”, “Буюк Туркистон” ва энг муҳими, Саид Азимбоевнинг шарофати билан “Тужжор” газетаси пайдо бўлди. Ўша газета жадидлар учун минбар вазифасини ўтади, ислоҳот борасидаги ғояларини тарғиб қилиш билан янада кўпроқ имкониятлар очиб берди. Умуман олганда, улар сони 15 та бўлиб, улкан мафкуравий кучга эга бўлган.

4 апрель – “Садои Туркистон” газетасининг илк сони нашр қилинган сана

“Садои Туркистон” (“صدای ترکستان”) - “... адабий, иқтисодий, фанний ва маиший туркча жарида”.

“Садои Туркистон” 1914 йил 4 апрелдан Тошкентда чиқарила бошлаган. Ноширн ва муҳаррири Убайдулла Хўжаев бўлиб, газета фаолиятида татарларнинг “Вақт” ва “Шўроъ” газеталаридан ўрнак олиб нашр қилинган.



Газетанинг чоп этилиши ҳақида У.Хўжаевнинг ўзи шундай ёзади:

"... биз туркистонликлар на замонга қараб ҳаракат қилурмиз, на дин ва шариатимизга суянурмиз, на тарихимиздан ибрат олурмиз... Бизим шул қадар ғафлат ва жаҳолатимизни кўра туриб янада сабр ва қаноат ила сукут этмай муқаддас ватанимиз ва меҳрибон онамиз бўлғон Туркистонга кўп оғир келди.

Шул сабабли ул ўзининг дилдан чиққан ҳазин "садоси" ила ўз авлодларининг сўйлаган сўзу чиқорган садоларининг таржимони бўладурлар... деб биз ҳам зиммамизга "Ватан таржумони" киби оғир бир юкни юкламакка жасорат этдик".

Газета ўз фаолиятини 1915 йил 10 апрель 66-сонидан сўнг тўхтатган.

Маҳмудхўжа Беҳбудий Саудия Арабистонига ҳажга борганида Байрут университетини зиёрат қилади. Ҳайратга тушиб, "Эй Худо, буларнинг лабораторияларини қаранглар" деб ёзади. У кимё лабораторияси билан танишади. **"Бу ерда қандай талабалар ва қизлар ўқиётганини қаранг! Ютуқлар ҳам шунча бўладими! Нега бу мусулмон мамлакатида бундай университет бор, биз ҳам мусулмон мамлакатимиз, лекин Туркистонда олий даражадаги бирорта ҳам, ҳа-ҳа, бирорта ҳам таълим муассасаси йўқ?"** – дея Ўзбекистонда ҳам таълимни ривожлантиришга бел боғлаганлар [2].

Шунингдек, Бухорода Валидий бошчилигида Туркистон миллий бирлиги ташкилотини тузишади ва бу истиқлолчилик ҳаракатини жипслаштиришда муҳим роль ўйнайди. Туркистон миллий бирлиги ташкилоти билан Мунавварқори раҳбарлигидаги "Миллий иттиҳод" ташкилоти ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатди. Ҳар икки ташкилотнинг асосий мақсади Бухоро Республикаси, умуман, Туркистон минтақасини советлаштириш ва руслаштириш таъсиридан сақлаб қолиш, Туркистоннинг мустақиллигига эришиш бўлган.

1917 йилда Туркистонда 100 та жадидлар мактаби бўлган ва албатта, улардаги ўқитиш муллалар ва мусулмон руҳонийлари қаршилигига учраб турган. Аввалданоқ бу мактабларга Европадаги мактабларга яқин ва таълимни ривожлантиришга ёрдам беради, деб қаралган, лекин тез орада бундай янги мактаблар омма онгига янгиликлар олиб кираётгани ва ёшларнинг саволлари кўпайиб кетаётгани, жумладан, миллий онг уйғонаётгани фаҳмланган. Ва шундан сўнг навбати билан ёпила бошлаган. Бундай мактаблар жуда кўп нарса бераётган эди. Албатта, аҳоли аста-секин ота/она савод чиқариш учун фарзандини 40 кун ўқитиши кераклигини тушуна бошлади, оддий мактабда эса бола 10 йил ўтиради, мадрасада эса 10-15 йил ўқийди ва фақат Қуръонни ёд олади. Албатта, улар айни мактабларни устувор аҳамият бериши зарур бўлган муассаса деб тушунган, лекин айтиб қўйишим жоизки, жадидлар ҳаракатини кенг миқёсли бўлган дейиш хатодан бошқа нарса эмас, чунки аҳолининг аксарият қисми мусулмон руҳонийлари таъсирида бўлган, жадидлар мактабларида тафаккури ривожланган ва бу мактабларнинг истиқболини тушунган кишилар фарзандлари таълим олган [3]. **Жадидлар мактабларини Европа мактабларига бевосита ўхшаш бўлган, лекин уларда ўша мактабларнинг дастлабки намуналари (прообраз) бор эди. Биринчидан, улар парталар билан жиҳозланган, бу мактаблардаги болалар мусулмон мактабларидаги сингари ерда ўтирмаган ва ўқитувчилар уларнинг боши устида калтак ўйнатиб турмаган. Жадидлар мактабларида китоблар, кейинчалик эса хариталар бўлган.**

Бу ўринда дарсликлар нашр қилишда Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунавварқорининг хизматларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Дастлаб дарсликлар бўлмаган. Улар Россиядан олиб келинган ва татар мактабларига мўлжалланган бўлган. Исмоил Гаспринский бу масалада катта ёрдам кўрсатган. Жадидлар сўнгра ўзи дарсликлар чоп қилишга ўтган. Мунавварқори ва Беҳбудий жуда кўп дарсликлар ёзган. Масалан, "Китоби аввал" ёки математика, адабиёт, география бўйича дарсликларни олайлик. Албатта, улар қайсидир даражада Россия дарсликларидан ўзлаштирилган бўлиши мумкин, лекин шунга қарамай бу жуда катта олға силжиш эди. Жадид мактаблари синфларида глобуслар турган. Бу эски миқёслар билан солиштирганда, бутунлай янги нарса эди ва албатта, ажойиб натижалар берган. Чор ҳукумати ушбу мактабларни дастлаб, яъни ҳали улар ёпилмай туриб, назорат қилишга ўтган, ҳатто ўқувчиларга "Боже, царя храни" ("Худоё, подшони ўзинг асрагин") мадҳиясини ёдлатишга кўрсатма берган.

Рус тили борасида шуни айтмоқчиманки, жадидларнинг кўпчилиги бу тилни яхши билган. Тил концепцияси Беҳбудийнинг “Бир тил эмас, тўрт тил керак” деб номланган мақоласида очиб берилган, унга кўра, Россия империясида яшаётганимиз сабабли, айниқса, рус тилини билишимиз зарур. Биз ҳаракатимиз тактикасини ишлаб чиқиш учун қандай бошқарилаётганимизни тушуниб олишимиз шарт. Жадид мактабларида рус тили ҳам ўқитилган. Улар Европа адабиётига жуда қизиққан.

Ҳатто бунга Фитратнинг “Оила ва оилани бошқариш тартиби” рисоласини ҳам мисол сифатида келтириш мумкин. Албатта, рисола мусулмонлар ҳаёти ва мусулмон оиласи меъёрларини билишга асосланган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, муаллиф рисоласида замонавий кишининг оиласи, эр-хотиннинг фарзандлари билан муносабатлари қандай бўлишига оид Қуръон оятлари ва ҳадисларга таянган. Булар барчаси тараққийпарварлик нуқтаи назаридан кўрсатиб берилган. Лекин бошқа тарафдан, чет элларда чоп қилинган кўплаб нашрлардан, хусусан, Шарл Сейнобоснинг (Charles Seignobos – француз тарихчиси) ишлари ва бошқалардан фойдаланган.

Одамлар онгида ўзига хос ўзгариш ясашнинг уддасидан чиқа билди. Жамиятни ўзгартириш концепциясини ярата олди ва концепция барча масалаларни қамраб олди. Янги авангард жадидлар адабиёти, янги драматургияга асос солди. Туркистонда биринчи театрни ишга туширди. Таълимнинг янги шаклларини яратди. Улар – эҳтимол кичик кўринишда бўлгандир, аммо – бутунлай янги маданият яратди. Одамлар онгида аёлларга нисбатан кичик бўлса-да, ўзгариш ясай билди, чунки асарларида аёлларнинг жамиятни ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

Жадид боболаримиз ҳақида Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев “Ўтган асрнинг бошларида юртпарвар, миллатпарвар боболаримиз “жадидчилик”, яъни янгиланиш ва эркинлик, адолат ва тенглик, илм-маърифат ва миллий ўзликни англаш ғояларини байроқ қилиб, кураш майдонига мардона чиққанларини барчамиз яхши биламиз. Бу улуғ зотларнинг мақсади – жаҳолат ва қолоқлик гирдобида қолиб келаётган Туркистон халқини дунёвий илм-фан, илғор касб-ҳунарлар билан қуроллантириб, умумбашарий ривожланиш йўлига олиб чиқишдан иборат эди. Жадидлар томонидан ташкил этилган янги усулдаги мактаблар, театр, кутубхона ва музейлар, газета ва журналлар, Туркистон фарзандларини чет элларга ўқишга юбориш мақсадида тузилган хайрия жамиятлари халқимизни неча асрлик ғафлат уйқусидан уйғотди, миллий озодлик ҳаракати учун беқиёс куч берди. Афсуски, юртимизда большевиклар диктатураси ўрнатилгани, чор мустамлакачилик сиёсати янгича шаклда давом эттирилгани маърифатпарвар боболаримизга ўз мақсад-муддаоларини тўлиқ амалга ошириш имконини бермади. Лекин уларнинг эзгу орзу-ниятлари халқимизнинг қон-қонида, тарихий хотирасида сақланиб қолди ва ҳануз яшамоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз” – дея таъкидлаган. Юртбошимиз 2022 йил Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида ҳам маърифатпарвар жадид боболаримизнинг **“Нажот-таълимда, нажот-тарбияда, нажот-билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия билан эришилади”** деб таълим ва тарбияга катта эътибор қаратди. 2023 йилга – “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб ном берилди [4].

Жадид матбуоти ўз вакилларининг фикрларини эълон қилар экан, халқни “ҳар вақт ғафлат уйқусидан уйғотувчи”, “миллат онгининг очқичи” эканлигини намоён этиш билан бирга Туркистон халқини ҳур фикрлашга ва катта сиёсий курашга ҳозирлай олди. Мунаввархори Абдурашидхонов таъкидлаганидек, “Уларнинг бутун умиди инқилоб жараёнида маҳаллий аҳолини миллий, диний чеклаш ва жабрлашдан озод қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини оврупоиклар билан тенглаштириш, хилма-хил мактаб ва матбуот ишлари ҳамда турли-туман жамиятлар ташкил этишга кенг имконият яратиб беришга қаратилган эди”. Туркистон миллий маърифатпарварлари ёшларни хорижий давлатларга ўқитиш, тажрибалар алмашиш, халқни саводли қилиш ва ҳам тарихан, ҳам маънан озодлигига эришиш, миллий уйғониш, миллатнинг ўзлигини англаш жараёни фан, таълим ва маънавиятни кучайтириш орқали астойдил кураш олиб борганлар [5].

Одамлар онгида ўзига хос ўзгариш ясашнинг уддасидан чиқа билди. Жамиятни ўзгартириш концепциясини ярата олди ва концепция барча масалаларни қамраб олди. Янги авангард жадидлар адабиёти, янги драматургияга асос солди. Туркистонда биринчи театрни ишга туширди. Таълимнинг янги шаклларини яратди. Улар – эҳтимол кичик кўринишда бўлгандир, аммо – бутунлай янги маданият яратди. Одамлар онгида аёллар қадри ва ўрни масаласида нисбатан кичик бўлса-да, ўзгариш ясай билди, чунки асарларида хотин-қизларнинг жамиятни ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

Бугунги кунда Давлат бошқаруви академиясида таълим олаётган раҳбар кадрларга бошқарувнинг илғор замонавий усулларини ўргатиш, миллий маърифатпарварларимизни англаш ва уларнинг давлат бошқаруви тизимида олиб борган миллий ғоялари, жасорати ва ватанпарварлик туйғуларини ибрат сифатида ўрганиш каби кўникмалар ўқув-машғулотлар жараёнида ўқитиб борилмоқда. Биргина Чўлпоннинг “Халқ денгиздир, халқ кучдир” деган пурмаъно сўзи замирида бугун халқ билан мулоқот, халқдан куч олиш ва халқ ичига кириб бориш каби раҳбар кадрларга қўйилаётган одилона талаблар инсон қадрини янада оширишга хизмат қилади. Пойтахтимизнинг марказида Абдулла Қодирий мактабининг очилиши ҳам ўзбекнинг миллий озодлиги учун курашган боболаримизга муносиб авлодларни камол топтиришга хизмат қилади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. 1-китоб. – Т.: “O‘zbekiston”, 2021. – 471-б.
2. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидоийлик. – Т.: Маънавият, 2002.
3. Ғаффаров Ш. Истибдод даврида Туркистондаги таълим тизими. – Самарқанд: СамДУ нашр, 2000.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь.
5. Ҳожи Муин. Оила тарбияси. // “Меҳнаткашлар товуши” газетаси, 1918 йил 9 июль.
6. Муаллифлар. мух. Алимова Д.А. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Т.: “Университет”, 1999, 44-б.
7. Назаров Қ. Ўзбек фалсафаси. – Т.: “O‘zbekiston”, 2013. – 201-б.

ЁШЛАРНИ ТУРЛИ ТАҲДИДЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА

ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ



Хуршид ЭШОВ,
Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги масъул ходими



Ҳуррият ЭШОВА,
“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети декан ўринбосари

Аннотация: *ҳар бир давлатда фуқаролик жамиятини қуриш бевосита унинг маънавий негизлари билан узвий боғлиқ. Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий ва ижтимоий омиллар асос бўлади. Ушбу мақолада ёшларни турли таҳдидлардан ҳимоя қилишда давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини кучайтириш ҳақида маълумотлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *давлат сиёсати, ёшлар, фуқаро, фуқаролик жамияти, институт, халқ, миллат, глобаллашув, маънавият.*

Усиление активности государственных организаций и институтов гражданского общества в защите молодежи от различных угроз

Хуршид Эшов,
ответственный сотрудник Министерства науки и инноваций в области, высшего образования
Ҳуррият Эшова,
заместитель декана Национального исследовательского университета “Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства”

Аннотация: *построение гражданского общества в каждом государстве происходит непосредственно в неразрывной связи с его духовными основами. Мышление, образ жизни, духовные взгляды любого народа или нации не формируются стихийно. Именно исторические, природные и социальные факторы лежат в основе их возникновения и развития. В данной статье представлена некоторая информация об активизации деятельности государственных организаций и институтов гражданского общества по защите молодежи от различных угроз.*

Ключевые слова: *государство, молодежь, гражданин, гражданское общество, институт, народ, нация, глобализация, духовность.*

Strengthening the activity of state organizations and civil society institutions in protecting young people from various threats

Khurshid Eshov,
Officer in charge of the Ministry of Higher Education, Science and Innovation
Khurriyat Eshova,
Deputy dean of the National Research University “Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers institute”

Annotation: *the construction of a civil society in each state is directly connected with its spiritual foundations. The thinking, lifestyle, spiritual views of any people or nation do not take shape in itself, in an empty place. Specific historical, natural and social factors underlie their occurrence and development. This article provides some information on strengthening the activity of state organizations and civil society institutions in protecting young people from various threats.*

Keywords: *state, youth, citizen, civil society, institute, people, nation, globalization, spirituality.*

Мамлакатимизда демократик жамият, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш маънавий ҳаётдаги муҳим ўзгаришлар ва янгиланишлар билан боғлиқ. Бунга глобаллашув даври ҳам ўзининг бевосита ва билвосита таъсирини кўрсатмоқда. Маълумки, глобаллашув сўзи "globall" сўзидан олинган бўлиб, *"ер шари"* маъносини билдиради. Глобал ўзгаришлар ижобий ва салбий жиҳатларига эга. Маълумки, у инсонлар маънавиятини имкониятларини ошириш билан бирга, айни пайтда маънавиятга таҳдид солувчи айрим салбий оқибатларга ҳам олиб келди. Бу глобал ютуқлардан ким ва қандай мақсадда фойдаланишига боғлиқ.

Фуқаролик жамиятининг институтлари – ўз-ўзини бошқариш органлари, давлат ва нодавлат ташкилотларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, ёшларнинг сиёсий маданияти, фаоллигини оширишнинг муҳим шартларидан биридир. Ўзбекистонда давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини эркинлаштириш, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш вазифаларини амалга оширишда ҳар бир ёшнинг жамиятда ўз ўрни бўлишини билиш билан бирга ўзини жамиятнинг ажралмас бир бўлаги деб тушуниши эътиборга моликдир. Ўз масъуллигини англашга эришишда мавжуд демократик институтлар, ўз-ўзини бошқариш органлари, партиялар, давлат ва нодавлат ташкилотлари муҳим ўрин тутади. Чунки жамиятда яшаётган ҳар бир ёшнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти мавжуд сиёсий институтлар, партиялар орқали амалга ошириладиган демократик сиёсий жараёнларда акс этади. Бу бир томондан, ёшларнинг сиёсий фаоллик даражасига, уларнинг сиёсий қарашларини идрок этиб, унинг иштирокига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, жамиятдаги мавжуд ўз-ўзини бошқариш органлари, давлат ва нодавлат ташкилотларининг иш фаолиятига таъсир этади.

Дахлдорлик ҳисси фуқароликни англаш, фуқаролик масъулияти, ёшларни қадрлаш, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қимматини дахлсизлигини ҳурмат қилиш туйғулари билан мужассам ҳолда амалда намоён бўлишини ҳисобга олсак, дахлдорлик ҳиссига салбий таъсир этувчи омиллар қаторига қуйидагиларни қўшишимиз мумкин:

- оммавий маданият;
- бепарволик;
- лоқайдлик;
- сотқинлик;
- худбинлик;
- маҳаллийчилик;
- уруғ-аймоғчилик;
- коррупция;
- қонунни ҳурмат қилмаслик;
- ватансизлик.

Ана шундай глобаллашув феномени ҳақида сўз кетганда, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Бир сўз билан айтганда, бу жараён мутлақо янгича маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини англатади. Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили деб айтишимиз мумкин. Бугунги кунда ҳар бир давлатнинг тараққиёти ва равнақи узоқ яқин қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа ҳудудлар билан чамбарчас боғланиб бормоқда. Мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас. Глобаллашув бу, аввало, ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир. Глобал ўзгаришлардан маънавий ҳаётда носоғлом мақсадларда фойдаланишга уриниш маънавий таҳдидларга, ахборот хуружлари ортишига, оммавий маданият ва мафкуравий курашларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда.

Методлар

Фуқаролик жамиятини қуриш унинг маънавий негизлари билан узвий боғлиқ. Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлади. Мустақиллик туфайли жамиятимиз маънавий негизларига алоҳида эътибор қаратилди. Собиқ совет давлатининг маънавиятимизга нисбатан писандсизлик билан қараш сиёсатига барҳам берилди. Биринчи Президентимиз И.Каримов айтганидек, "Юксак маънавият –

енгилмас куч” асари маънавият ва фуқаролик жамиятини ўзаро боғлиқлигини тушунишда муҳим аҳамиятга эга. Ўтмишдан қолган ана шундай иллатларга, миллий манфаатларимизни менсимаслик ҳолатларига барҳам бериш, кўҳна қадриятларимиз, дин-у диёнатимизни тиклаш, ҳаётимизда тарихий адолатни қарор топтириш, янги жамият қуриш йўлида халқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадимизни ҳал этувчи мезони этиб ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келганини ва бугун ҳам эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш лозим” [1].

“Маънавият” тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифлари мавжуд. Ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунни ифода этган бу тушунчага ҳар қайси маърифатли инсон ўзининг фалсафий ёндашуви, сиёсий қарашлари ва эътиқоди, онгу тафаккуридан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф ва тавсифлар бериши табиий. Шунинг учун ҳам бу масала бўйича илмий адабиётларда, кундалик матбуотларда бир-биридан фарқ қиладиган фикр мулоҳазаларни учратганда, бундан таажжубланмасдан, уларни ҳар қайси муаллифнинг ўзига хос дунёқараши, мушоҳада тарзи ифодаси сифатида қабул қилиш ўринлидир.

“Маънавият” тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифлари мавжуд. Ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунни мужассам этган бу тушунчага ҳар қайси маърифатли инсон ўзининг фалсафий ёндашуви, сиёсий қарашлари ва эътиқоди, онгу тафаккуридан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф ва тавсифлар бериши табиий. Шунинг учун ҳам бу масала бўйича илмий адабиётларда, кундалик матбуотларда бир-биридан фарқ қиладиган фикр мулоҳазаларни учратганда бундан таажжубланмасдан, уларни ҳар қайси муаллифнинг ўзига хос дунёқараши, мушоҳада тарзи ифодаси сифатида қабул қилиш ўринлидир.

Инсон маънавий оламининг юксалиши ва дахлдорлик ҳисси фуқаролик жамияти қуриш вазифаларини амалга ошириш билан узвий боғлиқ. Инсоннинг жамият ҳаётига муносабати, қонунларни ҳурмат қилиши, инсонни қадрлаши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият деб билиши, ҳалол ва пок яшаши уларнинг юксак маънавий дунёси ва дахлдорлик ҳиссининг амалий ифодаси эканлигини ҳисобга олиш керак.

Муҳокама ва натижалар

Фуқаролик жамияти қурилиши шу маънода инсоннинг юксак маънавий ҳамда дахлдорлик ҳисси фазилатлари билан узвий боғлиқ эканлигини кўриш мумкин. Фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. У фуқароларнинг давлат ва жамият муносабатларида аниқ намоён бўлади. Фуқаролик жамияти – фуқароларнинг тегишли фуқаролик жамияти институтлари орқали давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши таъминланган жамиятдир. У тегишли қонунлар билан тартибга солинади ва амалга оширилади. Фуқаролик жамияти шу маънода демократик жамият қуришнинг муҳим шарти. Жамиятнинг маънавияти ва дахлдорлик ҳисси қанча юксалиб борса, фуқаролик жамиятини ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш имкониятлари шунча ортиб боради.

Фуқаролик жамияти қурилиши ҳар бир халқнинг миллий-маънавий мероси ва қадриятлари билан боғлиқ ўзига хос миллий хусусиятларга таянади ҳамда дунё халқларининг эришган ютуқларини ҳисобга олади. Маънавият инсоннинг қон-қони, суяк-суягига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аждодлар ўгити, Ватан туйғуси, бу ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан сингиб боради.

Ҳар қандай миллатнинг тараққиёти жамиятдаги ёшлар қатламининг миллий ғоя ва қадриятларга муносабати, унинг ёшлар онгига қандай таъсир этаётганлиги ҳамда амалий фаолиятларига қандай тарзда таянишларига боғлиқ. Ёшлар республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этади. Шунингдек, ёшларнинг миллий ғояни англаши, ишонч ва эътиқодига айланиши билан боғлиқ бўлади. Миллий ғоя, биринчидан, ёшларни ўзининг объекти сифатида қараса, иккинчидан, ёшлар миллий ғоянинг илғор ривожлантирувчилари ва келажак авлодга етказувчилари ҳисоб-

ланади. Ёшлар миллий ғоя билан қанчалик қуролланган ва уни англаб олган бўлса, жамият шунчалик тараққиётга эришади. Бу ҳолат миллий ғоя ва ёшларнинг ўзаро боғлиқлигини белгилайди.

Демак, жамият миллий мафкура орқали ёшларга қандай ғоя ва фикрларни таклиф этса, шунга мос равишда, ғоявий жиҳатдан чиниққан, ватанпарвар, замонавий билимларни эгаллаган ёшларга эга бўлади. Ёшлар жамиятнинг шундай ижтимоий гуруҳига мансубки, улар ўткир ҳиссий билиш қобилиятига эга бўлиб, сўз билан амалиётнинг номутаносиблиги ҳолатларини кучлироқ сезадилар. Катталар учун одатий бўлган айрим "адолатсизлик"лар ёшларнинг ҳали тўлиқ шаклланмаган онгига, дунёқарашига кучли зиён етказиши мумкин. Шунинг учун ҳозирги кунда ёшлар орасида миллий ғоя, миллий ғурур ва ор-номус билан боғлиқ маънавий-руҳий ҳолатлар эътиборга молик. Миллий ғоя туб моҳияти ёшларни сафарбар этиш, илҳомлантириш, буюк келажак сари чорлаш аҳамияти, таълим ва тарбияда тутган ўрни ва роли унинг ҳаёт ҳақиқатларига, реал борлиққа, халқ турмушига қанчалик мослигига қараб белгиланади. Миллий ғояни шакллантиришда мафкуравий тарбиянинг аҳамияти катта.

Мафкуравий тарбия жамиятда, аввало, оила, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, лицей, коллежлар, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини тақозо қилади. Узлуксиз таълим тизими мафкуравий тарбияни олиб борувчи асосий бўғиндир, зеро, мафкуравий мақсадларни ёшлар онгига сингдириш вазифаси, асосан, таълим орқали амалга оширилади. Миллий ғурур ва ор-номус туйғуларини шакллантиришда халқнинг маданий мероси, миллий қадриятлари, улуғ мутафаккирларнинг ибратли ҳаёти, бугунги эришилаётган ютуқлар эътиборга моликдир. Ёш авлод онгига миллий истиқлол мафкурасининг ижтимоий адолат ҳақидаги ғояларини сингдиришда Абу Наср Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Низомулмулкнинг "Сиёсатнома", Амур Темурнинг "Темур тузуклари", Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб" номли машҳур асарлари тарихий-илмий манба бўлиб хизмат қилади. Чунки "Келажакдаги буюк давлат, энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларнинг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур. Ёш авлодга озод ва обод Ватанни мерос қолдирар эканмиз, ёшларнинг маънавий уйғоқлигига аҳамият беришимиз лозим. Ғафлат уйқусидан уйғониб, ёрқин кўз билан келажакка назар ташлайдиган замон келди. Эндиликда ёшлар ўзлигини англай бошлади. Қандай заминда яшаётганимизни ҳис қилиш, умуминсоний қадриятларга интилиш билан бирга, Шарқ фалсафаси, ўзбекона тафаккур нури барчанинг дилидан ўрин ола бошлади. Миллий анъаналаримиз ва удумларимизни тиклаш, ривожлантириш тамойили кучайди. Ислом динимизни қадрлаш маънавиятимизни янги босқичга кўтариш вақти келди. Улуғ бобокалонларимизнинг маданий хазинасига ҳақиқий ворислик қила бошладик. Улардан фахрланиш имкониятига эга бўлдик. Юртимизда яшаётган барча миллат, элат вакилларининг тинч-иноқ яшаши учун шароит яратилди. Инсон эркинлиги ва озодлигини кафолатловчи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Қатор университетлар ташкил этилиб, ўқув тизимимизда жаҳон андозалари, тарбия йўналишида маънавий меросимизнинг энг илғор ва инсонпарвар тамойиллари асос қилиб олинди. Давлат ва жамият қурилиши масалаларини ўрганиш, юксак малакали раҳбар кадрлар тайёрлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ташкил этилди. Ватанимизнинг Қуролли Кучлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ўз уйи ва иш жойларида тинч-хотиржам бўлишлари бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Таълим тизимидаги ислоҳотлар замонавий лицей ва коллежлар таъсис қилинди. Ёшларнинг билим ва салоҳиятларини юксалтириш мақсадида бир қанча жамғармалар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури асосида умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Бадиий Академиянинг ташкил этилиши, Имом Исмоил Бухорий, Амир Темур, Бобур, Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд, ал-Фарғоний, Мотуридий, Хожа Аҳрор Валий каби миллий маданиятимиз дарғаларига бағишланган танта-

налар, қурилган мажмуалар янги жамиятнинг амалга ошираётган реал маънавий ишларидир. Улар янги жамиятнинг куч-қудратидан нишона бўлибгина қолмай, миллий онг ва янги дунёқарашнинг шаклланишида, ёшларда миллий ғурурни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Бугунги глобаллашув шароитида мамлакат келажаги бўлмиш ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, маънавий таҳдидлар айнан нимага қаратилганлигини ҳар томонлама англаб етиш, атрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмасдан, дахлдорлик ҳиссини оширишга ўргатиш, уларга йўналтирилган таълим-тарбиянинг асосини ташкил этади. Бундан кўринадики, ёшларга нафақат мафкуравий тушунча, балки дунёвий таълимнинг берилиши ҳам глобаллашув жараёнида тўғри йўлдан оғмасликнинг яна бир устуни саналади. Ёшларнинг билим салоҳияти, ақл-заковати, энг асосийси – ватанга меҳри кучли бўлган юрт ҳеч қачон ушбу жараёндан ёвузлик йўлида фойдаланаётганларнинг қармоғига илинмайди. Ёшлардаги ватанга бўлган фахр туйғуси уларда ўтмишга назар солиш орқали ҳам асосланади, яъни, бобокалонлари буюк ўтган юрт фарзандлари ўзларида шундай бир фахр туядиларки, уларга муносиб ворис бўлиш ёшлар ҳаётидаги энг муҳим орзулари, мақсадларига айланади. Ватанимиз – Ўзбекистон буюк тарихга эга, дунё тан берган алломалар бизнинг ватанимиздан етишиб чиққан. Айнан улар бизнинг фахримиз. Уларнинг номларини эшитмаган инсон йўқ-ки, тасаннолар айтмаса, ташаккур келтирмаса.

Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Имом ал-Бухорий, Ибн Сино, ал-Фарғоний каби дунё номини тан олган кўплаб буюк шахслар етишиб чиққан бизнинг диёримиздан. Келажак авлод онгига миллий мафкурани сингдиришда кейинги босқич – бу уларни ватанни кўз қорачиғидек асрашга даъват этиш бўлади. Йигитларимиз ҳарбий хизматни ўташ давомида ватанни ташқи душманлардан ҳимоя қилишни ўрганадилар. Жаннатмакон юртимиз ботир юракли аёлларга ҳам бойлиги ўтмишда Тўмарис тимсолидан ҳам маълум, худди шу каби Ватан ҳимоясида йигитлар билан бир сафда турувчи жасур қизларимиз ҳам бизнинг ғуруримиз, фахримиз. Фикрларга ёндашадиган бўлсак, “Юрт тинчлиги – Ватан озодлиги, мустақиллиги билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун мустақиллик ва осойишталикни асраш, мамлакатни айрим ақидапараст ва тажовузкор кучлардан ҳимоя қилишда доим тайёр туриш миллий мафкуранинг бош ғояларидан биридир”. Президентимизнинг юрт келажаги – ёшларга бўлган меҳр-мурувватти, бераётган имкониятлари чегара билмайди. Шу асосда ёшларни фаолликка жалб қиладиган турли ташкилотлар таъсис этилаётгани бунинг ёрқин мисолидир.

Тарбия ҳақида гап кетар экан, биз ҳар бир давлатнинг истиқболига, миллатнинг ҳам бугуни, ҳам эртасига алоқадор бўлган соҳа – ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришни унутмаслигимиз керак. Ўз ҳуқуқини англаган ёш авлод келажак пойдеворини қуришда адашмайди. Шу нарса аниқки, миллий ғояга садоқат ва юксак маънавият фақат юқори даражада ривожланган ҳуқуқий тарбия билан узвий боғлиқ. Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, миллий мафкура, маънавият, она ватанга муҳаббат, ватанпарварлик руҳи ва шу каби юксак туйғуларнинг шаклланиши таълим-тарбия асосида вужудга келади. Келажак авлод учун фахрланадиган, ўрнак бўла оладиган тарихнинг ўрни жуда аҳамиятли ва бу ўрин ҳеч қандай бўшлиққа эга эмас, уни қунт билан ўргансак кифоя. Келажак авлод учун қолдирадиган буюк келажак эса, биз ёшлар қўлида.

Жамиятда маънавий қадриятлар ривожини таъминлаш, уларни турли ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш, жамият маънавий дунёқарашидаги руҳий, психологик, ахлоқий жиҳатларнинг уйғунлигини таъминлаш ва жамият аъзолари манфаатларини ҳимоя қилишда маънавий-сиёсий хавфсизлик масаласи ўз ўрнига эга. Ўзбекистон 2017–2018 йилларда бошқа йўналишларда бўлгани каби диний-маърифий соҳада ҳам янгиликлар, ислоҳотлар жадал кечиб, уларда инсон, халқ, жамият аъзоларини турли мафкуравий, ғоявий ва информацион таҳдидлардан ҳимоя қилиш тизими, яъни маънавий-сиёсий хавфсизлик масаласи ҳам эътиборга молик. Ислоҳотлар жаҳолатга қарши маърифат билан

курашиш тамойили асосида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ислом маърифатини тарқатиш, ўтмиш аждодларнинг бой маънавий меросини янада чуқур ўрганиш йўналишларида юз бермоқда. Бу борада Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ташкил этилиши, Имом Бухорий ва Имом ат-Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказларини тузиш катта аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, ёш авлодга ислом маърифатини тарқатиш мақсадида, Қаршида Абул Муъин Насафий номидаги Ақида, Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд номидаги Тасаввуф, Самарқандда Имом Мотуридий номида Калом, Имом Бухорий номидаги Ҳадис, Фарғонада Бурҳониддин Марғиноний номидаги Фиқҳ мактаблари, Самарқандда Ҳадис олий мактаби ҳам ўз фаолиятини бошлади. Зеро, Ўзбекистонда дин мамлакатдаги маданий-маънавий анъаналар ва аҳоли маънавий камолоти ривожининг ажралмас қисми сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Дин, жамият ва давлат муносабатлари тизимида манфаатлар уйғунлигини таъминлашда ҳам диннинг улкан ижтимоий гуруҳларни уюштира олиши, бирлашишини таъминловчи мафкуравий вазифаси алоҳида аҳамият касб этади. Бугун мамлакатда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари, 16 та диний конфессия аъзолари бағрикенглик тамойили асосида тинч-тотув яшаб келишмоқда. Диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларнинг асосини 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг 5-устувор йўналишини: Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш соҳаси ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган тарихий нутқида ислом динини зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қоралаб, улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаслигимизни таъкидлаганди. Ушбу фикрнинг амалий ифодаси шуни кўрсатадики БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2017 йил 21 декабрдаги 2396-сонли резолюциясида: “Терроризм, зўравон экстремизм ҳеч бир дин, миллат ва цивилизация билан алоқадор эмас ва боғлиқ ҳолда талқин қилинмаслиги керак”, деб қайд этилган. Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда мамлакатимизнинг тинчликсевар сиёсатини кенг тарғиб этиш, маънавий, миллий қадриятларга, диний эътиқодга таҳдид солувчи мафкуравий хавфларга, диний ва дунёвий фанларни чуқур ўзлаштириш ҳам давлатнинг диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларидан биридир. Албатта, бундан кўзланган асосий мақсад-жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, халқимизга азал-азалдан хос бўлган маърифатпарварлик, бағрикенглик, меҳр-мурувват, бунёдкорлик каби эзгу фазилатлар ва қадриятларимизни кенг тарғиб қилишда диний-маърифий соҳа вакилларининг ўрни ва иштирокини ошириш. Бу ҳақида Президент Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Бугунги кунда ижтимоий-маънавий муҳитни ва аҳолини турмуш шароитини яхшилаш, ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан асраш масаласи барчамиз учун энг асосий масала бўлиб турибди”.

> Жамиятда маънавий қадриятлар ривожини таъминлаш, уларни турли ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш, жамият маънавий дунёқарашидаги руҳий, психологик, ахлоқий жиҳатларнинг уйғунлигини таъминлаш ва жамият аъзолари манфаатларини ҳимоя қилишда маънавий-сиёсий хавфсизлик масаласи ўз ўрнига эга. Ўзбекистон 2017–2018 йилларда бошқа йўналишларда бўлгани каби диний-маърифий соҳада ҳам янгиликлар, ислоҳотлар жадал кечиб, уларда инсон, халқ, жамият аъзоларини турли мафкуравий, ғоявий ва информацион таҳдидлардан ҳимоя қилиш тизими, яъни маънавий-сиёсий хавфсизлик масаласи ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ:

- “жаҳолатга қарши маърифат” улуғвор ғоя асосида дин соҳасидаги илмий-маърифий фаолиятни жадал ташкил этиш;

- динни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиган бузғунчи ёт ғояларнинг мақсадлари ҳақида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг хабардорлик даражасини ошириш, жамиятда диний қадриятларимизга ёт бўлган ғояларга нисбатан тоқатсизлик бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, тинчлик ва тотувликни, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий соҳа вакилларининг дахлдорлик ҳиссини янада ошириш, глобаллашув шароитида жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган омилларни аниқлаш ва олдини олишга қаратилган ахборот-таҳлилий фаолиятни кучайтириш кабилар шулар жумласидандир. 2018 йил 7 декабрда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллиги муносабати билан бир пайтлар диний-экстремистик гуруҳларга алоқаси бўлгани учун назоратга олинган 20 мингдан зиёд фуқаро “махсус ҳисоблар”-дан чиқарилганини эълон қилди. Бу ташаббусга Ҳиндистоннинг “Times of Central Asia” журнали “дунёни маърифат қутқаради”, деган тамойил асосидаги юксак маърифат ғоясини илгари суриш, – деб юксак баҳо берди. Ўзбекистонда бугун дин соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар дунёнинг энг нуфузли нашрлари, жумладан, Испаниянинг “El Faro de Ceuta” газетаси, Озарбайжоннинг “Trend” ахборот агентлиги, Францияннинг “L’Usine Nouvelle” янгиликлар агентлиги, Ҳиндистоннинг “India Blooms” газетаси каби нашрлар томонидан юксак баҳоланиб, холисона эътироф этилди. АҚШнинг Ж.Хопкинс университети ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти президенти Фредерик Старр ҳамда Институт директори Сванте Корнелл “Ўзбекистон: мусулмон дунёсидаги ислоҳотлар учун янги модель” сарлавҳали мақолада “Минтақа, исломнинг эътиқодий маркази сифатида қараладиган Яқин Шарқдан қолишмаган ҳолда, тарихий, диний ва интеллектуал асосларига кўра, мусулмон дунёсининг маркази бўлишга ҳақли”, деб таъкидлашган.

Ўзбекистонда бугун дин соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар дунёнинг энг нуфузли нашрлари, жумладан, Испаниянинг “El Faro de Ceuta” газетаси, Озарбайжоннинг “Trend” ахборот агентлиги, Францияннинг “L’Usine Nouvelle” янгиликлар агентлиги, Ҳиндистоннинг “India Blooms” газетаси каби нашрлар томонидан юксак баҳоланиб, холисона эътироф этилмоқда. АҚШнинг Ж.Хопкинс университети ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти президенти Фредерик Старр ҳамда Институт директори Сванте Корнелл “Ўзбекистон: мусулмон дунёсидаги ислоҳотлар учун янги модель” сарлавҳали мақолада “Минтақа, исломнинг эътиқодий маркази сифатида қараладиган Яқин Шарқдан қолишмаган ҳолда, тарихий, диний ва интеллектуал асосларига кўра, мусулмон дунёсининг маркази бўлишга ҳақли”, деб таъкидлашган.

Хулосалар

Глобаллашув даврида маънавий таҳдидларнинг олдини олиш мамлакатимизда белгиланган фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадларига тўғри келади. Бунда фуқароларнинг юксак маънавиятини шакллантириш орқали уларнинг миллий-маънавий қадриятларига, тарихий меросимизга, демократик қадриятларга бўлган ишонч ва эътиқодини мустаҳкамлаш орқали зарарли ғояларнинг олдини олиш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юксак маънавият ва дахлдорлик ҳисси маънавиятни инсон ва жамият ҳаётида, фуқаролик жамияти қурилиши мақсад ҳамда вазифаларини тушунишда муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Юксак маънавият ва фуқаролик жамиятининг ўзаро боғлиқлигини қуйидаги йўналишлар орқали кўриш мумкин:

1. Маънавият инсонга хос хусусият, маънавиятни тушуниш учун инсонни билиш зарур.

2. Инсоннинг маънавият даражаси унинг дахлдорлик ҳиссини белгилайди. Инсоннинг маънавияти ҳамда дахлдорлик ҳисси қанча юқори бўлса, унинг фуқаролик жамияти масъулиятини, мақсад ва вазифаларини тушуниши ҳамда иштироки шунча юқори бўлади.

3. Инсонда маънавият ва дахлдорлик ҳисси юқори бўлса, миллий маънавий мерос ва қадриятларни ҳурмат қилади, унга содиқ бўлади. Бу фуқаролик жамияти учун муҳим негиздир.

4. Инсоннинг қонунларни ҳурмат қилиши, амал қилиб, унинг ижросини таъминлаши ҳам юксак маънавияти ва дахлдорлик ҳисси мезонидир.

5. Миллий ғоя мақсадлари билан фуқаролик жамияти мақсадлари муштарак.

6. Юксак маънавиятли шахс озод ва эркин шахс маънавиятидир. Озод ва эркин шахс эса, фуқаролик жамиятининг фаол иштирокчиси, бунёдкоридир.

7. Маънавий таҳдидлар – инсоннинг ўзлигига, маънавиятига таҳдиддир. Шунинг учун ҳам инсонни унинг ҳар қандай кўринишидан ҳимоя қилиш фуқаролик жамияти ривожланишининг устувор мақсадларига тўғри келади. Дахлдорлик ҳиссининг юқори бўлиши инсонларга хос муҳим фазилатдир.

Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, турли ижтимоий инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ этишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки, жамиятдаги бор имкониятлардан янада самарали фойдаланиб, давлат томонидан таклиф этиладиган бир қатор ижтимоий кўмак турларини тўлдиришга имкон яратади. Чунки инновацион ғояларни татбиқ қилиш жамоат ташкилотлари томонидан тезкор ва самарали амалга оширилади. Натижада янги иш ўринлари очиш, меҳнат бозорининг профессионаллик ва ижтимоий соҳанинг самарадорлик даражасини ошириш имконини беради.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов Ҳ. Миллий озодлик курашчилари ва адабиёти. – Т.: 1997.
3. Назаров Т. Маънавий камолот тарбияси. – Т., 2013.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги ПФ–5308-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзуидаги анжумандаги нутқи, 2017 йил 15 июнь, Тошкент шаҳри.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5416-сонли Фармони.

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



Бахромжон ИЛҲОМЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси

Аннотация: *мақолада жаҳон мамлакатларида ёшларга оид давлат сиёсатининг конституциявий-ҳуқуқий асослари, конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг ўзига хос жиҳатлари, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий муносабатларни ривожланиш хусусиятлари, хорижий мамлакатларнинг асосий қонунчилик ҳужжатларида ёшлар учун яратилган ҳуқуқ ва имкониятлар, қонунчилик ҳужжатлари билан белгилаб берилган ёшларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари муҳокама қилинади.*

Калит сўзлар: *ёшлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ёшларга оид давлат сиёсати, конституциявий-ҳуқуқий нормалар.*

Конституционно-правовые основы государственной молодежной политики в зарубежных стран

Бахромжон Илхомжонов,
Независимый научный соискатель Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: *в статье рассмотрены конституционно-правовые основы государственной молодежной политики в зарубежных странах, характеристика конституционно-правовых норм, особенности развития нормативно-правовых отношений в сфере государственной молодежной политики, права и возможности, созданные для молодежи в основных законодательных документах зарубежных стран, обсуждаются экономические, социальные и культурные аспекты прав молодежи.*

Ключевые слова: *молодежь, нормативные правовые документы, государственная молодежная политика, конституционно-правовые нормы.*

Constitutional and legal basis of state policy on youth in foreign countries

Bakhromjon Ilhomjonov,
Independent researcher of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *in the article, the constitutional and legal basis of the state policy on youth in foreign countries, the specific aspects of constitutional and legal norms, the characteristics of the development of regulatory and legal relations in the field of state policy on youth, the rights and opportunities created for young people in the main legislative documents of foreign countries, the economic, social and cultural aspects of youth rights are discussed.*

Keywords: *youth, legal documents, state policy on youth, constitutional and legal norms.*

XX аср бошларидан бошлаб кўплаб мамлакатларда Конституция давлатнинг асосий Қонуни сифатида эътироф этила бошланди. Конституция бутун бир халқнинг иродаси ва манфаатларини ифодалаб ёки жамиятнинг алоҳида ижтимоий қатламлари (гуруҳлари) ҳамда давлат манфаатларини кўзлаб энг муҳим тамойилларни белгилаш орқали мамлакатнинг ижтимоий тизими ҳамда давлат ташкилотлари фаолиятини тартибга солди [1].

Конституция фуқароларнинг давлат билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликнинг асосидир. Конституция қабул қилинаётган қонунларни бир-бирига зид бўлмаслиги ва фуқароларнинг, жумладан, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун зарур ҳисобланади.

Бир қатор Европа давлатлари ўз конституция ва қонунлари матнларини таҳлил қилганида, кўплаб мамлакатлар ёшларга оид давлат сиёсати масалаларини босқичма-босқич конституциявий ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттириш лозимлигини англаб етишди. Бироқ айрим конституцияларда “ёшлар” сўзи ва (ёки) унга ўхшаш сўзлар бир неча марта учратиш мумкин [2]. Кўплаб Европа давлатлари ёшлар сиёсатига алоҳида соҳа сифатида 1960 йиллардан бошлаб, яъни Ғарбий Европа ёшлари инқилоби билан сўнг эътибор бера бошладилар. Ушбу давр ичида ёшлар сиёсати соҳасида жуда кўплаб ислоҳотлар амалга оширилди. Шу билан бирга ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, унинг усуллари ва йўналишлари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилди.

1980 йилларга келиб Ғарб давлатларида ёшларга оид давлат сиёсатининг миллий тизими яратилди. Ёшларга оид давлат сиёсатининг нисбатан ривожланган шакли Скандинавия мамлакатларида ҳамда Франция ва Германия Федератив Республикасида шаклланди. Мазкур мамлакатларда ёшлар билан ишлаш тизимининг қонунчиликка асосланган тизими ривожлантирилиб, ёшлар билан ишлашда бошқарувда ихтисослаштирилган давлат органлари, ёшлар жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятлари йўлга қўйилди.

Масалан, Германия Федератив Республикаси Конституциясининг ёш фуқароларнинг ахборот олиш, ёшларни назоратсизликдан (эътиборсизликдан) ҳимоялашнинг конституциявий ҳуқуқлари каби моддаларида “ёшлар” сўзларини учратиш мумкин. Хусусан, Германия Федератив Республикаси Конституцияси Асосий Қонунининг 5-моддасида [3]:

“1. Ҳар ким эркин фикрлаш, ўз фикрини оғзаки, ёзма ва тасвирлар орқали билдириш, шунингдек, умумижтимоий маълумотларни эркин манбалар орқали олиш ҳуқуқига эга. Ахборот ва матбуот эркинлиги кафолатланган. Цензурарага йўл қўйилмайди.

2. Ушбу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши чегаралари умумий қонунларнинг нормаларида, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, жумладан, шахсий ҳуқуқлар билан белгиланади”.

Ёшларга оид давлат сиёсатининг конституциявий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиш бўйича қизиқарли тажриба сифатида Испания тажрибаси ўзига хос ҳисобланади. Унинг қизиқарли жиҳати шуки, давлат бошқарувининг тарихан қисқа вақт ичида авторитар режимдан парламент демократиясига ўтилгани ҳамда ягона расмий рухсат берувчи ҳисобланган сиёсий ёшлар ташкилотидан – ёшлар сиёсатига айланган йирик ёшларнинг сиёсий ва маданий плюрализмга асосланган ҳаракатига айланди.

Испания Конституциясининг 48-моддасида давлат ҳокимияти органлари ёшларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларнинг ривожланишида эркин ва самарали иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратади [4].

Ёшларга оид давлат сиёсати конституциявий-ҳуқуқий нормалар билан мустаҳкамланган давлатлар қаторига Италияни ҳам мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Италия Конституциянинг 31-моддасида “Мамлакат оналик, болалик ва ёшларни ҳимоя қилади, бунинг учун давлат ҳомийлик учун алоҳида институтлар ташкил қилади” деган қоида мавжуд [5].

Португалияда “ёшлар сиёсати” масаласи Португалия Конституциянинг “Ёшлар” деб номланган 70-моддасида акс эттирилган бўлиб, унда қуйидаги қоидалар мавжуд:

“1. Ёшлар алоҳида ҳимояланган иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳадаги ҳуқуқлардан фойдаланади, жумладан:

а) таълим, касб-ҳунар ва маданий соҳалардаги таълим;

б) биринчи марта ишга қабул қилинганда ва меҳнат ҳамда ижтимоий таълим йўналишида;

в) уй-жой олишда;

д) жисмоний тарбия ва спортда;

э) бўш вақтдан фойдаланишда".

2. Ёшлар сиёсати, биринчи навбатда, ёшларнинг шахс сифатида ривожланишига, фаол равишда уларнинг жамият ҳаётига қўшилишига, уларга муносиб шарт-шароитлар яратишга, эркин ижод қилишлари учун интилишларига ва жамият учун хизмат қилишга тарбиялаши лозим.

3. Давлат оилалар, мактаблар, корхоналар, ташкилотлар, яшаш жойи бўйича бирлашган жамоалар, уюшмалар ва жамғармалар, маданият соҳасида фаолият юритувчи бирлашмалар билан ҳамкорликда ёшлар ташкилотларини ҳамда халқаро ёшлар муносабатларини қўллаб-қувватлайди ва уларни рағбатлантиради [6].

Туркия Республикаси Конституциясининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, унда ёшлар давлатнинг келажаги сифатида эътироф этилган. Туркия Республикаси Конституциясининг "Ёшлар ва спорт" деб номаланган бобининг 58-моддасида "Давлат ёшларнинг давлатимиз ва Республикамиз мустақиллиги мерос бўлиб қолган Отатурк тамойиллари ва ислоҳотларига мувофиқ ёшларнинг замонавий илм-фан асосида таълим олиши ва камол топишини таъминлаш ҳамда қарама-қарши фикрлар ва давлатнинг ҳудудий ва бўлинмас яхлитлигини бузишга қаратилган ғояларга қарши курашиш чораларини кўради.

Давлат ёшларни ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, жиноятчилик, қимор ўйинлари ва бошқа ёмон одатлар ҳамда жаҳолатдан асраш бўйича зарур тадбирларни белгилайди [7].

Швейцария Конфедерацияси Федерал Конституциясида ёшларга оид давлат сиёсати алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, "Болалар ва ёшларни ҳимоя қилиш ҳақида"ги 11-моддасида шундай дейилган: "Болалар ва ёшлар ўз дахлсизлигини алоҳида ҳимоя қилиш ва уларнинг ривожланишига ёрдам бериш ҳуқуқига эга. Улар онги имкон берадиган даражада ўз ҳуқуқларидан фойдаланадилар" [8].

Конфедерацияси Федерал Конституциясининг 41-моддасига мувофиқ, Конфедерация ва унинг кантонлари "болалар ва ёшлар"нинг мустақил ижтимоий масъулиятли шахс бўлиб етишишларини рағбатлантириш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади ҳамда уларни ижтимоий, маданий ва сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди" деб белгиланган.

"Ёшлар эҳтиёжлари ва катта ёшдагиларнинг таълими тизими" номли 67-моддада шундай дейилган: "Конфедерация ва кантонлар ўзларининг бевосита функцияларини амалга оширишда болалар ва ёшларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва ҳимоясига бўлган эҳтиёжларини ҳисобга оладилар. Конфедерация кантонларнинг чора-тадбирларидан ташқари, болалар ва ёшлар учун мактабдан ташқари машғулотларни рағбатлантириш, шунингдек, ёши катта аҳолининг таълим даражасини оширишга ҳисса қўшиш ҳуқуқига эга".

Шуни таъкидлаш керакки, ёш авлодга нисбатан давлат сиёсатини конституциявий нормалар билан мустаҳкамлаш масалаларига нафақат Европа давлатларида, балки араб мамлакатларининг Конституциявий нормаларида ҳам алоҳида эътибор қаратилган, ҳозиргача эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Яман Араб Республикаси Конституциясининг 30-моддасида "Давлат оналик ва болаликни ҳимоя қилади ва ёшларни қўллаб-қувватлайди" деб белгиланган. Конституциясининг 53-моддасида "давлат томонидан ёш авлодга алоҳида эътибор қаратилади ва уларга диний, ақлий ва жисмоний тарбия бериш ва ҳаётнинг барча соҳаларида қобилиятларини ривожлантириш борасида алоҳида эътибор қаратилиб, турли ёт ғоялар ва уларнинг ёвуз таъсирлардан ҳимоя қилади" деб белгиланган [9].

Сурия Конституциясининг 44-моддасида "Давлат оналик ва болаликни ҳимоя қилади, ёш авлодга ғамхўрлик қилади, унинг ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди" деган қоида мавжуд [10].

Хитой Халқ Республикаси Конституциясининг 46-моддаси кўра, "Хитой Халқ Республикаси фуқаролари таълим олиш ҳуқуқига ва ўқиш мажбуриятига эга.

Давлат болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг ҳар томонлама ахлоқий ҳамда ақлий ривожланишини таъминлайди" деб белгиланган [11].

Ёшларга оид давлат сиёсатининг конституциявий нормалар билан мустаҳкамланиши собиқ социалистик мамлакатларнинг акса-

риятларига ҳам хосдир. Жумладан, Руминия Конституциясининг 45-моддаси махсус алоҳида норма сифатида “Болалар ва ёшларни муҳофаза қилиш” деб номланган. Мазкур модданинг 5-бандида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ёшларнинг мамлакат сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва спорт соҳаларида эркин иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитларни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшишга мажбурдирлар” деб белгиланган [12].

Венгрия Республикаси Конституциясининг 1-бобининг 16-параграфида “Венгерия Республика ёшлар, уларнинг таълими ва тарбиясига алоҳида эътибор қаратади, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади” деган норма киритилган [13].

Хорватия Республикаси Конституциясининг 62-моддасида “Давлат оналик, болалар ва ёшларни ҳимоя қилади, муносиб ҳаёт ҳуқуқини амалга оширишга ёрдам берадиган ижтимоий, маданий, моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратади” деган қоида белгиланган [14].

Давлатнинг ёшларга оид давлат сиёсати асосларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари Конституцияларида ҳам кўзда тутилган. Масалан, Молдова Республикаси Конституциясининг “Оналар, болалар ва ёшларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 50-моддасида қуйидаги нормалар мавжуд:

1. “Оналлар ва болалар алоҳида ёрдам ҳамда ҳимоя олиш ҳуқуқига эга. Барча болалар, жумладан, никоҳсиз туғилганлар болалар бир хил ижтимоий ҳимояга эга.

2. Болалар ва ёшлар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда алоҳида қўллаб-қувватланади.

3. Давлат болалар учун зарур нафақалар ва касал болалар ёки жисмоний, ақлий ва психологик нуқсонлари бўлган болаларни парвариш қилиш учун ижтимоий ёрдам кўрсатади. Болалар ва ёшларни ижтимоий таъминлашнинг шакллари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

4. Вояга этмаганларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш, уларнинг соғлиғи ёки маънавиятига зарар етказадиган, ҳаёти ёки нормал ривожланишига хавф туғдирадиган меҳнат турларида фойдаланиш тақиқланади.

5. Давлат ҳокимияти органлари ёшларнинг мамлакат ижтимоий, иқтисодий ва спорт соҳаларида эркин иштирок этишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратади” [15].

Шуни таъкидлаш керакки, кўплаб хорижий мамлакатларда ёшларга оид давлат сиёсати масалаларига оид ҳуқуқий нормалар нафақат конституцияларда, балки улар асосида қабул қилинган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, жумладан, қонунларда мустаҳкамланган. Бирлашган Миллатлар Такшилотининг маълумотларига кўра, XX асрнинг 90 йиллари бошларида дунёнинг 100 га яқин мамлакатларида ёшларни ривожлантириш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилган давлатлар мавжуд эди. Қоида тариқасида, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлатнинг ёшлар билан ишлайдиган давлат ва хусусий тузилмалари ўртасидаги муносабатларни, жумладан:

ёшлар ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик масалалари ва уларни молиялаштириш тартибини, ёшлар масалалари бўйича ташкилотлар тизимининг фаолият кўрсатиш механизмини, меҳнат, таълим, ижтимоий ҳаёт, соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия соҳасида ижтимоий ва бошқа стандартларни;

таълим, ёшлар, ёшларни касбга ўргатиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича турли дастурларни амалга ошириш, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва ҳоказоларни тартибга солган.

Шундай қилиб, деярли барча ривожланган мамлакатларда ёшларга оид давлат сиёсати муайян бир давлатдаги сиёсатнинг ажралмас қисмига айланди. Ёшларга оид давлат сиёсатининг давлатлар ўртасида асосий ажралиб турадиган жиҳати – бу уни шакллантирилиши ва амалга оширилиши, конституциявий-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланганлиги ёки йўқлиги ҳамда бошқа йўналишларда тартибга солиш муносабатлари билан фарқланади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Авакьян С.А. Конституция России: природа, эволюция, современность. – М., 2000. — С. 56.
2. Кочетков А. В. Конституции зарубежных государств о молодежной политике // Закон и право. 2004. №12. — С. 38–40.
3. Германия Федератив Республикаси Конституцияси, 1949 йил 23 май. https://www.1000dokumente.de/?c=dokument_de&dokument=0014_gru&l=ru&object=translation.
4. Официальные периодические издания: электр. Путеводитель/центр правовой информации. 2010–2022. URL: http://vivovoco.rsl.ru/VV/LAW/SPAIN.HTM (мурожаат санаси: 26.12.2022).
5. Конституция Итальянской Республики / Пер. с итал. Л. П. Гринберга // Конституции государств Европейского Союза / Под общ. ред. Л А. Окунькова. М.: Издательская группа ИНФРА-М – НОРМА, 1997. — С. 423–450.
6. Официальные периодические издания: электр. Путеводитель/центр правовой информации. 2010–2022. URL: http://www.concourt.am/armenian/legal_resources/world_constitutions/constit/portugal/portug-r.htm (мурожаат санаси: 26.12.2022).
7. Официальные периодические издания: электр. Путеводитель/центр правовой информации. 2010–2022. URL: https://legalns.com/download/books/cons/turkey.pdf (мурожаат санаси: 26.12.2022).
8. Официальные периодические издания: электр. Путеводитель/центр правовой информации. 2010–2022. URL: https://legalns.com/download/books/cons/switzerland.pdf (мурожаат санаси: 26.12.2022).
9. Официальные периодические издания: электр. Путеводитель/центр правовой информации. 2010–2022. URL: https://worldconstitutions.ru/?p=459 (мурожаат санаси: 26.12.2022).
10. Официальные периодические издания: электр. Путеводитель/центр правовой информации. 2010–2022. URL: http://worldconstitutions.ru/archives/85 (мурожаат санаси: 26.12.2022).
11. Официальные периодические издания: электр. Путеводитель/центр правовой информации. 2010–2022. URL: https://legalns.com/ (мурожаат санаси: 26.12.2022).
12. Официальные периодические издания: электр. Путеводитель/центр правовой информации. 2010–2022. URL: https://legalns.com/download/books/cons/romania.pdf (мурожаат санаси: 26.12.2022).
13. Официальные периодические издания: электр. Путеводитель/центр правовой информации. 2010–2022. URL: мурожаат санаси: 26.12.2022).
14. Официальные периодические издания: электр. Путеводитель/центр правовой информации. 2010–2022. URL: https://legalns.com/download/books/cons/croatia.pdf (мурожаат санаси: 26.12.2022).
15. Официальные периодические издания: электр. Путеводитель // центр правовой информации. 2010–2022. URL: http://lex.justice.md/viewdoc.php?id=311496&lang=2 (мурожаат санаси: 26.12.2022).

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИНГ

ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ ВА БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИ



Музаффар ДЖАЛАЛОВ,
Тошкент шаҳридаги Инҳа Университети ректори вазифасини бажарувчи, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)



Дария АБДАЛИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимида Давлат ва ҳуқуқ институти изланувчиси

Аннотация: *мақола олий ўқув юртларини рақамлаштириш масалаларига бағишланган. Қонунчилик ва бўйсунувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида рақамли таълим муҳитини ривожлантиришга қаратилган расмий ҳужжатларда "рақамлаштириш", "рақамли таълим муҳити", "рақамли технологиялар", "рақамли трансформация" тушунчаларининг таърифлари мавжуд эмас, деган хулосага келинди. Шу муносабат билан, муаллифларнинг фикрича, стратегик ҳужжатларни амалга оширишдаги мураккабликлар кўрсатилган. Олий таълимни рақамлаштиришнинг долзарблиги ҳозирги вақтда бир-бирини алмаштирувчи ҳуқуқий ҳужжатларнинг ягона тизими сифатида таълимни рақамли ўзгартиришнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш зарурати билан боғлиқ.*

Калит сўзлар: *ҳуқуқий тартибга солиш, олий таълимни рақамлаштириш, қонунчилик базаси, рақамли технологиялар, рақамли таълим муҳити.*

Правовое регулирование и эффективность управления системы цифровизации в Узбекистане:

Музаффар Джалалов,
и.о. ректора университета Инха в городе Ташкенте, Phd,
Дария Абдалимова,
соискатель Института государства и права в системе Академии наук Республики Узбекистан

Аннотация: *статья посвящена вопросам цифровизации высших образовательных учреждений. На основе анализа законодательных и подзаконных нормативно-правовых актов делается заключение, что в официальных документах, направленных на развитие цифровой образовательной среды не содержатся определения понятий "цифровизация", "цифровая образовательная среда", "цифровые технологии", "цифровая трансформация". В связи с чем, на взгляд авторов, указывается на трудности в период реализации стратегических документов. Актуальность цифровизации высшего образования в настоящее время связывается с необходимостью формирования правовой основы цифровой трансформации образования как единой системы взаимозаменяемых нормативно-правовых актов.*

Ключевые слова: *правовое регулирование, цифровизация высшего образования, законодательная база, цифровые технологии, цифровая образовательная среда.*

Legal regulation and management efficiency of the digitalization system in Uzbekistan

Muzaffar Djalalov,
Acting rector of Inha University in Tashkent, PhD (in Technical Sciences),
Dariya Abdalimova,
Researcher of Institute of State and Law under Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *the article is devoted to the issues of digitalization institutions of higher education. Based on the analysis of legislative and other legal acts, it is concluded, that official documents aimed at developing the digital educational environment do not contain definitions of the concepts of "digitalization", "digital educational environment", "digital technologies", "digital transformation". In this connection, in the opinion of the authors, the difficulties during the implementation of strategic documents are pointed out. The relevance of the digitalization of higher education is currently associated with the need to form a legal basis for the digital transformation of education as a single system of interchangeable legal acts.*

Keywords: *legal regulation, digitalization of higher education, legal framework, digital technologies, digital educational environment.*

Кейинги вақтларда мамлакатимиздаги барча соҳаларда бошқарув усули ислоҳ этилаётгани муҳимдир, жумладан, таълимни рақамлаштириш масалаларини акс эттирувчи бир неча муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Шунингдек, олий ўқув юртларида илмий аҳамиятга эга бўлган муаммолар етарлича ўрганилмаганлиги сабаб янги замонавий тренд сифатида таълимни рақамлаштиришга бағишланган қатор илмий ишлар амалга оширилмоқда. Ваҳоланки, рақамлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ёритмасдан туриб, таълим соҳасига оид қонунчиликка жиддий ўзгаришларни киритиб бўлмайди. Аслида "рақамлаштириш" – компьютерларда қўлланиладиган маълумотларни матнлар, рақамлар, графиклар, товушлар ва бошқалар кўринишида ўзгартиришни англатади. Бу эса маълумот ва ундан фойдаланиш соҳасидан қатъи назар, рақамлаштирилаётганини таъкидлайди. Шу муносабат билан атамаларни янада мураккаброқ тушунишда – "иқтисодни рақамлаштириш", "олий таълимни рақамлаштириш" ёки бошқа ҳар қандай соҳани рақамлаштиришни ахборотлаштириш жараёнининг давоми сифатида тушуниш керак [1].

Қабул қилинган меъёрлар кўпинча бир вақтнинг ўзида бир нечта фаолият соҳалари: таълим, маъмурий, молиявий ва бошқа соҳалар учун гибрид характерга эга эканлиги билан вазифа мураккаблашади. Мазкур соҳалар бир-бири билан чамбарчас боғланган, бироқ ҳозирча амалий жиҳатдан ҳам, қонунчилик нуқтаи назаридан ҳам интеграциялашмаган. Таълим муассасаларини рақамлаштириш учун бошқарув асосларини яратувчи органлар ушбу ташкилий-ҳуқуқий жараённи "қўлда" тартибга солишга ҳаракат қилмоқда.

Бироқ рақамлаштириш жараёнининг ҳеч қандай расмий ҳужжатда аниқ ёритилмаган. Тадқиқотларимиз ушбу бўшлиқни ёритиш зарурлигини кўрсатади.

Тизимли ҳуқуқий тартибга солиш тушунчасини тарғиб қилган У.Э. Батлер, П. Легран, Р. Леже, Р. Давид [2] каби мутахассисларнинг ишларига таяниб, маълумотларни назарий жиҳатдан қўллаш мумкин. Улар ҳуқуқий тизимларни ўрганишда янги ёндашувларни таклиф қилишади. Демак, замонавий шароитда тизимли ҳуқуқий тартибга солиш ижтимоий муносабатлар учун давлат томонидан турли манфаатларнинг уюштирилган ва тартибли мувофиқлаштирилиши ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, қабул қилинган меъёрлар кўпинча бир вақтнинг ўзида бир нечта фаолият соҳалари: таълим, маъмурий, молиявий ва бошқа соҳалар учун гибрид характерга эга эканлиги билан вазифа мураккаблашади. Бу соҳалар бир-бири билан чамбарчас боғланган, лекин ҳозирда амалий жиҳатдан ҳам, қонунчилик нуқтаи назаридан ҳам интеграциялашмаган. Таълим муассасаларини рақамлаштириш учун бошқарув асосларини яратувчи органлар ушбу ташкилий-ҳуқуқий жараённи "қўлда" тартибга солишга ҳаракат қилмоқда. Шу билан бирга таълим муассасаларида рақамлаштиришнинг кенг тарқалиши, биринчи навбатда, раҳбарлар онгига, фикрлашув доирасига таъсир қилиши керак.

Хориж тажрибасидан кўринадики, олимларнинг илмий ишларида таълимни рақамлаштириш учун асос бўлган қонунчилик базасини тизимлаштиришга ҳаракат қилинмоқда [3]. Эътибор беринг, энг нуфузли илмий нашрларнинг аксарияти рақамли муаммоларнинг умумий масалаларига бағишланган. Масалан, Осло университетида рақамлаштиришнинг уч босқичи таҳлил қилинган ва рақамли таълим майдонининг учта асосий кучини аниқлаган тадқиқот ўтказилиб, унинг натижасида рақамли таълим майдони университетларга институционал чегараларни енгиб ўтиш ва жамият билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имконини беради, деган хулосага келинди [4]. Бир қатор ҳиндистонлик олимлар ўқитувчиларнинг кундалик фаолиятида дастурий ечимлардан фойдаланган ҳолда кўп вақт талаб қиладиган масъулиятини камайтиришнинг самарали усулларини ўрганишди [5]. Таъкидлаш жоизки, таълимда рақамлаштиришни муваффақиятли амалга оширишнинг ҳуқуқий жиҳатини яратиш учун нашр этилган мақолалар ҳақида тўлиқ маълумот бермасликнинг сабаби ушбу соҳада тадқиқот адабиётларининг етишмаслигидадир. Ҳозирги вақтда маҳаллий олимлар ва мутахассислар томонидан рақамли трансформация билан боғлиқ ҳуқуқий ёндашувлар ёки уларни таълим шароитида муваффақиятли амалга ошириш

учун тавсия этилган механизмлар билан боғлиқ тадқиқотлар етишмайди.

Хорижий мамлакатларда рақамлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, Жанубий Корея тажрибаси ҳам ҳокимият, ҳам таълим муассасаларининг яхши мувофиқлаштирилган ишининг намунаси сифатида аҳамиятга эга. У ерда электрон таълимни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш билан турли хил давлат идоралари, яъни Меҳнат вазирлиги, Таълим, Фан ва Технологиялар вазирлиги, Таълим иқтисодиёти вазирлиги шуғулланади. Корея Республикасининг "Электрон таълим соҳасини ривожлантириш ва электрон таълимдан фойдаланишни тарғиб қилиш тўғрисида"ги Қонуни алоҳида қизиқиш уйғотади. У тўрт бобдан иборат бўлиб, "Умумий қоидалар", "Электрон таълим соҳасини ривожлантириш ва ундан фойдаланишни рағбатлантириш учун халқаро тизимлар", "Электрон таълим соҳасини ривожлантириш учун асос яратиш" ва "Электрон таълимдан фойдаланишни рағбатлантириш, электрон таълимни фаоллаштириш" мавзуларини ўз ичига олади. Юқоридаги қонунда "электрон таълим" – бу электрон қурилмалар, ахборот технологиялари ва радиоэшиттириш технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилувчи ўқув жараёни сифатида белгиланган. Таълимга АКТ жорий этилгандан сўнг эришилган натижалар Корея Республикасида таълимни ислоҳ қилишнинг муқобил усули сифатида электрон таълимни кўриб чиқиш имконини беради. Биринчидан, сўнгги ўн йил ичида Корея биринчи даражали IT инфратузилмасини қурди. Иккинчидан, электрон таълим – таълимдаги ислоҳотлар маҳсули бўлиб, ўрганишни истаган ҳар бир кишига исталган вақтда ва исталган жойда имконият эшикларини очади. Умуман олганда, электрон таълимни кенгайтириш учун АКТдан фойдаланиш керак, аммо бу АКТдан якуний мақсад сифатида фойдаланишни эмас, балки вақт ва макон чекловларини олиб ташлаш учун АКТдан фойдаланишни таклиф қилади. Хоҳлаган шахс учун индивидуал даражада ўрганиш имкон яратади.

Мазкур соҳадаги янги вазифалар ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш учун Корея дастурий таъминотга ихтисослашган университетлар сонини кўпайтиришни, Ахборот технологиялари тадқиқот марказини (ITRC) янги ақлли технологиялар ва АКТ лар билан янгилашни, киберхавфсизлик бўйича кадрлар тайёрлаш институтини ташкил қилишни режалаштирган. Бундан ташқари, яқин келажакда Кореяда ижодий фикрлаш ва муаммоларни ечиш қобилиятини ошириш мақсадида дастурий таъминот ва 3D босиб чиқариш соҳасида кадрлар тайёрлашни кучайтириш зарурияти туғилади. Яна бир муҳим қадам – симсиз инфратузилмани кенгайтириш ва бандлик тузилмасида кутилаётган ўзгаришларга жавоб беришга тайёр ўқитувчиларнинг рақамли ваколатларини шакллантиришга эътибор қаратишдир.

> Сиёсий қарор қабул қилишда IT ва электрониканинг ўзига хос тармоқларини ривожлантириш эмас, балки имкон қадар кўпроқ фуқаролар фойдаланиши керак бўлган ITнинг ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида ривожланиши омил бўлди. Бу икки омил Эстониянинг рақамли трансформациясининг энг муҳим хусусиятларига асос солди, улар бугунги кунда ҳам ҳукмронлик қилмоқда. Шундай қилиб, Эстониянинг рақамли трансформациясининг ривожланишини шунчаки Ғарбга етиб олишдан кўра, сакраш стратегияси сифатида кўриш мумкин (Burlamaqui and Kattel 2016). Республиканинг рақамли истиқболи – бу ўз тараққиётида Ғарбни четлаб ўтишга қодир давлат ва жамият бўлишдир.

Эстониянинг рақамли трансформациясини дастурий ёки сиёсий жиҳатдан баҳолаш учун айтиш жоизки, Эстониядаги ҳолат миллий стратегиянинг муваффақияти ҳисобланади. Бу Эстония мустақилликка эришгач, яъни 90 йилларнинг бошидан буён узоқ ва давомли жараён бўлиб, бугунги кунгача муваффақиятли давом этмоқда.

Ахборот жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши изчил баҳс-мунозараларга, шунингдек, кўплаб сиёсий ташаббусларга асосланади. Масалан, рақамли трансформациянинг стратегик сиёсати бўйича кўплаб ҳужжатлар молиялаштириш вақтида Европа тузилмаларидан олинган.

Бугун бу давлат рақамли кун тартибидаги сиёсат кўмагига мухтож. Кейинги ўн йилликлар муваффақиятининг омиллари ва ҳара-

катлантирувчи кучларини кўриб чиқамиз, бу янги авлод рақамли трансформация сиёсатини янада амалга оширишни таъминлайди. Бу АКТ соҳаси учун муҳим эканлигини исботлади, чунки у кенг кўламли марказлаштирилган эски тизимларга эмас, балки янги ахборот технологиялари ечимларига эътиборни қаратган.

Сиёсий қарор қабул қилишда IT ва электроникaнинг ўзига хос тармоқларини ривожлантириш эмас, балки имкон қадар кўпроқ фуқаролар фойдаланиши керак бўлган IT-нинг ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида ривожланиш омили бўлди. Бу икки омил Эстониянинг рақамли трансформациясининг энг муҳим хусусиятларига асос солди, улар бугунги кунда ҳам ҳукмронлик қилмоқда. Шундай қилиб, Эстониянинг рақамли трансформациясининг ривожланишини шунчаки Ғарбга етиб олишдан кўра, сакраш стратегияси сифатида кўриш мумкин (Burlamaqui and Kattel 2016). Республиканинг рақамли истиқболи – бу ўз тараққиётида Ғарбни четлаб ўтишга қодир давлат ва жамият бўлишдир.

Ҳозирги босқичда Беларусь Республикасида таълимни рақамлаштириш қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларига, яъни Беларусь Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2016 йил 23 мартдаги 235-сонли қарори билан тасдиқланган "2016–2020 йилларга мўлжалланган рақамли иқтисодиёт ва ахборот жамиятини ривожлантириш Давлат дастури", Белорусия Республикаси Таълим вазирининг 2017 йил 29 ноябрдаги 742-сон буйруғи билан тасдиқланган Беларусь Республикасининг 2020 йилгача ва истиқболдаги 2030 йилгача бўлган таълим тизимини ривожлантириш бўйича концептуал ёндашувлар, Беларус Республикаси Президентининг "Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш тўғрисида"ги 2017 йил 21 декабрдаги 8-сонли Фармони, 2015 йил 3 ноябрдаги Беларусь Республикасининг 2016–2022 йиллар учун ахборотлаштиришни ривожлантириш стратегияси ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланади.

Ўзбекистонда олий таълимни рақамлаштиришни ҳуқуқий тартибга солишнинг қуйидаги 3 та асосий ёндашувини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- қонун чиқарувчи
- бўйсунувчи
- стратегик

Ҳужжатлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий жиҳатларини таҳлилида келтирилишича, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда атамаларнинг таърифлари қонуний равишда белгиланмаган, бу эса уларни қарама-қарши талқин қилишга олиб келади. Агар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сонли "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонунида ахборотни йиғиш, сақлаш, қидириш, қайта ишлаш ва тарқатиш учун фойдаланиладиган услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар мажмуи ҳисобланган "ахборот технологиялари"нинг фақат асосий тушунчаси берилган бўлса, "ахборот-коммуникация технологиялари", "рақамли технологиялар" ва "рақамлаштириш" атамалари тушунчалар аппаратисиз қўлланилади. Шу муносабат билан бизнинг фикримизча, ҳуқуқшунос олимлар илмий мунозаралар доирасида расмий ҳужжатлар, тадқиқотлар, шунингдек, нашрларда қўлланиладиган атамаларнинг аниқ фарқини белгилашлари керак. Бу маълум даражада давлат сиёсатини самарали амалга ошириш ва умуман ахборот-коммуникация технологияларини бошқариш, рақамли технологияларни жорий этиш ва рақамлаштириш жараёнларида сезиларли ўзгаришларни таъминлаши мумкин.

Бу ҳолат мамлакатимизнинг қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги "Таълим тўғрисида"ги ЎРҚ–637-сонли Қонунида ҳам кўрсатилган бўлиб, бу ҳужжатда ўқув дастурларини амалга ошириш жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ўқитишнинг инновацион шакл ва усулларидан фойдаланишнинг мажбурийлиги белгиланган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ–5812-сонли Фармонида Ўзбекистон Миллий малака тизими етарли даражада жорий этилмагани таълим жараёнига кириб келиши тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашига тўсқинлик қилаётгани алоҳида таъкидланган.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, хусусий секторнинг таълим тизимини кенгайтириш, таълимни бошқаришни автоматлаштириш, масофавий

таълим ва талабалар ўртасида IT-касбларни оммалаштириш биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–6108-сонли Фармонида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги "Иқтисодиёт тармоқлари учун муҳандис кадрларни тайёрлаш тизимини инновация ва рақамлаштириш асосида тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–42-сонли қарори рақамли технологияларни жорий этиш ва юқори малакали мутахассисларнинг интеллектуал салоҳиятини фаоллаштиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда қўшимча меъёрий ҳужжат бўлди.

Кейинги муҳим ҳужжат Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган даврда янгиланаётган жамиятнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган яқин қонунлар ва давлат раҳбарининг қарорлари қабул қилинганлиги келтириб ўтилган. Шунингдек, унда мамлакатнинг асосий "драйвери" сифатида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Юқорида қайд этилган янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясига кўра, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга кўтариш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2022 йил 22 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022–2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–357-сонли қарори қабул қилинди. Ҳукумат ҳужжатида қуйидаги вазифалар белгиланган:

- масофавий таълим шаклида рақамли технологиялар соҳасида ўқитиш тизимини ривожлантириш орқали 6,5 мингдан ортиқ ёшларни ахборот технологиялари соҳасида ҳар йили ўқитиш;

- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида таълим IT-хизматларини кўрсатиш, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва грантлар ажратиш орқали уларни экспорт қилишга қаратилган стартап лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- аутсорсинг хизматларини кўрсатиш бўйича ўқитиш орқали дастурий маҳсулотлар ва IT-хизматларини экспорт қилишга қизиқишни ошириш.

Бундан ташқари, қарорда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги марказий аппарати тузилмасига рақамли таълимни ривожлантириш масалалари бўйича вазир ўринбосари лавозимини киритиш назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 октябрдаги "Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 559-сонли қарорини алоҳида таъкидлаш лозим. Маълумки, тўсатдан юз берган COVID–19 пандемияси таълим тизими, жумладан, олий таълим ҳам талабалар учун масофавий таълимга тайёр эмаслигини яққол кўрсатди. Қарорнинг меъёрий-ҳуқуқий базасида яқин келажакда масофавий таълимни жорий этишнинг самарали йўллари ишлаб чиқилган.

Жаҳон ахборот жамиятида ютуқларга эришган ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон рақамли муҳит соҳасида эндигина шакллана бошлади, қабул қилинган "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегияси (кейинги ўринларда Стратегия) эса рақамли иқтисодиётни ҳуқуқий тартибга солиш ва ривожлантириш учун шароит яратиш воситасидир. 2020 йилда амалга оширилиши бошланган стратегия асосида таълим соҳасида қуйидаги мақсадларга эришиш режалаштирилмоқда:

- "Олий таълим жараёнларини бошқариш" ахборот тизимини ишга тушириш ва ўқув, илмий ва молиявий жараёнларни босқичма-босқич рақамлаштириш;

- "Касбий таълим жараёнини бошқариш" ахборот тизимини ишлаб чиқиш;

- "Олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари талабаларининг электрон маълумотлар базаси"ни шакллантириш;

- олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дипломларининг дубликатларини бериш бўйича давлат хизматини жорий этиш ва "Дубликат" ахборот тизимини ишлаб чиқиш;

- олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ёш олимлари ва талабалари учун илғор бадиий адабиётлар, илмий ва

ўқув адабиётларининг электрон каталогларини бирлаштирган “Электрон кутубхона” ягона ахборот тизимини жорий этиш;

- бошланғич олий ўқув юртларида етакчи профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларининг аудиовизуал таълим мазмунини ва мультимедиа таълим маҳсулотларини (аудиокитоблар, 3D, VR ва бошқалар) ишлаб чиқарувчи махсус медиа-марказларни яратиш ва бошқалар.

Мазкур стратегияда амалга оширилган ишлардан яқин келажакда таълимни рақамлаштиришнинг асосий йўналишлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Бироқ олий таълим муассасаларини рақамлаштиришнинг узоқ муддатли истиқболи таълим муҳитини рақамли ўзгартиришни комплекс ҳуқуқий тартибга солишнинг алоҳида концепциясини ишлаб чиқиш тўғрисидаги хулосага олиб келади.

Таълимни рақамлаштиришни тартибга солишнинг хорижий тажрибасидан ташқари, қонун ҳужжатларини тайёрлашнинг мавжуд маҳаллий амалиёти ва механизмларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Хулоса ва тавсия ўрнида шуни айтиш мумкинки, Олий таълимни рақамлаштириш унинг сифатини оширишнинг янги истиқболларини очади, ёшларни профессионал узлуксиз тайёрлашга ёндашувни шакллантиради. Олий таълимни рақамлаштиришдан мақсад сифатли таълим жараёнига ўтиш учун рақамли технологияларни мослашувчан қўллашдан иборат. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги масалаларни ҳал қилиш керак:

- Ўзбекистон Республикасида рақамлаштиришга бағишланган меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

- рақамли ўқув-услубий материаллардан фойдаланиш инфратузилмасини яратиш;

- кейинчалик, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда рақамли дастурларни амалга ошириш;

- гибрид таълимни ривожлантириш: онлайн ва офлайн;

- масофавий таълим учун янги таълимни бошқариш тизимига тайёргарлик;

- талабаларни универсал идентификация қилиш тизимини ишлаб чиқиш;

- саноатнинг янги воситалари ва асбобларидан фойдаланиш асосида университет таълими моделини ишлаб чиқиш;

- ўқитувчиларнинг билим даражасини ошириш ва ўқитишда рақамли технологиялардан фойдаланиш.

Таълим муҳитини рақамлаштиришни ҳуқуқий тартибга солишнинг кенг қамровли концепциясини ишлаб чиқишда, динамик рақамли экотизимни ривожлантириш билан боғлиқ янги ҳуқуқий ҳужжатларнинг самарадорлигига йўналтириш, ягона меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантиришнинг инновацион жаҳон амалиётини ўрганишни давом эттириш ва мамлакатга стратегик хорижий инвестицияларни жалб этишга ҳисса қўшадиган юқори салоҳиятга эга иқтидорли ёшлар учун стартапларни жорий этиш керак.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси – 20.12.2022 й.

2. From dual digitalization to digital learning space: Exploring the digital transformation of higher education. Bendik Bygstad, EgilØvrelid, Sten Ludvigsen, Morten Dæhlen. Understanding the role of digital technologies in education: A review. Abid Haleema, Mohd Javaida, Mohd Asim, Qadrib Rajiv Sumanc.

3. Understanding the role of digital technologies in education: A review. Abid Haleema, Mohd Javaida, Mohd Asim, Qadrib Rajiv Sumanc.

4. Закон Республики Узбекистан № 560-II от 11.12.2003 “Об информатизации”.

5. Қурбонов Ш., Сейтхалихов Э. Таълим сифатини бошқариш. – Т.: Турон_иқбол.

ҚАДИМГИ ШАРҚ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА
СОЦИАЛ СТРАТИФИКАЦИЯ ВА ЭТАТИК ТУЗИЛМАЛАРГА ДОИР КОНЦЕПЦИЯЛАР



Акмал АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси докторанти,
социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: *мақолада Қадимги Шарқда социал стратификация ва этатик тузилмаларга доир концепцияларининг таркибий жиҳатлари ёритилган. Ўрта Осиёдаги қадимги давлатлар, Қадимги Миср, Қадимги Ҳиндистон, Қадимги Бобил ва Қадимги Хитойдаги этатик тузилмаларга доир таълимотлар ва концепцияларнинг таркибий жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, Қадимги Шарқ мамлакатларида жамиятнинг социал стратификацион жараёнлари ҳамда ушбу мамлакатлардаги этатик тузилмаларнинг фаолияти назарий таҳлил қилинган. Бундан ташқари, Шарқнинг буюк алломалари Ал-Мотуридий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоийнинг ижтимоий табақалашув ва этатик тузилмаларга доир таълимотлари таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *Ўрта Осиё, "Авесто", Қадимги Миср, Яқин Шарқ, Қадимги Ҳиндистон, "Веда" "Упанишад" ва Қадимги Хитой, "Конфуцийлик", Маат қонунлари, ҳақиқат, адолат, одил судлов, Қадимги Бобил, Мардух, Шумер, Шамаш худоси, Хамураппи қонунлари, варна, Будда, Брахманизм, Ману таълимотлари, Қадимги Хитой, Конфуций, Абу Наср Форобий, ал-Мотуридий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий.*

Концепции о социальной стратификации и этических структурах в древневосточном государственном управлении

Акмал Абдуллаев,
докторант Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан, (PhD) по социологическим наукам

Аннотация: *в статье рассматриваются структурные аспекты представлений о социальной стратификации и этических структурах на Древнем Востоке. Анализируются структурные аспекты учений и концепций этических структур в древних государствах Средней Азии, Древнего Египта, Древней Индии, Древнего Вавилона и Древнего Китая. Также теоретически анализируются процессы социального расслоения общества в странах Древнего Востока и деятельность этических структур в этих странах. Кроме того, анализируются учения великих ученых Востока аль-Мотуриди, Абу Насра Фараби, аль-Мотуриди, Абу Райхана Беруни, Алишера Наваи о социальной стратификации и этических структурах.*

Ключевые слова: *Средняя Азия, "Авеста", Древний Египет, Ближний Восток, Древняя Индия, "Веды", "Упанишады" и Древний Китай, "Конфуцианство", Законы Маат, истина, справедливость, Древний Вавилон, Мардух, Шумер, Бог Шамаш, Законы Хаммурапи, варна, Будда, брахманизм, учение Ману, Древний Китай, Конфуций, аль-Мотуриди, Абу Наср Фараби, аль-Мотуриди, Абу Райхан Беруни, Алишер Наваи.*

Concepts of social stratification and ethical structures in ancient East Public Administration

Akmal Abdullaev,
Doctoral student of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan, PhD (in Sociology)

Abstract: *the article considers the structural aspects of the concepts of social stratification and ethical structures in the Ancient East. The structural aspects of the doctrines and concepts of ethical structures in the ancient states of Central Asia, Ancient Egypt, Ancient India, Ancient Babylon and Ancient China are analyzed. Also, the social stratification processes of the society in the countries of the Ancient East and the activity of ethical structures in these countries were theoretically analyzed. In addition, the teachings of the great scholars of the East, Al-Moturidi, Abu Nasr Farabi, Abu Rayhan Beruni, Alisher Navoi, on social stratification and ethical structures are analyzed.*

Keywords: *Central Asia, "Avesta", Ancient Egypt, Middle East, Ancient India, "Veda" "Upanishad" and Ancient China, "Confucianism", Laws of Maat, truth, justice, justice, Ancient Babylon, Marduk, Sumer, God Shamash, laws of Hammurabi, varna, Buddha, Brahmanism, teachings of Manu, Ancient China, Confucius, Abu Nasr Farabi, al-Moturidi, Abu Rayhan Beruni, Alisher Navoi.*

Жаҳон цивилизацияси ва глобал жараёнларни позитив йўналишга йўналтиришда ўтмишдаги буюк мутафаккирларнинг илмий ва маънавий мероси назарий-методологик асоси сифатида қаралиши муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, илк ўрта асрлардаги биринчи ренессанс даврининг буюк мутафаккири ва давлат арбобларининг этнография ва этносоциологиясига доир илмий мероси, давлат бошқарувига доир методологияларни такомиллаштириш ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш масаласи долзарб масалалардан биридир. Бу ижтимоий давлатни бунёд этишга хизмат қиладиган мавжуд ижтимоий ва ҳуқуқий нормаларни жорий қилиш тизимини такомиллаштиришга, замонавий билимларга ва шарқона ахлоқ ҳамда фазилатга эга бўлган етук кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда социология фанидаги методологияларни такомиллаштиришда айнан Шарқ мутафаккирларининг давлат бошқарувига доир қарашлари билан уйғунлаштириш ва бойитишга катта эътибор берилиши кузатилмоқда.

Ижтимоий стратификация назарияси – (лот. stratum – қатлам ва facio – қилмоқ) яъни жамиятни қатламларга бўлиш, жамият ижтимоий тузилишининг элементларидан бири бўлиб, ундаги маълум тартибларни кўп ўлчам асосида таснифлашдир. Стратификация турли белгиларга, шунингдек, социал гуруҳларнинг жамият тузилишидаги ўрнини аниқ белгилашда қўлланилади. Таснифнинг мезони, жамиятнинг социологик ташхис қилиш ва маълум социал гуруҳларнинг аниқ мақомини расмийлаштириш деб номланади. Бунда энг қуйи кўрсаткичлар ва ижтимоий демографик омилларнинг маълум моделларини яратишда фойдаланилади. Ижтимоий стратификациялаш тушунчаси социологияда моддий бойликларнинг текис бўлмаган ҳолда тақсимланиши, индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳокимиятдаги вазифалари, ижтимоий нуфузи хилма-хиллигини англатади, айниқса, бу жараён ҳозирги саноатлашган жамиятларда ижтимоий гуруҳларнинг вазифалари билан бевосита боғланган. Жамият ижтимоий тизимига бундай ёндашиш ва уни ўрганишга XVII-XIX асрларда Ғарбда М.Вебер асос солган. Кейинчалик бу таълимот Т.Парсонс, Э.Шилз, Б.Барбер, К.Дэвис, У.Мурваблар томонидан ривожлантирилган [1].

Этатик тузилмаларнинг фаолиятига хос жиҳати шундаки, барча фуқаролар ва ижтимоий муносабатларнинг бошқа субъектлари мажбурий ва сўзсиз риоя этиши ҳамда бажариши шарт бўлган қатъий буйруқ ва фармойишлар орқали жамиятни бошқаришдир. Бундан ташқари, мазкур субъектларнинг эркинлиги ва мустақиллиги, давлатга нисбатан автономлиги максимал даражада чекланган бўлади. Давлатнинг иқтисодиёт, ижтимоий муносабатлар, фуқароларнинг шахсий ҳаёти соҳасини ўзининг бевосита бошқаруви ва қарамоғига олишга ҳаддан ташқари интилиши кучайган булади. Шахс ва ижтимоий муносабатлар субъектларининг ўрни, нафақат қонуннинг аниқ ва барқарор қоидаларига, балки улар кундалик ҳаётда кўпроқ тўқнашиб турадиган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг субъектив фикрига ҳам боғлиқ бўлади [2].

Қадимдан Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг ижтимоий стратификация ва тузилмаларини қарор топтириш ҳамда адолатли давлат ва жамият ғояси азалдан ижтимоий ва сиёсий ғоялар диққат марказида бўлган. Ғарбда Антик даврининг мутафаккирлари Геродот, Суқрот, Афлотун, Аристотель, Шарқда эса Заратушт Конфуций, Моний ва Будда каби мутафаккирлар давлат ва жамият бошқаруви, жамиятда табақаланиш ва этатик тузилмалар ҳақида дастлабки таълимотлар ва концепцияларни берганлар.

Шунингдек, Шарқдаги қадимги цивилизациялар ва илк давлатларидаги давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий стратификация ва этатик тузилмалар ҳақидаги таълимотларни Ўрта Осиёда “Авесто”, Қадимги Мисрда “Таврот”, Яқин Шарқда “Инжил”, Қадимги Ҳиндистонда “Веда” “Упанишад” ва Қадимги Хитойда “Конфуцийлик” ва “Даоцизм” каби диний ва фалсафий манбаларда кўришимиз мумкин.

Ўрта Осиё ҳудудида дастлабки давлатлар милоддан аввалги VIII-VII асрларда Ватанимиз ҳудудларида 3 та: Катта Хоразм, Бақтрия ҳамда саклар ва массагетлар конфедерацияси шаклидаги дастлабки давлатлар шаклланган. Бу давлатлар ўзига хос ривожланиш жараёнини босиб ўтган. Айниқса, бу илк давлатлар орасида Бақтрия нисбатан барқарор бўлганлиги билан ажралиб туради. “Катта Хоразм” “ишлаб чиқаришнинг Осиё усули”га эга бўлган давлатларнинг қадимги шарқ ти-

пига мансуб эди. Саклар ва массагетларнинг конфедерацияси эса чорвадор турларнинг кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларнинг ҳарбийлашган давлатидан иборат эди [3].

Ўрта Осиёнинг Атрек хамда Горгон дарёлари юқори ҳавзасида жойлашган (Жанубий Туркманистон, Шимоли – Шарқга Эроннинг бир қисми) қадимги давлатлардан яна бири қадимги Парфия номи билан юритилган. "Авесто"да Ахура Мазданинг бешинчи бўлиб Нисая ўлкасини яратгани ҳақида иборалар учрайди [4].

Ўрта Осиё юнон-македон истилоси ва салавкийлар сулоласи ҳукмронлигидан кейин милоддан аввалги III аср бошида ҳозирги Тошкент воҳасида ва Сирдарёнинг ўрта ва шимолий оқими ҳудудларида Қанғ давлати вужудга келган. Бу давлатнинг этник таркибини турли қабила, элатлар ташкил этган. Унда етакчи қанғлардан ташқари қатарлар, камарлар, тоҳарлар, апасшаклар, асийлар ва бошқа қабила, уруғлар ҳам ёнма-ён истиқомат қилганлар. Милоддан аввалги II-I асрлар Қанғ давлатининг энг кучайган даври бўлган. Шу даврларда Қанғ бир қатор вилоятларни ўз тобелигига бўйсундирган эди. Хитой солномаларида бу вилоятларнинг 5 та номи тилга олинади. Булар – Сусе (Кеш-Шаҳрисабз), Фуму (Зарафшон водийси), Юни (Тошкент вилояти), Ги (Бухоро воҳаси), Юегян (Урганч шаҳри ва вилояти) [5].

Юқорида номлари келтирилган Бақтрия, Парфия, Тоҳаристон, Катта Хоразм, Қанғ ва Даван қадимги давлатларнинг давлат бошқарув усуллари бир-бирларидан катта фарқ қилмайди. Ушбу давлатларда давлат бошқаруви якка бошқарувга асосланган бўлиб, давлат бошқарувида ҳукмдорнинг шахсан ўзи барча қарорларни қабул қилган. Аммо, давлат бошқарувида ҳукмдорнинг ўзи тўғридан-тўғри иштирок этмаса-да унинг иштирокини ёрдамчи вазирлар ва оқсоқоллар кенгашидан иборат бошқарув аппарати бажариб турган.

Қадимги Миср тарихи тўрт минг йиллик тарихга эга ва учта "Подшоҳлик" даврига бўлинган: Эски подшоҳлик, Ўрта подшоҳлик ва Янги подшоҳлик, улар орасида қисқа ўтиш даврлари мавжуд бўлиб, сулоладан олдинги, сулола даври, эллинистик давр, Рим даври, Византия-Копт даври ва VII асрда араблар истилоси давридир. "Ўтиш даври" атамаси бу даврларда Мисрнинг ягона марказлашган сиёсий ҳокимиятга эга бўлмаганлигини ва бир-бири билан уришаётган бир нечта кичик давлатларга бўлиниб кетганлигини англатади. Миср цивилизациясининг асослари қадимги подшоҳлик давридан бир неча минг йил олдин қўйилган, чунки Нил водийси ўтроқ деҳқончиликни афзал кўрган, бу эса ўз навбатида урбанизация, меҳнат тақсимоти, қишлоқ хўжалигидан ташқари иқтисодий фаолиятнинг пайдо бўлиши ва ўсишига олиб келган.

Қадимги Мисрда инсониятнинг маънавий жавобгарлик туйғусининг юксалишида инсон ҳаётининг ҳар бир жабҳасига таъсир қилувчи, тартиб, қонун, ҳалоллик ва адолат тамойилларини ўзида мужассамлаштирган "Маат" қонунлари асосида давлат бошқарувининг ҳуқуқий асослари таъминланган. Қадимги Мисрнинг аёл тимсолидаги "Маат Худоси" ҳақиқат, адолат, одил судлов тимсоли сифатида намоён булади. Давлат бошқарув органлари ва судлар бу худо тасвирини доим ўзлари билан олиб юрганлар ва улар Маат худосига сиғинганлар. Фиръавн, коҳинлар ва зодагонлар ҳокимиятининг шунингдек, расман қўллаб-қувватланган урф-одатлар, қонунлар, суд ҳукмлари сингари ўша даврнинг асосий ҳуқуқ манбаларининг илоҳийлиги уларнинг барчаси "Маат тартиблари", яъни табиий-илоҳий адолат қоидаларига мувофиқ эканлигидан далолат берган [6].

Инсон нутқидаги энг қадимги мавҳум атамалардан бири бўлган Маат марказий принцип бўлиб, Қадимги Миср қонунчилигида ҳеч қандай кодекси топилмаган бўлса-да, ер юзида Маатни амалга ошириш учун мўлжалланган ёзма қонуннинг кўплаб далиллари мавжуд. Фиръавн, энг юқори қонуний ҳокимият сифатида, Маат ва қонун ўртасини боғлаб турган шахс ҳисобланган.

Ижтимоий иерархиянинг юқори қисмида мамлакатнинг мутлақ монархи бўлган ва барча ресурслар устидан тўлиқ назоратга эга бўлган фиръавн турган. У олий қўмондон, ҳукумат бошлиғи, энг муҳим ҳарбий, диний, иқтисодий, суд қарорларини қабул қилган ва у барча ерларга эгалик қилди. Шу билан бирга у этатик тузилманинг бош бўғини ҳисобланган.

Ижтимоий иерархиянинг иккинчи қисмида "Олий синф" – фиръавннинг оиласидан пастки қатламда қадимги Мисрнинг энг юқори табақасини, уламолар ва амалдорлар,

яъни “Оқ этаклилар синфи” улар жамиятда ҳукмрон табақа қатламини ташкил этганлар. Жамият табақалашувининг учинчи қатламида эса руҳонийлар, табиблар ва муҳандислар бўлган. Ундан кейинги қатлам, ҳарбийлар, деҳқонлар, чорвадорлар, ҳунармандлардан иборат ўрта синф бўлган.

Ушбу социал стратификациянинг охирги қатлами қуллар билан тугатилган. Қадимги Миср деярли 4 минг йиллик тарихида давлат ва жамият бошқаруви ҳақидаги ёндашувлар, фикрлар, сиёсий, ижтимоий қарашлар таълимот даражасига кўтарилмаган бўлса-да, тадқиқотимиз учун муҳим фактларни кўриш мумкин. Бир сўз билан айтганда Қадимги Миср давлати якка ҳукмронлик бошқарув ва жамият эса этатик тузилмалар орқали қатъий бошқарилиб келинган.

Қадимги Бобил (Вавилон). Бобил тарихи мамлакатдаги жанг-жадалларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу ерда дастлаб шумерлар ҳукмронлик қилишган. Бу ҳудудларда турли хил мустақил шаҳар ва давлатлар жойлашган ва улар кўп замонлар ўзаро курашиб келган. Бобил империяси пайдо бўлгач, Бобил худоси “Мардух” бошқа шаҳар худолари орасида худди Юнон худолари орасида Зевсдек юксак мавқеда бўлган [7]. Бобилда Шумер афсонасида келтирилган Шамаш худоси адолат раҳнамоси ва ожизлар ҳимоячиси сифатида тасвирланади. Шамаш худоси ёвузлик ва ёмонликни, ёлғон ва адолатсизликни қаттиқ қоралайди ва жазолайди. Бу қарашлар эрамиздан аввалги XVIII асрдаги машҳур Қадимги Бобил сиёсий-ҳуқуқий ёдгорлиги Хамураппи қонунларида ўзининг батафсил ифодасини топган [8].

Бобилда жамият жамоавий меҳнатни ташкил этиш шакли сифатида ҳаракат қилган. Шуни таъкидлаш керакки, у нафақат давлат олдидаги жамоавий меҳнат мажбуриятини олган, балки бу орқали маҳаллий вазифаларни ҳам ҳал қилиши мумкин эди. Давлат турли муносабатларда ўз аъзолари яъни мамлакат гражданларини манфаатларини ҳимоя қилган ва ўзининг қонунчилигида ифодалаган. Масалан, жамиятнинг суд процессида иштирок этиши мумкин, жамиятнинг мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида мулкий-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш ғоясини ифодалаган [9]. Бошқача қилиб айтганда, бу орқали шахсларнинг манфаатлари бирлашди ва жамиятда мужассамлашди, бу уларнинг умумий жамоавий манфаатларини ифода этган.

Қадимги Ҳиндистон. Ҳиндистондаги сиёсий ва ҳуқуқий қарашларнинг энг қадимги манбалари Ведалар эди. Улар дунё, инсон ва унинг ахлоқий нормалари ва турмуш тарзи ҳақидаги диний, мифологик, фалсафий, сиёсий ва ҳуқуқий ғояларни мажозий маънода ифода этган.

Ведаларда Қадимги Ҳинд жамияти брахманлар, кшатрийлар, вайшийлар ва шудралар деб аталувчи тўрт тоифага бўлинган. Варналар кишиларнинг бошқа тоифалар учун бир қадар ёпиқ бўлган гуруҳ ҳисобланиб, жамиятда ўзининг қатъий белгиланган ўрнига, жумладан, ҳуқуқий мақомига, аъзоларнинг маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган. Никоҳ фақат варна аъзолари ўртасида тузилган, уларга мансублик туғилишига қараб белгиланган ва авлоддан-авлодга ўтган. Илк Ҳинд варналари аъзолари озод шахс бўлишган, чунки қулларнинг ҳар тўрттаси варнадан ташқари ҳисобланган. Ақлий меҳнат юқори табақа вакилларига яъни руҳоний браҳманларга тегишли бўлган. Ҳарбий соҳада кшатрийлар, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдода вайшийлар банд бўлган. Энг оғир ва қора меҳнат шудраларнинг зиммасида бўлган [10].

Қадимги ҳинд таълимотига кўра, одамзод Худо томонидан яратилган ва Ману инсон зотининг дастлабки аждоди ҳисобланган. “Ману қонунлари” деб номланган машҳур сиёсий-ҳуқуқий ёдгорлик милоддан аввалги II асрларга тааллуқлидир. Унда Веда ва Упанишадлар жамиятининг варналарга бўлиниши, уларнинг нотенглиги сингари тегишли қоидалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, Ҳиндистонда давлат ва жамият бошқарувида, жамиятнинг ижтимоий табақаланишида Будда таълимотининг ўрни ҳам беқиёс бўлган. Будда таълимоти ўзидан олдинги Ману таълимотларини бир оз юмшатиб жамиятда мавжуд этатик тузилмаларни кучсизлантирган деб ҳисоблаш мумкин.

Қадимги Хитой мутафаккирларининг кенг ижтимоий қарашлари алоҳида ўрин тутади. Милоддан аввалги Цинь ва Хан даврларида Хитойда кучли марказлашган империялар таркиб топди. Бу давр учун характерли ҳол шундан иборатки, империягача бўлган даврда амал қилган “ихтилофдаги ҳукмдорлар” тарқоқ мафкураларининг Хитойни буюк дав-

лат даражасида юксалишига хизмат қилувчи янги миллий ғоя билан бирлашуви, яъни осмон образининг илоҳий рамз сифатида қабул қилиниши бўлди. Бинобарин, диний мутаассиблик ва космология ғоялари Хитой ҳукмдорларини азалдан осмоний ҳукмдор мавқеига юксалиш орзулари йўлида хизмат қилиб келар эди. Хитой ва бутун Шарқ мамлакатларига хос бўлган рамзлар илоҳийлигига ишониш эса космология ғоясининг қабул қилинишига туртки бўлди [11].

Осмоний ҳукмдорнинг рамзий тамғасида уч горизонтал чизиқ яъни осмон, ер ва инсондан иборат моҳиятларни ифодаловчи чизиқларни, яъни ҳукмдор изнини ифодаловчи бир вертикал чизиқ кесиб ўтишини акс эттириб турарди. Хитойда Конфуций ахлоқига биноан инсон дунё тарғиботи тизимида фавқулодда ўрин тутиши, умумий дунё тақдири учун масъуллик ҳиссининг чексизлиги тарғиб этилса, космология ғоясида сиёсат ва космик ритм ўртасида муроса ўрнатилиши асосланди. Хитой сиёсати эса "инсон ўзича нима?" деб эмас, "инсон давлат учун нима?" деган саволга жавоб излар эди. Инсон жамиятда фақат ўз қобилиятига таяниб, қачон ундан фойдаланишлари муддатини кутиб яшашга маҳкум этилган эди. Шу боисдан ҳам Хитойда давлат жамики жараёнларни бошқарувчи куч сифатида жамиятда ҳар бир индивиднинг ижтимоий мавқеини ҳам белгилаб борувчи омил вазифасини ўтар эди. Конфуций осмоний ғоя назариясини социологик тадқиқ этган ҳолда уни маърифий бўёқлар билан янада ривожлантирди. Унинг нуқтаи назарига кўра, жамиятни мустаҳкам муносабатлар тизимига эга бўлган оилага ўхшатиш мумкин. У одамлар ўртасидаги муносабатлар тизимини беш кўринишли адолатли тенгсизликни ифода этувчи қисмларга ажратади. Улар қуйидагилар: 1) ота ва фарзанд; 2) эр ва хотин; 3) катта-кичик; 4) устоз-шогирд; 5) ҳукмдор ва фуқароларо муносабатлар тенгсизлиги. Инсон, Конфуций фикрига кўра, нима хаёлига келса шуни қилишга эмас, балки жамият томонидан белгилаб қўйилган, ижтимоий табақа моҳиятидан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажаришга масъулдир [12].

VII-VIII асрларда Ўрта Осиёга Араблар босқини натижасида Шарқ мамлакатларининг аксариятида жумладан Мовароуннаҳр, Эрон, Ироқ, Араб диёрлари, Яқин ва узоқ Шарқ мамлакатларига Ислом динининг кириб келиши билан ўзидан олдинги барча ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий тартиботлар ўз кучини йўқотиб, давлат ва жамият бошқаруви "Қуръони Карим" ва "Ҳадиси Шарифлар" асосида таркиб топган "Шариат" қонунлари билан қайта тартиб ўрнатилди. Вақт ўтиши билан Ислом дини нафақат араблар дини, балки бу дин бутун Осиё ва Шарқ халқларининг дини бўлди. Шарқнинг кўплаб мусулмон олимлари, мутафаккирлари ва давлат арбобларининг юксак билимлари билан давлат ва жамият бошқарувига, жамиятнинг ижтимоий стратификацияга доир кўплаб ислоҳотларни назарий-илмий асослаб, бошқарувда диний тартибларни ўрнатиш ва ҳуқуқий ва ижтимоий норма ижодкорлигида араблардан ҳам ўзиб кетдилар. Натижада, Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Арабистон ярим ороли ва Мисрда Тафсир, Ҳадис, Тасаввуф, Шариат, Ақоид каби йирик мактаблар вужудга келиб, бутун Ислом оламига маърифатли диний эътиқод, адолатли жамият, адолатли ижтимоий давлат концепцияларини амалиётга XII-XIV асрларгача тўлиқ жорий қилиб бўлган эдилар [13].

Абу Мансур ал-Мотуридий (852-944) Мовароуннаҳрда жамоатчилик фикри тарихини ўрганишда Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ўрни беқиёсдир. Суннийлик асосидаги исломда катта йўналишни ташкил этувчи Мотуридия мактаби асосчиси Абу Мансур ал-Мотуридийнинг "Китаб ат Тавҳид", "Китаб ал мақомат" ва "Китаб раддул авомил лил адла ва лил кабий" [14] асарларига нафақат диншунослик, балки жамият, жамоа, ижтимоий жараёнлар ва хусусан шахс ҳақидаги таълимот сифатида ёндашиш, уларни Мовароуннаҳр халқларининг турмуш тарзи, менталитетига мувофиқ келувчи ғоявий, эътиқодий якдилликка ундовчи яхлит илмий социологик концепция сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Ал-Мотуридий қарашларини оқилона меъёр, инсон шаъни, шахснинг жамиятда эгаллаган мавқеи тўғрисидаги дастлабки социологик таъриф, деб баҳолаш мумкин. Ал-Мотуридийнинг асарларидаги шахс эътиқод орқали жамиятдаги табақаланишларда ўз социал мавқеини эгаллаши мумкинлиги ҳам ҳозирги замонавий социологияда социал стратификацион жараёнлар нуқтаи назаридан асос сифатида олиш мумкин.

Ал-Мотуридий инсон ўз ижтимоий мақомини ўзгартиришда социал мобиллик канал-

ларини ихтиёрий танлаш имконияти жамоага қарши йўналтирилмаслиги, шахс давлат олдида масъул бўлгани каби, давлат ҳам шахс олдида масъул бўлишини назарий асослайди.

Фикримизча, Ал-Мотуридийнинг социал қарашларида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва эътиқод масаласида жамиятдаги эътиқодли кишилар ўз эътиқодларини мустаҳкамлаб, уни илмий бойитиб, ривожлантириб туришларини кенг тарғиб қилган. Чунки, айнан эътиқод масаласи кўп жиҳатдан шахснинг жамиятдаги ўрнини белгилаб берган. Ислом оламида бир неча мазҳаб, йўналиш, ақидалар ҳамда оқимларнинг мавжудлиги ва шахснинг қайси диний мавқега эга эканлиги унинг жамият вакиллари томонидан тан олиниши муҳим ҳисобланган. Ал-Мотурудий “Мотуруд ақидаси”га асос солиши ва Ҳанафия мазҳабидаги барча мусулмонларнинг бу ақидага эргашиши оқибатида жамиятдаги мусулмонларнинг ижтимоий мавқеининг ўзгариши ҳам социал стратификацион кўринишларини билдиради.

Абу Наср Форобий (873-950) Шарқда “Муаллим ус соний” Ғарбда эса “Шарқ Аристотели” номи билан машҳур бўлган Абу Наср Форобий Арестотелнинг “Метафизика”, “Физика” асарларига ҳамда унинг мантиққа бағишланган асарларига, Птоломейнинг асарларига илмий шарҳлар ёзган. Форобийнинг “Икки файласуф Арасту ва Афлотуннинг яхлит фикрлари ҳақидаги китоб”, “Талхису Навомису Афлотун”, яъни “Афлотун қонунларининг моҳияти”, “Арасту билан Тален ўртасидаги воситачилик”, “Фалсафа манбалари”, “Ақл ҳақида трактат”, “Фалсафани ўргангунча нимани ўрганмоқ керак?”, “Субстанция”, “Давлат ҳақидаги трактат” каби асарларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Форобийнниг инсон ва жамият, уларнинг ўзаро таъсири, давлат, сиёсат, уруш ва тинчлик каби масалаларига бағишланган асарлари сирасига “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахт саодатга эришиш” ҳақида рисола, “Фуқаролик сиёсати”, “Жамиятни ўрганиш ҳақида”, “Уруш ва тинч-тотув яшаш ҳақида”, “Давлат арбоблари ҳақида ҳикматлар” каби асарларида инсон, жамият, сиёсат, адолат, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия тўғрисидаги фикрлари баён этилган [15].

“Фозил одамлар шаҳри” асарида Форобий “Давлатни бошқарувчидан жуда кўп фазилатлар талаб қилинди. Жамоа бошлиғи мулоҳазали, ҳалол, камтар, ҳақиқатпарвар, донишманд бўлиши керак. Жамоа бошлиғи одамларга тўғри йўл кўрсатувчи мураббийдир. Давлат бошлиғи бир қатор туғма фазилатларга ҳам эга бўлиши керак. Жумладан, унинг тани соғ, жисмининг аъзолари бутун, тиниқ фикрли балоғат соҳиби бўлиб, ҳар нарсани очиқ идрок қилиши шарт”, деб ҳисоблайди. Ва яна “Ҳукм ва руҳ соғлиги, ўзидан аввал ўтганларнинг қонун ва усулларини яхши билиш ва фойдаланиш, эскиларнинг тажриба ва қонунларидан янги ҳукмлар чиқармоқ, ўзи идора қилаётган шаҳарнинг манфаатларини қўриқламоқ учун исботланган қарорлар чиқармоқ, чиқарган ҳукмларни ва ижара учун мўлжалланган усулларни халқнинг шуурига (онгига) жойлаштирмоқ учун таълимга аҳамият бермоқ, урушда ҳимоячини тайёр турмоқ” [16] муҳим деб уқтиради.

Муҳаммад ибн Аҳмад ал Беруний (973-1048) Шарқ мутафаккирларидан Муҳаммад ибн Аҳмад ал Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” ва “Ҳиндистон” каби асарларида ижтимоий табақаланиш, ижтимоий жараёнлар ва этатик тузилмаларни ўрганишга доир масалаларини назарий асослаган. Абу Райҳон Беруний “Минералогия” асарининг муқаддимасида инсон ва унинг ижтимоий ҳолати, жамият олдидаги масъулияти, шахс олижаноблиги, ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий адолат тўғрисидаги қимматли фикрларни баён этган [17].

Жамиятда шахс ўз социал мақомини ўзгартириш мақсадида бошқа бир социал гуруҳга кўчиб ўтиши жараёнида бир қанча қарама-қаршиликларга учрайди. Социал мобиллик назариясида эса жамият стратификациясининг паст табақадан юқори табақага кўчиб ўтишидаги қарама-қаршиликларнинг қанчалик камайиши ёки кўпайиши жамиятнинг ривожланишини ёки таназзулга учрашини Х асрда Беруний ўз асарларида назарий жиҳатдан асослаган.

Профессор М.Бекмуродов Абу Райҳон Беруний дунёнинг социологик манзараси эволюцион жараён натижасида таркиб топганлигини алоҳида қайд этади. У ўзининг монографиясида “Тузилиш ва бузилиш натижасида унсур бўлаклари бир-бирига қўшилиб, дунё обод бўлган ва олам тартибга тушган”. Айни чоғда Беруний оламни ижтимоий тараққиётга олиб келувчи куч зиддият ва қарама-қаршиликлар эмас, балки турли ижтимоий даражалардаги муроса ва консенсус эканлигини

уқтиради, “Қарама-қаршилиги равшан аён бўлган нарсага қандай ишониб бўлади”, деб улуғ мутафаккир қарама-қаршиликлардан холи бўлган жараёнларда ўзгариш эҳтиёжи кучайишига ишора қилади. Беруний социологиядаги муҳим соҳа ижтимоий табақалашув ҳақида хам фикр юритиб, шундай дейди: “Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли хоҳишларни ифодалаш учун зарур бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир. Замонлар ўтиши билан бундай иборалар кўпайиб, ёдда сақланиши ва такрорланиши натижасида таркиб топиб, тартибга тушган” [18].

Алишер Навоий (1441-1501) Ғазал мулкининг султони ва буюк давлат арбоби фаровон давлат ва жамият ҳақидаги қарашларини ўзининг Садди Искандарий, Маҳбуб-ул қулуб, Пайғамбарлар ва донолар тарихи асарларида келтириб ўтган. Мутафаккир мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳамда ҳуқуқий муаммоларини фақат адолатли ҳукмдор бошқараётган ва қонун устувор бўлган мамлакатда ечимини топиш мумкин деб таъкидлаган. А.Навоий учун адолат ва қонун устуворлиги ижтимоий тараққиётнинг асоси ҳисобланган. Унинг концепиясида ҳукумдорнинг шахсий фазилатлари муҳим аҳамият касб этган. Фазилатли ва комил инсон ҳақида Навоий ўзига хос бетакрор инсонпарвар таълимотга асос солган. Навоий таълимотларида, бир томондан ҳукмдор ва боғбонни, бошқа томондан давлат ва боғни солиштиради. Унга кўра, агар боғбон ақлли ва меҳнатсевар бўлса, унинг боғи гуллаб-яшнайди. Худди шундай агар мамлакатни ақлли, доно, адолатли, халқи учун қайғурадиган ва уни севадиган ҳукмдор бошқарса ўша давлат ривожланиб фаровонлашади ҳамда жамият бир бутун кучга айланиб, давлатни ва давлат ҳукмдорини қўллаб-қувватлайди ҳамда ҳимоя қилади [19].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Шарқ заминидаги Қадимги Миср, Ҳиндистон, Бобил, Хитой давлатлари энг қадимги цивилизация марказлари бўлиб, ушбу давлатлар ўзининг ривожланиш босқичида давлат бошқаруви, жамиятнинг ижтимоий табақалашуви ва этатик тузилмалар тузишда дастлабки таълимотлар деб ҳисоблаш мумкин. Юқорида номлари келтирилган Шарқ мутафаккирларининг давлат ва жамият бошқаруви ҳамда социал стратификацияга доир таълимотлари Қадимги Юнонистон ва Қадимги Рим давлатларидан олдинроқ шаклланган. Шарқ мутафаккирлари таълимотларини цивилизация юзага келтирган алломалар сифатида эътироф этиш мумкин.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Новейший философский словарь: 3-е изд., исправл. - Мн.: Книжный Дом. 2003. – С.801.
2. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари: Дарслик. – Т.: Шарқ, 2002. – 21 б.
3. Усмонов Қ., Содиқов М., Бурхонова С. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. –Т.: Шарқ, 2005, – 478 б.
4. Авесто, II жилд, 660-бет.
5. “Авеста”. Издательство: Дружба народов, КРАМДС - Ахмед Яссауи, Алматы, 1992. Стр.21-27.
6. Мухитдинова Феруза Абдурашидовна. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. – 376 б.
7. История социологических учений.Древний Восток.М., 1950,. – С.230
8. Политические системы и культуры Востока / Л. Б. Алаев и др. ; под ред. А. Д. Воскресенского. Изд. 2-е, перераб. и доп. М., 2007. С. 33–34.
9. Евсеенко Т. П. К вопросу о “Гражданской общине” в Древнем Мире // Античная Древность и Средние века. – 2003. – № 34. – С. 15.
10. История социологических учений.Древний Восток.М., 1950,. – С.230
11. “Диссертация на тему “Космология китайского буддизма”, Автор научной работы: Ю.А.Кушнарев, 2001. С.5-7.
12. Бекмуродов М.Б. Замонавий бошқарув социологияси. Монография. – Т.: Янги аср авлоди. 2020. – 15 б.
13. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи: олий ўқув юрт. – ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар учун дарслик (Муаллифлар таркиби: Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Ф.Воҳидов, Ю.Т.Дадабоев, Д.Воҳидова. Масъул муҳаррир Ҳ.Б.Бобоев ва бошқ.). – Т.: Давлат юридик институти, 2003, – 205 б.

14. Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). – Т.: А.Қодирий, 1999. – 77 б.

15. Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). – Т.: А.Қодирий, 1999. – 98 б.

16. Фозил одамлар шаҳри. Абу Наср Форобий / Таржимонлар Абдусодиқ Ирисов, Марҳам Махмудов, Урфон Отажон. Масъул муҳаррирлар М.Хайруллаев, М.Жакбаров. – Т.: Янги аср авлоди, 2016. – 286-288 б.

17. Абу Райхан Мухаммед ибн Ахмед ал-Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия) / пер. с араб. А. М. Беленицкого; статьи и примечания А. М. Беленицкого и Г. Г. Леммлейна; под ред. И. М. Стеблин-Каменского и В. П. Никонорова; вступ. статьи И. М. Стеблин-Каменского, Д. Абдуллоева, В. П. Никонорова и Н. П. Юшкина. – 2-е изд., доп. и испр. СПб.Петербургское лингвистическое общество, 2011. – С. 5-6.

18. Бекмуродов М.Б. Замонавий бошқарув социологияси. Монография. – Т.: Янги аср авлоди. 2020. – 18 б.

19. Алишер Навоий. Танланган асарлар, 13 том. – Т., 1981. – 115 б.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА “ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ” ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ САМАРАДОРЛИГИ



Азимжон МАХМУДОВ,
Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг мониторинг ва ижро назорати бўлими етакчи мутахассиси

Аннотация: *ушбу мақолада давлат бошқарувига ахборот-коммуникация технологиялари, “Электрон ҳукумат” тизимининг таъсири натижасида иқтисодиётнинг ривожланиши, маъмурий буйруқбозлик сабабли келиб чиқадиган сарф-харажатларнинг камайиши, давлат ташкилотларининг иш унуми ва самарасининг ошиши, аҳолининг турли ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳисобига фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича имкониятларнинг кенгайиши, давлат хизматлари фаолиятида шаффофликнинг ортишига доир масалалар таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *давлат бошқаруви, давлат фуқаролик хизмати, “Электрон ҳукумат”, электрон ҳужжат ва тижорат, рақамли технология, электрон тўлов, ЭҲМ, электрон имзо, ахборот тизимлари мажмуи.*

Эффективность в государственное управление внедрени системы “Электронное правительство”

Азимжон Махмудов,
Университет Инха в Ташкенте, ведущий специалист отдела мониторинга и исполнительного контроля

Аннотация: *в данной статье рассмотрено развитие экономики в результате внедрения информационно-коммуникационных технологий, системы “Электронное правительство” в государственном управлении, снижение расходов, возникающих на основании административных распоряжений, повышение производительности труда и эффективности государственных организаций, а также удовлетворение потребности населения в различной информации, гражданственности, расширение возможностей формирования общества, повышение прозрачности деятельности государственных служб.*

Ключевые слова: *государственное управление, государственная гражданская служба, “Электронное правительство”, электронный документ и коммерция, цифровые технологии, электронный платеж, ЭУ, электронная подпись, совокупность информационных систем.*

Effectiveness of implementation of the “Electronic Government” system in Public Administration

Azimjon Makhmudov,
Leading specialist of the monitoring and executive control department of Inha University in Tashkent

Annotation: *in this article, the development of the economy as a result of the influence of information and communication technologies on public administration, the “Electronic Government” system, the reduction of expenses caused by administrative orders, the increase in the productivity and efficiency of state organizations, the formation of a civil society due to the satisfaction of the population’s need for various information issues related to expansion of opportunities, increase of transparency in the activities of public services were analyzed.*

Keywords: *public administration, state civil service, “Electronic Government”, electronic document and commerce, digital technology, electronic payment, EC, electronic signature, set of information systems.*

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг ўтган қисқа вақт ичида барча соҳаларда улкан ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинаётгани, бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофи эканидан далолатдир.

Дарҳақиқат, кейинги вақтларда мамлакатимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган янги босқичдаги ислоҳотлар ўз самарасини бера бошлаб, Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилди.

Мазкур янгиланишлар давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Янги Ўзбекистонда демократик давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган юксак ғояга асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, барча соҳаларни либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича муҳим устувор йўналишларни амалга ошириш, шу асосда давлатни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича стратегик ёндашув ва тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тақозо этилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатда давлат бошқаруви тизимини давр талабларидан келиб чиққан ҳолда тубдан модернизация қилиш ҳамда маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини янада такомиллаштириш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида Президентимиз томонидан бир қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Биринчидан, электрон давлат хизматларини кўпайтириб, уларнинг сонини, масофавий хизматлар улушини ошириш режалаштирилган. Бу эса ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал этишга қодир бўлган, инновацион ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига жавоб берадиган давлат бошқаруви тизимини яратишга имкон беради.

Аҳолига давлат хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши унинг сифати ва коррупциянинг кескин қисқаришига замин яратади.

Иккинчидан, давлат бошқаруви идоралари ва ҳокимликларнинг тузилмаси тубдан такомиллаштирилиши, ходимлар сони қисқартирилиши ҳамда бошқарув идоралари ҳар бир бўғинидаги раҳбар ва ходимларнинг ваколат чегараси аниқ белгилаб берилиши алоҳида таъкидланди. Бу, ўз навбатида, бир-бирини такрорловчи ва ҳозирги кунда долзарб бўлмаган давлат функцияларининг қисқартирилишига олиб келади.

Қолаверса, жаҳонда интеграциялашув ва глобаллашув жараёнлари кечаётган ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жамият тараққиётини таъминлаш, халқ хўжалигининг барча жабҳаларига интеграция қилиш масаласи – барча соҳалар учун ўта долзарб ва муҳим вазифадир. Тез тараққий этиб бораётган ахборот-коммуникация технологияларига асосланган – Электрон ҳукумат тизимини яратиш, унинг барча имкониятларини ижтимоий ва иқтисодий, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, коммунал соҳаларда амалиётга татбиқ этиш – халқ манфаатларига хизмат қилиши, меҳнат самарадорлиги ва сифат, қурилаётган жамият учун янги имкониятлар, қулай шарт-шароитлар яратади.

Ахборот алмашинувининг ҳар бир босқичи, ўз даври учун алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири жамият ҳаётига чуқур сингиб, маълум бир ижтимоий ва маданий ўзгаришларга ҳам сабаб бўлган. Масалан, электрон нур трубкасининг яратилиши жамиятни ахборотлаштиришнинг энг самарали воситаларидан бири – телевидение даврини бошлаб берган бўлса, XX асрнинг 60-70-йилларида ЭҲМларнинг ривожланиши асносида юзага келган компьютер ва тармоқ технологиялари, ахборот-коммуникация технологияларининг тараққиётининг мантиқий давоми сифатида юзага чиқди. Хусусан, матбуотнинг тараққий этиши жамиятдаги саводхонликнинг ортишига қанчалик ҳисса қўшган бўлса, радио ва телеэшиттиришлар орқали аҳоли тезкор усулда муҳим сиёсий, маданий ва маънавий ахборот олиш воситасига эга бўлди. Жамият ижтимоий-иқтисодий фаолиятида ахборот қийматининг ортиб бориши ва унинг тақчиллиги муаммоларини бартараф этишда интернетнинг ўрни беқиёсдир. Давр тақозоси билан шаклланаётган ахборотлаш-

ган жамиятда ахборотга нисбатан халқаро миқёсда давлат сиёсати юритила бошлади. Бунинг яққол исботини “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижаларида кўриш мумкин.

Ушбу мақолани ёзишдан мақсад – замонавий ахборот-коммуникация ва рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатаётган миллий тизим, ташкил этувчи компонентлари, масалалари асосларидан назарий ва амалий билимларни қисман бўлса ҳам ёритишдан иборат. Бунда:

- давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини шакллантириш тамойиллари;
- давлат ва интерактив хизматлар портали, коммуникация ва интернет тармоғи;
- давлат ва ҳукумат бошқаруви ҳамда хизматлари;
- ахборотлаштириш, электрон ҳукумат, интерактив давлат хизматлари ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар;
- давлат ва ҳукумат бошқаруви ҳамда хизматларида жорий этилаётган ахборот-коммуникация тизимлари;
- интернет ва компьютердан самарали фойдаланиш, ахборот маданияти ва интернетдан фойдаланиш қоида ва этикаси, ахборот хавфсизлиги тамойилларини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- давлат бошқарувида, ташкилот ва органларида жорий этилган ахборот тизимлари, давлат хизматларини кўрсатишда ахборот-коммуникация тизимларини қўллаш соҳалари;
- ахборот тизимлари ва технологияларининг функционал имкониятлари ва улардан оқилона фойдаланиш;
- давлат бошқаруви ва хизматларида жорий этилган ахборот тизимлари ва технологиялари, хизмат ахборотларини олишни шакллантириш, гуруҳлаш ва таҳлил қилиш масалалари кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳамма аҳолиси ҳам бу ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмаса-да, вақт ўтиши билан ушбу тизим жамият ҳаётининг бутун жабҳасини қамраб олишини дунё тажрибаси кўрсатмоқда. Жумладан, 2022 йил 7 октябрь куни БМТнинг жаҳон мамлакатларининг Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси (Е-Говернмент Девелопмент Индех, ЕГДИ-УН Е-Говернмент Сурвей 2022) эълон қилинди. Унга кўра, жаҳондаги энг яхши 15 та электрон ҳукумат гуруҳи фақат энг тараққий этган мамлакатлардан ташкил топган.

Европадан 7 та мамлакат (Дания, Эстония, Финляндия, Исландия, Мальта, Нидерландия, Швеция ва Буюк Британия), Осиёдан 4 та мамлакат (Жанубий Корея, Япония, Сингапур, Бирлашган Араб Амирликлари), Океаниядан 2 та мамлакат (Австралия ва Янги Зеландия), Америкадан 1 та мамлакат (АҚШ) ўрин эгаллаган.

Қаторасига учинчи марта (6 йилдан бери) электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича Австралия ва Янги Зеландия – Океанияда, АҚШ – Шимолий ва Жанубий Америкада, Корея Республикаси – Осиёда ўз етакчи мавқеини сақлаб қолган. Дания электрон ҳукумати қаторасига 3-марта жаҳонда энг яхши, деб топилган.

Шу мунсоабат билан электрон ҳукуматни ривожлантириш, аҳолининг компьютер саводхонлигини ошириш, унинг давлат электрон ва интерактив хизматларидан фойдаланишга ўргатиш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кўникмаларга эга бўлиши учун ўқитиш ва Ўзбекистон ҳам жаҳондаги энг яхши 15 та электрон ҳукумат гуруҳига кириши ва энг тараққий этган мамлакатлардан бирига айланиши учун ҳаракат қилишимиз долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда ҳукумат томонидан бир қатор стратегик вазифаларнинг белгиланиши – ана шу мақсадни тез муддатларда ҳамда сифатли равишда амалга оширишга қаратилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 мартдаги “Электрон ҳукумат” тизимининг маълумотларни қайта ишлаш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Бунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги ПҚ–357-сон қарори билан тасдиқланган “2022–2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янада такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси”нинг 18-бандига мувофиқ “Электрон ҳукумат” тизимининг маълумотларни қайта ишлаш марказини ишга тушириш ҳамда давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини босқичма-босқич жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлаш белгиланганлиги, ҳозирги кунда “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш

маркази” давлат муассасасида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда “Электрон ҳукумат” тизимининг маълумотларни қайта ишлаш маркази ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилинган. “Электрон ҳукумат” тизими инфратузилмасига оид давлат ахборот тизимларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашга масъул бўлган давлат органлари билан ҳамкорликда “Электрон ҳукумат” тизимининг маълумотларни қайта ишлаш марказига жойлаштирилган ва сақланаётган давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари хавфсиз ва барқарор ишлашини, ахборот ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқ фаолият юритишини таъминлаш, булутли технологиялар асосида давлат органлари ва ташкилотлари учун янги турдаги хизматларни жорий этиш ва бошқа кўплаб вазифалар белгиланган.

Бизга электрон ҳукумат нимага керак? Бу саволга жавоб бериш учун ушбу ҳукумат моҳиятини очишимиз керак.

Электрон ҳукумат давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизимидир.

Умуман олганда, Электрон ҳукумат, бу – рақамли технологиялар, интернет ва замонавий оммавий ахборот воситалари асосида давлат хизматларини тақдим қилиш жараёнини, фуқаролар ва бошқарувни ички ҳамда ташқи ўзаро муносабатларда ўзгартиришлар воситасида иштирокини доимий оптималлаштиришдир. Электрон ҳукумат аҳолига, тадбиркорларга ва давлат органларига кўрсатилаётган давлат хизматларини тақдим қилишни осонлаштиради, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқаришлари учун қўшимча имкониятлар яратади, уларнинг технологик янгиликлардан хабардорлигини оширади ва давлат бошқарувидаги иштирокини осонлаштиради.

Электрон ҳукуматнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- давлат органлари фаолиятининг самарадорлиги, тезкорлиги ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулияти ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишни таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратиш;

- ариза берувчилар учун мамлакатнинг бутун ҳудудида давлат органлари билан ўзаро муносабатларни электрон ҳукумат доирасида амалга ошириш бўйича имкониятлар яратиш;

- ўз зиммасига юклатилган вазифалар доирасида давлат органларининг маълумотлар базаларини, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва Электрон давлат хизматларининг ягона реестрини шакллантириш;

- аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда электрон ҳужжат айланиши, давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги ва уларнинг маълумотлар базалари ўртасида ахборот алмашинуви механизмларини шакллантириш ҳисобига давлат бошқаруви тизимида “бир дарча” принципини жорий этиш;

- тадбиркорлик субъектларини электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга, шу жумладан, статистика ҳисоботини тақдим этиш, божхона расмийлаштируви, лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар бериш жараёнларида, шунингдек, давлат органларидан ахборот олиш жараёнларида электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга ўтказиш;

- тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат, интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали маҳсулотни сотиш ва харидларни амалга ошириш тизимларидан фойдаланиш, шунингдек, коммунал хизматларни ҳисобга олиш, назорат қилиш ва улар учун ҳақ тўлашнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этишни кенгайтириш;

- нақд бўлмаган электрон тўловлар, давлат харидларини амалга ошириш, масофадан фойдаланиш тизимлари ва банк-молия соҳасидаги фаолиятнинг бошқа электрон шаклларини ривожлантиришдан иборат.

Электрон ҳукуматнинг муваффақият омиллари шундаки, аниқ мақсад ва АКТ стратегиясига асосланиб режа тузилади, ҳукумат лойиҳаларини яратишда қонунчилик ёки тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий асослар талаб қилинади, чунки бир қанча йил олдин яратилган қонунлар янги электрон хизматларни татбиқ қилишда тўғри келмайди. Қонун ва йўриқномаларни ташкил қилишда

аниқ мақсадлар зарур, чунки аниқ режалар электрон ҳукуматни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга. Янги лойиҳалар учун янги қонуний ўзгартириш киритишнинг режасини тузиш ҳам кўп вақтни талаб қилади. Электрон ҳукуматнинг асосий вазифаси ҳукуматни янгидан тузиш ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам, муваффақиятли электрон ҳукумат бизнес жараёнларига асосланади. Масалан, Жанубий Кореяда шахслар расмий сайт орқали ўзининг мурожаати кўриб чиқилиши қайси босқичда эканлигини кузатиб бориши мумкин. Ҳар қандай мамлакатда миллий маълумотлар базаси ҳамда электрон реестрлар электрон ҳукумат фаолиятининг асосий жиҳатлари ҳисобланади. Бу механизмлар жисмоний ва юридик шахслар, автомобиль транспорти, кўчмас мулк, давлат хизматлари тўғрисидаги маълумотларни тизимлаштириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида миллий ахборот тизимларини ривожлантириш доирасида олтита маълумотлар базаси, 12 та ахборот тизимлари мажмуи яратилмоқда. Шу жумладан, “Солиқ” ахборот тизимлари мажмуи ўнта дастурий маҳсулот ва 31 та автоматлаштирилган тизимдан иборат. Унинг ишга туширилиши натижасида Давлат солиқ қўмитасининг 31 та хизматини электронлаштириш мумкин бўлади. Бундан ташқари, “Клиринг”, “Харид”, “Бюджет”, “Божхона”, “Лицензия” ҳамда “Адлия” сингари ахборот тизимлари мажмуи ҳам мавжуд бўлиб, улар муайян соҳада маълумотларни тўплаш ҳамда қайта ишлаш ҳамда хизматларнинг бир қисмини электронлаштиришга шароит яратмоқда. Шунингдек, “Соғлиқни сақлаш”, “Таълим”, “Коммунал” тизимлари ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида мамлакатнинг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, ҳудудларда рақамли тафовутни бартараф этиш, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш учун зарур муҳитни яратиш бўйича маълумотларга асосланган рақамли иқтисодиётни шакллантириш, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик суъбектларига қулай давлат хизматларини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (ПФ–6079-сон, 05.10.2020 й.) қабул қилинди.

Бунда, 2020–2022 йилларда ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш доирасида:

- аҳоли пунктларини интернет тармоғига улаш даражаси, шу жумладан, кенг полосали уланиш портларини 2,5 миллионгача кўпайтириш, 20 минг километр оптик-толали алоқа линияларини қуриш ва мобил алоқа тармоқларини ривожлантириш орқали 78 фоиздан 95 фоизга етказиш;

- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли соҳаларида 400 дан ортиқ ахборот тизимлари, электрон хизматлар ва бошқа дастурий маҳсулотлар жорий этиш;

- иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларидаги корхоналарда бошқарув, ишлаб чиқариш ва логистика жараёнларини автоматлаштириш бўйича 280 дан ортиқ ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар жорий этиш;

- Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги тасарруфидаги ташкилот ва бўлинмалар негизида “Рақамли идора” лойиҳасини амалга ошириш;

- барча вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида амалдаги раҳбар ўринбосарларидан бирига рақамлаштириш бўйича ўринбосар (Чиеф Дигитал Оффисер) ваколатларини юклатиш;

- 587 минг нафар кишини, шу жумладан, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 500 минг нафар ёшларни қамраб олиш орқали компьютер дастурлаш асосларига ўқитишни ташкиллаштириш;

- ҳудудларда ҳокимлик, давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг рақамли саводхонлиги ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш учун тегишли олий таълим муассасалари бириктирилади ҳамда уларнинг 12 минг нафар ходими ахборот технологиялари соҳасида ўз малакаларини ошириш каби бир қатор тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, мазкур фармон билан рақамли инфратузилма, электрон ҳукумат, рақамли иқтисодиёт, рақамли технологиялар миллий бозорини ривожлантириш ҳамда ахборот технологиялари соҳасида таълим бериш ва

малака ошириш устувор йўналишларни ўз ичига олган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси тасдиқланди.

Мамлакатимиздаги истиқболли ислоҳотлардан коммуникация, тижорат, иқтисодиёт каби соҳаларнинг рақамлаштирилиши ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг амалдаги ижроси эътиборда бўлиши лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқарувига “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш юқорида санаб ўтилган натижалар билан биргаликда, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш йўли билан чет эл инвесторларини жалб қилишга, халқ фаровонлигини, юрт равнақини янада оширишга, мамлакатимизда баркамол иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қилади ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. https://e-gov.uz. Электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича етакчи 15 мамлакат. 2022 йил 7 октябрь.

2. https://lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 мартдаги “Электрон ҳукумат” тизимининг маълумотларни қайта ишлаш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 107-сонли қарори.

3. Рўзиев А.О., Азизова М.И., Джамалова Г.С. “Давлат хизматларини кўрсатиш миллий тизими” фанидан ўқув-услубий мажмуа. – Т.: 2019.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6079-сонли Фармони.

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК УЧУН

ШАХСНИ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ



Азамат АДИЗОВ,
Божхона қўмитасининг
Божхона институти ўқитувчиси

Аннотация: *мазкур мақолада шахсни ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш механизмларини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган ва илмий асосланган, таклиф ва тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс (МЖтК), болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот, вояга етмаган шахс, интернет, ҳуқуқбузарлик, ахборот хавфсизлиги.*

Совершенствование правовой основы привлечения лица к ответственности за правонарушение в сфере обеспечения информационной безопасности является актуальной задачей государственного и общественного управления

Азамат Адизов,
преподаватель Таможенного института Таможенного комитета

Аннотация: *в этой статье проанализированы вопросы совершенствования механизмов привлечения лица к ответственности за правонарушение в сфере обеспечения информационной безопасности и даны научно обоснованные предложения и рекомендации.*

Ключевые слова: *кодекс об административной ответственности (КоАО), информация, причиняющая вред здоровью детей, несовершеннолетние, Интернет, преступность, информационная безопасность.*

Improving the legal basis for holding a person accountable for an offense in the field of information security is an urgent task of state and community management

Azamat Adizov,
Teacher of the Customs Institute of the Customs Committee

Abstract: *in this scientific article, the issues of improving the mechanisms for bringing a person to responsibility for an offense in the field of information security are analyzed and scientifically based proposals and recommendations are given.*

Keywords: *Code of Administrative Responsibility, information harmful to children's health, minor, internet, crime, information security.*

Мавжуд маълумотлар таҳлилига кўра, мамлакатимизда амалга оширилаётган сўз эркинлиги ислоҳотларини изчил давом эттириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мазкур соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бузган шахслар учун жавобгарликни белгиловчи нормаларни такомиллаштириб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш натижасида ахборот алмашинув тезлиги юксалади, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш бўйича илғор ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш кенг кўламда амалга оширилади.

Мазкур жиҳатлар инобатга олинган ҳолда 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 98-мақсадида: жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз имижини оширишга қаратилган ахборотлар етказиш самарадорлигини ошириш белгиланган.

Ҳудудий жойлашишидан қатъи назар, кундалик ҳаётимизга турли хил ахборотлар интернет халқаро компьютер тармоғи орқали кириб келади. Шунинг учун ҳам мавжуд ахборотларга ноқонуний кириш, улардан фойдаланиш ва ўзгартириш, йўқотиш ҳамда болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш долзарб масалалар ҳисобланади.

Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборот болалар ўртасида тарқатилиши “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ тақиқланган ёки чекланган ахборот маҳсулотлар ҳисобланади. Ушбу соҳада Ўзбекистон ва хорижда олиб борилган илмий тадқиқот ишларини ўрганиш натижасида, ушбу йўналишда амалга ошрилган илмий изланишларда содир этиш усуллари ўзгариб борилаётганига алоҳида эътибор қаратилганини кўриш мумкин. Шунингдек, мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни белгилаш орқали зарарли ахборотларнинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилган.

Ҳозирги вақтда янги тенденция, янги йўналишларда болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотларни тарқатишга уринишлар содир бўлмоқда. Ахборот хавфсизлиги соҳасида тадқиқот олиб борган кўплаб олимлар мавжуд. Хусусан, россиялик профессор Й. Болотова ўз тадқиқот ишларида мазкур мавзу доирасида ўрганишлар ўтказган ҳамда ахборотларга бўлган талабларнинг психологик жиҳатларини инобатга олган ҳолда илмий асосларга таяниб, яхлит механизм сифатида таҳлил қилган.

Ўзбекистон Республикасида мазкур соҳани тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлардан бири “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясига мувофиқ, ҳудудларда ҳокимлар, давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш учун тегишли олий таълим муассасалари бириктирилиши ҳамда ходимларини ахборот технологиялари соҳасида ўқитиш белгиланган.

Таҳлил ва натижалар (Analizs and rezults). Юқорида такидланганидек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар билан бир қаторда, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузганлик учун жавобгарликни ўрнатиш ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати мавжудлигини кўриш мумкин.

Хусусан, 2017 йил 8 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ–444-сонли Қонуни қабул қилинган ва 2018 йил 10 мартдан кучга кирган.

Мазкур қонун билан болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ушбу соҳадаги махсус ваколатли давлат органи, шунингдек, болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни таснифлаш ҳамда ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи (0+, 7+, 12+, 16+ ва 18+) аниқлаб берилди.

Ушбу қонуннинг 24-моддасига мувофиқ болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши белгиланган.

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ушбу қонун ва унда белгиланган қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни киритиш мумкин:

- ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини аниқлаш мезонларини ва тартиби;

- болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи томонидан экспертларни аккредитация қилиш тартиби;

- ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш тартиби;

- болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга доир маъмурий ва ташкилий чоратадбирлар, дастурий-аппарат ва техника воситаларига доир талаблар.

Мазкур ҳужжатларнинг барчаси юқоридаги қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

Лекин ушбу қонун ва юқорида кўрсатилган ҳужжатлар талабларини бузганлик учун қонуннинг 24-моддасида назарда тутилган жавобгарлик масаласи Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидаги ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ моддалар (46, 152, 155 ва 1551) билан қамраб олинмаган.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг амалдаги таҳридаги ахборот хавфсизлигининг мафкуравий-психологик йўналиши билан боғлиқ моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурияти мавжуд.

Жумладан, МЖтКнинг қуйидаги моддалари шахснинг мафкуравий хавфсизлигига бевосита таъсир қилувчи ахборот маҳсулотларини муомаласини тақиқлашга хизмат қилади:

- 1842-модда. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш;

- 1843-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш;

- 188-модда. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш;

- 189-модда. Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш;

- 1891-модда. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш;

- 2021-модда. Ғайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталарнинг фаолиятида қатнашишга ундаш;

- 241-модда. Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш.

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 189 – ва 1891 – моддалардан ташқари юқорида санаб ўтилган (1842, 1843, 188, 2021, 241) моддаларнинг диспозициясида бу каби ҳуқуқбузарликларни содир этиш механизми аниқ кўрсатилмаган.

Мисол учун: МЖтКнинг 1891-моддаси: Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, уни реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, – зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни, шу жумладан, уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан тўрт юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – юз бараваридан тўрт юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 31,0 млн. нафар аҳоли интернет тармоғидан фойдаланиши, жумладан, 30,0 млн.дан ортиқ фаол мобил интернетдан фойдаланувчининг мавжудлиги юқорида келтирилган ҳуқуқбузарликни CD/DVD-дискларда ёзиш ёки босма нашрларда чоп этиш орқали содир этилиши эҳтимолини деярли йўққа чиқаради.

Бунинг асосий сабаби сифатида бу каби қонунга хилоф ҳаракатларни интернет тармоғи орқали содир этиш кам харажат ва вақт талаб этишини ҳамда кўзланган ғаразли мақсадга тез эришиш имконини бериши билан изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги 405-сонли Қонуни билан Жиноят кодексининг 2441-моддасининг (Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш) 3-қисми г-банди сифатида “оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса” жумлаларини қўшилганлиги ўрганилаётган мавзунинг долзарблигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, ўрганилаётган ҳуқуқбузарликларнинг содир этиш механизми сифатида оммавий ахборот воситалари (ОАВ), интернет тармоғини алоҳида кўрсатиб ўтиш фуқаролар, айниқса ёшлар учун ушбу қонунга хилоф ҳаракатларни амалга оширишни олдини олишга қаратилган инструмент вазифасини бажариши мумкин.

Мазкур соҳада ҳориж тажрибаси ўрганилганида, Россия Федерациясида 2010 йил 29 декабрда "Болаларни уларнинг соғлиги ва ривожланишига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги 436-сонли қонуни қабул қилинган бўлиб, Россия Федерацияси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекснинг 6.17-моддасида айнан Россия Федерациясининг болаларни уларнинг соғлиғи ва ривожланишига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш учун жавобгарлик ўрнатилган.

Шунингдек, Россия, Беларус, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларидаги ахборот хавфсизлигининг мафкуравий-психологик йўналиши билан боғлиқ моддалари таҳририда оммавий ахборот воситаларидан ёки интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда содир этилиш механизми қамраб олинган.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion and suggestions). Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарлик учун шахсни жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш нақадар муҳим аҳамият касб этишига юқорида тўхталиб ўтдик. Хусусан, мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар ва телерадиоканалларнинг сони ортиб бораётганлиги ҳамда сўз эркинлиги таъминланган шароитда ушбу яратилган имкониятларни суиистеъмол қилишга уринишлар содир этилишини олдини олиш мақсадида, соҳани тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали такомиллаштириб бормас эканмиз, тартибга солувчи ва жавобгарликни белгиловчи нормаларни четлаб ўтиш орқали ҳуқуқбузарликларни содир этишга уринишлар кузатилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун шахсни маъмурий жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

- Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қуйидаги таҳрирдаги янги 1553-моддани киритиш, яъни болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги меъёрий талабларни менсимасликка қарши кўрсатмани киритиш;

- модданинг мазкур таҳрирда номланиши болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги барча қонун ҳужжатлари, жумладан қонунда назарда тутилган тартиб, қоида ва талабларни ўз ичига олишини таъминлайди;

- Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг амалдаги таҳриридаги ахборот хавфсизлигининг мафкуравий-психологик йўналиши билан боғлиқ 1842, 1843, 188, 2021 ва 241-моддалари диспозициясига "жумладан, оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек, интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса" жумлаларни қўшиш ушбу соҳадаги ишлар самарадорлигига ўз таъсирини ўтказади, деб ҳисоблаймиз.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрдаги "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ЎРҚ–444-сонли Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ–60-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–6079-сонли Фармони.
6. Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях.
7. Е.Л. Болотова. Комментарий к федеральному закону "О защите детей от информации, причиняющей вред их здоровью и развитию", 2014 г.

Ҳурматли муаллифлар,

“Жамият ва бошқарув” журнали таҳририяти ҳамкорлик учун Сизга миннатдорлик билдиради ва Сиздан нашр қилиш учун илмий мақолаларни беришда қуйидаги талабларга риоя қилишингизни сўрайди:

Мақолаларнинг мавзулари:	давлат бошқаруви, давлат сиёсати, инсон ресурсларини бошқариш, давлат фуқаролик хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат бошқаруви органларидаги ислоҳ этилган ўзгаришлар, ушбу йўналишлардаги миллий ва жаҳон тажрибалари каби устувор йўналишлар билан боғлиқ масалалар.
Мақолаларга қўйиладиган талаблар:	- илмий ва амалий нуқтаи назардан долзарблиги ва муҳимлиги; - мавзуси янги бўлиши ва уни ўрганишнинг янгича ёндашув таҳлил этилганлиги; - мавзуси фундаментал ишлаб чиқилган, аниқ ва равон баён этилганлиги; - тақдим этиладиган маълумотлар оригинал, олдин бошқа босма нашрларда эълон қилинмаган бўлиши; - хулосалари асосланган бўлиши лозим.
Мақоланинг тузилиши (структураси) қуйидагича бўлиши лозим:	- муаллифлар тўғрисидаги маълумотлар: исми, отасининг исми, фамилияси, иш жойи (тўлиқ), лавозими, илмий унвони, илмий даражаси – барчаси уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида) берилиши ҳамда иш ва мобил телефон рақамлари, электрон почта манзили кўрсатилиши; - аннотация 50-60 та сўз (ўзбек, рус ва инглиз тилларида), калит сўзлар (ўзбек, рус, инглиз тилларида 10 тагача), кириш, асосий қисм, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати; - фойдаланилган адабиётларнинг манбалари мақола мавзусига қатъий мос келиши, 20 та номдан ошмаслиги, нашр муддати 5 йилдан ошмаган (фундаментал тадқиқотлар бўйича монографиялар бундан мустасно) бўлиши лозим.
	Мақолалар халқаро IMRAD услубини қўллаган ҳолда ёзилиши ва қуйидаги саволларга жавоб бериши шарт.
	Кириш (Introduction) – тадқиқот нима учун ўтказилди, унинг мақсади нима ва қандай фаразлар текшириб кўрилди?
	Методлар (Methods) – тадқиқот қачон, қаерда, қай тарзда ўтказилди? Унда қайси материаллар иштирок этди ва улардан танловга қайсилари киритилди?
	Натижа (Rezults) – якунда қандай жавоб топилди? Илгари сурилган фаразлар тўғри айтилганми?
	Тавсия ва хулоса (Acknowledgements) – жавоб нимани билдиради? У қандай аҳамият касб этади?
	Муҳокама (Discussion) – ушбу тадқиқот бошқа тадқиқотчилар топган илмга яна нималарни қўшади? Бўлажак тадқиқот тадқиқотлар учун қандай истиқболга эга?

Таҳририятга тақдим этилган мақолалар учун техник талаблар:

- мақоланинг матни Microsoft Word 2003 версиясида тайёрланиши;
- шрифт Times New Roman, 14 шрифт кегели (ҳажми) бўлиши;
- сатрлар орасидаги масофа 1,5 интервал бўлиши;
- умумий ҳажми А4 форматида кўпи билан жадваллар, расмлар ва рўйхатларини қўшганда 15 бетдан ошмаслиги;
- матнли саҳифа юқоридан ва пастдан 2 см. чапдан 3 см. ўнгдан 1,5 см. ҳошияга эга; хатбоши 1,27 см. га тенг ва бир хилда бўлиши;
- фотосуратлар (муаллиф фотоси шарт, расмлар) JPEG форматидаги алоҳида файлларда, кенглиги 150–300 dpi дан кам бўлмаслиги;
- Microsoft Word матн муҳаррирдаги расмлар, шунингдек, уларнинг ксеронусхаларини тақдим қилиш мумкин эмас. Барча (ўзида тадқиқотнинг умумлаштирилган материалларини ифодалаган) фотосуратлар, жадвал ва чизмаларга изоҳлар берилган бўлиши лозим: расмнинг номланиши / рақами берилган файл, унга берилган шарҳлар (ким, нима тасвирланган, қаерда ва ҳ.к.) каби маълумотлар бўлиши;
- рўйхатдаги файлларнинг номланиши / рақами фотосуратларнинг номланиши/ рақамига мос келиши;
- барча манбалар мақоланинг ички қисмида рақамланган ҳавола тарзида берилиши керак. Матндаги ҳаволалар квадрат қавс ичида (масалан, М.Баратов [7], [9]) келтирилиши шарт.

Муаллифларга эслатма:

- “Жамият ва бошқарув” журнали йилига 4 марта чоп этилади;
- мақолалар таҳририятга антиплагиат-ҳисобот билан биргаликда тақдим этилади;
- муаллифлар келтирилган маълумотлар, цитаталар, ҳаволалар ва библиографик ҳаволаларнинг аниқлиги учун тўлиқ жавобгар бўладилар;
- этика нуқтаи назардан таҳририятга тақдим этилган материаллар илгари бошқа нашрларда чоп этилган ёки бошқа нашрларда кўриб чиқилаётган бўлмаслиги керак. Шунинг учун муаллиф таҳририятга ушбу шаклда нашр этиш учун тақдим этган материалини барча ҳаммуаллифлар ва иш бажарилган ташкилот номидан кафолатланиши керак;
- нашрга қабул қилинган мақолани журнал таҳририятининг ёзма розилигисиз уларни бошқа тилларга таржима қилиб такроран чоп этмасликни кафолатлаши керак;
- илмий нашрнинг жорий сонида муаллифнинг фақат 1 та мақоласи чоп этилади ва унда муаллифлар уч нафардан ошмаслиги лозим;
- таҳририят мақолаларни қисқартириш, тўғрилаш ва таҳрир қилиш ҳуқуқига эга;
- журнал юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган қўлёзмаларни қайтариш ҳуқуқига эга. Таҳририятга тақдим этилган мақолаларнинг чоп этилиши ёки этилмаслиги ҳақидаги қарорни Таҳрир ҳайъати қабул қилади;
- таҳририят муаллифни фақат нашр қилиш бўйича хулоса ҳақида хабардор қилади. Нашр қилиниши рад этилган ҳолларда таҳририят назарий мунозараларга киришмайди.

Мақолаларни jurnal95@dba.uz электрон почтаси орқали юбориш мумкин.
Мурожаат учун телефон: +998 71 232 60 76



www.dba.uz